

НАБИЖОН ҲОШИМОВ

# ЧИМИЛДИҚЛИ УЙ НОЛАСИ

*Саргүзашт роман*

МАЖБУРІЙ  
НУСКА



Тошкент - 2012

УДК: 821. 512. 133-3

КБК: 84(5У)7

X71

Уз. араб.

Хошимов, Набижон

Чимилдиқли уй ноласи: саргузашт роман (қайта нашр)/  
Хошимов Набижон; –Тошкент : “Dizayn-Press”, 2012. 320 бет.

УДК: 821. 512. 133-3

КБК: 84(5У)7

Кўлингиздаги мазкур роман бир-бира га аҳду паймон қилгану бироқ баҳти турмуш қуришдан бенасиб бўлган иски севишган ёшларнинг покиза мухаббатлари, қалб изтироблари ҳамда аянчли тақдирлари ҳақидадир. Уларнинг кўнгил ҳиссиятларига қулоқ осмай ўзларининг ҳукмларини ўтказадиган баъзи ота-оналар, қариндош-уругларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли роман қаҳрамонлари оғир синовларга дучор бўладилар. Бироқ ҳаётда шундай кутимаган мўжизалар рўй берар эканки, қашшоқнинг бойиб кетиши, иложисиз ошиқ-маъшуқаларнинг эса бир-бирларига етишишилари ҳам мумкин экан.

Одамлар, яқин қариндошлар, ёру биродарлар, турли миллатлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро муносабат, турмушининг оғирлик ва ҷигалликларини ҳамжиҳатликда енгигиб ўтиш борасидаги матонат, жуфти-ҳалолига бўлган садоқат, оила мустаҳкамлиги учун кураш романда ишонарли тарзда баён этилган.

«Чимилдиқли уй ноласи» романни реал воқеалар асосида ёзилган бўлиб, ўз ҳаётини ҳикоя қилиб берган асосий қаҳрамоннинг илтимосига кўра, баъзи исмлар ва жой номлари ўзгартирилди. Романдаги қаҳрамонлар замондошларимиздир.

Фоиз муаллифлари: Невъматжон Хошимов, Маҳфузा Эргашева

Тақризчилар: Эркин Хушвақтов—драматург;

Ориф Фармон — ёзувчи, Узбекистон

Ёзувчилар уюшмасининг авзоси.

ISBN 978-9943-20-075-3

10 40555  
2

2012/185  
A/2/186

Alisher Navoiy


nomidagi

O'zbekiston

© «Lider-Press» нашриёти, 2009

© «Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти

© Набижон Хошимов



Ушбу кун севгимга тутарман мотам,  
Қанчалар бағритош экан бу олам.  
Нечун яратынгиз азобга, Эгам?!  
Қалбимда аламу қўлимда ҳалам.  
Аламо, алам...

Маҳфузә Эргашева

## I ҚИСМ АЛАМЛИ МУҲАББАТ МУҚАДДИМА

Жонига теккан шабнаминг совуқ томчиларини тўзгитмоқ бўлиб бабақхўroz қанотларини тўсатдан силкитиб юборади. Томчилардан сесканган қўноқдаги қолган товуқлар эса хўрознинг бу bemavrid қилиғидан норози бўлгандай "ғақ" деган бўйиқ овоз чиқариб қўйишади. Уйкуси қочган хўрознинг бу ҳолатдан баттар ғаши келади. Бу маҳалда қишлоқ масжитининг сўфиси таҳорат қилаётган, гузарда турган икки автобус томон ҳали ионушта қилмаган одамлар жунжика-жунжика, томоқларини қира-қира оқиб келаётган бўладилар. Улар руль устида мудраётган ҳайдовчига эшитилар-эшитилмас салом берган бўладиларда, ўриндиқларни эгаллаб, ўзлари ҳам пинакка кетадилар.

Кўп ўтмай бетоқат бабақхўroz қичқиришни, сўфи эса аzon чақиришни бошлиайди. Ҳадемай автобус ўриндиқлари йўловчиларга лиқ тўлади. Энди кечикканларга жой қолмайди. Улар ғала-ғовур қилиб, тик туриб жойлашадилар. Осмоннинг ёниқ юлдузлари хира тортади. Теварак-атроф оқариб, шафақ қизара бошлиайди. Эркагу аёллар билан тўлган автобусда шовқин кучая боради. Ҳайдовчи бир эснаб керишиб олади-да, ўрнидан эринибгина туриб, кўзларини ишқай-ишқай кира ҳақини йиғади. Тиқилинчдан бетоқат бўлганлар эса энди гўё бабақхўроздай норози қичқира бошлиайдилар:

- Ҳой, бўлди-да энди. Шофёр ака, тезроқ ҳайданг-е!
- Қийналиб кетдик-ку!
- Ҳечқиси йўқ, чидайсанлар! Оталаринг ҳам чидаб келишган, — дейди ҳайдовчи бепарво пулнинг чўрини санаркан.
- Орқароқча ўтинглар! Анави ташқарида турган бечора ҳам сигиб қолсин, илтимос.
- Ҳа-я, — дейди бир аёл уни маъқуллаб, — Уларниям бола-чақаси бор ахир. Оз-оз яна сурилинглар...

Ўтириб ёки тик туриб бўлса-да ўрнашиб олганлар эса бу гапларга аралашмайдилар. Уларнинг парвойи палак, кечаги ўтган кунларида қанақа одамларнинг уйида нима иш қилганликлари, ёлловчиларнинг яхши одамлигию зиқналиклари, ишбилармонлигию тадбиркорликлари, умуман, кўрган билганлари ҳақида гоҳ завқланиб, гоҳ зарда билан ўзаро баҳс юритишади.

— Қани бўлмаса, ўртоқлар. Ишёқмас, ялқовларнинг пулини олгани кетдикми! — дейди ниҳоят ҳайдовчи ҳар кунгидек гурур билан қичқириб.

— Ҳайданг, кетдик! — дея жавобан қийқиришади йўловчилар.

— Қани омин, сафаримиз бехатар бўлсин! Иш берадиганларга худойимнинг ўзи инсоф берсин! Илоҳим қишлоғимизга, бола-чақамизнинг ҳузурига соғ-омон қайтайлик, Оллоҳу акбар! — дейди мўйсафидлардан бири ташаббусни ҳар кунгидек ўз кўлига олиб.

Фала-ғовувларга тўла бўлган икки автобус ўрнидан қўзралади.

Шириңсойда тонг ҳар куни шундай отади. Қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми ҳар кун сахар ёлланиб ишлаш учун қўшни туманга жўнаб кетишади ва тун қоронгуси тушаёттан маҳали ҳориб-чарчаб қайтиб келишади.

Бу ерликлар учун ёлланиб ишлаб келиш янгилик эмас, балки азалий анъана ҳисобланади. Чунки бу депарадаги ерларда сизот сувлари яқинлиги туфайли ҳосил битмайди. Кетмонни урсанг сув сачрайди. Ҳаттоқи қабрни ҳам ер сиртига тахтадан сўри қилиб ва атрофига мақбарасимон гувала уриб кўтарадилар, сўнгра атрофига тупроқ тўлдириб, майитни кўмадилар.

Томорқаларида фақат қалампиру маккажүхори аранг битади. Шаҳарлару завод-фабрикалар бу ерга жуда узок. Ҳаттоқи туман марказига ҳам бора олган боради. Шу сабабли шириңсойликларга бошқа иш йўқ. Билагида қуввати ва имконияти бўлган эр йигитлар асосан Россия ва бошқа давлатларга тирикчилик таптвишида йиллаб ишлагани кетишади. Бундай имкониятдан маҳрум бўлғанлар эса қўшни туманга бориб турли юмушларга ёлланиб, пул топиб келишади. Фақат кексалару болалар қолган қишлоқ кўчалари ҳар куни ҳувиллайди. Бироқ маҳаллий аҳоли бу ҳолатга кўнишиб кетишган. Улар ҳалол меҳнатларининг натижасидан фахрланишиб, олган иш ҳақларини қайта-қайта ҳисоблаб, иуур билан ҳар куни оиласарига қайтиб келишади. Болачақаларининг рисқи-насибаларини топишаётгани учун Яраттанга минг қатла шукроналар қилишади...

Ойниса ҳам мана шу маконда ўсиб-улгайди. Эсини танибдики, отаси оиласи боқиши, пул ишлаб келиш дардида узок, муддатли сафарларга кеттан бўлса, акалари эл қатори ҳар тонг кетиб, кеч тунда қайтишар, ўзаро сухбатларининг мавзуси ҳам фақат шу ҳакида бўларди. Ҳориб-чарчаб келгандлари учун оз-моз тамадди қилган бўлишар, сўнгра ётардилару қотардилар. Қишлоқ кўчалари ёзда чанту қишида бот-бот лой бўлади. Сиртдан қараганда бу ерларда тараққиёт бутунлай қотиб қолгандай, бутун борлиқ мунгли кўринади.

Ойнисанинг болалиги шўро даврида мана шу кўчаларда чанг ва лойга ботиб мактабга бориб келишу пахтазор далаларида онасига ёрдамлашиб билан ўтди. Мактабда ўқиши деярли бўлмас, асосий куч ва эътибор унумсиз ерларда пахта етиширишга қаратилган бўлиб, мактаб раҳбарлари колхоз раисига бўйсунувчи қўғирчоқлар каби эдилар. Ана шундай бўлса-да. Ойниса иштиёқ билан ўқиди. У баъзи фанларни мустақил ўзлаштирас, кўп китоблар ўқир айниқса, адабиётни жонидилидан яхши кўрарди. Шеърий китобларни мутолаа қилар экан, унинг тасаввурнида ҳам романтик туйғулар жўш урди. Теварак-атрофида кўринган ҳар бир нарса, ҳар бир табиий жараён, осмону юлдузлар, қуёпгу булутлар, бояғи даалалар, ҳамма-

ҳаммаси, ҳатто, гуллару ҳазонлар, тупроғу лойлар, қушлару ҳашаротлар унинг нигоҳида ўзгача шукух, ўзгача гўзаллик билан акс эта бошлади. Тез орада унинг бошқа тенгқурларига нисбатан иқтидорлироқ экани маълум бўлди. Қизча шеърлар машқ қиласарди. Унинг шеърларида асосан табиат, ҳаёт гўзалликлари ёки мурғакнинг орзу ва армонлари куйланарди. Бора-бора ҳамқишлоқлари кечираёттган noctor ҳаёт, турмуш оғриқлари унинг ҳам дардларига айланиб борди. Ўзи эса кўзга тез ташланадиган гўзал ва латофатли қиз бўлиб улгайди.

Мактабни аъло баҳолар билан туттагтган қиз қалбида илк бор қолоқ қишлоғига керакли мутахассис бўлиб қайтиб, ҳамқишлоқларига нима биланdir ёрдам бериш иштиёқи пайдо бўлди. Шунинг учун иқтисодиёт соҳаси бўйича ўқий бошлади. Лекин ҳамма нарса унинг орзу, хаёлларидаги симлиқ кўчмади. Ҳеч нарсани ўзгартира олмади: ёшлиги, муҳаббати ва умуман, тақдирни кутилмаган тасодифлар туфайли чилпарчин бўлиб кетди...

### ЛАЪНАТИ ВАСИЯТ

Орадан бир неча йиллар ўтди. Бироқ хўрор ҳамон ўшандай бир хил қичқираёттган Ширинсойнинг тонгларидан бирида унга ҳамоҳанг бўлиб қўшилган янги бир мунгли нола мудроқ одамларнинг эътиборини ўзига тортди. Нола шундай дардли ва аламли эдики, эшиттанинг юрак-бағрини ўртаб юборарди. Овоз Ҳури аянинг уйидан келарди. Ҳамма ҳайрон. “Во ажаб! Кечагина тўю томоша, шоду хуррамлик бўлган бу хонадонда қандай синоат юз берди экан?” деган савол йўловчиларнинг хаёлини безовта қила бошлаганди.

...Ўша куни автобуслар илк бор йўлга кеч жўнади. Чунки йўловчилар Ҳури аянинг қалбини ўртаёттган изтироб нимада эканини билишга ошиқдилар. Одамлар бир зумда кечагина тўй шодиёналари бўлиб ўтган мўъжазгина хонадон олдида тўдалашиб пайдо бўлишди ва аёлнинг дийдиёсидан нима гап эканлитини фаҳмлашгач, бошларини чайқата-чайқата, оҳиста изларига қайта бошлашди. Баъзилар “Ё тавба, астагфурulloҳ...” деса, бошқаси мийигида кулиб жимгина жўнаб қолишарди...

## ЧИМИЛДИҚЛАН УЙ НОЛАСИ

Мана, бир ҳафта бўлибдики, ҳар тонг онаизорнинг нолалари тинмайди. У худога илтижо қилиб мунгли зорланади, юракларни ўртайди:

— Вой, менинг пепонагинам курсин-а!.. Шундай кунларга қоламанми-я?!!.. Бу кунимдан ўлганим яхшийди-я... Эй, худо! Сенга ахир нима ёмонлик қилувдим? Бундан кўра жонимни олақолсанг бўлмайдими?!! Бу қандай кўргилик, қандай шармандали?!! — дерди аёл бор овози билан тиззаларини шапиллатиб ураркан. — Ахир, чолгинамнинг рухлари мени тинч қўймаяпти-ку! Энди нима қиласман? Энди бопимни қайта ураман?

Йўловчилар уни тинчлантирмоқчи бўладилар:

- Бўлди-да энди, хола, тинчланинг!
- Ҳаммаси яхши бўлади, хола!
- Ер юткурлар қўшилиб қўя қолишса ўладими-я! — дея қийқиради бир аёл ҳазил қилиб.

Кулги кўтарилади.

— Ҳой, нега кулласанлар! Бирорнинг қайғуси сенларга ҳали кулги бўлиб қолибдими? — дея танбех беради кимдир.

— Вой, нимаси қайғу, нимаси ғам экан? — дейди ҳалиги аёл асқия қилиб. — Холамнинг шунча куйганларига мени ўзим ийиб кетгим келяпти-да, ахир. Гўшангага ўзим кириб қўя қолсаммикан-а.

Яна кулги кўтарилади.

— Айнимай ўлинг, — дейди бошқа бир аёл.  
— ...Вой, мени шарманда қилган болаларим-а! Мени кулгию иснодга қўйган болаларим-а! — дийдиёсини давом эттиради Ҳури ая. — Эй, парвардигор, ўзинг менга мадад бер! Болаларимни юлдузларига юлдузларини ўзинг иссиқ қил! Мен ҳам бошқаларга ўхшаб орзу-ҳавасимни кўрайин. Келиним бошқаларга ўхшаб кўчаларни супуриб-сидирсин, ўғлимни суюкли қаллиғи бўлсин, ўғлим ҳам бошқа эркакларга ўхшаб бошини кўтариб юрсиц. Ахир мен нима гуноҳ қилдим? Бор-йўғи чолгинамнинг васиятини вожиб қилдим, холос-ку! Бор-йўғи уларни никоҳлатиб қўйдим, холос-ку! Бошқа ҳеч нарса қилмадим-ку!..

Онасининг афюону нолаларидан жаҳли чиқиб батанг бўлган кулоқларини ёстиқ билан маҳкам беркитиб олган Нурбекнинг ҳам фифони фалакка кўтарилди. Қўллари асабий муштланиб "Бас қилинг!!" дея дераза томон ҳайқиради ва ёстиқни жаҳл билан отиб юборди.

...Гўшантанинг бир четида деворга осилган гиламнинг ғадир-будир сиртига пешонасини маҳкам ишқаб, чўккалаб олиб унинг ичига кириб кеттудек дарражада тирмашаёттан келинчак бўлмиш Ойнисанинг кўнглида эса минг хил изтироблар ғужрон ўйнайди. У нима қиларини билмай унсиз йиглади. "Эй, худо, тезроқ жонимни олақол! Тезроқ бу азоблардан мени қутқар. Гуноҳимни ўзинг кечир. Гуноҳим нима ўзи? Бир йигитни севганимми? Йўқ-йўқ. Мени кечиринг, Рустам ака! Мен сизни ортиқ кутолмайман. "Бошқасига эрга беришса, ўзимни ўлдираман" деб сизга сўз бергандим. Лаънати васият туфайли мени зўрлаб беришди. Никоҳ пайтида ҳам сиз кўз ўнгимдан кетмадингиз. Хаёлим паришон бўлса керак, "Жимлик – аломати ризо" деб никоҳлаб қўйишиди. Тўй ўтди. Аламзада бўлиб нима юз бераётганини англай олмадим. ЗАГСга олиб боришганида ҳам, гўшангага киритишганида ҳам фақат сизни ўйладим, Рустам ака. Қаердасиз?.."

Шу маҳал қиз Нурбек отиб юборган ёстиқнинг деразага бориб урилганидан бир сағтиб тушди. Қайнонасининг юракни эзувчи дийдиёсини энди у тиниқроқ англай бошлиди. "Бечора, бу аёлга ҳам қийин. Эл-юртта ош берган, орзу-ҳавас қиласан. Бошқаларга ўхшаб келини этак-этак фарзанд туғиб беришини истайди. Ўша келин мен эмасманми, ахир? Мен нима қиляпман ўзи? Гўшангага кирганимизга бутун саккизинчи кун. Нурбек билан ҳали бирор оғиз ҳам гаплашмадик, ҳали тузукроқ туз ҳам тотмадик. Сабр-тоқатли эканлар. Эл-юрт нима деб ўйлаялти экан? Ёки тақдирга тан бериб қўя қолсаммикан-а?.."

У гилам ҳошияларидан ўзига жавоб излайди. Бармоқлари иланг-билинг чизиқлар бўйлаб бориб пахта шакли устига келгач, яна Рустам ёдига тушади. "Қаёққа, Ойниса? Ахир биз ваъдалашган эдик-ку! Ўзингни қўлга ол. Мени кут. Бизникига

## ЧИМИЛДИҚЛИ ЎЙ НОЛАСИ

қочиб кет!..” деда гүё Рустам ҳайқирганда бўлади. Қиз сесканиб кетади ва мадорсиз ўтириб қолади. Бошидан оқ рўмоли сирғалиб тушади. Қайнонанинг дийдиёси давом этади:

— ...Ахир мен нима гуноҳ қилдим?! Бор-йўғи чолимнинг васиятини вожиб қилдим, холос-ку!

Ойнисанинг кўз олдида ўша ўлим тўшагида ётган амакиси келади: “Васиятим шу, Нурбек билан турмуш қурасан! Нурбек билан турмуш қурасан!” деда такрор-такрор айтади ва бопи “шилқ” этиб тушади вафот этади. “Йўқ-йўқ, ўлмай туринг. Гапингизни қайтиб олинг. Ахир менинг бошқа севганим бор, тўхтант!” — деда қичқиради қиз хаёлан. Шу маҳал ётган ўлик кўзларини катта очади. “Агар Нурбекка тегмасанг, гўримда тик тураман!” деда ҳайқиради гүё... Ойниса қўрқиб кетиб чинқираб юборади. Лекин бу пайтда ойисининг нолаю афғонларидан тўйиб кеттан, севгилиси Наташа ва ўғилласини ўйлаб сиқилиб сил бўлган Нурбек келиннинг сеплари осилган чилвирни ечиб ўзини осишга ҳозирлик кўрмоқда эди. Ниҳоят, у сиртмоқни бўйнига солади.

Қўрқиб кеттан Ойниса қичқириб юборди ва дод солиб куёвининг оёғини қучиб олди. Чошиб келган қайнонасанининг нолаю афғони энди ҳақиқий фарёдга айланди.

— Вой, болам, нима қип қўйдинг. Войдод, ким бор! Ёрдам беринглар!..

— Вой, акажон, мени кечиринг. Сизни ўрнингизга мен ўла қолай, акажон.

— “Акажон”, демай ўл! Тақдирингта тан бериб қўшилиб қўя қолсанг ўласанми-я?! Чидаёлмаганда, чидаёлмаган. Йигитлик гурури нима эканини биласанми, ўзи?!

— Вой, мени кечиринг, — деди Ойниса дағ-дағ қалтираб чилвирни ечиб оларкан.

Қайнона-келин кўп ўтмай қуёвтўранинг устида пиқиллаб йигтай бошлашди.

— Болагинамни шунчалар азоблайсанми-я? Ахир ўртада никоҳларинг ўқилган-ку, худонинг рози-rizолиги олинган-ку... Болам чидаёлмаган-да, чидаёлмаган...

— Ўслим, худо хоҳласа, сенга муносиб эр бўлади. Мана кўрасан, амакингни руҳлари шод бўлади. Биз — аёлларнинг тақдиди ўзи шунаقا, қизим. Дод десанг ҳам, фарёд десанг ҳам, барибир кимнингдир хасмимиз. Зурриёт орттириш вазифамиз. Нурбек сенга бегонамас...

Қайнона энди келинини бағрига маҳкам босиб, йиграй бошлади.

— Қизим, никоҳ бу илоҳий муқаддас туйғу, худонинг хоҳиши-иродаси бу. Шунинг учун ўслим чидаёлмаяпти. Ўзини-ӯзи яна бир нарса қилиб қўйса, нима қиласмиш. Одамларга нима деймиз, болам?! Буёғи ночор бўлсак, тўйни қарз-ҳавола қилиб базўр ўтказиб олдик. Номингни ёмон отлиқ қилиб олмагин, болам. Ҳеч жаҳонда шунаقا воқеа бўлганини эшитганмисан? Бир ҳафта-я. Мен ҳам энди ортиқ чидаёлмайман. Бу кунимдан ўлганим яхши. Мени ҳам тушун, қизим.

Кампирнинг силкиниб-силкиниб йиглаши Ойнисанинг раҳмини келтирди: "Ахир, бу аёlda нима айб? Ҳамма гап ўша лаънати васиятда-ку! Нурбек акамда ҳам нима айб? У ҳам ахир никоҳимизни хоҳламадилар-ку! Менда нима айб? Ўзимни каналга отдим, кутқариб олишди. Ўлиб ўлолмадим, қочиб кетолмадим. Қаёққа ҳам борардим? Амакимнинг руҳларидан қўрқдим. Рустам акамда нима айб? Мени деб не кунларни кўрмади, қанча азоб тортмади. Эсиз Рустам акам... Энди бўлар иш бўлди. Мени кечиринг, Рустам ака. Сўзимда туролмадим, иложсиз қолдим. Ҳозир қаерлардасиз? Ахир нима учун ўзингиз бедарак кетдингиз? Мени ботқоқдан кутқариб ололмадингиз. Сизсиз яшаганимдан ўлганим яхши. Фақат сизни бир марта кўриб ўлсам эдим, бу дунёдан армонсиз кетардим. Шунинг учун сизни кутиб яшайман. Йўқ-йўқ, тирик мурда бўлиб яшайман. Менга энди бу ҳаётнинг қизиги йўқ. Майли, шу кампирни қийнамай, Нурбек акамни ҳам қийнамай... Ахир уларда нима айб? Бошқа иложи йўқ... Илоҳим марҳум амакимнинг руҳлари шод бўлсин, худо рози бўлсин, сиз ҳам мендан рози бўлинг, Рустам ака!.."

...Ойниса шундай ўллар билан қайнонасиининг кўз олдида охиста ечина бошлади ва биринчи ич кўйлагида қолди. Ҳури

ая ўғлининг томорини, соchlарини силар экан, уни худди гўдак боладек аллалар ва келинининг гўшангода оқ чойшабни ёзib тайёрлаёттанини бефарқ кузатиб, оҳиста "Ёр-ёр" қўшигини хиргойи қиларди.

Келинчак билқиллаб турган қават-қават янги тўшагу кўрпалар тўшалган ўрин орасига оҳиста кириб ётиб олди. Бу унинг тақдирига тан бергани аломати эди. Хури ая хиргойи орасида ўғлининг қулогига оҳиста шивирлайди:

— Сени фариштанг кутяпти, болам — дейди-да, ўғлининг кўйлак ёқаси тутмаларини еча бошлиб, нимагадир ишора қилган бўлади. — Борақол, болам. Илоҳим юлдузларинг бир-бирингга иссиқ кўринсинг. Қўша қаринглар, этак-этак фарзандлар кўринглар. Сизларни худо ўз паноҳида асрасин, омин!. Мен бориб овсинимдан суюнчи олай,— дейди у ва хурсанд ўрнидан кўзғалиб, чироқни "чирқ" этказиб ўчириб чиқиб кетади.

\*\*\*

Дераза тагида ётган күёвтўра ташқарида оқараёттган оппоқ тонгнинг гўшантага тушиб турган шуъласи узра келинчак томон оҳиста нигоҳ ташлайди ва Ойнисанинг кумуш мисоли товланаёттган соchlари унинг эътиборини тортади. "Қизиқ, унинг соchlари қора эди, шекилли,— деган фикр ўтади унинг хаёлидан.

— Худди Наташаникига ўхшар экан..."

Унинг кўз олдига тўшакда нозланиб ётган мовий кўзли, оппоқ сочли Наташа келади ва беихтиёр тўшак сари эмаклайди, "севгилисининг" соchlарини оҳиста силайди.

— Так соскучался по тебе!.. — дейди у эҳтирос билан шивирлаб.

— ...?!

— Спишь, что ли?.. — деб сўрайди у яна ва "Бечора, мени кута-кута ухлаб қолибди-да, — деган ўйга бориб қизнинг аввал пешонасидан, сўнгра кўз ёшлари билан намиқдан юзидан оҳиста ўшиб қўйди. Мана ҳозир севгилиси шарт ўтириладио уни ўз бағрига олади. Лекин бутун чарчаган кўриниади. Бечора, туни билан боласига қараган-да. Ҳа, майли, унга озор бермай кўя қолай..." дейди-да, одатдагидек орқасидан қучоқлади.

...Изтироб ўтида ёнаёттган келинининг эса хаёллари паришон.

У бир сапчиб тушади "Эсиз, - дейди у ўз-ўзига, - Рустам акам мени бундай ўрисчалаб қучиб-эркаламаганди. Қани энди фалакнинг гардиши ағдар-тўнтар бўлсаю яна сизнинг бағрингизда бўлсан эдим, Рустам ака!", - дея ҳайқиради қиз хаёлан.

Унинг кўз ўнгидаги Рустамнинг кулиб турган чехраси намоён бўлди. Йигит гёё уни орқасидан қучоқлагандай туюлди. Қиз ўзини шу қадар бактиёр ҳис қилдики, "Ох!" - дея кўзларини оҳиста юмди.

- Моя сладкая!.. - дейди йигит яна эҳтирос билан.
- ... Ай!..
- ... Нежненская...
- Вой-дод!
- Наташенка моя...

"Нима, нималар деяпти бу ярамас?! "Наташа" дейдими? Ўрис хотинига ўшшатяпти, шекилли. Вой, шўрим курсин, энди нима қилим? Шунча қиласан тоат-ибодатим энди нима бўлади? Нима қилиб қўйдим?!"

- Улиб кеткур, қоч! Мен сенга ўрисингмасман! қичқирди Ойниса ва йигитнинг кўксидан тинимсиз итара бошлади.

Лекин қуввати жунбушга келган йигит ожиза қизни маҳкам қучоқлаб олди. Мадорсиз келин ниҳоят таслим бўлди ва ўзидан кетди...

Ойниса ўзига келганида унинг тепасида куёвтўра хомуш ўтиради.

- Тузукмисан?

- ...

- Сендан сўрайлман?!

Келин бошини қимирлатиб "Ҳа" ишорасини қиласди.

- Нега менга ўрисчаладингиз?
- Нима делман?
- "Наташа" дедингиз-ку.
- Ўзинг ҳам "Рустам ака, мени кечиринг" босинқирадинг-ку!
- ...Нима қип қўйдингиз, Нурбек ака?
- Сен нимани куттандинг?
- Бекор қилдингиз. Мени ҳайдаб юбора қолинг, илтимос...

- Бекор айтибсан!
- Бопқа менга ўрисчаламанг.
- Ўзинг-чи ўзинг, бўлмаса нега сочингни оқда бўяб олдинг?
- Қанақа оқ? Бўяганим йўқ!
- Бекор айтибсан! Тур ўрнингдан, сув тайёrla! — деди йигит ва кўрпага бурканиб олиб уйқуни давом эттирди.

Ойнисанинг юраги ҳапқиради. У минг хавотирлик билан соchlарини силаб ойна олдига келди ва ўз аксини кўриб, даҳшатдан қичқириб юборди. Ойна тасвирида озиб-тўзиб кетган, соchlари оппоқ бегона аёл турарди. Келинчак ўзидан кетди...

Икки ёш шу алфозда қанча ётишганини билишмайди. Лекин ўтган бу вақт Ойнисани гўё эллик ёшга қариттандек туюлди.

\*\*\*

...Бир вақт ташқаридан Ҳури аянинг эркалаганнамо, юмшоқ овози келади. Унинг овозидан энди кўнгли тўклиги ва хотиржамлиги шундоқ сезилиб турарди:

— Ҳувва келиним-у! — дея охиста қичқириди у гўё донлаёттан қушчаларни ҳуркитиб юборишдан чўчигандай. — Тура қолинглар энди, болаларим. Қайноққина шавла қилиб қўйдим, еб олинглар. Кўчаларниям супуриб-сидириш керак. Удумимиз шунаقا-да, қизим. Уят бўлади-я!..

Гўшангадан садо чиқавермагач, ая хавотир бўла бошлади. Эшик томон қулоқ тутган бўлди "Нима бало, тинчликмикан ишқилиб? Ёшлиқ қилиб яна, ҳе, тфу-тфу..."

- Ҳой, Нурбек! Нурбек ўғлимум!
- Ҳа, ҳозир, — деган дўриллаган овоз келади ичкаридан.

"Ҳа, хайрият", — деб қўйди кампир тасалли толиб, — Тура қолинг энди, болам. Нон қилишга унимиз қолмабди. Манави қоп савилни очиб беринг, — дейди атайн сизлаб, эркалаб.

Куёвтўра устига чопонини ташлади-да "чирқ" этказиб чироқни ёқди ва нигоҳини келин томон қаратди. Лекин не кўз билан кўрсинки, юзи докадек оқариб кетган келин ерда узала тушиб ётар, соchlари ҳам Наташаникайдай кумушдек оппоқ эди...

Нурбек қўрқиб кетиб "Воҳ!" деб юборди ва чопиб келиб келиннинг юзини шапиллатиб ура бошлайди.

— Ҳой, сенга нима бўлди? Кўзингни очсанг-чи! Тирикмисан?!

Ойниса оҳиста кўзларини очади ва тепасида, фира-ширада хавотирлик билан боқиб турган бир йигитга кўзи туцди.

— Рустам ака! — деб юборди у беихтиёр.

— Қанақа Рустам? Мен ахир эрингман, Нурбек акангман. Тур, ойимиз чақирияптилар, иссиқ сув қилиб кел...

Ойниса аранг ўрнидан туриб бошига дуррасини танғиб ўради ва устидан келинлик рўмолини ташлаб олгач, гандираклаб ўрнидан қўзғалди. Кўнгли айнаб, қайд қилгиси келди.

### КУЁВТЎРА ҚИССАСИ

Нурбек ҳам эсини танибдики, тирикчилик ташвиши уларнинг оиласини тарқ этмади. Ноchorлика яшаш ва доимо етишмовчилик улрайиб келаёттган йигитнинг жонига тега бошлади. У мактабни тамомлагач, бирор ўқишга боришга ўзида хоҳиш сезмади. Қаёқда ҳам киради. Бирор жойда ўқиш учун ҳам маблағ керак, қолаверса, билими ҳам саёз. Пул сарфлаб ўқиб келгани билан қаерда ишлайди? Ахир кекса ота-онасини ташлаб кетолмайди-ку. Шу ўйлар билан бирор ўқишга жойлашиш фикрини ўзидан соқит қилди ва тенгқурларига қўшилиб, қўшни туманга бориб эл қатори ёлланиб ишлаб кела бошлади. У ўзининг меҳнатсеварлиги, боодоблиги билан ажralиб турувчи яхшигина мардикор йигитта айланди. Лекин тез кунларда армия хизматига чақирилди ва хизматни Россиянинг Олтой ўлкасида ўтказа бошлади.

Улар хизмат қилаётган қисм ўрмон ичида бўлиб, асосан дарахт кесиб, йўл қуришарди. Ҳаш-паш дегунича икки йил ҳам ўтиб кетди. Бир оз сармоя ҳам орттирди. Лекин бу ерларда ишчи кучи етишмаслиги ва ҳарбий бўлмаган ишловчиларга яхши ҳақ тўланиши уни қизиқтириб қолди. Ўйлаб кўриб қишлоғида барибир яна мардикорлик қилгандан кўра бу ерда

қолиб бир-икки йил ишлапши, чойчақа орттириб боришни афзал деб билди. Ота-онаси бу таклифга йүқ дейипшади. Фақат уларни бир ташвиш – уни уйлантириб қўйиш масаласи қизиқтиради. Шундай қилиб, Нурбек хизматдан сўнг уйига қайтмай яна уч йил ишлаб қолиб кетди ва бу даврда ишчилардан бирининг ажратиб берган хонасида яшади. Уйидагиларни унутмади. Уларга почта орқали оз-оз ва тез-тез пул, хат ҳамда совиа-саломлар жўнатиб турди. Уйидагилар ҳам ундан жуда хурсанд бўлиб, бўлғуси тўйга қизғин тайёргарлик кўра бошладилар.

Нурбекнинг почтага тез-тез келиб туришининг яна бир боиси бор эди. Бу, мовий кўзларини ҳамиша жовдиратиб, доимо жилмайиб турадиган, кумушдек товланувчи соchlарини чиройли турмаклаб олган оқбилак почтачи қиз Наташанинг оҳанрабоси эди. Мовий кўзли гўзал Наташа ҳам қора қош, қора кўз Нурбекни ёқтириб қолди ва негадир унинг келишини интизорлик билан пойлайдиган одат чиқарди. У йигитни қаерларгадир таклиф қилиш, у билан яқинроқ танишиб бирга сухбат куришга фурсат излади. Ойна тирқишини оҳиста чертиб, рус тилини бузиб, ўзига хос шевада гапиравучи бу ўзбек йигитининг овозинию интизорлик билан кутар ва кўзлари учрашган замон шодлиқдан ўзини қаерга қўярини билмай қоларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди:

— Издираска, Наташахон! — деди Нурбек тирқишдан шоколад узатди.

— Ой, здравствуйте. Спасибо большое. Проходите сюда, чай будем пить, — деди қиз беихтиёр уни илк бор тирқишли тўсик ортига таклиф қилиб.

— Письмо надо отправить, — деди Нурбек эшиқдан ичкарига кириб келаркан.

— Кому, жене?

— Нет у меня жена.

— Как нет?

— Откуда. Если я здесь уже пять лет...

— Ах, да...

Киз кўнглайдаги шубҳалари тарқ эттанидан, ниҳоят хотиржам

тортиб, ўз оёғи билан кириб келган шаҳзодасини маҳкам тугиб қолишга аҳд қилди. Чунки бундай ҳолат Сибир, қизлари учун камдан-кам учрайдиган омад эди. Бундан ташқари, ҳар иккаласининг балоғат ёши ўз оқими бўйлаб шошиб, тўлиб-тотиби оқаётган табиий төр сойидай жўшқин ва бегубор эди.

Улар энди тез-тез учрашиб тура бошлиши. Наташа кекса отаси билан бир ўзи яшаркан. У Нурбекни уйига олиб келганида кекса ота ниҳоят қизи ўзига муносиб қаллиқ тошганидан боши кўкка етди ва кунларнинг бирида қўни-қўшниларни чақириб мўъжазгина ўтириш қилиб берди. Бу бўлғуси оиланинг дебочаси эди...

Ўша ондан эътиборан улар деярли бирга яшай бошлиши. Наташа уни еру кўкка ишонмас, "Черноглазая моя!" деб ардоқларди. Нурбек ҳам уни чиндан севиб қолди. Лекин уни қандай қилиб Ўзбекистонга олиб кетиш, ота-онаси орзу-ҳавас кўриш ниятида қайсиadir келинга уйлантириш ҳаракатида эканликларини ўйлаб ўйига етолмасди.

— Наташа, со мной к нам поедишь? — деди йигит кунлардан бир куни.

— Никогда, — дея қатъий жавоб берди қиз. — Я же здесь выросла и никуда.

— Как? Где муж, тут и жена...

— Даже не вздумай...

— Почему?

— Ты сам говоришь, что твой кишлак хуже чем болото. Как там будем жить? Здесь тебе хорошо... и нам хорошо, — деди Наташа қорнига ишора қилиб.

— Кому, отцу что лы? — деб сўради Нурбек уни тушунмай.

— Нет, я же беременная. Мы жару терпеть не можем, да сыночник? — деди Наташа қорнини силаб, эркалаб.

— Да?! — деб юборди Нурбек ажабланиб. — Рости биланми?! Мен ота бўламанми? — деди у хотинини суюб кучоқлаб оларкан.

— Что такой "ростий"?

— Это правда что ли? — сўради йигит Наташанинг қорнига ишора қилиб.

— Да "рост" и растёт мой живот.

Хадемай улар күзлари қора, соchlари сап-сариқ ўғил күришди ва унинг исмени ҳам Нурбек деб аташди. Бу исмни Наташанинг отаси қўйди. Уларда таомил шунаقا эмиш. Бола улгайиб отасидек кўркам йигит бўлишини хоҳлашса шунаقا исм қўйишармиш, масалан, Александр Александрович деганларидек жарангдор бўлармиш...

Шундай қилиб, катта Нурбек билан кичик Нурбек осуда ҳаёт кечира бошилашди. Ширинсойликлар эса дунёнинг бу ишларидан хабарсиз эдилар. Улар тез-тез мактуб йўллашар, хатларида Ўзбекистон ва қишлоқлардаги янгиликлар ҳақида ёзишар, қолаверса, уни жуда соғинганликларини ва ўзлари кўз остига олиб қўйган бўлғуси келин ҳақида тўлиб-тошиб баён қилишарди.

“...Амакингни қизи Ойниса бирам келишган, кўҳликкина қиз бўлибдики, кўрсанг нақ малика дейсан, — деб ёзибди онаси. — У ҳозир ўқишини битириб келиб туман матлубот ўюшмасига ҳисобчи бўлиб ишга кирапти. Шундай маданиятили, одобли қиз бўлганки, шеърлар ҳам ёзади. Соячилар кўпайгандан кўпайиб боряпти. У бўлса “ҳеч кимга тегмайман” деб оёғини қаттиқ тираб олган. Сени кутялти шекилли. Отанг ҳам унга жуда давасманг. “Қишлоғимиздан шунаقا ўқимишли қиз ҳам чиқар экан-ку” деяптилар. Тезроқ келавер, болам, отангни аҳволи жуда ошир. “Нурбекнинг тўйини кўраманмикан?” деган ишинжда ётибди...”

Нурбек хатни ўқиб, чукур хўрсинди. Уни зимдан кузатиб турган Наташа гал қотди:

— А что случилось?

— Нет, все хорошо. Только родители меня хотят увидеть.

— Что, мало им сколька переводы, посылки? — деди Наташа норози бўлиб.

— Нет, дело не в деньгах. Отец оказывается тяжело болен.

— Ну и конечно, нашли причину...

Нурбек илк бор Наташанинг калтафаҳмлигини англади ва унга “Сенлар ниманиям фарқига борардинмар. Ота-онамдан хабар олиш менинг вазифам-ку” деди у ўзига, лекин хотини

билин бу түгрида очиқ бақлашишни эп күрмади. Арзимаган гап учун севгилисини аразлатиб қўйишнинг нима кераги бор?..

Аммо орадан бир ой ўттач, отасининг ҳақиқатдан ҳам оғир, ўлим олдида ётганлиги ва тезда етиб келиши сўралган телеграмма олди. Энди бормасликнинг иложи йўқ эди.

- Может быть я с тобой? — сўради Наташа қўнгил учун.
- Нет, зачем ребёнку мучат? — деди Нурбек қўнмай.
- Ты потом приедешь? — сўради Наташа ички хавотирлик билан кўзларига ёш олиб.
- Конечно...
- А если не приедешь? — у ростакамига кўз ёш қила бошлади.

У ўғилчасининг севимли отаси қайтиб келмаслигидан жуда-жуда қўрқарди.

— Обязательно приеду, — деди Нурбек Наташани ва ўғилчасини бағрига босиб, ўтиб қўяркан.

Сафар олдидан ҳовлидаги скамейкада одатта кўра бир неча дақиқа ўтиришди.

— Конечно, раз отцу тяжело, его навестит надо обязательно, — деди қайнотаси қизини тинчлантириб. — Пусть едет и быстрее возвращается...

\*\*\*

Нурбек ўшанда қишлоига олти йил деганда кириб келди. Қадрдон қишлоғи уни мунгли кутиб олди. Отаси ўсал ҳоатда ўғли Нурбекни бир бор кўриб қолишни сўраб Яраттанга илтижо қилиб ётарди. Унинг атрофида барча қариндош-урувлари тўпланишган, ундан рози-ризолик олишар ва совук маросимга тайёргарлик кўришарди. Ойниса ҳам шу ерда эди.

Ойниса Нурбек билан яқин қариндошлар сифатида илиқ саломлашишди. Бир сония нигоҳлари тўқнашди. "Ха, ойим айттанича бор экан. Кичкинагина қизча эди яқинда" деб қўйди Нурбек ўзича.

"Рустам акамга ўхшаб кўркам йигит экан. Мана олти йилда

## ЧИМИЛДИҚАН ҮЙ НОЛАСИ

бұлса ҳам Нурбек акам қайтиб келдилар. Нега зәнди Рустам акамдан даралықтың? Омонмиканлар ишқилиб? Эй, худо, у кишини күрар күн бормикан?!" — деган беғубор үйлар үтарды қизниңг хәёлидан.

— Ойниса, сени амакинг йүқлаяптилар. Тез кир, бир нима демокчилар шекилли, — деб чақириб қолди онаси...

### РУСТАМ ҮЗИ КИМ?

Ха, Ойнисаниң қалб қальласини ишғол қилиб, унга үзининг номи ёзилған байроқни тика олған, кейинчалик Ҳури аянинг нолаю афғонларига сабабчи бўлган Рустам үзи ким эди?

...Ҳаммаси талабалик йиллари, Ёзёвонда, анъанавий пахта теримидан бошланди.

Ойниса таҳсил кўраёттандан савдо техникиуми талабаларини ҳар йилгидек яна тумандаги колхозлардан бирига олиб келишиди. Улар қишлоқнинг бир мактабига, политехника институтининг талабалари эса қўшни мактабга жойлашишиди. Институт талабаларининг кўпчилигини йигитлар, техникумникини эса қизлар ташкил қиласарди. Ҳар икки ўқув юртида баъзан оқшомлари уюштириладиган мусиқали дам олиш — рақс кечаларига таниш-билиши борлар бир-бирларини таклиф қилиб турардилар.

Кунлардан бир куни ўз ҳамқишлоқларини йўқлаб қувалик икки талаба йигит ташриф буюришиди. Улар куруқ, келмай йўл-йўлакай олма боғидан бир халта қилиб қирмизи олма териб келишибди. Рақс даврасига тўпланаёттандан қизлар бир-бир келиб олма улашаёттандан йигитлар қўлидан олма олиб қарсиллатиб еб кета бошладилар. Навбат Ойнисага келган эди. У ҳам очиқ чехра билан кулиб қўл узатди. Узатдию, халта тутиб турган йигит билан нигоҳлари туташиб, юрагида бир нима "жиз" этди. Йигит ҳам унга олма узаттан кўйи бир сония маҳлиё бўлиб қолди. Жуда қисқа фурсат ичидан туташган нигоҳлар гўё бир-бирларига муҳаббат учқунларини баҳш этдилар. Юраклар ҳапқириб, олма йигитнинг қўлидан ногаҳон тушиб кетди. Ҳар иккиси ҳам беихтиёр ердаги олмага қўл чўзишиди. Лекин

қизнинг қўли олмани, йигитнинг қўли қизнинг қўлини ушлаб қолди. Улар бир-бирларига қулиб қарашди. Мана шу кўз очиб-юмгудек сонияларгина уларнинг қалбларида муҳаббат ришталарини борлаб бўлган эди.

— Ўҳ-хў, худди ҳинд фильмидагига ўхшаб кетдими-а?! — деди навбатда турган қиз ҳазил қилиб.

— Ҳой йигит, бизнинг қизлардан эҳтиёт бўлинг, олмангиз қолиб ўзингизниям еб қўйишади-я! — деди бошқа бир шаддодроқ қиз.

Шарақлаб кулги кўтарили. Лекин бу пайтда Ойниса кетиб бўлган, йигитнинг кўзи олма терар ва қулогига ҳеч қандай сўз кирмасди. Унинг кўз ўнгига фақат қизнинг нигоҳигина қотиб қолганди. “Барибир уни толаман. Ким бўлди экан бу хилқат?” — деди йигит ўз-ўзига. Бу йигит Рустам эди...

Ойнисанинг бошқа қизлардан ажралиб турадиган латофатли ҳусни, куйдирувчи табассуми, чиройли рақс тушиши, мулоийм сўзлашиши, шеърларни ифодали айтиши ҳар қандай бўйдоқ йигитнинг юрагини така-пука қилмасдан қўймасди, албатта. Нима бўлдию институтга кира олмай қайтиб келган бригадирнинг ўсли Асрорнинг ҳам Ойнисага ишқи тушиб қолди. Бу бекорчи йигит отасига ёрдам бериш учун далага келар, аслида эса ўзига қаллиқ қидиради. У баъзан челяқда сув кўтариб кўзига чиройли кўринган қизлар олдига борар, албатта чанқоқ қизлар ҳазил-мутойиба қилиб унинг қўлидан сув ичардилар.

Ойнисанинг ҳусни-жамолини кўриб Асрор гўё қанот чиқаргандек бўлди ва қиз билан қандай қилиб яқиндан танишиш ҳақида боши қотди. Пахта тераётган қизлардан бирининг олдига келиб у ҳақида секин сўради.

— Уми, Ширинсойдан, шоира, — деди теримчи талаба қиз қисқа қилиб.

— Ислми нима?

— Ойниса.

— Эҳ-хе “шоира” денг, — деди Асрор. “Демак, шеър айтиб уни ўзимга оғдирсам бўларкан”, — дея кўнглига тутиб қўйди.

У Ойниса тушган этат бўйлаб бораркан, кўп ўтмай унинг

## ЧИМНАДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ

рұпарасида хода юттандек туриб қолди. Үз хаёллари билан банд бўлиб пахта тераётган қиз бир сапчиб тушди. "Шилқим йигитлардан шекилли, бу бригадирнинг ўғли" деган үй ўтди унинг хаёлидан.

— Бир пиёла сув узатдим, ичмасанг ҳам майлига, — деди Асрор кружкани узаттан ҳолда сохта тавозе билан.

— Эгатимга тушволиб, қочмасанг ҳам майлига, — деди Ойниса ҳозиржавоблик билан ва узатилган сувни олмай тезлик билан Асрорни айланиб ўтди-да, пахта теришда давом этди.

Асрор кўли узатилганича, қизарип-бўзариб қолаверди. Лекин шу кундан бошлаб минг бир баҳоналар қилиб Ойнисалар ишпайтган пайкала гирдикапалак бўлаверипни қўймади. Қизлар ҳам бунинг боисини сезиб қолишганди.

— Ҳой, Ойниса, қара, бригадирнинг ўғли сени суроргани келяпти, — деди қизлардан бири.

— Мени сурорадиган ҳали чиқмаган, — деди Ойниса бепарво.

— Майли, қўявер, — деди бошқа қиз кулиб. — Шолини баҳонасида курмаклар ҳам сув ичиб турар.

Шу зайдаги ҳазил-хузул билан қизлар чанқоқларини қондиришарди. Лекин Ойниса ҳеч қачон унинг қўлидан сув олиб ичмади. Шунинг учун йигитнинг ичи зил кетар, нима билан уни лол қондириш ва қармогига қандай илинтириш ҳақида ўйларди. "Ҳаҳ, нозини қаранглар-у. Ҳали қўлимга тушарсан", дер эди у хаёлан. "Ё уни бирор яхши кўргани бормикан-а? Ким экан ўша? Укратиб қолсам дабдаласини чиқараман", деб аҳд қилган бўлди ўзича. Лекин қилинганди бу ёмон ниятнинг бир куни бошга биттан бало бўлиши ҳали ҳеч кимга аён эмасди.

\*\*\*

Ойнисанинг хаёлидан негадир ўша кеча олма берган йигитнинг нигоҳи сираям кетмай қолганди. "Кизиқ, ким бўлди экан бу йигит? Жуда келишган экан. Политехникадан эканлиги аниқ. Лекин ўша куни кимнинг оддига келганийкин! Ё қизлардан суриштираймикан? Э, йўқ, нима деб ўйлашади?.." деган хаёллар қизнинг миясида чарх уради.

Ҳадемай пахталар ҳам камайиб қолди. Осмонни булут қоплаб

ёмғир томчилай бошлади. Бригадада күргазма учун олиб қўйилган, ҳали пахтасига қўл урилмаган пайкал бор эди. Талабалар зудлик билан ўша ерга солинди. Пайкалининг бир томонидан савдо техникуми теримчилари, иккинчи томонидан политехника институти ҳашарчилари туширилди. Қизлар аввалига бу зарурий таддир эканлигини тушуниб етишмади ва эгатларига "бошқалар тушиб олди" деб ўйлаб "Қоч эгатимдан!" деда кўп қичқиришди. Қарши томондаги йигитлар эса уларнинг жигига тегиб шиддат билан териб кела бошладилар. Қизлар чукурлашди:

- Қизлар, тезроқ тера қолинглар, ануви сурбетлар пахтамизни териб қўйипяпти.
- Нега сурбет дейсан, улар ҳам ўзларича тушишмагандир.
- Политехдагилар атайин тушиб олишган.
- Э, йўқ, уларнинг пахтасини ортгани, ана, трактор келяпти-ку!
- Бизникитаям келяпти, — деди бошқа қиз орқа томонни кўрсатиб.

Шундан сўнг Қизлар тинчланишди ва пахтани янада шиддатлироқ тера бошлашиди. Ойниса дугонаси Нигора билан бирга ўзаро сухбатлашиб ёнма-ён теришарди.

— Менга қара, Ойниса, — деб қолди Нигора бир маҳал белини силаб керишар экан, қарши томондан олдинроқда пахта териб яқинлапаётган бир жуфт йигитга ишора қилиб. — Тақдиримиз чизиклари ҳам эгатта ўхшаб анавиларники билан бирлашиб кетса-я.

- Ҳе, нафасингни ел олсин, пахтангни тер...
- Нима бўлгти, буни тақдир дейдилар.
- Эрга теккинг кеп қолгти шекилли, рўпарангдагига ўзинг тегавер,— деди Ойниса аччиқ қилиб.
- Нима бўлгти, яхши йигит бўлса тегавераман. Умуман, политехникада ёмон йигитлар ўқишмайди.
- Савдо техникумидаям, — деди Ойниса.
- Тўгри, биз ҳам қолишмаймиз. Оилада инженер ҳам, иккисодчи ҳам бўлса бунинг нимаси ёмон. Демак, яхши оила қуришимиз мумкин.

- Эҳтимол.
- Тақдирингни аввало ўзинг ҳал қилишинг керак. Бўлмаса ота-онанг дуч келган йигитта бериб юборишаверади. Менга қара, сени яхши кўрганинг борми ўзи? — деб сўради Нигора.
- Йўқ.
- Хаёлинг нега бўлмаса ҳамиша паришон? Нималарни ўйлаяпсан, айта қол.
- Менми? — деди қиз бир дам ўйланиб туриб ва кулиб. — Олма егим келяпти.
- Эҳ, қани энди ўтган кунги "вечер"дагига ўхшаб яна бир халта олиб келишсайди.
- Ҳа, қанийди, — деди Ойниса.

Қизнинг кўз олдида Рустамнинг жилмайиб турган қиёфаси яна намоён бўлди. У қаддини ростлаб, қарши томонидан яқинлашиб келаёттан йигитта қаради. Не ажабки, йигит ҳам гўё ҳаракатсиз, унга тикилиб турарди. Унинг қаериидир қизга таниш кўринди. Лекин масофа ҳали узоқлиги учун эслай олмади.

- Ҳа, намунча тикилиб қолдинг?
- Таниш йигитта ўхшаяпти.

Нигора худди кема капитанидек қўlinи дурбин қилиб узоқ тикилди.

- Вой, ануви куни олма тарқаттан йигит-ку!
- Йўғ-е, қўйсанг-чи, — деди Ойниса, лекин негадир юраги ҳапқириб кетди.
- Нега энди, бўлиши мумкин, — деди ишонч билан дутонаси, қўlinи энди пешонасига айвон қилиб тикилар экан.
- Э, бўлса бордир, нима бўлти? — деди Ойниса атайин ўзини бефарқ кўрсатиб.
- Буни тақдир дейдилар.
- Паҳтангни терсанг-чи, йигитларга термулавермай.
- Қара ахир, қандай келишган йигит экан.
- Э, йўқ, пешонам пешонасига урилмагунча қарамайман, мана, кўрасан.
- Мана кўрасан, мен ҳам мана шу эгатимдаги йигитта тегаман.

- Мен эса асло тегмайман.
- Агар севиб қолсант-чи.
- Нима, севиб қолиш ўйинчоқ эканми?
- Бир кўрищаёқ севиб қолиш мумкин, дейишади-ку?
- Бўлмаган гап.
- Ануви бригадирнинг ўғли Асрор бекорга атрофингда гирдикапалак бўлмаёттандир?
- Афти курсин унингни.

Нигора қаддини ростлаб теварак-атрофни кузатди. Ҳосили кийрос очилиб турган оппоқ пахтазор ёшлиқ шуури билан қўшилиб ўзгача тароват бажш этарди. Орқароқдан қизларнинг кулагиси эшитилди. Асрор уларни "сувормоқда" эди.

- Ана, қара, опифинг келишти, — деди дугонаси Ойнисага.
- Оббо, чиқмаган киннадек ҳадеб келавераркан-да!
- Севади-да ахир. Мана, кўрасан, ҳозир у келиб сенга ялатоқланади.
- Илтимос, уни бир бало қилиб бу ердан кетказиб юбор.
- Вой, нима дейман?
- Бирор нима ўйлаб топ.

Қизларнинг ўзаро баҳси қизиб турганининг устига Асрор илжайиб пайдо бўлди.

- Ҳормантлар, қизлар.
  - Бор бўлинг, — деди Нигора қисқа қилиб. Ойниса зса чурқ этмади ва эътибор ҳам бермай терища давом этди.
  - Сув ичасизларми?
  - Яна сувми? Бошқа ҳеч нарсангиз йўқми? — деди Нигора.
  - Бор, — деди йигит ва ён чўнтағидан битта қизил олма чиқарди.
  - Вой-бу, намунча чиройли. Битта холосми?
  - Ҳа.
  - Қайси биримизга бермоқчисиз?
- Асрор олмани Ойнисага узатди. Ойниса қизариб кетди.
- Йўқ, раҳмат, мента керакмас, — деди у қуруқ қилиб.
  - Унда кимнинг қўлидан ейсиз? — деди йигит уни гапга тутиб.
  - Йигитининг қўлидан ейди-да, — деди Нигора.

- Ким экан ўша йигити, билсак бўладими?
- Ҳа, бўлади, — деди Ойниса истар-истамас, унинг тезроқ даф бўлишига чора излаб. — Ҳув ана, менга қараб териб келяпти-ку!
- Рости биланми?
- Ҳа, рост, — деди Нигора дугонасини тушуниб. — Кўряпсизми, улар атайин бир эгатта тушиб олишган.

Йигитнинг қўлида олма муаллақ қолди. Икки дугона унга парво қилмай ишларида давом этишди. Йигит бир оз уларни кузатиб турди ва алам қилдими олмани отиб юборди ва бир-икки тўп гўзаларни тепиб ташлади. Атрофга кўраклар сочили.

- Ҳой, йигит, ўпкангизни босинг, отангизга айтиб берамиза,
- деди Нигора.

Йигит аччиқланиб нари кетди. Лекин кўп ўтмай йўналишини кескин ўзгартириб, энди институт талабалари томон юра бошлиди.

- Афting қурсин, шилқим, — деб қўйди Ойниса.
  - Бопладик. Энди бошқа келмас.
- Бироз ўттач, Асрор қизлар қаршисидағи йигитлар олдида пайдо бўлди.
- Вой, Ойниса, қара, ануви шилқим фирт ишонибди, шекилли.

Ойниса кулиб юборди.

- Вой, аҳмоғ-ей. Қизиқ, у йигитта нима деяпти экан-а?
- Асрор Ойнисанинг эгатидаги йигит билан узоқ тортишиб, охири нари кетди. Қизлар эса, энди яхши кайфият билан қўшиқ айтишиб, Асрорни деярли унугтишди. Ойнисанинг қаршисидағи йигит тез терар экан ёки қизлар билан тезроқ танишгиси келдими, ҳар ҳолда тез орада яқин масофага келиб қолди.

- Ҳой, йигит, қочинг йўлимдан! — дея қичқирди Ойниса ҳазиллашиб қўлини силкитар экан.

— Ҳеч қачон! — дея овоз келди узоқдан. — Тезроқ теринг. Ойниса йигитнинг ким эканлигини билишга ва унинг афтбашарасини тезроқ кўришга ошиқди. “Қизиқ, қанақа йигит экан-а? Келишганмикан ёки афти буришган шилқимларданмикан?” — дея хаёлан фикрлади.

Ойниса ўз хаёллари билан бўлиб йигитта қандай рўпара келиб қолганини пайқамай қолди. Бу пайтда бекорчи сур Асрор бўлмаганида қизларнинг олдига эҳтимол янайм яқинлашиб келармиди.

— Эҳ-ҳе, ўзимизнинг олмахўрлар экан-ку! — деди бир таниш овоз.

Ойниса бир сапчиб тушди ва юраги ҳапқириб ура бошлади.

— Вой, сизмидингиз? — дея олди у ҳаяжон билан.

Уларнинг нигоҳлари тулашди.

— Ҳа, мен, лекин ҳозир сизларга берадиган олмам йўқ-да,

— деди йигит самимий қулиб.

— Ҳой, сенлар мени нега масхара қиляпсанлар? — дея ўшқирди шу пайт аллақаёқдан пайдо бўлган Асрор.

— Биз хира паишшалар тўғрисида гаплашяпмиз, — деди Нигора бепарво дугонаси ва рўпарасидағи йигит ўртасидағи ўзаро илиқликни ҳаяжон билан кузатар экан.

— Ким хира паишшал! — деди Асрор тўсатдан бақириб.

— Ҳой бола, бор, йўлингдан қолма! — деди йигит.

— Ие, сен ҳам ўзингни кўрсатяпсанми? Мени масхара қиляпсанми?!

— Ҳеч ким сени масхара қилаёттани йўқ. Жўна бу ердан!

— Ўзинг жўна! Бу ер мени еrim, билдингми, — деди Асрор мушт дўлайтириб, сўкина-сўкина нари кетди.

— Тоза аҳмоқ эканми бу бола.

— Э, парво қилманг, Ойнисанинг атрофида ўралашгани-ўралашган.

— Демак, исмингиз Ойниса экан-да.

— Ҳа, — дея бош ирғади қиз.

— Меники Рустам.

— Меники Нигора.

— Ануви шилқим ҳали сизга нима деди, Рустам ака? — сўради Ойниса қизиқсинб.

— “Бу қизни йўлидан қоч. Бопқа жойдан тер”, — деди.

— Сиз нима дедингиз?

## ЧИМИЛДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ

- "Йўқ, мен бир олмахўр қизни излаяпман, ўша эҳтимол шудир. Эгатга ният қилиб тушганман", дедим.
- Вой, бало экансиз-ку! — деб юборди Нигора.
- Хўш, иннайкейин у нима деди? — яна савол берди Ойниса пахтани териб тобора яқинлашиб келаркан.
- Иннайкейин "У сен айтган қиз эмас, ҳеч кимнинг олмасини емайди", — деди. Мен эса "Меникини ейди", дедим. "Кўрамиз, кимникини еркин", деб рудраниб кетиб қолди. Бор гап шу, — деди Рустам ва чўнтағидан битта олма чиқариб Ойнисага қараб иргитди. Қиз уни чаққонлик билан илиб олди ва "қарс" этказиб тишлаб дугонасига узатди.
- Йўқ, ўзинг еявер. У сенга аталган...
- Э, қўйсанг-чи, бир татиб кўр, зўр экан.
- Одам Атонинг олмасини еган Момо Ҳаво уни бошқа қизга берсам кундош бўлиб қоламан, деган экан, — деди Нигора ҳазиллашиб.
- Вой, нима бўлти, гангир-гунгур қилиб гаплашиб юрамизда.

Уччовлон кулиб юбориши.

- Ҳай, майли, сазанг ўлмасин, фақат бир тишлайман.
- Улар Рустам билан эски қадрдонлардек қизғин сұхбат қура бошлишди. Шу маҳал Нигоранинг эгатидаги йигит ҳам етиб келди.
- Танишинглар, бу йигит Раҳимжон, яъни Ромео.
- Бу эса Нигора, яъни Жульєтта, — деди Ойниса ҳозиржавоблик билан.

Нигоранинг кўзларида олов ёлқинлагандек бўлди.

Бу онлар икки жуфт ёшларнинг ҳаётларидағи энг баҳтли дамлар бўлиб қолди. Кейинчалик Нигора билан Раҳимжон ҳақиқатдан ҳам севишиб, баҳтли турмуш қуришди.

## ОЛМА ЖАНГИ

Пахта эгатлари тақдирларини туташтирган икки жуфт ёшлар ўша кунлари жуда баҳтиёр эдилар. Улар пахтани бошқа-бошқа далалардан теришса-да, ётоқхоналаригача бўлган масофа қанча

узоқ бўлмасин, қизғин сұхбату ҳазил-мутойибалар билан, яйраб-яшнаб бирга қайтишни одат қилиб олишганди. Кун бўйи энкайиб пахта терганликларига қарамай чарчоқни бутунлай унугишишар, беғубор осмон, унда учайдиган ҳар бир қуш, зовурларда тебранаёттан қамишлар, гўзалари қорайиб бораётган пахтазор пайкалларию даланинг чанг йўллари — ҳамма-ҳаммаси улар учун мўъжиза бўлиб кўринарди. Лекин уларни таъқиб қилаётган бир нигоҳ бор эдики, бу аламзада Асрорники эди.

Кунлардан бирида теримдан сўнг йигитлар кизларни ўз ётоқхоналарига рақс кечасига таклиф қилишиди ва ётоқхонадан бир чақиримча наридаги кўприк устида учрашишга келишиб олишиди. Бу келишув ҳакида кекса тол танасига айланган Асрор эшитиб қолди. У пайт пойлаб Рустамнинг адабини бериб қўйишга қасд қилди. Чунки унинг олма боғта бориши олдиндан маълум. Боғда уни ушлаб олиб роса савалайди. "Нима гап?" деб сўрашса "Ўғрини тутиб олдим" дейди. Лекин кучи етармикан? Аксинча, Рустам унинг ўзини дўппосласа-чи! Ҳа, билиб бўлмайди, — дея хаёлга борди Асрор. — Яхшиси, ўртоқларимни айтиб келаман, улар билан бирга пойлаймиз. Мени урадиган бўлса ҳуштак чаламан".

У худди куттанидек бўлди. Раҳимжон шириналлар харид қилгани гузардаги дўконга, Рустам эса одатдагидек олма боғига йўл олишиди. Асрор бу пайтда ўн чорли ўртоқларига ўзининг севган ва уйланмоқчи бўлган қизини бир келгинди талаба йигит тортиб олмоқчи эканлигини, бунинг учун унинг таъзирини бериб қўйиш кераклигини ошириб-тошириб уқтираётганди:

— Аввалига сизлар қараб турасизлар. Мен ўзим у аблажнинг дабдаласини чиқараман. Мабодо эплай олмай қолсан ёрдамга келасизлар.

Қизиққон йигитлар бу таклифга ҳеч иккиланмай рози бўлишиди ва худди ашаддий душманни пойлагандек йўл четидаги тутлар ортига яширинишиди. Йўлнинг ўртасида эса сигаретани беўхшов тутатиб Асрор кеккайиб турарди. Солдатча понамага қирмизи олмани тўлдириб олган Рустам қўшиқ хиргойи қилиб кела бошлиди.

— Ҳой, ўғри, олмани қаердан ўғирладинг?

- Ўирлаганим йўқ, эгасидан сўраб олдим. Ишонмасанг бориб сўра.
- Нега энди сенга ишонар эканман?!  
— Ишонмасанг ишонма.
- Ҳов, сен нимага катта кетяпсан?! — деди Асрор унинг йўлига терс чиқиб.
- Йўлимдан қоч, бошимни оғритма.
- Қочмайман!
- Нега?
- Сен менинг қизимга нега илакишипсан?
- Қанақасига Ойниса сенинг қизинг бўларкан?
- У меники, билдингми?! Агар у билан яна гаплашадиган бўлсанг абжалингни чиқараман!
- Мениям асабимни қўзғатма. Қиз масаласига келсак, буни унинг ўзи ҳал қилади.
- Бекорни бештасини ебсан! Сен ҳали менинг қизимга олма бериб алдайдиган бўп қолдингми?! Мана сенга!.. — деб Асрор кутилмаганда унинг олма ушлаб турган қўлига қараб течди.

Қирмизи олмалар йўл бўйлаб сочилиб тупроқ билан қориши. Албатта, Рустамнинг жаҳли жунбушга келди, шундай бўлса-да, ўзини аранг босди. Чунки бу тарбия кўрган босиқ йигит, жирига тегаётган рўпарасидаги аҳмоқ йигитдан кучли, лекин унга тенг бўлиш бемаънилик эканини яхши биларди. Шу туфайли ҳам индамади ва сочилиб ётган олмаларга тўё бепарво бўлиб ўтиб кетмоқчи бўлди. Асрорни эса бу ҳолат қониқтирмади. Чунки ўртоқларини атайин томошага олиб келган. Рақибини индамай ўтказиб юборса улар нима дейишади, ахир? Шундай ўйлар биланми, ёнидан ўтиб бораётган Рустамнинг орқасидан таваккалига тепиб юборди. Рустам энди чидал тура олмади. Чунки ҳадемай қизлар кёлиб қолиши мумкин. Унгача бу муттаҳамнинг адабини бериб, тезроқ жўнатиб юбормоқчи бўлди ва каратэ тўтарагида ўрганаётган усулларидан бирини кўллади. Рақиби бир сониядәёқ тупроқقا беланди. Рустам энди ўз йўлида кетмоқчи эди, лекин кутилмаганда Асрор орқасидан яна шердек ташланди. Бироқ

Асрорнинг пала-партиш уришиши Рустам учун ҳеч қийинчилик туғдирмасди, аксинча эрмак учун аҳён-аҳёнда, бироқ гангитиб кўйдиган зарбалар бериб қўярди.

Калтак еган Асрор энди жон-жаҳди билан тутлар ортида томошабин бўлиб турган ўртоқларига қарата қичқирди.

— Ҳой, нега қараб турибсанлар! Уринглар бу ифлос келгиндини!

Шу маҳал бири таёқ, бири тош қўтариб йигитлар отилиб чиқишиди ва қўлларидан келганча "душман"ни маҳв эта бошлашди. Рустам уларни ҳам уриб ташлади. Лекин тўсатдан орқа томондан тушган таёқ зарби туфайли кўз олди қоронгулашиб кетиб, ерга йиқилди. Жаҳли жунбушга келган Асрор бу "олийхиммат шароит"дан фойдаланиб унинг дуч келган жойига тепа бошлади. Шу маҳал дўконга кетган Раҳимжон келиб қолди ва ўзининг кучи етмаслигига кўзи етиб ўртоқларини ёрдамга чақиргани ётоказона томон чопиб кетди. Ётоказонадаги рақс кечасига тўпланган барча қизиқон талаба йигитлар ёрдамга отланиди.

Тўполон, ур-йиқит бошланди. Қишлоқ йигитлари ва талабалар тарафма-тараф бўлиб муштлаша кетдилар. Бу ҳодиса ҳақидаги хабар зудлик билан бутун қишлоққа ёйилди ва ёшу қари, оломон оқиб кела бошлади.

Не-не ширин орзу-хәёллар оғупида учрашувга келаётган икки қиз жанг устидан чиқиб қолишиди. Улар нима гап бўлганини била олмай ҳайрон эдилар. Шу пайт оғзи-бурни қонга бўялган Асрорни икки йигит суюб олиб ўтиб қолишиди. У тинмай сўқинар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди.

— Билиб қўй, мен Рустамингни ўлдирман! Барibir сенга уйланаман, билдингми? — дея сурбетларча қичқирди у Ойнисага қарата оғзидан қон аралаш туптугини сачратиб.

Қизлар қўрқиб кетишиди.

— Рустам акам! У билан муштлашибди бу ифлос! — дея Ойниса тўполончилар орасига томон чопди.

— Ҳой, тўхта. У ёққа борма, сениям уришади, — дея қичқириб қолди Нигора.

Ойниса чанг, тўс-тўполон қилиб муштлашаётган йигитлар орасидан Рустамни қидира бошлади.

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

— қаердасиз?! Урушманг, илтимос. Агар бир Асанғиз мен нима қиласаман? — дерди у тинимсиз ринг ақволини күриб йиглаб юборди.

— ердан, қанжик! — дея қичқириди кимдир.

Силиб-суқилиб ўтиб бораркан тинимсиз “Рустам ака, қаер, лз?” дея қичқиради. Лекин уни топа олмас, дунё күз ўнгыда тобора торайиб, қоронғулашиб бормоқда эди. “Қаерда эканлар-а? Ахир у эсли йигит-ку, әхтимол урушда қатнашмагандир? Мен ақмоқ бұлсам бу ерда нима қиляпман?” деди у хаёлан ва энди күпприк томон чопиб кетди. Лекин йўл четида тупроқда ва қонга беланиб ёттан бир йигитни күриб кўрқанидан қичқириб юборди. Чунки унинг спорт курткаси таниш эди.

— Бу ким бўлди экан? Ишқилиб Рустам акам бўлмасин-да. Э, худо, уни ўз паноҳингда асрагин, — дея у зудлик билан қаровсиз ёттан ярадор йигит устида пайдо бўлди ва ёнбошлиб ёттан юзини ағдариб кўрди. Не кўз билан кўрсинки, дабдаласи чиққан Рустам чалажон ётарди.

— Войдод! Рустам ака, кўзингизни очинг, сизга нима бўлди?! Войдод, ким бор?!

Муштлашув маҳаллий аҳоли билан талабалар ўртасидаги кўлаки жанита айланиб кетган эди. Бир томондан калтак еган йигитларнинг ака-укалари, ҳатто оталари келиб қўшилишса, иккинчи томондан ўз ҳамкурсларини ҳимоя қилмоқ учун талабалар ёпирилиб келардилар. Шум хабар қанотини тез қоққани учунми, тўполонга бошқа ётоқхонадан ҳам талабалар юқ машиналарида келиб, қўшилиша бошлашди. Туман марказидан бир гурӯҳ милиция ходимлари етиб келишди, лекин олишувни бостиришга ожизлик қилишди. Ўт ўчирувчилар тўполончиларга қарата кучли сув босими юборишгач, шалаббо бўлғанлар икки тарафга ажралиша бошлади.

Фавқулодда юз берган мазкур ҳодиса нафақат туман, балки вилоят миқёсидаги шов-шувга сабаб бўлди. Ўша куниёқ турнақатор автобуслар келиб талабаларни зудлик билан Қува туманига олиб жўнади. Туман касалхонасига калтак зарбидан жабрланган уришқоқлар келтирилди. Йигирма чорли ёрдамчи

талабалар ва маҳаллий уришқоқлар ҳибста олиниб, ~~ва~~ ушлаб туриш муассасасига олиб кетилди. Бўлиб ўттан ҳодиса юзасидан жиноий иш кўзгатилиб, тернов-суринтириш ишлари бошлаб юборилди ва юзлаб фуқаролар бу ишларга жалб қилинди. Авжи пахта йигим-терими долзарб бўлган пайтидаги жамоат тартиби бузилишига йўл қўйилгани, пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш ишига путур етказгани, ёшлар ўртасида роявий-тарбиявий ишларни бўшаштириб юборилгани ва сиёсий танглик вазиятига шароит яратилишига сабабчи бўлганликлари ҳамда давлатта моддий зарар етказганликлари учун кўплаб раҳбарлар: факультет декани, институт проректори, техникум директори ва колхоз раиси ўз раҳбарлик лавозимларидан четгатилдилар. Фавқулоддаги ҳодиса, ҳатто вилоят партия қенгашининг навбатдан ташқари бюросида ҳам муҳокама қилиниб, Ёзёвон туманининг раҳбарита "ҳайфсан" эълон қилинди.

### ҚАСАМ

...Рустам беҳуш ётарди. Унинг чаккасидан қон сизиб оқарди. Ойниса нима қиласини билмай қолди. Дод солди. Лекин унга ҳеч ким эътибор бермасди. Шу маҳал қулогига ўт ўчириш машинасининг чинқирган ва "тез ёрдам" нинг гувимлаган овози эштилди. Овозлар айни тўқнашув бўлаётган томондан келарди. Оқшом тушиб қолгани учун уларни узоқдан кўз илғамасди.

Киз ўзини яна тўполон ичига урди. Ўт ўчирувчилар сув босимини очиб юборишиди ва уришқоқлар шалаббо бўлиб ийқилиб, лойларга белана бошлишди. Аёвсиз сепилаёттан кучли сув босимларидан бири Ойнисани ҳам ағдариб юборди ва у ариқ ичига ийқилди. Нима бўлаёттанини англаб улгурмаган қиз энди эмаклаб "тез ёрдам" излаб кета боплади. У тақдирнинг бу "ҳазили"га ҳам тушунмаёттан, ҳам чидолмаёттан эди. Лойга беланиб эмаклаб келаётган талаба қизга кўзи тушган ҳамширалар "Унга бирор нима бўлганмикан?" деган ўйда ёрдамга ташланишиди.

— Рустам акам! Уни қутқаринглар, у ўлиб қолади! — дер эди қиз тўхтовсиз ҳаяжон билан.

- Ўзинг-чи, ўзинг. Сенга нима қилди?
- Ҳеч нима. Рустам акам чалажон бўлиб ётибдилар. Илтимос, юринглар тезроқ.

Ҳамширалар Ойнисани олиб машинага ўтиришди. Машина чирорини ва сиренасини ёқиб анчагина тинчидан қолган тўполончиларни оралаб ўтиб борди.

- Уни тез реанимацияга олиб бориш керак. Кўп қон йўқотибди, — деди ҳаяжон билан Рустамни текшириб кўрган ҳамшира.

Шундай қилиб, "тез ёрдам" йўл-йўлакай калтакланган яна икки йигитни олди-да, тун қоронгусида вахимали овоз таратиб туман маркази томон елиб кетди. "Сен қол. Борма!", деганларига кўнмай машинага илашиб олган Ойниса ҳам Рустамнинг тепасида юм-юм йиглаб бирга кетмоқда эди...

Кутилмаганда юз берган бу ҳодиса Ойнисанинг юрагини тилка-пора қилиб ташлади. У ўзини қаерга қўйишини билмас, касалхона коридорларида у ёқдан бу ёқда чопар, реанимацияда жон талашиб ётган севгилисига илҳақ бўлиб, уни ўлмай қолипини Яраттандан илтижо қилиб сўрарди. "Энди нима қиласман? Бир гап бўлса, усиз қандай яшайман?" дер эди у ўз-ўзига.

Шу маҳал Рустамнинг олдидан чиқиб келган докторни кўрган қиз чопиб бориб унга рўпара бўлди.

- Рустам акам тузукми? — деб сўради у шоша-шиша.

Хориб-чарчаб чиқсан кекса доктор кўзойнагини оҳиста олиб қафасдаги қушчадек типирлаётган, соchlари тўзиб, ғам-ғуссадан кўзлари жиқда ёшга тўлган Ойнисани зимдан кузатди.

- Бу йигит кимингиз бўлади?
- Акам, энг яқин акам.
- Қаллиғингизми?
- Ҳа-ҳа, биз унаштирилганмиз. Унинг соғлиғи қандай, ақажон?
- Уни жудаям яхши кўрасизми?

Саволига савол билан жавоб берган докторнинг бу муносабатидан қиз ажабланди.

- ... Жудаям, — деди у аранг.

— Шундай гўзал ёрини ташлаб кетиш уят-ку! Йигитингиз бақувват экан, худо ҳоҳласа соғайиб кетади.

— Вой, рости биланми? Раҳмат сизга, — деди қиз қувониб.

— Ҳа, бош мияси бир оз чайқалган, қовурғаси лат еган.

Үнга ҳозир фақат тинчлик керак.

— Унинг олдига кирсам бўладими?

— Йўқ, асло.

— Сиздан илтимос, — деди қиз зорланиб.

Қиз шундай илтижо қилдики, унинг ҳолатига докторнинг раҳми келиб кетди ва қандай рози бўлганини ҳам ўзи англамай қолди.

— Хўп, қизим.

— Вой, раҳмат сизга, — деди Ойниса ва докторнинг юзидан ўшиб олди.

— Фақат олдида жим ўтирасан, йигламайсан, “ғиқ” деган овоз чиқармайсан.

— Хўп бўлади.

— Яна бир шартим бор.

— Қанақа шарт экан.

— Тузалиб кеттанидан кейин фақат шу йигитни дейсан.

Турмуш курсанглар, мени тўйларингта айтасан.

— Албатта, худо ҳоҳласа...

Доктор ҳамширани чақириб Ойнисани беморнинг олдига кириб ўтириши мумкинлигини тайинлади ва ундан миннатдор бўлиб қараб турган қизни ўзига имлади.

— Айт-чи, у ҳам сени яхши кўрадими? — деди шивирлаб.

— Ҳа, — деди қиз ерга қараб. — Аслида муштлашув мени деб бўлди.

— Эҳ-ҳе, шунақами? Рақиблар пайдо бўлди, дегин.

— Шунака.

— Ҳай, майли, энди уни эҳтиёт қил. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасизлар. Бахтли бўлинглар.

Қизнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Ойнисага оқ ҳалат кийдириб қўйишди ва йигитнинг олдига курси қўйиб беришди. Рустамнинг аҳволини кўриб ўзини тута олмай дод деб юборай деди. Лекин ҳамшира бармоғини лабига қўйиб “жим”

ипорасини қылгач, дардини ичига ютди. Ҳамшира чиқиб кетди. Қыз севикли йигитининг устига келиб илк бор қалбида ҳақиқий мұхаббат мәхрини түйді. Беихтиёр хүшсиз йигитнинг қора соchlарини силади, юрак уриши мөшерини құрсатып турған тиббиёт ускуналарыга маъюс назар ташлади ва йигитнинг томирлари безовта гүппиллаёттан бақуувват құллари устига құлині қүйді. Беозор ёттан бу йигит энди ҳаётининг мазмунита айланғанини, усиз яшай олмаслыгини чин дилидан ҳис этди ва ҳаёт ришталарини фақат шу йигит билан боғлапта ахд қылди. Лекин орада бошқа йигит пайдо бўлса-чи? Уни бошқа бировга узатишмоқчи бўлишса-чи? "Йўқ асло. Ундан бўлиши мумкин эмас. Ундан кўра ўлганим яхши. Мен фақат Рустам акамникиман, у эса меники..." деган ўйлар кечарди дилидан.

Унинг кўзларидан кўз ёшлари тинимсиз думаларди.

- Эй, худо, сенинг гувоҳдигингда қасам ичаман. Мен ўз ҳаётимни мана шу йигиттага бағишлиман ва фақат уни дейман! — деб юборди Ойниса баралла овозда.
- Нималар деб алжираяпсиз?! Жим ўтириңг, дедим-ку! Ё бўлмаса чиқиб кетинг! — ўшқириб берди тўсатдан кириб келган ҳамшира қыз.

Хаёллари паришон Ойниса бир чўчиб тушди.

- Уэр, бошқа қайтарилмайди.
- Беморга нима гапингиз бўлса, яхши қыз, соғайиб кеттанидан кейин айтинг. Ҳозир унинг аҳволи оғир, ўлиб қолиши мумкин.

— Вой, унақа деманг. Унда мен ҳам ўлиб қоламан.

Шундай қилиб, Ойниса Рустамнинг тепасида тўрт кечако тўрт кундуз ўтирди. Туз ҳам тотмади. Ҳолдан тойиб, озиб кетди.

— Қизим, сиз энди дамингизни олинг. Бўлмаса сизниям ётқизишимизга тўғри келади, — деди кекса доктор унинг аҳволига ачиниб ва bemornинг ёнига кичик күшетка қўйдириб берди.

Бешинчи куни хабар тошган Рустамнинг уйидагилари кириб келишди ва ўғиларининг олдида мизғиб ўтирган ҳорғин қизга кўзлари тушди. Ойниса бошини аранг кўтарди. Унинг қизариб кетган кўзлари ишқ туйғуси билан лиммо-лим эди.

Бу пайтда Рустам осмону фалакда учиб юрар ва оқ булутлар орасида бир кўриниб, бир ғойиб бўлаётган Ойнисани изларди. "Ойниса! Қаёқдасиз?" дея қичқирапди у. Шу пайт қора калхатдек унинг олдидан Асрор учиб ўтди ва қиз томон кета бошлади. Оқ булат қора булатта айланаб япин чақнади. "Ойниса! Мени ташлаб кетманг! У ифлосдан қочинг! Мен сизни севаман!.." Лекин шу пайт қизнинг қўлидан ушлаб олган Асрор уни аллақаёқча олиб кета бошлади. "У менини! Уни энди сенга бермайман!" дея қичқирап, кўриниши шундай ваҳшиёна эдики, гўё кинолардаги қонхўр вампирлардек оғзидан икки сўйлоқ тиши чиқиб туради. Шу маҳал ғойибдан Рустамнинг қўлида камалак пайдо бўлди ва у маҳлуқ томон ўқ узди. Ўқ еган маҳлуқ ерга қулади. Лекин бирданига қора ботирга айланди ва ёй ўқини энди Рустам томонга йўллади ҳамда уни яралади. Йигитнинг кўз олдида еру осмон гир айлана бошлади. У Ойнисани йўқотиб кўйди. "Қаердасиз, Ойниса? Қани энди сизни бир бор кўра олсайдим, дийдорингизга тўя олсайдим, Ойниса!.." дея қичқириб Рустам тинмай алаҳсирап, терлаб-пишиб кетган, оёқ-қўллари типирчиламоқда эди.

— Болам, сенга нима бўлди? Тинчлан, болам...

— Ойниса!.. — деди Рустам.

Қўрқиб кеттан Ойниса бу маҳалда ҳамшираларни чақириш учун чиқиб кеттанди.

— Ойниса дегани ким экан-а, қизим? — деб сўради Рустамнинг онаси.

— Мен... — деди аранг кириб келган Ойниса.

Она Ойнисанинг елкасидан кучди ва бутун вужуди билан ўғли севиб қолган ва қўркувдан потирлаб турган мурғак қизнинг жуссасини туйди. Меҳри жўш урди.

— Айланай, қизим. Ўзим ўргилай сиздан, қизим, — дер эди у юм-юм йиглаб. — Худо хоҳласа Рустамжон тузалиб кетса тўйларингни қиласиз. Сизни ўзим келин қилганим бўлсин...

Ниҳоят, еттинчи куни Рустам хушига келди. Касалхонанинг ўзига хос ҳидини туйди. "Хойнаҳой, Ойниса далада қолганадир. Ишқилиб, Асрор унга бирор нима демадимикан? Учрашувга келдимикан? Ишқилиб, келмаган бўлсин-да... Эҳ, ҳозир бир

қултум сув бўлсайди, сувни Ойниса ўз қўли билан берсайди. Қани энди унинг дийдорини бир кўра олсайдим... Мана ҳозир кўзимни очаман. Фалакнинг гардиши гир айланиб агар у тепамда турган бўлса, демак, мен, албатта, ҳаётимни у билан боғлайман. Мен уни бахтли қиласман, уни бошимда кўтариб юраман, қасам ичаман!.."

Рустам оҳиста кўзларини очди ва кўзлари пахта гулли шиёлага тушди. Фира-ширада бир таниш шарпани ҳис қилди. "Кўзимга кўриняпти, шекилли", деди у хаёлан ва узатиб турилган сувни ичди. Танасига жон киргандек бўлди. Теварак-атроф оҳиста жилвалана бошлиди.

— Вой, ана ўзларига келдилар! — дея ҳаяжон билан қичқирди ўша таниш овоз.

"Ойниса-ку!" — деган ўй ўтди йигит кўнглидан. Кардиограмма чизиқлари энди баланд-баланд чизила бошлиди. Рустам не кўз билан кўрсинки, қувонганидан кўзига ёш олиб тепасида Ойниса турарди...

— Ойниса... — деди йигит кўзларига ишонмай. — Наҳотки бу сен?

Ойниса қувончдан порлаб кетди ва беихтиёр йигитнинг лабларидан ўпиб олмоқчи бўлди. Лекин Рустамнинг бўсага узатилган лаби муаллақ қолди. Хонада ички ишлар ходими пайдо бўлди:

— Кечирасизлар, салом-алайкүм. Ойниса Маҳкамова ким бўлади?

— Мен, — деди қиз бир сапчиб тушиб.

— Мен билан юринг. Сиздан баъзи тафсилотларни сўрамоқчимиз.

— Нима гап, тинчликми? — деб сўради хонага кириб келган Рустамнинг онаси хавотирлик билан.

— Ҳа. Бу қиз бизга тергов ишларига ёрдам беради. Кетдикми? Ойниса Рустам томон нигоҳ ташлади. Йигит эса ҳали нима гаплигини англаб улгурмаганди.

Маълум бўлишича, ёрдамчи талабалар ва маҳаллий аҳоли ўсмиrlари ўртасида юз берган тўқнашув бўйича тергов-суриштирув ишлари авж олган, тўполоннинг асл сабабчиларини

аниқлаш ва уларга суд орқали тегишли маъмурий жазолар қўллаш бўйича юқоридан қатъий топшириқ берилган эди. Бу ишга кўплаб талабалар ва қишлоқ ўсмирлари, гувоҳлар, билиб билмай тўполон иштирокчиларига айланиб қолганлар жалб этилган эди.

Дастлабки кунлари Асрор сўроқ қилинган ва у гўё севган қизи Ойнисани Рустам исмли йигит зўрлаб тортиб олгани учун уни қоралаб кўрсатма берган эди. Рустам ҳақиқатдан ҳам жиноятчими ёки жабрланувчи? Бу масалани фақат Ойниса ҳал қилиб берарди.

Жараёнга юзга яқин фуқаролар жалб қилингани учун у йиллаб давом этди. Ойнисанинг эса сўроқ беравериб, Ёзёвондаги ички ишлар маҳкамаси, туман суди, сўнгра эса вилоят судига қатнаб тинкаси қуриди. Ниҳоят, суд жараёни тўхтаб воқеанинг асл сабабчилари бўлган Асрор ва унинг ўртоқлари жами 12 нафар йигитчалар турли муддатларга хукм қилинишди.

Жабрланувчи деб тошилган Рустамни эса институт ректорати жамот тартибини бузганликда айблаб, сиртқи бўлимга ўтқизиши. Бу ишга бош-қош бўлган партком котиби шахсан шаҳар ҳарбий комиссарига илтимос қилиб уни ҳарбий хизматта сафарбар қилдириди. Рустам билан Ойнисанинг муҳаббат қиссаларига гўё шу билан нуқта қўйилгандек бўлди. Лекин аскар йигит билан қиз ўртасидаги севги ришталари энди сўнгсиз хижронга айланди. Улар ўртасидаги ишқий мактублар ва шеърлар гўё осмон узра сонсиз оқ кабутарлар мисоли қанот қоқа бошлади.

### **ХИЗМАТДАН ҚОЧИШ**

Ойниса ўқишини ҳам тугаллай деб қолди. Бу орада тўсатдан амакиси оғир дардга чалиниб тўшакка михланиб қолди. Докторлар унинг умуртқа поронасидаги нерв толалари оғир шикастланганлигини ва узоқ яшай олмаслигини айтиши. Шу сабаб унинг Россияда узоқ қолиб кетган ва эҳтимол ўрис хотинга уйланиб олган ўғли Нурбекни зудлик билан чақиртириб олиши...

Ўлим тўшагида ётган амаки рус юртида ўзбошимчалик билан

ўзича уйланиб олган ўғли ва эсли-ҳушлар ва севимли жияни Ойнисанинг тақдирини ўзича ҳал қилиб, розилик берип шарти билан ўша машъум васиятини баён қилди. Қизнинг ота-онаси ва яқин қариндошлари бу васиятни жуда ҳам жиiddий қабул қилдилар. Уларнинг назарида васиятни бажармаслик худонинг қаҳрига дучор бўлишдек бир гап эди. Ҳеч ким Ойнисанинг ва ҳатто, Нурбекнинг раъии-хушларига қулоқ ҳам солишмади. Бу ҳолатни гўё ёшларнинг "эркаликлари"га йўйишиди. Ойнисанинг назарида гўё олам остин-устин бўлиб кетди. Бироқ бу "вайроналик" ҳеч кимнинг парвосига ҳам келмади.

Ойниса шошиб қолди ва зудлик билан Рустамга ҳам телеграмма, ҳам изтироблар билан тўлиб-тошган мактуб йўллади. Бу ерда жиiddий сабаб ҳам бор эди, албатта. Уларни олган аскар йигитнинг кўзига дунё қоронгу бўлиб кетди. Командиридан уйига бориб келишига навбатсиз таътил беришларини сўради. Лекин Афғонистонда уруп ҳаракатлари бораёттани ва мамлакат бўйича ҳарбий ҳолат эълон қилингани учун рухсат берилмади.

Унинг учун фақаттина қочиш ягона йўл эди.

\*\*\*

... У поезд станциясидан тўғри Ширинсойга — Ойнисаларникига келди. Лекин Ойнисанинг бугун сўнгги битириув имтиҳони эканлигидан Рустам хабарсиз эди. Уйдан унинг отаси чиқиб келди ва бегона аскар йигитни кўриб ҳайрон бўлди.

- Келинг, ўрлим, сизга ким керак?
- Ассалому алайкум, кечирасиз, бу уй Маҳкамоваларникими?
- Ха, нимайди?
- Менга Ойниса керак эди...
- Мен унинг отаси бўламан. Қизимда нима ишинг бор? — деди мўйсафид кўнглида қандайдир нохушлик сезиб, сенсираб.
- Мен узоқдан, тўғри хизматдан келяпман.
- Хўш, нима бўлти?
- М-мен, ҳалиги, қизингизни унаштириляпти, деб эшитдим.
- Ҳа, унаштирилиб бўлди. Яқинда тўйи бўлади. Сен уни тинч қўй. Бор, жўна, йўлингдан қолма!

## *Навықон ҲОШИМОВ*

- Мени тўғри тушунинг. Биз у билан бир-биримизни...
- Сенга "Йўқол!" деяпман, ярамас! Ҳозироқ түёғингни шиқиллатмасанг жиянларимни чакриб адабингни бердираман!
- Мен калтак ейишдан қўрқмайман, ўлдирсангиз ҳам майлига, отахон!

— Ҳали шунақами, яхшиликча жўна, сурбет! Сенга берадиган қизим йўқ! Уни бериб бўлдим. Бор, ўзингга муносибини топиб ол! Қизимни тинч қўй! — деди мўйсафида ва дарбоза эшигини "қарс" этказиб ёпиб қўйди.

Рустам бу хўрликка чидай олмади. Ички бир титроқ унинг вужудини қоплай бошлади. Бу пайтда ўғли аскарлиқда бўлган бир аёл уни узоқдан кўриб қолиб ҳовлиқиб келаётганди. Рустам осмонга қараб аламли ҳайқирди. Дараҳт шоҳларида ва симёючларда ўтирган қушлар париллаб учишли. Итлар вовуллай бошлашди, қизиқувчан ёш болалар эса сергакланишиб чопиб келардилар.

— Ҳой, болам, сен кимсан-а? Сенга нима бўлди-я? Мени ўғлимга ўхшар экансан. Ким сени хафа қилди?

Рустам бошини чанталлаб ерга тиз чўкиб қолганди.

Ажабланган аёл теварак-атрофга назар ташлади. Фақат болаларгина чугурлашиб туришарди.

— Ҳой, кимниги келувдингиз, ўғлим?

— Сизга нима бўлди-я? Юринг бизникига, иссик, чой қилиб берай, ўзингизга келиб олинг. Мениям ўғлим сиздақа армияда.

Аёл энди кўзларига ёш олиб йиглаб гапира бошлади.

— Анчадан бери ундан хат-хабар йўқ. Афғонистон ёмон бўлаётганмиш. Аскарларни олиб кетаётганмиш... Йўлларига кўзим нигорон. Юрақолинг, болам. Сизни кўриб ўғлимни кўргандай бўлдим.

Рустам иктиёrsиз аёлнинг ортидан эргашди. Аёл тезда сўрига янги кўрпачалар тўшади, дастурхон ёзиб, чой-нон қўйди.

— Қани олинг, гиргиттон болам. Сўраганин айби йўқ. Қаерда хизмат қилаясиз?

— Олтойда, — деди Рустам аранг чойни хўпларкан.

— Вой, ўзингиз қаерликсиз?

- Қувалик.
- Ҳозир Қувадан келяпсизми?
- Йўқ, Армиядан.
- Кимникига келдингиз-а?

Рустам аввалига жавоб бера олмай иккиланиб қолди. Сўнгра эса бунинг фойдасизлигини англаб, бўлган ишларни қисқа қилиб айтиб берди.

- Фақат сиздан илтимос, ҳолажон. Бу гап шу ерда қолсин.
- Вой, шўрлик болам-ей, ёмон бўпти-ку! Ойнисани кечагина унаштиришиди-я!
- Кимга?
- Амакисининг ўғлига. У вафот қилаётиб васият қилиб кеттанмиш.
- Ҳолажон, мени Ойниса билан учраштира оласизми?
- Йўқ, болам, унаштирилган қиз парвардигорнинг назарида бўлади. Иннайкейин бу ишни куёвнинг яқинлари эшитиб қолишса, яхши бўлмайди. Қишлоқдагилар ҳам буни ёмон олишади.
- Ҳеч бўлмаса узоқдан бир кўрсам эдим... — деди Рустам оғир хўрсиниб.
- Яххиси, уйингизга кета қолинг. Улар ҳам сизни жуда соғинишгандир.
- Ҳа, албатта, бораман. Уларни совчиликка юбораман.
- Афсус, энди кеч қолдингиз.
- Мени тушунинг, хола. Ахир биз бир-биримизсиз япай олмаймиз.
- Ҳа, Ойниса жуда бошқача қиз бўлган. Қишлоғимиздан ҳали бунақа ўқимишли, шоира қиз чиқмаганди... Мен ҳам уни ҳавас қиласдим. Лекин ўғлим ҳеч қаерда ўқимади. Шунинг учун уни тенгимас деб кўя қолувдим. Сизга бўлса барибир беришлари кийин эди. Бизда узокқа, бегоналарга қиз беришмайди, яқин қариндош-уруглар бир-бирларига узатиб кўя қолишади. Мени тоғамнинг ўғлига беришган. Эл қатори мардикорлик қилиб кун кечирамиз... — деди аёл бошини сарак-сарак қилиб.
- Хўп, хола, чойингиз учун раҳмат. Энди мен борай.
- Хафа бўлмай кетинг, ўғлим. Бу тақдир пешонада...

— Хўп, хайр, омон бўлинг.

Рустам аёлницидан чиқди ва Ойнисаларницига оғир нигоҳ ташлади-да, гузар томон келган йўлига қараб истар-истамас кета бошлади. Энди у автобусга ўтириб туман марказига жўнайди ва уйига бориб, бор гапни ўртага солиб маслаҳат қиласди-да, сўнгра хизмат қисмига жўнаб кетади. “У ёқда ҳозир нима бўляшти экан? Мени қидиришаёттандир. Жилла борса гаупвахтага қамашса керак-да”, деган ўйлар билан у автобусга ўтириди.

Автобус одам тўлгунга қадар анча вақт туриб қолди. Шу маҳал навбатдаги автобус келиб тўхтади, уларники эса чиптага пул йиға бошлади. Рустам ҳам ёнини ковлаштириди.

— Хотиржам бўлинг, биз аскарлардан пул олмаймиз, — деди шопмўйловли ҳайдовчи. — Лекин ануви шеригимнинг нафси ҳакалак отган. Ўтган куни бир ногирон билан жанжаллашиб қолди.

Рустам беихтиёр эътиборини нариги келган автобусга қаратди. Не кўз билан кўрсинки, ундан Ойниса тушиб келди ва уйи томон кета бошлади. Қиз жуда ҳам ғамгин кўринарди.

Йигитнинг кўзларидан ўт чақнади. Ўзини шу қадар баҳтиёр ҳис қилдики, шу маҳалда ҳеч ким, ҳеч қандай куч уни тўхтатиб қола олмасди.

— Ойниса!.. — дея эҳтирос билан қичқирди у автобусдан отилиб чиқсан ҳамоно.

Қизнинг ҳам кўзларидан олов чақнади. Икки ёш бир-бирларига томон талпиндилар. Шундай талпиндиларки, бутун борлиқ уннут бўлди. Тез орада ўзларини бир-бирларининг огушида кўрдилар. Соғинч ва хижрон икки севишганларнинг бағрини ўртаб юборган, лекин бу ҳол қиплоқликлар назарида “ўта шармандали” ҳол эди.

Қиплоқликларнинг жаҳли чиққанлигини кўрган ҳайдовчи аскар йигитни кутилаётган нохушлиқдан асраб қолмоқчи бўлдими, қичқирди:

— Ҳой, аскар йигит! Чипта олиб қўйгансиз-а! Биз жўнаяпмиз, — деди у ва сигнални ҳам босиб қўйди.

— Боринг, сизни чақиришапти.

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

— Йўқ, сенсиз кетолмайман.

— Ахир, мен унаштирилганман. Боринг жўнанг, — деди қиз ҳайқириб йигитнинг кўксидан оҳиста итараар экан.

Йигит маъюс бўлиб қолди ва автобус томон бир-икки қадам ташлади. Оғир изтиробга тушган қиз таҳликада қолди. Қўлидан сумкачаси ҳам тушшиб кетди.

— Рустам ака! — қичқирди у беихтиёр ва йиғлаб юборди.

— Кетманг! Мени ташлаб кетманг!...

Йигит тўхтаб қолди.

— Ҳой, аскар йигит, бирор ишқал чиқмасидан юра колсангизчи! — деди яна ҳайдовчининг раҳми келиб.

Рустам "кетаверинг" дегандек ишора қилди.

— Шармандалар, — деди йўловчи аёллардан бири.

— Қаранг-а, унаштирилган қизам шунақа бўладими? — деди бошқа бир аёл уни маъқуллаб.

— Бу болани абжагини чиқариш керак, — деди йигитлардан бири қўлинни муштлаб.

— Ҳайданг, ҳой шафёр ака. Бунақа томоша кимга керак? Кеч қоляпмиз-ку.

— Ҳа, — деди ҳайдовчи ўзича. — Бечора йигитта жабр бўлганга ўхшайди.

Автобус ўрнидан жўнаркан барча йўловчиларнинг кўзи "шармандали" икки ёшга қадалган эди. Шу маҳалда бир-бирларига интиқ бўлиб турган севишганларни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай қудрат ажратса олмасди.

— Юр, Ойниса, кетайлик.

— Қаёқقا?

— Бизникига...

— Йўқ, отам ўлдиради.

— Нима, ўлимдан қўрқасанми?

— Йўқ, отамнинг оқ қилишидан қўрқаман.

— Эртагаёқ уйдагиларни юбораман.

— Йўқ, мени унаштириб қўйишиди.

— Ахир ўзинг рози эмассан-ку, нимадан қўрқасан?

— Амакимнинг арвоҳидан қўрқаман.

— Сен қўрқма, баҳтинг учун кураши.

## Навиғон ҲОЧИМОВ

- Ожизман.
- Ахир биз қасам ичганмиз, аҳдашганмиз-ку!..
- Ҳа. Мени кечириң... Энди кетинг, мени унутинг.

Рустам бир оз довдираб қолди.

- Ҳой, йигит, эшигтмаяпсанми, сенга "кет" деяпти, — деди уларни зимдан кузатиб турган қишлоқ йигитларидан бири.

Шундагина икки ёш ўзларини турли одамларнинг кўз таъқибларида турганликларини ҳис қилишди.

- Кетинг, ҳаммаси тамом... — деди қиз ва ҳўнграб йирлаб, уйига томон юра бошлади.

Бу пайтда гузардаги "томоша" ҳақидаги хабар Ойнисанинг отаси қулогига ҳам аллақачон етиб борганди. У тезлик билан жиянларини чақиртириди.

- Боринглар тез! Бир аскар йигит Ойнисанинг йўлини тусиб бошини қотираётганмиш. Унинг адабини бериб жўнатиб юборинглар. Бу ёқقا бошқа қадам изи қиласин! Куёв бола эшишиб қолса яхши гап бўлмайди.

Йигитлар чопиб кетишди ва йўл-йўлакай йирлаб келаётган Ойнисани учратишиди.

- У сени хафа қилдими?..
- Қўй, йирлама, биз ҳозир унинг жазосини берамиз.

Қиз уларнинг гапини чопиб кетишганидан кейин англаб етди.

- Ҳой, тегманглар унга!
- Унда нега йирляпсан?!
- Ўзим!..
- Тезроқ уйга бор, отанг кутиб турибди.

Ойниса оҳиста дарвозаларини очиб киаркан, қаҳр билан қараб турган отасига дуч келди.

- Ким у аскар?
- Бирга ўқиганмиз.
- Билиб қўй, сени энди бошинг борлиқ, Шилт-пилт қилсанг оқ қиласман! Бор, уйга кир!

Қиз чопиб уйга кириб кетди. Ҳовлидан супургидай юмшоқ ва ювош онаси эрининг важоҳатидан минг бир хавотирлик билан чиқиб келди.

- Ҳа, тинчликми, дадаси?
- Тинчликмас! Акамнинг қирқи чиқиши билан тўй бўлади. Тамом-вассалом!

Хотинининг сувга тушган мушукдай дами ичига тупшиб кетди. У бир оз тараддуудланиб турди-да, эрининг нигоҳидан кўркиб қизининг одига кириб кетди. Ичкаридан қизнинг фарёди эшитилди: "Ахир мен уни яхши кўраман! Усиз яшай олмайман, ойижон!" дея қичқириб йигларди қиз.

Отанинг баттар жаҳли чиқиб кетди ва болохонадор сўкинишда давом этди.

— Ҳой, Ҳожал! — дея қичқириди у хотинига.

— Ҳувв!

— Чиқ бўёқда! Бу қанжиқнинг гапига қулоқ солма! Одамни шарманда қилди бу қизинг. Тезроқ уни ўраб-чирмаб згасига топширайлик-да, қутиласйлик!

### ҚАЕРДАСАН, ОЙНИСА!

Аскар Рустам юрагида бир дунё алам билан ота-онасининг хузурига қайтди. Тўғри, у яна калтак еди, кўзи кўкарди. Ишқ кўзини кўр қилиб қўйган йигитнинг дарду аламини Ойнисанинг қариндошлари тушунишни исташмади. Бу томонларга қайтиб қадам босмаслик шарти билан уни туртиб-суртиб автобусга "иззат" билан чиқариб қўйишиди. Бир гал бир аҳмоқ билан тент бўлиб муштлашиб, ҳаёти алғон-далғон бўлиб кеттани унинг учун етарли эди. Шу сабаблими ёки Ойнисанинг қайтиб келиб қолишига умиди бўлгани учунми, унинг йўлига интизор бўлиб термулар, атрофидан тушаёттан муштларга эътибор ҳам бермас, оғриқни сезмас, чурқ ҳам этмасди.

— Бўлди, бас қилларинг, аскарни уриб бўлмайди. Ҳамманг қамаласан! — қичқириди бир мўйсафиц йигитни ажратиб оларкан. — Бор уйингта, жўна ҳамманг! Ҳозир мелиса келса онангни кўрасанлар!

Шундагина муштумзўрлар бас қилишди ва индамай келган изларига қараб жўнашди.

— Иккинчи бу ёқларга қадам босма, Ойнисани тинч қўй!

- Қичқирди йигитлардан бири ортига қараб.
- Э, гап бу ёқдамиди? Ҳафа бўлмайсан, йигит. Бошқа бунақа қилиб юрма, гапинг бўлса одам кўй, уйланмоқчи бўлсанг совчи юбор.
- Ахир...
- Ҳа, тушунаман. Ойнисани бериб қўйишиди. Лекин яна уриниб кўришга вақтинг бор. "Чиқмаган жондан умид" дейдилар.

Шу пайт автобус сигнал берди.

- Бора қол, бу охирги автобус. Ҳафа бўлмай кет. Йигитликда бўлиб туради.

— Ҳечқиси йўқ, раҳмат, отахон.

— Эт-бетингни қоқиб, юзингни ювиб ол.

Рустам Ойнисаларнинг кўчаси томон сўнгти бор нигоҳ ташлади ва эртаси албатта уйдагиларни бу ерга юборишга аҳд қилди.

\*\*\*

Рустам қишлоғига оқшом маҳали етиб келди. Маҳалла кўчаларини сув босиб кетгани учун киракаш уни уйигача элтиб қўя олмади.

— Узр, йигит. Айбга буюрмайсиз энди, глушителимга сув кирса қоронғуда қийналиб қолиб кетмай тағин.

— Ҳечқиси йўқ. Мана ҳаққингиз, озроқ кам эди, уйдан олиб бермоқчи эдим.

— Э, бўлади, ука. Бензинимта етса бўлгани, савоб ҳам керак-ку, ахир.

— Раҳмат, ака. Бу яхшилигингизни мен ҳам бирор кун қайтарарман.

Машина изига қайтди.

"Яхши иш бўлмади-да, — дея кўнглидан ўтди аскар йигитнинг. — Одамларга кўринмаганим маъқул эди".

— Ҳой, аскар, кимсан? — дея қичқирди орқадан бир таниш овоз. Бу синфдоши Аъзамжон эди. Аъзамжоннинг ёнида яна икки йигит туришарди. Улар ҳам синфдошлари Абдураҳим ва Иброҳимлар экан. Кўришмасликнинг иложи ҳам, ҳожати ҳам

йўқ эди. Болалиқдан бирга ўсиб-улғайтлар учун бу кутимаган қувончли воқеа бўлди. Рустам уларни кўриб қувониб кетди. Мана энди улар билан дардлашади, маслаҳатлашади, режалар тузишади. Лекин дардларни дарров тўкиб солиб бўлмайди. Аввал у ёқ-бу ёқдан тўйгунларича бафуржга гаплашиб олишсин, ўзи пайти келади. Рустам тезлик билан шундай қарорга келиб қўя қолди ва ўзини жуда қисқа муддатта таътилга келганини айтди.

— Жуда зўр бўлибди-да. Учрашиб қолганимизни қара, бугун Тўхтасиннинг навбати. Шанбаликка кетаётувдик, — деди Аъзам қувониб.

— Кетдик, ўша ёқда гаплашайлик. Бопқа синфдошлар ҳам солдатни кўриб хурсанд бўлишсин, — деди Иброҳим.

— Йўқ, йигитлар, мен уйга тезроқ бора қолай, кеч бўлди.

— Ахир бир-икки кун шу ердамисан? — деб сўради Абдураҳим.

— Ҳа, албатта.

— Бўпти-да, борасан-да. Ҳозир биттамиз уйингта хабар қилиб қўямиз.

— Э, йўқ...

— Бир чўқим ошни ейсану кейин сени биз уйингта кузатиб қўямиз, — деди Иброҳим.

— Холамдан суюнчини ўзим оламан ҳали, — деди Аъзам.

Хуллас, у ёқ-бу ёқда тортқилаш бошлианди. Бу маҳалда эса қишлоқ шўро кенгашида ҳарбийларни ҳисобга олиш бўлими бошлиги вазифасида ишлайдиган Каримберди туман ҳарбий комиссаридан телефон орқали олган маҳсус топшириқ билан Рустам Қурбоновларникига келаётган эди. У тўсатдан ўша ҳарбий хизматдан қочиб кетган аскар Рустам Қурбоновнинг овозини эшишиб қолди ва ўзини панага олди.

— Оббо, номард қочоғ-ей! Яна ҳеч нима бўлмагандек апоқ-чапоқ гаплашишини қаранглар. Давлатни ўйинчоқ қилишни сенга ҳали кўрсатиб қўяман. Бу номардни шундай жазолаш керакки, бошқаларга сабоқ бўлсин... Қизиқ у қачон келдийкин? Ўртоқлари билан майшат қилгани кетяпти. Демак, у аллақачон

келган экан-да. Мундириниям ечиб қўймабди, қизталоқ.

Каримберди йигитларнинг сұхбатларига зўр бериб қулоқ тутди ва уларнинг Тўхтасинларнига кетаётганликларини англади. Зудлик билан ортига қайтди.

— Уни қочирвормаслигим керак. Бўлмаса мента гап тегади. Ундан кўра боплаб ушлаб борсам, эҳтимол мукофот беришар... Оббо, номард йигит-ей, сен ҳали давлат хизматидан бош тортадиган бўпсан-да...

Синфдошлар Рустам билан апоқ-чапоқ кўришишди. Унинг келиши кутилмаган воқеа бўлди. Даврага файз кирди.

— Уйга хабар қилиб қўяйликми? — деб сўради Абдураҳим.

— Йўқ, ҳозир ўзим бораман. Ойимни биласан-ку, ҳовлиқиб бу ёқда чопмасинлар.

— Ҳа, тўғри, кўчалар сув, лой, — деди Тўхтасин.

— Лекин йигитлар менга тезроқ рухсат берасизлар.

Үйдагилар ҳали келганимни билишмайди.

— Бўпти, гап йўқ. Ҳозир ошга гуручни соляпмиз.

Синфдошлар гурунги авжига чиқди. Лекин Рустамнинг кўнгли негадир яш эди ва ғашликни кўтариш учун пиёлада узатилган ароқларни йўқ демади. Ичиб олиб, газак қилди. Уч кундан буён туз тотмаганди. Оч қоринга "аччиқ сомса" ўз кучини кўрсата бошлади. Қани энди уйига тезроқ борсаю онасининг тиззасига бош қўйса, бутун дарду ҳасратини тўкиб солиб, қотиб уйқуга кетса...

— Ҳой, Рустам, ухлама, ошни сузаяпмиз, — деди Обид исмли синфдоши.

— Узр, йўл чарчоги, мен қайта қолай.

— Бўлди, ҳозир ошдан бир чўқим ейсану сенга жавоб... Лаганга жой бўшатинглар-чи ҳани, — деди Адҳамжон.

Лекин Рустамга ош ейиш насиб қилмади. Ким билади, ўзи пешонаси шунаقا шўр эканми ёки ҳали жуда гўр эканми, Ойнисага етишиш ҳам, бошқа кўриш ҳам насиб этмади. Азоб ва алам унинг тақдиррида соядек эргашиб юрди. Ош сузиги келингани маҳали синфдошларининг кўз ўнгидага тўятдан Каримберди ва қуролланган аскарлар кириб келишди, сўнгра мизғиб ўтирган оддий аскар Рустам Қурбоновнинг қўлига

кишан солищди. Кутылмаган бу ҳолатдан йигитлар довдирағ қолищди. Сархуш Рустам ҳам нима бўлаётганини ҳарбий машинага чиқаришаётган пайтдагина англади. У худди туш кўраётганга ўхшарди. Аскарлардан бири унинг елкасига қўндоқ билан уриб "Чик тез, қочоқ!" деганидагина у ўзига келди.

— Йигитлар, уйимдагиларга келганимни айтманглар, илтимос! — дея қичқирди у ва яна изтироб билан нималардир деб қичқирганини ҳеч ким англай олмади.

Машина юриб кеттан эди.

\*\*\*

... Ҳарбий трибунал айни Афғонистонда уруш ҳаракатлари кетаётган ҳарбий ҳолат даврида хизмат постини ўзбошимчалик билан ташлаб қочиб кетгани ва ўз бурчини, давлат олдидағи қасамёдини бажаришдан бўйин товлагани учун оддий аскар Рустам Қурбоновни 5 йил муддатга интизомий жазо батальонида кучайтирилган тартибда тарбияланишга ҳукм қилди. Ёшлар ўртасидаги ғоявий-сиёсий тарбия ишлари бўшашибириб юборилгани ва уни кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш ҳақида туман маориф бўлими ҳамда Рустам ўқиётган институт маъмуриятига ҳам маълум қилинди. Ёшлар ва талабалар билан ўтказилган йигилишларда Рустамнинг хатти-ҳаракати қораланди. Маҳаллий газеталар бу ҳақида мақолалар эълон қилди.

Эл-юрт, маҳалла-кўй олдида Қурбоновлар оиласининг юзи шувут бўлди. Қочоқнинг онаси Мехри ода ўғли ҳақидаги нохуш хабарни тўсатдан эшишиб, ўша куниёқ юрагини чанглаб қолди ва уни касалхонага ётқизишди. У ўзига келгач, ўйлаб ўйига етолмасди. "Ўғлим эсли-хушли, тарбияли йигит эди-ку! Унга нима бўлди? Армиядан бекорга қочмагандир, бирор сабаби бордир" деган ўй унинг хаёлидан нари кетмасди. Катта ўғли Акбаралининг хотини, яъни келини бўлмиш Сурайёхон доимо ёнида турди. Қишлоқда обрў-эътиборли бўлган оиласининг бошига тушган ташвиш унинг ҳам юрак-бағрини эзив юборди. Бетоб қайноасининг устида юм-юм йиғлади. Уни кўриб Мехри опанинг меҳри жўш урди. Рустам касалхонада чалажон

## *Набиқон ҲОЧИМОВ*

ётганида тепасида ана шундай юм-юм йиглаб ўтирган Ойниса исмли қиз ёдига тушди. Келин қилмоқчи бўлганини эслади.

“Қизик, у қиз ҳозир қаерда экан? Рустам совчи бўлиб боринглар ҳам демади. Уни ё бошқа яхши кўргани бормикан, ё бирор жиноят қилганмикан? Йўғ-е, унақа қизга ўҳшамади-ку! Нега уни мелисалар ҳадеб сўроққа олиб кетаверишди? Болам ўша қизни орқасидан калтак егани аниқ. Энди нима бўлади?.. Шўрлик ўғлимни энди нима қилишаркин? Ё бу ишларга ҳам ўша қизнинг алоқаси бормикин?..”

Ниҳоят қайнона келининг ёрилди.

— Эсингиздами, Сурайёхон, Рустамжоним оғир ётганида уни бир чиройли қиз қараёттан эди.

— Ҳа, эсимда. Жуда яхши қиз экан. Биз ташқарида анчагина гаплашувдик. Айтишпича, ўша жанжал шу қизни деб бўлган экан. Шунинг учун ўзини айбдор деб биларкан.

— У қиз қаерлик экан?

— Боғодд туманиданман, деди. Қишлоқларининг номи Ширинсувмиди, ё Ширинсоймиди, эсимда йўқ.

Шу маҳал Акбарали кириб келди.

— Ойижон, тузукмисиз?

— Худога шукур. Военком нима деялти?

— Ҳа, гаплашдим, — деди ўғли чуқур хўрсиниб. — Бекор қилибди. Қочмаслиги керак эди. Тўғри, қийин. Лекин йигит киши ҳамма нарсага сабр қилиши, чидаши керак-да. Ундан бу ишни сираям кутмагандим.

— Бу ерда бошқа гап йўқмикин?

— Қанақадир бир қизни деб қочиб кетганмис. Худди қиз куриб кетгандек.

Сурайё унга “ялт” этиб, ғалати қараб қўйди.

— Шу гапларни ойимга айтишингиз шартмиди?

— Ўша қизни топишмиз керак, — деди она қатъий қарор қилгандек.

— Нега энди, ойижон?

— Укант сен ўйлаган йигитлардан эмас. Уни яхши биламан.

— Йўқ, у сал бебошроқ чиқди. Бўлмаса ўқишидан ҳайдашармиди.

## ЧИМНИЛДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ

— Ҳайдашгани йўқ, — деди Сурайё қайнонанинг ёнини олиб. — Ўқиши сиртқига ўтқазди, холос. Ўзи ишлаб, пул топиб ўқимоқчи бўлди.

— Хўп, майли, сизлар айтганча бўла қолсин, — деди Акбарали жаҳдини ичига ютиб. — Лекин бу ишни давлат ҳеч қачон кечирмайди.

— Уканг қийналганидан қочиб кетгани йўқ, болам. Ўша қизни севиб қолгани рост. Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Шунинг учун ўша қизни топайлик, сўраб-суриштирайлик. Боши очик бўлса келин қилайлик. Мен у қизни Рустамга қараёттанини кўриб ҳавас қилганман. Улар бир-бирларига жуда муносиб. Ўша қизни қидириб кўргин, болам.

— Қиз қидириш қўлимдан келмайди.

— Мен бораман, ойижон. Акбар акамга бу иш ноқулай.

— Умрингдан барака топ, болам.

— Биз ҳаракат қилиб кўрамиз. Сиз фақат ўзингизни ортиқ уринтируманг. Дунёда ечилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ.

— Раҳмат, ўғлим. Энди нима қилсан ҳам уканг учун қиласиз. Биздан бошқа кими бор? Ҳозир унга жудаем қийин. Ҳудойим мушкулини осон қилсин, ишқилиб. Бир мушқулкушод ўқитворайлик, қизим.

— Хўп, майли, ойижон. Сиз соғайиб чиқинг, албатта ўқитворамиз.

— Акбарали!

— Лаббай, ойижон.

— Дўхтирдан сўрачи, менга қачон жавоб берипаркин.

— Бемалол ётаверсангиз-чи!

— Йўқ, бу ерда bemalol ётолмайман. Рустамжоним қайларда қолди экан? — дея она энди пиқиллаб йиглай бошлади.

— Оббо, қўйинг энди, йигламанг. Йигит кишига ҳеч жин урмайди. Яқинда хизматни тутатиб қайтиб келади. Ҳудо хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз, — деди Акбарали онасини юпатиб.

— Хўп, энди мен борай, эртага Сурайё ўша қизни суриштириб келади.

Акбарали палата эшигини оҳиста ёпаркан, кўнглида бир олам алам унинг елкасини босиб тургандек ҳис қилди. Чунки бугун

ҳарбий комиссариатда Рустамни 5 йилга "дисбатга" ҳукм этилгани маълум қилинганди. Бу ҳақида онасига қандай қилиб айтади, ахир? Хотини Сурайёга ҳам дастлаб ҳеч нима демади. Сурайё кўпни кўрган, бир масалани тез ҳал қила оладиган улдабурон аёллардан эди. У эртаси саҳарданоқ Ойнисани қидириб йўлга отланди ва суриштириб кечга яқин Ойнисаларникини топиб борди. Ойниса уйда экан, уни дарров таниди. Бўлган ишларни эшитиб Сурайёning тарвузи кўлтиғидан тушди.

— Э, худо, энди нима бўлади? Рустамжоннинг аҳволи энди қандай кечади?..

Икки ожиза бир-бирларини қучиб юм-юм йигладилар. Сўнгра Сурайё бир қарорга келгандек даст ўрнидан турди.

— Қайним Рустамжон тилло йигит. У сизни деб ўзини хатарга қўйиб келибди. Қайнонам оғирлашиб қолди. Сиз уни ҳақиқатан севсангиз қўл қовуштириб ўтирант. Биз совчи бўлиб келамиз, ҳаракатингизни қилинг.

— Мен ҳеч нимани ҳал қила олмайман, — деди қиз бўзлаб.

— Энди кеч бўлди.

— Ойнгиз-чи?

— Ойим ҳам отамнинг хожишларига қарши бора олмайдилар. Бу иш фақат отамга боғлиқ. Чунки ўртада амакимнинг васияти бор.

— Керак бўлса маҳалла-кўйни, оқсоқолларни ўртага солайлик.

— Майлига, қани энди ҳал қила олсангизлар. Амакимнинг ўғлига текканимдан ўлганим яхши. Ундан кўра ўзимни-ўзим ўлдираман!

— "Ўлдираман" дейсизми? Рустам-чи?! Сизни деб у ҳаётини тикиб қўйди. Осонгина ўлиб кетиш ҳамманинг ҳам қўлидан келаверади, лекин инсон ўз баҳтини ўзи куриши, уни ҳимоя қилишиям керак. Хўп, мен кетдим, уйдагилар билан маслаҳат қилиб яна келаман.

Сурайё уйига оқшомда кириб борди. Ҳавотир олган Акбарали қизчасини кўтариб кўчада туради.

— Ҳа, намунча кеч?..

- Аранг тоңдим. Жа узоқ экан.
- Нима бўлди?
- Ўйга кирайлик, жуда чарчадим.

Сурайё бўлган гапларни эрига гапириб берди. Акбарали гоҳ бошини чангаллар, гоҳ хонтахтани мушглар ва ўрнидан туриб кетиб, яна ўтиради.

— Эҳ аттанг, чатоқ бўпти-ку! Ойим айттаниларича бор эканда!

— Ҳа, бир нарса қилмасак бўлмайди, дадаси. Ахир у ердаям ҳукумат бор, оқсоқоллар бор, ануви қизнинг отасини бир йўлга солишар.

— Биринчидан, бу жуда қийин, мужмал иш, иккинчидан, энди бунинг фойдаси йўқ.

— Нимага унақа дейсиз? Ахир қўл қовуштириб ўтираверамизми? Қанақа акасиз ўзи?

— Сенга фойдаси йўқ, деяпман-ку! Чунки Рустамни беш йилга қамашди. У оғир жиноят қилди, хизматдан қочди. Лекин бу ҳақида ойимга айта кўрма. У қизинг барибир Рустамни беш йил кута олмайди. Бунга уйидагилари кўнишмайди.

Сурайёning кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Нима, қамашди дент! Бечора Рустамжон... Ойимга бу гапни айтиб бўлармиди?! Ойнисага-чи, бу гапни қандай айтиб бўлади?

— Билмасам, — деди Акбарали чуқур хўрсиниб.

— Лекин у қиз кутади, дадаси. Ҳаракатимизни тўхтатмайлик. Ойим ҳам хурсанд бўладилар.

— Ҳа, майли, уринсак уринаверамиз-да...

Бироқ барча уринишлар бефойда кетди. Қишлоқ шўро раиси, маҳалла оқсоқоли, мачит имоми ва бошқа фаоллар ўртага тушиб Акбарали ва Сурайёning куйиб-пишишларига ёрдам бериш учун Ойнисанинг отасини ўртага олиб кўрдилар. Лекин ота кўнмади, акасининг васиятига содик қолди ва унинг руҳини шод, севишганларнинг ҳаётини барбод қилди. Қизининг дарди уни қизиқтирмади. ТАМОМ! Тўй бўлди...

## ЧИЛЛАЛИҚДАН СҮНГ...

Ниҳоят, келин-куёвнинг изтиробларга лиммо-лим тўлиб-томған чилласи чиқди.

Хаёллари паришон бўлган Ойниса нима қилаёттанини, нима еб-ичаётганини ўзи ҳам билмас, ҳатто исмини айтиб чақиришганида ҳам дарров жавоб беравермасди. Бўш қолди дегунича ичкарига кириб дафтарини олар ва бутун дарду аламини шеър қилиб битарди. У озиб-тўзиб кетди. Деярли ўзига қарамай қўйди. Майин кумуш ранг соchlарини рўмолининг ичига танғиб олар, уни фақат ётишдан олдингина ечиб қўярди-да, чойшабда яна оқ сочли маликага айланарди.

Нурбекнинг фикри-хаёли эса узоқларда қолган гўзал Наташа ва ўғилчаси кичик Нурбекда бўларди. У тонг саҳардан эл қатори ишлаб келиш учун чиқиб кетар ва йўл-йўлакай аламидан топган-тутганини ичиб маст-аласт бўлиб кириб келишпни одат қилиб олганди. Ҳар тунда бедор ўтирган онаси жаврай-жаврай унга узоқ танбех берар, лекин Ойниса миқ этмай ўзини уйқута солиб ётаверарди. Жаҳли чиқдан Нурбек гудрана-гудрана апил-тапил ечиниб "оқ сочли маликаси"нинг қўйнига кириб кетар ва ўрисчалаб алланималар деб мингиirlай-мингиirlай ухлаб қоларди.

Улар ухлаб қолганларидан сўнг ҳам тинч ётишмасди. Ойниса "Рустам ака!" дея тўсатдан чўчиб уйғониб кеттани маҳали эри донг қотганча ҳадеб "Наташа.., Нурчик, Нурчик мой.." дея алжираб ётган бўларди.

Кунлардан бир куни Нурбек ичмай келди. Чунки топган пули йўл кирага ҳам аранг етди. Умрининг бундай бемаъни ўтаёттани унга жуда алам қилди. Россияга қандай қилиб кетиши хақида ўйлади. Ўғилчаси Нурчик қўлчаларини чўзиб уни ўзига чорлаётгандек туюлаверди.

"Қайтиб кетаман! — дея қатъий қарорга келди у. — Бу ерда bemayaни кун ўтказгандан кўра у ёқда бориб яхши пул топаман. Бу ерга ҳам пул жўнатиб тураман, бир йилда бир келиб хабар олиб кетаман... Онамга энди қарайдиган одам бор-ку! Бунақа имконият кимда бор?"

## ЧИМИАДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

У узоқ ўй суриб уйига барвақт кириб келди. Онаси ўғли ичіб келмаганидан хурсанд бўлиб, атрофида гирди-капалак бўла бошлади. Ойниса эса бефарқ эди. У тогора "шарақлатиб" кир чайиб ўтирас ва фикри-хәёли ҳозиргина тутатган шеърларидан бирида бўлиб, уни тогорада оҳангига монанд ёдида тақрорламоқда эди:

Сизга дардларимни айтайин қандай?  
Кундан-кун мен сўлиб, сўниб боряпман.  
Сиз билан бир умр кўришмасак-да,  
Билмадим, недандир умид қиляпман.

Ичкарига кириб келган Нурбек стол устидаги Ойнисанинг ёзувларига кўзи тушди ва уни беихтиёр қўлига олиб варақлай бошлади. Шеърлар ўта аламли ва қайсиdir севимли ёр бўлган йигитта бағишланган эди. Нурбекнинг жаҳли чиқиб рашк ўтида ёна бошлади ва уйдан отилиб чиқди-да, хотининг ортидан бориб уни дафтар билан савалай кетди. Эрининг кутилмаган ҳаракатидан аёл довдираб қолди. Нурбек уни тепиб юборди. Ойниса тогора томон мункиб кетди ва лойга беланди. Нурбек бўралиб сўкиниб, дафтарни парчалаб ташлади.

— Уни йиртманг! Майли мени ўлдириңг!  
— Сен ҳали ўйнашингга шеър ёзяпсанми?! Онангни кўрсатаман, қанжик!

Ховлиқиб Ҳури ая чиқиб келиб, уни ажратиб олмаганида, ким билади, Ойнисанинг ҳоли не кечарди. Нурбек сўкина-сўкина кўчага чиқиб кета бошлади.

— Ойи, ана, пишириб енг топган келинингизни. Мен Россияга кетаман, ҳаммаси жонимга тегди!

— Вой, ундей қилма, болам, ёш келинни ташлаб кетиб бўлмайди.

— Унингиз ҳар хил бемаъни шеърларни ёзавермай қўлини тийиб юрсин. Агар жияним бўлмаганида ҳозир уриб ўлдирган бўлардим. Кетаман, ойи, гап тамом!

— Ахир пулимиз йўқ-ку, болам!

— Ўртоқлардан қарз оламан. Мен бу ерда ортиқ яшаёлмайман, мардикорлик жонимга тегди!!!

- Вой, ундей дема, ахир бу тирикчилик...
- Ҳе, туптурдим, тирикчилик шунақа бўлса!

Ҳури ая чопиб келиб келинига ёрдамлашди. Ойнисанинг бутун уст-боши, ҳатто бошидаги рўмоли ҳам тўкилган мағзавадан ҳосил бўлган лойга беланганди. У пиқ-пиқ йигларкан, беихтиёр рўмолини ечди ва ёнорига ёпишган лойни арта бошлади. Қайнона уни алқаб ўрлини қарғар экан, келинининг соchlарига эътиборини қаратди.

— Вой, айланай, сиз ҳам мундоқ эркак кишини жонини оладиган бўлиб ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими-я? Тавба, туппа-тузук қоп-қора сочингизни ўрисча қилиб оққа бўяб олибсиз-а! Ҳозирги ёшларга ҳайронсан-да, эрининг кўнглига қарамайдиям, сочини бири оққа, бири сариққа бўяйверишади...

— Бўяганим йўқ! — дея аламли қичқирди Ойниса ва энди ҳўнграб йиглай бошлади.

— Ҳай, майли, қизим, хафа бўлманг. Юринг, кийимингизни алмаштириб олинг. Бўяган бўлсангиз ҳеч нарса қилмайди, тагидан яна қораси ўсиб чиқаверади.

Шундай дея эсаётган оҳиста қўзгатаётган қоғоз парчаларини йигишириб бошлади. Улар бир уюм бўлди. Лекин энди даҳшат юз берди. Шу туфайли дастлаб келинчакнинг тили айланмай қотиб қолди, чунки унинг кўз ўнгидаги қайнона қўлидаги қалб қўри билан қоғоз парчаларига ёзилган шеърлари кирга иситилаётган қозон осилган ўтоқ ичига кириб, ловуллаб ёнаётган эди.

— Войдод! — дея тўсатдан қичқирди Ойниса ва ўзини лойга белаб энди чинакамига фарёд сола бошлади.

— Ҳай-ҳай, бир парча қоғозларгаям шунақа куядими-я? Ўзингизни босиб олинг, болам. Маҳалла-кўй эшитса нима дейди-я?..

\*\*\*

Кўп ўтмай Нурбек Россияга жўнаб кетди. Захдан қулай бошлаган ҳайхотдек ҳовлида қайнона билан келин қолаверишди. Нурбекнинг акаси Ойбек қўшни Бектепа қишлоғидаги ҳали

## ЧИМИЛДИҚЛИ УЙ НОЛАСИ

чала, битмаган уйга күчиб ўтишган эди. Ойниса техникумнинг йўлланмаси билан матлубот уюшмасида ҳисобчи бўлиб ишга жойлашди ва кичик оилани тебратади. Эрининг қарзларини узди. Иш билан овунди. Лекин тез орада унинг ҳомиладор экани маълум бўлди...

\*\*\*

Ҳаш-паш дегунча орадан беш йил ҳам ўтиб кетди. Ойниса бу орада бир ўғил ва бир қиз кўрди. Болаларига қайноаси қарап, у эса туман марказига ишга бориб келар, ойлик маошининг бирор сўмини ҳам бехуда ишлатмай Ҳури аяннинг қўлига тутқазарди. Нурбек ҳам баъзан Ойнисанинг номига пул жўнатиб туради.

Бу орада у икки марта келиб ҳам кетди. Лекин иккинчи бор келганида ўртоги Раҳмондан бир нохуш гапни эшилди. У қишлоқ дўконини очар ва Ойнисанинг одигига баъзан иш билан бориб туради. Ойнисанинг ўта латофатли эканлиги ва бошқа қишлоқ аёлларига ўхшамаслигидан негадир Раҳмоннинг рашики келар, хизмат юзасидан мурожаат қилувчи бошқа эркаклар билан мулоқот қилиб турганини кўрса ҳам негадир ғаши келарди.

Ойниса ўзининг тиришқоқлиги, теран фикрлариги билан кўп ўтмай жамоада ҳурмат-эътибор қозоиди. Иши унинг жону дилига, қундалик суюнчиига айланди. Ишқий хотираларни унугтандай, борлиқ ҳаётта кўнинкандай бўлди.

Бу орада, Рустам озод этилди ва қолган хизматни ҳам ўтаб, ниҳоят, жонажон юртига қайтди. Қатъий режимда бўлгани учун у Ойниса билан бошқа хабарлаша олмаганди. Фақат соқчи бўлиб хизмат қилаётган ҳўйконлик бир ватандошига илтимос қилиб, унинг ота-онаси орқали демоблизация арафасидагина Ойниса ҳақидаги маълумотга эга бўлганди.

“Демак, Ойниса туман марказида, шундок станцияда жойлашган матлубот уюшмасида”, дея пицирлади Рустам поезднинг бир маромда овоз чиқаришига қулоқ тутиб, – Ҳадемай ўша станцияга етиб бораман. Нима қилсан экан, тушиб топа олармикинман? Қизиқ, эри ким экан? Ҳозир қаерда экан ўша бахти инсон?

— Бөгөддөгө яқынлашыпмиз. Тушадиганлар, тайёр бўлиб туринглар, — деди шу пайт проводник.

Хаёл суреб келаётган Рустам тепа полкадан иргиб тушибдида, зудлик билан апил-тапил кийина бошлиди.

— Намунча ҳовлиқасиз, аскар йигит? Ҳали Қувага узоқ-ку! — деди ҳамроҳи ҳайрон бўлиб.

— Бир дўстимни кўриб кетмоқчиман.

— Узоқ сафардан келаёттан одам аввало ота-онасини, яқинларини бориб кўриши керак. Улар, ахир йўлингиизга интизор бўлиб ўтиришгандир.

— Ҳа, тўғри, дўстимни кўраман-у тўғри таксида уйимга жўнайман.

— У дўстингиз жа қадрдонми, дейман-а?

— Ҳа, бирга ўқиганмиз, ётоқда бирга яшаганмиз.

— Ҳа, энди, уйингизга эсон-омон етиб олинг-да, ишқилиб.

Рустам станцияда тушиб қолди ва туман матлубот уюшмасини ҳеч қийинчиликсиз топди. Бу пайтда Раҳмон ҳам уюшмага иш билан келиб, бино олдида сигарет чекиб турганди. Аскар йигит тўғри унинг олдига келиб илиқ саломлашди.

— Ваалайкум ассалом.

— Кечирасиз, шу ер матлубот уюшмасими?

— Ҳа, нимайди?

— Бир одамни қидириб келувдим.

— Ким экан у?

— Ойниса деган қиз.

— Ойниса, бош ҳисобчимизми?

— Ҳа-ҳа, ширинсойлик.

— У кимингиз бўлади? — деб сўради Раҳмон Рустамга бошдан-оёқ синчков назар солиб.

— Бир танишпим... Илтимос, чақириб бера олмайсизми?

— Ҳа, майли, — деди Раҳмон оғир ва ҳисобхонага кириб кетди.

— Сизни бир аскар йигит йўқлаб келиди, — деди у Ойнисага дераза томонни пичинг қилиб кўрсатиб. — Бир танишиман, дейди.

## ЧИМИЛДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ

Ойниса дераза томон шошиб қаради ва күзларидан ўт чақнаб кетай деди.

— Ахир бу Рустам акам-ку! — дея қичкириб юборди у ҳаяжон билан ва хонадаги мижозларни ҳайрон қолдириб чопиб чиқиб кетди.

Раҳмон ва мижозлар иккى ёшнинг ҳаракатларини дераза орқали зиддан кузата бошладилар. Ойниса Рустамга уч қадамча қолгач, аввалига қотиб туриб қолди. Аскар елкасидаги рюкзагини ерга ташлади.

- Ойниса! — деди у ҳаяжон билан.
- Рустам aka! — деди қиз ҳам кўзларига ишонгиси келмай.
- Наҳотки бу сиз? Қаёқларда эдингиз?
- Мени беш йилга қамаб қўйишганди. Энди озод бўлдим. Бутунлай қайтиб келдим!

Икки ёш теварак-атрофдаги бутун борлиқни, ўттан ишларни, ҳамма-ҳаммасини бир дақиқа унудишиди. Кўзларига энди аввалгилик ўзларидан бошқа ҳеч ким кўринмас, кулоқлари гўё кар эди. Кўп ўтмай бир-бирларига интиқ бўлган вужудлар тутащи ва ўта соғинч илиа юз-кўзларини бўсаларга кўмишиди...

Бу текин томоша Раҳмоннинг жаҳдини чиқарди ва шарманда қилаёттан ҳамқишлоғини терграб қўйиш учун ташқарига шошиб чиқиб келди. Бу пайтда Ойниса бошидан ўтган ташвишларни йиглай-йиглай гашириб бераёттан эди.

— Ҳой йигит, — деди Раҳмон бинодан чиқа солиб. — Болачақали, бир номусли аёлни нега шарманда қиляпсан, бор бу ердан жўна! Ҳой, Ойниса! Бошингизда эрингиз, болаларингиз бор-а, уялмайсизми?!

Ойниса “Вой, шарманда бўлдик. Кетинг тез!”, — деди шивирлаб ва ўзини ўнглаб ичкарига чоцди. Рустам хижолат бўлиб туриб қолди.

— Жўна деяпман, сенга! Эри билса, абжагингни чиқаради.

Рустам бир оз ерга қараб турди ва рюкзагини оҳиста қўлига олди. У деразалар томон изтироб билан нигоҳ ташлади-да, станция томон истар-истамай кета бошлади. Бўш хоналардан бирига кириб олган Ойниса эса унинг ортидан ўқсиб-ўқсиб йиглаб қолаверди...

Кўп ўтмай Нурбек Россиядан келди ва ўша куни чойхонада ўртоқларига ўтириш қилиб берди. Уйларига қайтишда кайфи оштан Раҳмон бир аскар йигит келгани ва уни боплаб ҳайдаб солганини мақтаниб айтиб берди. Нурбекнинг жаҳли жунбушга келди.

— Қанжиқ, ифлос! — дея кайфи тароқ Нурбек уйига кела солиб хотинининг ёқасидан олди. — Сен ҳали бирор билан дон олишиб юраркансан-да! Ҳали ундан бола ҳам орттириб олгандирсан?! Мана сенга!...

Нурбек оғзидан боди кириб, шоди чиқиб Ойнисани дўппослай кетди.

Узоқ сафардан келган куниёқ хотинини ураёттган ўғлининг бу қилиридан Ҳури ая танг қолди ва тинимсиз дод солаёттган беозор келинини қутқариш учун бутун вужуди билан ташланди. Дадасининг келишини интиқ бўлиб кутаётган болалар ойиларининг калтакланишини кўриб, кўрқиб кетишиди ва улар ҳам бақириб йиглай бошладилар.

— Ҳой, хотинингни болаларинг олдида урмагин, гуноҳ бўлади-я!

— Қанақа гуноҳ? Ким қилган ўша гуноҳни, келинингизми ё менми?!

— Ҳай-ҳай, шайтонга ҳай бер, болам! Уни ургунча мана, мени ур! Уни майиб қилиб қўясан-ку, болам!

Ниҳоят Нурбек йўлида дуч келган идишларни чил-чил қилиб кўча эшигини ҳам тепиб чиқиб кетди. Қайнона-келин бир-бирларини қучоқлаб, бўзлаб қолишаверди. Умуман, Нурбекдан зада бўлган қайнона билан келин энди бундан буён бир-бирларига суюниб қолдилар. Турмушнинг оғир, ташвишли дамларини энди бирга ўтказа бошлашди. Чунки Нурбек уларнинг бошига мағзава ағдаргандек, бир дунё қарзни илиб кетди.

Нурбек хотини Ойнисани хиёнатда айблаб уни бутунлай ёмон кўриб қолди. Болаларидан меҳри қочди. Онаси, хотини ва болаларининг тақдирига бефарқ бўлди. Ойнисага энди туман матлубот ўюшмасида ишлашни бутунлай тақиқлаб қўйди ва Россияга тезлик билан қайтиб кетишига тараффуд кўра бошлади.

Қуруқ кетмаслик учун яна аллакимлардан қарз олди ва бир "Камаз"да хўл мева олиб кетди. Лекин кимнингдир қариши урдими, тунда Қозористоннинг шимолида кетишаёттанида машинанинг электр тизимидан тўсатдан ўт чиқди. У шофёр билан аччиқ тутун ичидаги қолиши. Аккумуляторни узиб оловни аранг ўчириб қолиши. Лекин на чироқ, на иситтич ишлар, изғирии шамол, ёмғир аралаш қор кўз очиргани қўймасди. Шундай қилиб, чўлнинг одам зоти яшамайдиган жойида совукда қолиб кетиши. Эртаси уни бир илож қилиб бошқа машина билан тортиб юргизиб олиши. Лекин чироқларию ойна артичлари ишламас, фақат очиқ ойнадан қўлни чиқариб тозалаб бориш керак эди. Ёмғир аралашган муз энди кучли қорга айланди ва Нурбек шофёр томонда ташқарида турганча ойнани тозалаб кетди. Шу зайл икки кун йўл босиши. Шофёрнинг "Машинани таъмирлатиб олайлик. Бундай юриш хавфли" дейишига Нурбек кўнмади. "Тезроқ ҳайдайверинг, мевалар музлаб қолмасин", дер эди у. Лекин бу пайтда аллақачон мевалар музлаб, ўзи эса касалликка чалиниб бўлган эди.

... Докторлар Нурбекнинг мияси қаттиқ шамоллаб, менингит касаллигига чалинганини айтишиди ва зудлик билан уни маҳсус касалхонага ётқизиши. У энди озиб-тўзиб кета бошлиди. Ҳамма бўлгулик Наташага бўлди. У эрининг умрида мева-чева савдогарлиги билан шугулланмай туриб бу ишга қўл ургани, энг ёмони, соғлигини йўқоттани учун қаттиқ койиди. Лекин иолож, бўлар иш бўлган, нолиш, куюниш энди бефойда эди.

Наташа музлаган меваларни саралаб, қолган-қутганини сотди ва уйдаги йиғиб қўйган озгина сармоясини қўшиб Ўзбекистондан келган машинанинг кира ҳақини аранг тўлади ва уни таъмирлатиб жўнатаби юборди. У эрининг ҳолидан тез-тез хабар олар, ғамхўрлик кўрсатар, чунки отаси оламдан ўтиб кетгани учун Нурбек унинг асосий сунячиги, ўғли кичик Нурбек эса овунчоги, ҳаётининг мазмунига айланган эди.

Нурбек ўшаңда касалхонада узоқ даволанди. Лекин энди кўзи хиралашган ва касалликка тез чалинувчан, оғир ишларни қила олмайдиган, совук ва намлик тез таъсир қиласидиган бўлиб қолгани учун уй ичидаги ўтроқ бўлиб қолди. Ўзбекистонга келиб-

кетиш ва онасига пул жүннатиб туриш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлди. "Қарз берганлар ахир тушунишар. Шофёр бориб айтгаңдир, дерди ўз-ўзига тасалли бериб. — Онам пулни барибир қаердан ҳам олиб берарди? Энди узоқ вақт бормай қўя қоламан. Яхши одамлар-ку, кечиб юборишса ажабмас..."

\*\*\*

Лекин қарз берганлар кечиб юборишни ўйларига ҳам келтиришмади. Киракаш шофёрдан меваларнинг музлаб қолганини эпигишиб Ҳури аянинг дарвозасини тинимсиз қоқа бопладилар.

— Вой, мен нима қиласай, пулум бўлмаса қандай қилиб тўлайман, болам! Тушунинглар, ахир. Менинг нафақамга аранг кун кўраяпмиз-ку! Ўзи келиб тўлайди-да...

— Ўзи келмас экан. Уни оғир касал деб эшитдик!

— Вой худо, бу яна қанақа кўргулик. Бориб кўролмасам, ёрдам беролмасам, — дея йиглаб юборди Ҳури ая.

— Хафа бўлманг, кирган дард чиқиб ҳам кетади. Лекин у қарзни бир ойга олуви. Бизни ҳам тушунинг. Озгина ийққанимизни ўғлингиз ялиниб туриб олгани учун бергандик. Бу ёғи тўй-тўйчиғимиз бор, — деди Оллоёр исмли киши.

— Бу эркакчиликка тўғриям келмайди-да, хола. Мен ўғлингизга пулимни фоизга берганман. У кун сайин ошаверади. Кейин уйингизни сотиб ҳам қутуолмайсиз, — деди Нурмат исмли "фоизчи" йигит.

Ойниса чиқса уни ҳам тинч қўйишмасди.

— Уй-жойингларни сотинглар бўлмасам.

— Бу масалани қайнонам билан ҳал қилинглар.

— Нурбек сизни эрингиз-ку, араванинг бир томони сиздаку, ахир!

— Мен билмасам, қайнонам келса, ўзлари биладилар, — деди Ойниса дарвозани ёпаркан.

— Холам қанилар? Чакиринг у кипини.

— Ойбек акамникига кеттанлар, — деди Ойниса баҳона қилиб.

— Қачон келадилар?

— Билмасам.

— Кетдик, Ойбекникига борамиз. Энди акасининг гирибонидан оламиз! — деди Нурмат исмли йигит.

Ойниса дарвоза ортида туриб йирглаб юборди. Энди бошида шундай синоатлар ҳам бор эди.

— Ойи, сизни ким хафа қилди? — деб ичкаридан чиқиб келди ўғилчаси Қобилбек.

— Э, ануви қарз берганлар.

— Қанақа қарз?

— Отанг улардан қарз олиб кетган экан. Юки музлаб қолганмиш.

Ёш йигитчанинг кўзлари жовдиди ва онасини қучиб олди.

— Йиргламанг, ойижон, мен катта бўлсам сизниям, бувимниям ўзим боқаман. Кўп пул топаман, мана кўрасиз. Бошқа бирорларнинг уйларида ишламайсиз.

Ойниса ўелининг жингалак соchlарини силади.

— Айтганинг келсин, ўғлим. Ишқилиб сочингта сираям оқ, тушмасин.

Улар бир-бирларини суюшиб ичкарига киришди. Юраги сиқилиб, қон босими ошиб ётиб қолган Ҳури аянинг устига чўккалаб ўтиришди.

— Кимакан, қизим? — деб сўради кампир аранг. — Яна анавиларми?

— Йўқ, бошқалар. Ойбек акамни сўраб келишибди. Мен уни кўчиб кетган, деб айтдим.

— Ҳаммасини эшитдим, қизим. Уйни ҳеч қачон сотмаймиз. Тақинчоқларимизни, ортиқча нарсаларимизни, кийимларимизни сотамиш.

— Кейин-чи, ойижон?

— Омон бўлсак жондан бошқа ҳамма нарса топилади. Мен энди анча тузукман. Эртага иккаламиз ишга чиқамиз.

— Қанақа иш? — деб сўради Қобилбек кўзларини жовдидратиб.

— Ҳамма бораётган ишга-да, — деди бувиси унинг бопшини силаб.

— Йўқ, сиз ҳеч қаёқقا бормайсиз. Мен ўзим ишлаб келавераман, — деди Ойниса.

— Ойи, мен ҳам борақолай, гувала қўйишни, тапти қилишини биламан.

— Йўқ, сен мактабингдан қолма. Ўқишинг, катта одам бўлишинг керак.

— Ойи, дадам қачон келадилар?

— Билмасам, — деди Ойниса ва кўзларидан "дув" этиб ёш тўкилди.

Ҳури ая ўелининг шундай беозор, гўзал келинига нима учун кўнгли йўқлигини тушуна олмай узоқ ўй суриб ётди. "Уни ўрис хотини бор, кўнгли ўшанда. Ҳойнаҳой боласиям бордир. Уни яхши кўрса керак-да. Эсиз, ўрлим бемехр ўси. Ота тарбиясини деярли кўрмади. Шундан хавотир олибми, раҳматли эрим ҳам уни Россиядан келтириб олиш учун кўп уринди. Охири қишлоғнинг энг гўзал, ўқимишли қизи — ўз жиянини мўлжаллаб, никоҳларини васият қилиб кетди. Бечора Ойнисаниям бошқа бирорда кўнгли бўлган шекилли, тўйдан кейин бир ҳафтагача қовушишмади. Мен бўлсанм худонинг зорини қилдим..."

Қайнона-келин энди бир тан-бир жон бўлиб қўшни туманга ёлланиб ишлаб келиш учун бора бошлатди. Тезроқ қарзларидан кутулиш, тирикчилик учун пул орттириш йўлида улар энг оғир ишларга ҳам боришига тайёр эдилар.

— Мехнат билан одам ўлмайди, болам. Куч-кувватимиз бор экан, ишлайверамиз. Эртадан оҳак заводига борамиз. Минг сўм ортиқ тўлашаркан, овқати ҳам яхшимиши.

— Ахир у ерда олов ёниб туради, жудаям иссиқ-ку.

— Ҳечқиси йўқ, қизим. Чидаймиз, одамлар ишлаб ётишибди. Мехнат билан ҳеч ким ўлмаган, — деди Ҳури ая ўз қароридан қайтмай.

Тўғри, улар ўлиб қолишмади. Лекин анча-мунча йигит кишилар дош беролмайдиган, фақат кучайтирилган тартибдаги жазолаш муассасаларининг маҳбуслари ишлашга мажбур қилинадиган жойга ихтиёрий келишган қайнона-келин ўзларини ўтта, чўқقا уриб ишлай бошладилар. Юз-кўзларига рўймол танғиб ва эгнilariga эркакча гимнастерка ҳамда этик

күйиб олишган бўлса-да, 1000 даражали иссиқлиқда пишган одак топларни юқчиларга ажратиб олиб бериш уларнинг вазифасига киради. Қошу киприклари сарғайиб тўкилди, қўлларида қўлқоп бўлса-да, куйиб ёрилди. Кўпроқ пул топиш иштиёқи гўё печ оловидек гуркираб ёнар, кўнгилларига умид учқунларини тамлар, лекин аёл эканликлари тобора унут бўла бошлаган эди. Иссиқлиқдан кўп терлашар, ивиб кетган ички кўйлаклари баданларига ёпишиб кетарди. Шу туфайли кўп ўтмай Ҳури ая тез-тез шамоллаб қоладиган ва оғир ишга яроқсиз экани яққол намоён бўла бошлади. Энди у иложсиз уйда қоладиган, заводга эса Ойнисанинг ўзи бошқа аёллар билан бориб-келадиган бўлди.

Ойниса баъзан оловга тикилиб ўй суриб қоларди: "Нурбек акам қарзи борлиги туфайли келомаёттан бўлсалар керак. Худо хоҳласа яқинда қарзларини узиб бўламиз. Шундан сўнг у кишига хабар қиласиз. Нурбек акам болаларининг ҳузурита ёруғ юз билан, курсанд бўлиб қайтиб келадилар. У кишини касал дейишади. Қайтиб келсалар ўзим қарайман. Ишқилиб соғ бўлсалар бўлгани. Ўзимиз Қобулжон ҳам энди катта йигит бўлиб қолди..."

### РУСТАМДЕК КЎРКАМ ЙИГИТ

Орадан бир неча йиллар ўтди. Қобилбек 15 ёшга қадам кўйди ва тўққизинчи синфни тамомлай деб қолди. Лекин у ёш болага ўхшамас, катталар каби фикр қила оладиган йигитчага айланганди.

— Ойижон, — деди кўзлари порлаб кўчадан янги гап топиб келгани учун ютоқиб, — Наримонлар ота-онаси билан Қозогистонга ишлагани кетишаётганмиш. Сизлар ҳам биз билан бирга боринглар, дейишяпти.

— Биз кетсак бувингта ким қарайди. Ахир бетоблар. Йўқ, биз бора олмаймиз. Худога шукур, бир бурда нонимизни топиб еяпмиз-ку!

— Э, биз қорин тўйдириш учун яшамаймиз-ку!

— Сен, худо хоҳласа, катта бўлсанг, яхши-яхши ўқишлиарга кирсанг...

- Э, йўқ, бўлмаса мен ўзим кетавераман.
- Жинни бўлма, мактабинг-чи?
- Наримон айтди, ўша ёқда ҳам ўқиш бормиш. Ҳам ишлаб, ҳам ўқийверамиз. Улар ҳам ўғли ҳақида ўйлашаёттандир, ахир.
- У ёқда нима иш қилишаркан?

Қобилбек беижтиёр кулиб юборди.

- Қозоқлар пахта экишини билишмасмиш. Шунга бизникиларни шартнома билан ишга ёллашаёттганмиш. Овқати, ётоги текин экан. Иннайкейин кузда ҳисоб-китоб қилишаркан.
- Э, йўқ, бўлмаган тап.

Ана, ишонмасангиз ўзингиз сўраб кўринг.

Наримоннинг отаси Зоҳид ака кўпни кўрган, умри пахта даласида ўтган миришкор дехқонлардан эди. У Ойнисани кулиб қарши олди. Хотини Солияхон ҳам Ойниса билан яхши муносабатда эди. "Бир шерикчилак қиласак ёмон бўлмасди", деди у.

— Ахири сизни кўндирибди-да, — деди Зоҳид ака Қобилбекнинг елкасини қоқиб.

- Ойим бормас эканлар. Ўзим борадиган бўлдим.
- Ие, шунақами?
- Қайнонам бетоблар. У кишига қарайдиган ҳеч ким йўқ.
- Ҳай, майли, нима ҳам қила олардик. Бу ёғини кўринг-да...
- Ойим "У ёқда мактаб борми?" деб сўраяптилар.
- Албатта бўлади-да. Дунёнинг любой точкасида мактаб бўлса кераг-ов. Бунисидан ҳеч хавотир олманг. Ўзингиз менинг Наримоним билан жа қалин ошна-да. Ҳеч ажralгилари келмаяпти.
- Ўзимиз қараб турамиз. Ишқилиб, ёмон бўлмайди, яхши бўлади, — деди Солияхон ҳам.
- Қанақа бўларкин? — деди Ойниса ерга қараб.
- Ўзингиз энди катта йигит бўлиб қолди. Пул-мул топса, ўзини эплаб юрса ёмон бўлмайди-да, келинжон. Ҳар хил бемаъни болаларга қўшилиб кўча чангитиб юргандан кўра меҳнат қилгани маъқулроқ эмасми? Ёшлигидан пишади.
- Ойи, кузда мен сизга кўп пул олиб келаман.

## ЧИМИАДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

- Пулинг керакмас. Ўзинг соғ бўлсанг, ўқишингни қолдирмасанг бўлгани.
- Кирларини ўзим ювиб бериб тураман, айланай, — деди Солияхон самимий. — Сиз ҳам борсангиз яхши бўларди. Бирга ишлаб келардик.
- Қани, сизлар бу йилча бориб кўраверинглар-чи. Яхши бўлса, янаги йили насиб... — деди Ойниса қуллуқ қилиб.

Эртасига эрталаб Ойниса уйқусираф турган қизчаси Ойсара билан етаклашиб чиқиб, ўғли Қобилбекни узоқ сафарга кузатиб қўйишиди. Қайнонасига "Лагерга кетиши", деб қўя қолди.

Тез орада ўғлидан хат келди. У Қозогистонга етиб келиб, қанақадир шиййонга яхши жойлашиб олганини, далада чигит эка бошлашгани ҳақида ёзибди. Ойниса тезлик билан жавоб хати ёзди: "Мактабинг нима бўлди, ўғлим? Ўқиши асло ташламагин. Агар мактаб бўлмаса қайтиб келавер", деб ёзди. Бир ойлардан сўнг унга жавоб келди: "Ойи, хавотир бўлманг, мактабимни ташламайман. Бу ерда ёзги каникулга эрта чиқишаркан, кузда яна қайтишаркан... Ишларимиз яхши. Пахталаримиз униб қолди, ятаналяпмиз", деб ёзибди ўғли.

Қобилбекнинг бир ойдан буён мактабга сабабсиз бормаёттани учун Ойнисанинг оддига синф раҳбари келди.

- Сиз кимдан рухсат олиб ўғлингизни жўнатиб юбордингиз?

- Ахир у ёқдаям мактаб боракан-ку!
- Қанақа мактаб? Далада, чўлда мактаб нима қиласди. 9-синф битириувчи ҳисобланади-ку!..
- Зоҳид акаям ўғлини опкетди-ку!
- Зоҳид ака — у бир оми одам. Сизнинг ақлу ҳушингиз жойида-ку. Ким айтади сизни ўқимишли аёл, деб. Биласизми нима? Бу ишингиз билан ўғлингизни келажагига болта уряпсиз, уни саводсиз қиляпсиз. Ҳалиям бўлса тез чақиритириб олинг.

Лекин худонинг зорини қилмасин Қобилбек қайтиб келмади. У иштиёқ билан берилиб меҳнат қилаёттани ой ва кундек равшан эди.

Бу орада қайнораси Ойбек онасини тез-тез йўқладаб келадиган бўлиб қолди. У ҳар сафар нолир, укаси Нурбекнинг қилифи,

қурилиш материалларининг қимматлигі, турмушнинг қийинчилеклари ва ҳоказолар унинг мингир-мингирларининг асослари бўлиб хизмат қиласди. Охири у мақсадга ўтди:

— Ойниса, сен ўзинг жўжабирдек жонсан. Ўзингни, болаларингни боқялсан. Ойимга яхши қаролмайсан. Биз учун келиб-кетаверишга уйимиз узоқлик қилашти. Ойим анча бетоблар.

— Кўчиб кела қолинглар бўлмаса.

— Э, йўқ. У ҳовлини ташлаб бўладими? Ўзинг эсли-ҳушли аёлсан-ку. Укам қайтиб келса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Шунинг учун бир маслаҳат бор эди.

— Қанақа маслаҳат?

— Менинг ҳовлимга сизлар кўчиб борсанглар. Биз эса бу ёқقا. Ойимга хотиним қарайди. Одидан ҳеч қаёқда жилмайди. Мен ишлаб, пул топиб келавераман.

Ойниса узоқ ўйлаб ўтирмади. Қайноғасининг гапида жон борга ўхшади. У ҳар куни ишга кетса қайноғасининг одидида ҳеч ким қолмаяшти. Бир ўзию бир қизи. Бир кунини кўраверар. Қобилбек, худо хоҳласа, яхши пул топа бошлиласа, янги иморатлар қуриб олади. Нураётган бу эски уйлардан қутиласди. Эҳтимол бу яхшиликкадир, деган ўйлар билан Ойниса қандай розилик билдирганини ўзи ҳам билмай қолди.

У Ойбекларникига ҳеч ҳам келмаганди. У қўшни Бектепа қишлоғида, янги томорқада лой-ботқоқлар ичида, ҳали бу ерга газ тутул электр чирори ҳам келмаган жойда экан. Сувни ҳам узоқдан ташиб келиш керак. Ёзда тупроқ, қишида ботқоқ кўчалар. Ҳали бирорта уий маънили битмаган чала деворлар. Фақаттина бир уйчасининг томига шоҳ-шабба ташланиб, лой сувоқ қилиб қўйилибди, деразаларга цељофан ёпиширилибди.

Ойниса қиззасини етаклаб янги жойда анграйиб туриб қолди. Қайноғаси ўзини шошиб турганини айтди-да, кўчларини кўчага шоша-пиша тушириб ичкариларни кўрсатмай ҳам жўнаб қолди. Қўни-қўшнилар ҳали деярли кўчиб келмаган экан. Ҳадемай оқшом чўқди. Ёққани шам ҳам йўқ. Янги жойда ўчоққа олов ёқиб тонг оттиришди. Энг ёмони, бу ердан қўшни туманта қатнашта ҳам, мактабга ҳам узоқ, эди...

Лекин тез орада бу ерга күнишиб кетипди. Ҳадемай пахталар терила бошланди. Демак, күп ўтмай Қобилбек қайтиб келди. У билан яна бирга бўлишади. Қандай яхши...

Қобилбек кичкина бўлишига қарамай югуриб-елиб меҳнат қилди ва ўзини ўта тиришқоқлиги ҳамда меҳнатсеварлиги билан иш берувчи хўжайн Сапар оғага маъқул келиб қолди. Сапар оғанинг ўғли йўқ эди. "Янаги йили яна албатта қайтиб кел, ўғлим. Мана буни ойингта эҳтиёт қилиб олиб бор", деб керагидан ҳам кўп пул берди. "Хосилинглар яхши бўлди. Ҳақиқий пахтакор экансизлар. Янаги йили ҳам келаверинглар", деди у Зоҳид ака билан ҳам самимий ҳайрлашар экан.

Қобилбек пулни секин санаб кўрди. "Демак, Сапар оға бир миллион ҳисобида пул берибди-да, — деди у ич-ичида кувониб. — Худо хоҳласа энди қишда оч қолмаймиз. Ойимга янги кийимлар сотиб оламиз. Тошкентта боргач, уйга яхши совғалар оламан. Синглимта катта қўтирчоқ оламан. Ойимни энди ишлагани юбормайман..."

Улар пулларини тежаб оддий, умумий вагонга билет олишиб, дуч келган жойларга жойлашди. Одам кўплиги учун Қобилбек билан Наримон энг юқори полкага ётиб олишди. Наримоннинг пуллари отасида эди. У нимагадир ҳадеб ўртоғининг доллар пулини ўйлаб, санаб кўрайлик деб қистайверди ва йўловчиларнинг эътиборини ўзига торта бошлишди.

— Вой-бў, доллар зўр бўларкан-а?! — дер эди Наримон ҳовлиқиб.

- Ҳа, зўр бўларкан. Энди ётиб ухлайлик.
- Кел, менга бирпастга бериб тур, озгина ушлаб ётай.
- Э, жиннимисан!
- Жон ўртоқ, менга ҳам юқиб қолсин.
- Ма, бўлмаса, тезроқ бўл, — деди Қобилбек бир ҳовуч пулни ўртоғига узатиб.
- Ҳой, сенлар ухлагани қўяссанларми ё йўқми?! — деди йўловчилардан бири.

Наримон пулларни у ёққа ағдариб, бу ёққа ағдариб узоқ томоша қилди ва ниҳоят дўстига қайтарди. Қобилбек уйқусираб пулларни олди-да, ёстиқ вазифасини ўтаётган чопонининг

тагига қистириб қўйди. Ширин орзуларга берилиб ухлаб қолди ва ажойиб тушлар кўра бошлади...

— Болалар, туринглар, Тошкентта келиб қолдик, — деди Зоҳид ака уларни уйғотиб.

Қобилбек уйғонибоқ қўлини чопонининг тагига тиқди. Пул эса жойида ийқ зди...

Қобилбекнинг эсхонаси чиқаёзди. Атрофини ҳовлиқиб тинтиб ташлади. Ҳамма вагондан тушиб кетди ҳамки, у вагоннинг турли ковакларига умид билан термулиб қўлини тиқиб чиқди.

— Ўғри олган. Ўзингни эҳтиёт қилишинг керак зди, — деди проводник ачиниб.

— Ҳамма айб менда, пулинин олволишим керак зди, — деди Зоҳид ака афсус чекиб.

— Тушинглар энди, поезд ҳозир жўнайди.

— Қаёққа?! — дея ҳайқирди йигитча.

— Депога-да, ҳамма тушиб бўлди.

— Пулим-чи?!

— Юрақол, ўлим. Бўлар иш бўлди. Ким олган бўлса ҳам буюрмасин, илоҳим қўллари узилиб тушсин!

— Энди уйга қанақа қилиб бораман? Ойимга нима дейман?

— деди Қобилбек ва ўпкаси тўлиб йиглаб юборди.

— Ойинг ҳеч нима демайди. У тушунадиган аёл. Хавотир бўлма, мен сени қандай олиб кеттан бўлсан, шундай олиб бораман.

Йигитча бошини чанглаб, дод солди. Унинг фарёдидан шоҳбекат ларзага келди. Бекорчи одамлар ўраб олишиди. Аллақаердан милиция ходими ҳам пайдо бўлди.

— Ҳа, тинчликми, нима гап?

— Пулимни ўтирлатиб қўйдим, — деди йигитча йиглаб.

— Қаерда?

— Вагонда.

— Неча пул зди?

— Анчагина, — деди Зоҳид ака афсусланиб.

— Бу бола кимга қарашли?

- Менга. Мен унинг тоғасиман.
  - Тинчтинг. Бу ерда бунақа қилиб турманглар, фойдаси йўқ.
  - Юрақол. Бечора ўғлим, йил бўйи ишлаб топиб келаётувди. Пешона тери эди...
- \*\*\*

Қобилбек уйларига етиб келгунларича бир оғиз ҳам гапирмади, туз ҳам тотмади. Қишлоққа ярим тунда етиб келишди. Зоҳид ака йигитчани топшириш учун Ҳури аянинг эшигини қоқди. Ичкаридан Ойниса ўрнига Ойбек чиқиб келди.

- Ҳа, дайдиб келдингми?! — деди у ўшқириб.
  - Ойим қанилар?
  - Менинг уйимга кўчиб кетишган.
  - Болани уйга олиб кириб ҳол-аҳвол сўрасангиз-чи. Йўлда туз ҳам тотмади, ишилаган пулинни ўирлатиб қўйди.
  - Баттар бўлсин! Муштдек бошидан ким уни мардикорлик қиласин дебди. Бор, онангникига бор!
  - Қанақа йигитсиз?! Одам ҳам шунақа бемеҳр бўладими?
  - деди Зоҳид ака ҳайратланиб.
  - Мен онамга қарайпман. Сизга яна қанақа меҳр керак?! Бемеҳр деб манави тирранчанинг отасини айтса бўлади. Юрибди у Россияда, ўрис хотинчасининг қўйнига кириб, ялло қилиби..
  - Ҳай-ҳай, болани олдида бунақа гапириб бўладими? Ўз жигарингиз-а! Расво одам экансиз-ку! Юр ўғлим, бизникига...
  - Ҳов, бироннинг боласини узоққа олиб кетиб ишлатишга нима ҳақингиз бор эди?! Сиз расвоми ё менми?
- Ичкаридан Ҳури аянинг овози келди:
- Ҳувв, Ойбекжон-у! Кимакан-а?
  - Мен ҳозир! — деди Ойбек ва Қобилбекка ўқрайиб қаради.
  - Кир ичкарига!..
- Қобилбек бир оз жим қараб турди-да, тўсатдан қоронгулик қаърига томон чопиб кетди. Унинг ортидан “Ҳой, тўхта! Қаёққа?” — дея икки киши бир оз чопишиб қолаверишди.
  - Қўяверинг, ойисининг олдига кетди, — деди Ойбек.

- Уни бекор хафа қилдингиз, ўзи аламзада эди, бечора.
- Э, қўйсангиз-чи, ёш болага бало урармиди?..
- Ишқилиб тунда ойисини топиб борармикан?
- Топади. Тополмаса қайтиб келади-да...

Ойбек қўл силтаб уйи томон йўналди. Ойсиз қора тун қўйнида Зоҳид ака Қобилбекдан хавотир олиб алламаҳалгача тентираб юрди. Йигитча эса ўн чақирим наридаги умрида бир мартагина кундуз куни борган Ойбек амакисининг уйига қўрқинчли далалар оралаб то тонг оттунга қадар етиб борди. Яхшиямки йўлда ишга кетаёттан одамларни учратди ва улардан амакисининг уйини сўраб-сурисптириб хўroz қичқираёттан маҳали уни аранг топиб борди. Вайронага ўшшаган, дарвозасиз, чала қурилган уй ҳовлисида ойиси қумғонга ўт ёқмоқда эди. Оловга тикилиб олган Ойниса, ким билади, бу пайтда қандай ўйлар оғушида эди?..

Аёл ўғлининг узоқ сафардан тўсатдан бир аҳволда кириб келганини кўриб уни бағрига олди, уйқу тортиб кетаёттан юз-кўзларидан ўпди.

- Оий, уйқум келяшти. Жой солиб беринг...
- Вой, юрақол, болам, — деди-да, Ойниса ўғлининг устки кийимларини ечиб кўрпага ўради.

“Бечора болам, нариги уйга бориб у ерда бизнинг йўқлигимиз учун бу ёқда қараб жўнаворибди-да. Худога шукур, эсон-омон келибди. Куруқ келмагандир, албатта. Уйда егулик ҳам қолмаганди. Яхши бўлди.” Шундай ўй билан Ойниса ўғлининг пиждаги ва шимининг чўнтакларига беихтиёр қўлини солиб кўрди. Унинг мақсади бир оз пулидан олиб майда-чўйда, гўшт-ёғ сотиб олиб, ўғли уйғонишига бирор овқат қилиб қўйишни мўлжаллаган эди. Афсуски, қўлига ҳеч вақо илинмади...

“Бечора болам, пул ишлолмай келибди, шекилли. Ҳай майли, бир ўйнаб келди-да. Кўрмаган жойларини кўрди. Бўйи анчагина ўсив қолибди.”

Тонг ёриша бошлаган эди. Ойниса соғинган ўғлининг соchlарини оҳиста силади. Лекин тўсатдан қўлини ток ургандек тортиб олди ва қичқириб юбораёзди. Қобилбекнинг ён соchlари оқариб қолган ва кумуш каби товланмоқда эди...

## ЧИМИЛДИҚЛАЙ ҮЙ НОЛАСИ

Ойниса ўзининг қаерга қўйишини билмай довдираб қолди. Ўглиниң оғир изтироб чекканини фаҳмлади. Турмуш ташвишлари деб ўғилчасининг шу кўйга тушганига ўзини айбдор деб ҳисоблади. Ташқарига чиқиб юм-юм йиглади.

— Бечора болам. Мени кечир, сени юбормаслигим керак эди. Энди ҳеч қаёққа бормайсан. Фақат ўқийсан. Сени ўзим катта қиласман.

Ойниса қумғондаги чойни дамлаб сочиққа ўради. Дастурхонни очди. Яримта нон қолибди. Охирги нон. Яна бисотида ярим коса куйдирилган қаймоқ ҳам бор экан. Нонни икки бурдага бўлди. Бири ўғли, бири қизига. Нонушта қилишар. Сўнгра қизчаси Ойсара мактабига кетади. Ойниса ноҳуш ўйлар билан қотиб ухлаёттан ўглиниң тепасига келди ва оқариб қолган соchlарини яна бир бор оҳиста силаб, пешонасидан ўтиб қўйди. Сўнгра Ойсарани уйрошиб, қулогига бир нималар деб шивирлади ва шаҳд билан ўрнидан туриб кўчага томон чиқди.

Аёл гузар сари шошиб борар, уни одамларга лиқ тўлган автобуслардан бири кутмоқда эди...

\*\*\*

Бир бурда нонни еб олган Ойсара мактабга отланди ва қотиб ухлаёттан акасига меҳр билан боқди. У ҳам қўлларини анчагина улғайиб қолган акасининг сочига олиб борди ва оқарган соchlарига кўзи тушди. “Оббо олифта-ей, бўяб олибди-да”, дея болаларча хиринглаб қулиб қўйди. Лекин ўрнидан туралёттанди, пиёлага оёғи тегиб жиринглашидан Қобилбек уйғонди ва сумкасини елкасига осаёттан синглисига кўзи тушди.

— Ўҳ-ҳӯ, олифта акам келибдилар-да, — деди қизча қиқирлаб ва соғинган акасининг бўйнига осилиб кўришди.

— Ойим қанилар? — деб сўради Қобилбек янги уйларининг сувалмаган деворларига анграйиб боқиб.

- Ишга кетдилар.
- Қанақа ишга?
- Мардикорликка-де.
- Нима?!
- Эшитганийиз. Хўп, мен кетдим. Чойингизни ичволаркансиз.

Ойсара құллари билан ширингина "Хайр" дегаңдек ишора қылди-да, жилмайиб чиқиб кетди.

— Нима, "мардикорликка " дейдими? — деди у ўз-ўзига ва ўрнидан даст туриб кетди. — Ойижон, ахир у ерга энди мен боришим, сизни ўзим бокишим керак-ку! — деде йиғламсираб ташқарига отиљди.

Қаёққа бошини уришини, дардини кимга айтишини билмади. Янги қурилаёттан, чала, вайронага ўхшаб қолаёзган уйларининг хоналарига бир-бир кириб баттар ээзилди.

Ойбек амакисининг отаси түғрисидаги тунда айттан гаплари ёдига тушди. "Бемеҳр деб манави тирранчанинг отасини айтса бўлади. Юрибди у Россияда, ўрис хотинчасининг қўйнига кириб, ялло қилиб!, — дерди у Қобилбекни бигиз қилиб кўрсатиб. — Баттар бўлсин!

Ким уни борсин деди?!"

Йигитча қулоқларини чангallади ва гувала деворга пешонасини тираб туриб қолди ва асабий равишда деворни аямай муштлай бошлади:

— Дадажон, бизни нега ташлаб кетдингиз? Ойимда нима айб? Нимага бизни қийнайсиз? Ахир ойим қачонгача мардикорлик қиласидилар? Тезроқ келинг, дадажон. Бизни уйимиздан ҳам қувишиди. Йил бўйи ишлаган пулимни ўтирашди. Энди нима қиласиз, жон дадажон?!

Шу маҳал кўчада бир машина сигнал берди.

"Наҳотки, бу дадам? Наҳотки, оҳим худога етган бўлса. Э, худо, борингга шукур. Ишқилиб дадам келган бўлсинлар-да..."

У кўчага отилиб чиқди ва бир оқ "Жигули" турганини кўрди. Лекин унда яхши кийинган, дадаси қатори бир бегона киши турарди.

- Ҳой, йигитча, исминг нима?
- Ассалому алайкум, исмим Қобил.
- Ойбек аканинг кими бўласан?
- У киши амаким бўладилар.
- Ҳозир у кишини қаердан топсам бўлади?
- Улар бизнигiga кўчиб борди, биз уларнигiga келдик.
- Сизларники қаерда?

- Шириңсойда.
- Нима?.. — Йигит негадир алланечук бўлиб кетди.
- Амакимда нима ишингиз бор эди?
- Мен у кишига Россиядан хабар олиб келувдим, — деди йигит ва қўйнидан бир хат чиқариб Қобилбекка яқинлашди.
- Хатни ким берди?
- Нурбек ака. Мен уни ўша ёқда тасодифан учратиб қолувдим. Илтимос қилувди.

Қўлини узатган болакайнинг кўзларидан ўт чақнади. Шунча чеккан қайту-аламидан бир сониядәёқ асар ҳам қолмади. Онаси Ойнисаникига ўшаган қош-кўзлар шундай чимирилдики, қувончдан қичқириб юборди.

- У киши мени дадам бўладилар! — деди у фахр билан.
  - Ие, шунақами? — деди йигит унинг кўзларига ҳайрон тикилиб.
  - Сизлар ҳақингизда индамади-ку!
  - Майли, ўзлари яхши юрибдиларми? Қачон келишпар экан?
  - Билмасам. Мазаси йўқроқ, тузалса, албатта келади.
  - Амаки, мениям дадамнинг олдига олиб кетолмайсизми?
- Хар қанақа иш қўлимдан келади. Кеча кечкурун Қозогистондан ишлаб келдим.
- Эҳ-хе, унда жа катта одам экансан-ку! — деди йигит унинг елкасини қоқиб. — Уйларингда ким бор?
  - Ҳеч ким йўқ, ойим ишга кетганлар, синглим мактабда.
  - Ойинг қаерда ишлайди?
  - Эл қатори-да, — деди Қобилбек ерга қараб. — Энди уларни ҳеч қаерга юбормайман, ўзим ишлайман...
  - Сен ишлашга ҳали ёшлик қиласан.
  - Дадам келмаяпти-да... Амаки, уйга кирайлик. Дадам тўғрисида менга гапириб беринг, илтимос.

Мехмоннинг кўнглидан бир гап ўтди: "Мен янгишмай тўғри топдиммикан ўзи? Ҳозирги пайтда ким кўп, Россияга иш ахтариб кеттан кўп."

- Ҳай, майли, юрчи, бир уйларингни кўрайинчи.
- У ҳовлининг аҳволини кўриб ачиниб кетди. "Ким бўлса ҳам яхши бола экан. Қийналиб қолган оила экани кўриниб турибди. Савобгарчиликка бир оз пул бериб кетсаммикан..."

— Қобилжон, ма, манавини олиб қўй, — деди у чўнтағидан бир оз пул чиқариб.

— Ие, дадам бериб юбордиларми?

Йигитнинг кўнгли шув этиб кетди. "Наҳотки бу ерда хотини, бола-чақаси бор экану у ёқда ўрис хотини билан яшаса! Нега менга ўз оиласи ҳақида бир оғиз ҳам айтмади? Ё бир нима бериб юбормади? Қизиқ, ё бирор гап бормикан? Йўғ-е, Нурбек aka унақа муноғиқ одамга ўхшамайди-ку! Тўғри, касалванд, кўзи яхши кўрмай қопти. "Бола-чақамдан ҳам хабар олиб қўй" деса бўларди-ку!.." Меҳмон чала биттан кулбага кириб келиб ўтиаркан, хаёлида шу каби ҳар хил ўйлар ружъон ўйнарди.

— Ҳа, даданг, "Мабодо ўғлимни кўрсангиз бериб қўйинг", деб илтимос қилганди, — деди у узоқ жимлиқдан сўнг.

— Раҳмат, — деди болакай севиниб

— Сизга ҳозир дадамнинг суратини кўрсатаман.

Йигитча жавондан бир талай сурат олди.

— Қани, қани, бир кўрайлик-чи, — деди меҳмон қизиқсиниб.

— Мана, — деди йигитча фахр билан дадасининг аскарлиқда тушган суратини узатиб.

"Ҳа, адашмабман", — деб қўиди фикран меҳмон.

Шу пайт тўсатдан Қобилбекнинг ранги оқариб кетди. У негадир навбатдаги суратни ушлаб қалтираб туради.

— Ҳа, нима гап, бу ёқда бер-чи.

— Бир ўрис қиз экан, танимайман.

Меҳмон дарров таниди. Бу кулиб турган оқ сочли Наташанинг ёшлигида тушган сурати эди. "Қизиқ, Нурбек aka бу суратни нима учун жўнатди экан? Тавба, хотини йиртиб ҳам ташламабди. Менинг хотиним аяб ўтирган бўларди. Демак, Қобилнинг ойиси жуда ҳам сабр-бардошли, яхши аёлга ўхшайди", деди у фикран.

— Бу ойингни бирор дугонасиdir-да. Эҳтимол бирга ўқшишгандир.

— Ҳа, тўғри, лекин бирга ўқиганларнинг суратида бу қизни кўрмаганман.

— Бирор жойда танишиб қолишгандир-да, — деди меҳмон навбатдаги суратни қўлига оларкан.

— Мана, ойимнинг талабаликлари.

...Ранг-рўйининг тўсатдан оқариб, қўлларининг қалтираб кетиш навбати энди меҳмонга юқсанга ўхшарди. У лол қолиб кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Ахир бу...

— Бу ойим бўладилар. Ўқишида зўр ўқиганлар, шеърлар ҳам ёзган эканлар, — деди йигитча мақтаниб.

— Ахир бу...

Меҳмоннинг томогига бир нима тиқилгандек бўлди.

— Сиз ойимни танийсизми?..

— Ҳа. Э, йўқ. Қаердадир кўргандекман... — деди йигит суратдан кўзини узолмай. “Э, худо, бизни яна учраштиридинга. Ўзингта шукур...”.

Бу йигит Рустам эди.

\*\*\*

Рустам жазони ўтаб қайттач, Ойнисани охириги бор кўриб ишхонасининг олдидан қуврин қилингач, энди уни бир умр учратмасам керак, деган хаёлда эди. Ўшанда қишлоғига тунд бўлиб қайтди. Яқинлари ва ёру биродарлари билан ҳам, худди эсини еб қўйгандек ноҳуш кўришди. Кўзларини шодлик тарк эттанди. Кўп ўтмай уни бир Ҳанифа исмли қариндош қизга унаштириб қўйишиди ва тўйни ҳам ўтказишиди. Ҳаёт унинг назарида, худди кинода кўраёттандек, одамлар худди актёрларга ўхшаб ролга кириб муомала қилаёттандек сохта туюлар, ўта паришон бўлиб қолган, илгариги Рустамдан энди асар ҳам йўқ эди. Бу ҳолатни одамлар қамалиб чиқиб шунаقا асаби чатокроқ бўлиб қолибди, деб ўйлашди.

Негадир бирор ишнинг жиловини ҳам тута олмас, ўзи ҳам қизиқиб кетавермас, жуда камтап бўлиб қолганди.

Иллар ўтди. Энди у ҳам фарзандли бўлди. Аввалига қизчасининг, сўнгра эса ўғилчесининг дунёга келиши унга бир олам қувонч багишилади. Эски ишқий изтироблар тарк этиб, фақат хотираларида гина ширин туш каби қолиб кетди.

Институтда ўқий олмади, деган тавқи лаънатдан соқит бўлиш учун ўша даврда кириш анча енгил бўлган Марказий олий ўкув юртларининг бирига йўлсозлик соҳаси бўйича ўқишга кириб олди. Амалиётлардан бирини Олтой ўлкасида, ўша Нурбек истиқомат қилаётган Тельменко шаҳарчасида ўтказилишга тўри келди.

Баъзан фалакнинг гардиши шундай айланар эканки, инсон ҳаётида ва тақдираиди сира кутилмаган воқеалар содир бўларкан.

Уч ойга амалиётта келган ва ишлаётган Рустамнинг йўли, албатта почтага ва у ерда ишлаёттан Наташага тушди. У хотинига пул юбормоқ ниятида варақани тўлдириб одатдагидек тирқищдан узатди.

— Вы из Узбекистана, что лы? — дея ажабланиб кутилмаганда савол бериб қолди почта ходимаси.

— Да. А что случилось?

— Ничего. Вы оказывается с моим мужем земляки.

— А, где он?

— Дома.

— Привет передайте. Он родом откуда?

— Из Ферганы.

— Я тоже из Ферганы.

— Ой, тогда пожалуйста, приходите к нам в гости. Он будет очень рад. Понимайте, он тяжело болень... — деди аёл ачинган бўлиб.

— А, чем болеет?

— Сахарный диабет и еще у него со зрением... А вы проездом?

— Нет, на практике, работаю.

— Тогда вот наш адрес, приходите пожалуйста вечером.

Ишдан сўнг Рустам ҳамортини кўриш мақсадида уларниги кириб келди. Унинг исми Нурбек бўлиб, аҳволи ҳақиқатдан ҳам танг экан. Ватанига бормаганига анча йиллар бўлиби. Аввалига ўзи хоҳламаган, сўнгра эса имкони, сорлиги кўтармаганмиш. Рустам амалиёт тутагунга қадар уларниги бир-икки бор келиб хабар олди ва сўнгти бор хайрлашиш учун келганида Наташа қўлига бир хатни тутқазди. Хат

Бектела қишлоғига. Нурбекнинг акаси Ойбекнинг номига ёзилганди.

— Менинг кўзим яхши кўрмайди. Шунинг учун Наташадан илтимос қилдим. Бағдодни билсангиз керак, албатта, — деди Нурбек хайрлашпар экан.

— Ҳа, биламан, — деди Рустам бир пайтлар ҳаётида содир бўлган муҳаббат ғунчалари аламли тарзда янчиб ташланган Ширинсой қишлоғини ёдига олиб.

Лекин Нурбек берган манзил ўша қишлоқ эмаслиги учун юраги анчагина таскин топди. Ким билади, эҳтимол Ойнисага учрашиб қолиб яна уни хижолат қилмагани маъқулдир. Ҳар иккиси ҳам энди оиласи, бола-чақали бўлса, энди тўғри келмас... Хуллас, бетоб ватандошининг илтимосини бажаришни ўз зиммасига олди.

\*\*\*

... Рустамнинг лаблари беихтиёр титраб кетди. У тақдирнинг бу ўйинидан танг қолган эди.

— Ойинг ҳозир қаерда?

— Қўшни тумандалар.

Қобилбек айб иш қилиб қўйган боладек хомуш ерга бокди. Мехмоннинг кўллари тинимсиз титрарди. Унинг кўз ўнгидан Ойниса билан кечган ҳам тотли, ҳам оғир дамлар тез айлантирилган лентадек ўтиб чиқди.

— У ерда нима иш қилади?

— Одамларнинг уйида-да...

"Кизик, у ҳисобчи эди шекилли, одамларнинг уйидамиш?"  
Рустам кўнглидан ўттан бу савонни яшира олмади.

— Нима, қаерда дединг?

— Ҳамма билади-ку, ҳалиги...

— Ахир у "ўқиган" дединг-ку!

— Ҳа. Ойим аввал туманимиз марказида ишлардилар. Лекин кейин дадам ишлатмай қўювдилар.

— Нега энди?

Қобилбек ойисининг суратини Рустамнинг қўлидан охиста олиб қўйди.

— Билмасам, — деди у истар-истамас. — Дадам жуда рашк қиласылар.

— Кимдан?

— Бир аскар йигит билан гаплашиб туришганини эшигиб ойимни ишлатмай қўйган эканлар. Кейин роса уришгандилар.

Рустамнинг қалби ларзага келди ва беихтиёр ўрнидан туриб кетиб у ёқ-бу ёққа асабий юра бошлиди.

— Тавба, отанг қизиқ одам экан-ку! Бегона одамларнинг уйида ёлланиб ишлаши мумкину ўзи ўқиган касби бўйича ишлаш мумкин эмас эканми?

— Билмасам...

— Хўш, сен-чи, нима деб ўйлайсан, ойингни шу ажволга солиб қўйиш яхшими?

— Йўқ.

— Сен агар ҳақиқий йигит бўлмоқчи бўлсанг, ойингни бирорларнинг уйида қарам бўлиб ишлашига йўл қўйма. Уни авайла. Сени не умидлар билан катта қилибди. Аслида уйда сенмас, ойинг қолиши ёки ўз касбида ишлаши керак эди. Бу уят, ўғлим. Мен даданг Нурбек акага ҳам тан бермадим. Лекин у касал. Шунинг учун, узрли...

Йигитча ортиқ чидай олмади. Энди пиқиллаб йиграб юборди.

— Амакижон, мен нима қиласай? Қозогистонга ишлагани бориб, қайтишда пулимни олдириб келсан, ойим саҳарлаб ишга кетиб қолибдилар... Дадамни албатта олиб келаман... Дадамниям, ойимниям ўзим боқаман ҳали.

Рустам Қобилбекнинг елкасини силади.

— Қўй, хафа бўлма, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳаёт шунаقا, машаққатларни енгиб, яхши кунлар келишига умид билан яшашимиз, ҳаракат қилишимиз керак.

— Амакижон, илтимос, мени ҳозир ойимни олдига олиб боринг.

— Нима?! Сен уни топа оласанми?

— Ҳа, борадиган жойларини биламан. Ҳали эрта, одамлар ишга тарқаб улгуришмаган бўлишса керак.

— Топа олмасанг-чи?

- Ўзим қайтиб келавераман.
- Яхши. Тезроқ бора қолайлик, бўлмаса.

Кўп ўтмай машина ўнқир-чўнқир, тупроқ-лой янги чек кўчалари бўйлаб катта магистраль йўл сари гандираклай-гандираклай тез кетиб борарди. Ҳайдовчининг ҳам, йўловчининг ҳам хаёлларида фақаттина бир ўй ҳукмрон: уларнинг назарида ботқоқ гирдоби гўё Ойнисани ўз домига тортаётгандек, улар эса қўлларини узатиб, тортиб олишга берадиган кутқарувчилардек жиддий тусла киргандилар.

Ниҳоят, қўшни тумандаги ёлланган ишчилар тўпланиб турадиган жойга етиб келишиди. Рустам машинасини секинлатиб оҳиста юра бошлади.

- Қара-чи, ойинг қайси бири?

Қобилбек аёлларга тикилиб ўзига таниш чехрани излай бошлади. Ёлланувчилар ишга олиб кеттани келган мижозлардан деб ўйлаб машинага ёпирилиб яқин келишарди. Бироқ "йўқ", дея ишора қиласди ҳайдовчи.

- Ойинг кўринмадими?

— Йўқлар, кеч қолибмиз шекилли, — деди Қобилбекнинг ҳафсаласи пир бўлиб.

- Бўлмаса мен бир четда тўхтаб тураман.

— Майли, мен ҳамқишлоқлардан сўраб кўраман. Сиз кетаверинг.

- Сен-чи?

- Топсам, тоғдим. Бўлмаса мен ҳам ишлагани кетаман.

Рустам йигитчага қулоқ тутиб машинасини ғала-ғовурдан анчагина нарироққа олиб бориб тўхтатди.

- Сен, нима, ўқишига бормайсанми?

— Йўқ, Қозогистонга ишга кетаман. Сапар оға "Хоҳласанг қайтиб кел. Меникида ишлаб юраверасан", деганлар.

- Сапар оға ким?

- Бир яхши одам. Унинг 50 гектар ери, чорваси ҳам бор.

Шу маҳал Рустамнинг кўзи одамлар ичидан ажralиб чиқиб йўл четида бетон тўсиқ устида беҳол, жунжикиб ўтирган аёлга тушди. У озғин, қарисифат бир аёл бўлиб, уни қаердадир кўргандек туюлди.

## Навиғон ҲОЧИМОВ

- Ануви аёл танишга ўшшайди-да, — деди у беихтиёр.
- Ие! — дея қичқириб юборди шу маҳал Қобилбек. — Ахир бу ойимлар-ку! Мен ҳозир уларни ҷақираман.
- Йўқ, тўхта, — деди Рустам тўсатдан. — Мени кўриб хижолат бўлмасин. Сен қолавер. Мен кета қолай.
- Хўп, майли, амакијон. Сизга кўп раҳмат. Яхши кунларда учрашайлик. Дадамнинг манзилини ёзиб беролмайсизми?
- Ҳалиги хатда ёзилган.
- Э-ҳа, — деди йигитча чўнтағидаги мўъжазгина қоғозни авайлаб силаб қўяркан, Рустамнинг қўлини сиқиб хайрлашди ва машина эшигини ёпиб кўйди.
- Э, тўхта! — деди Рустам бир нима ёдига тушиб.

Йигитча ойнадан мўралади. Ҳайдовчи чўнтақларини титкилаб бор пулларини олди:

- Мана буни ойингга бер. Даданг илтимос қилган эди, эсимдан чиқиб қолай дебди.

Қобилбекнинг қўлида бир талай пул пайдо бўлди. Рустам сўнгти бор нигоҳини Ойниса томон қаратди-да, машинасини ортга қайтариб аста ҳайдаб кетди.

Йигитча ойисининг олдига югурди ва чопиб бориб совук бетон ўриндиқдан уни қўлидан тантанавор тортиди ва бир нималар деб тобора узоқлашиб бораётган Рустамнинг машинасини кўрсатди. Бир талай пулни қўлида хайрон тутиб қолган Ойниса узоқда кетиб бораётган оқ машина томон тикилиб қолди. Бу ҳолатнинг ҳаммасини Рустам машина ички ойнасидан изтироб билан кузатиб борарди. Она ва бола ниҳоят кўринмай қолишиди.

\*\*\*

- Ким экан у? — деб сўради Ойниса ўлидан.
- Исмларини сўрамабман. Дадамнинг олдиларидан келишибди.
- Нега бу ерга бошлиб келдинг?
- Мен уларга ташлаб қўйинг, деб илтимос қилдим. Сизни олиб кеттани келдим, ойижон.
- Қаёқقا?

— Уйимизга. Сиз энди бу ерга келмайсиз. Иложи бўлса ўз касбингизда ишлайсиз. Дадамни ҳам олиб келамиз. Энди сизларни ўзим бокаман.

Ойнисанинг кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди ва ўғлини маҳкам қучиб олди. Лекин бағридаги бу ўсмир яқингинада ўзини эплай олмай бурнини тортиб юрган болакай эмас, балки навқирон йигитта айланиб қолганини ҳис қилди.

— Раҳмат, болам! Бўйинг ўсиб, ақлинг кириб қолибди. Ўқтам йигит бўлибсан. ... Худди Рустамдек, — дея қўшиб қўйди Ойниса кўнглида. У киши ҳам бола-чақали бўлиб кетишгандир. Ёшлигимиз ўтиб кетди. Ойнинг ҳам доғи бўлганидек муҳаббатимиз энди хотираларда мангу қолади. Энди бутун меҳр-муҳаббатимни болаларимга багишлаганим бўлсин..."

— Юр, болам, очиққандирсан.  
— Ҳа, ҳали нонушта қилмадим. Сизсиз томогимдан ўтмади, ойижон.

— Унда қаерга борамиз?  
— Бу ернинг шўрвали сомсасини мақташади-ку!  
— Ҳа, кетдик, сен билан бир сомсакўрлик қиласайлик, — деди Ойниса қувониб ўғлини кўлтиғидан маҳкам ушлаб оларкан.

Ойниса шу маҳалда жуда ҳам баҳтиёр эди. Қобилбек онасини гўё ботқоқдан тортиб олгандек қўлидан маҳкам ушлаб бир тўда аёллар ичидан олиб чиқди-да, дуч келган таксилардан бирини тўхтатди.

\*\*\*

Ўша тасодифий учрашувдан сўнг Рустам рулни аранг бошқариб келди. Ҳаёли паришон бўлганидан машинани гаражига қўяётиб орқа чироқларини дарвоза пештоқига уриб олди. Чироқ ойналари чил-чил синди. У бошини рулга қўйиб шу алпаз узоқ ўтирди. Кўз ўнгидан гўзал Ойниса билан танишган дамлари, унинг олмага қўл узаттанидаги нигоҳи, Асрор билан муштлашув, севиклисисининг касалхонада тепасида тургани, аскарликда унинг ёзган мактублари, изтироблар, қувғинлар, қизрасининг туғилиши, бетоб Нурбек aka ҳамда унинг ўғли Қобилбек ва яна ўша баҳтсиз, хор-зор бўлган

Ойниса... "Эх, Ойниса, Ойниса. Нима қилиб қўйдинг? Нега ўшанда мени кутмадинг? Нима учун уйингдан қочиб кетмадинг ва бизниги келиб ётиб олмадинг? Мен ахир бир кун қайтар эдим-ку! Амакингнинг васиятини вожиб қилиш шартмиди? Ахир худонинг ўзи гувоҳ эди-ку, у гуноҳимизни кечирав эди-ку! Нима бу, соддаликими ё нодоналикими? Эх, аҳдида турмаган номард қиз..."

— Ойниса, дадангни чақир, овқат пищди! — дея одатдагидек қичқирди хотини шу маҳал.

— Дадажон, юрақолинг, ойим чақириягтилар, — деди 12 ёшлардаги бир қизалоқ машинанинг одиги чопқиллаб келиб кулгичларини ўйнатиб, ойнадан мўралар экан. — Сизга нима бўлди, мастмисиз? — деди.

Жовдира бтурган қизини кўрган Рустамнинг кўнгли ҳийла таскин топди ва бугунги кўрган-кечиргандарининг ҳаммасини унугтандай бўлди.

— Юрақол, Ойниса қизим...

— Да да, менга нима опкелдингиз?

— Ўзимни опкелдим. Пулим йўқ эди.

Қизалоқ қиқиrlаб кулди. Рустам уни бағрига босди. Шундай бағрига босдики, ўзи йиғлаб юборай деди.

— Шу қизингизни жуда бошқача кўрасиз-да, дадаси, — деди хотини Ҳанифа уларни хурсанд қарши оларкан.

— Чунки унинг онаси бошқача-да...

Аёл беҳад севиниб кетди. Лекин Рустам унинг кўзларига негадир тик қарай олмади. Кўз ёшларини яширди...

### **ОНА ҚАРГИШИ**

Ойбекнинг номига хатни аслида Наташа ёзган эди. Чунки Нурбекнинг кўзи хиралашиб, деярли кўрмай қолганди. Эрини гоҳо қандай қилиб ватанига жўнатиб юбориш ҳақида ўйласа, гоҳо уни бутунлай кетказмаслик ҳақида ўйлаб иккиланарди. "Ҳар ҳолда ўзи туғилиб ўстган жойида витаминалар кўп, қор деярли йўқ дейишади. Зора тузалиб кетса. Хотини, болалари бор экан. Улар ҳам қарашсин. Бир гап бўлиб қолса, унда нима

**ЧИМИЛДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ**  
қиламан? Посёлкамизда мусулмон мозори ҳам йўқ", дея истироб чекарди у баъзан.

Аслида Нурбек хатни ўзбек тилида айтиб турди. Наташа уни хижжалаб аранг ёэди ва ўқиб берди. Лекин хатда нима деб ёзилганини у жуда ҳам билгиси келар, бироқ бу ҳақида зридан сўрашга ботина олмади.

Кечки пайт хайрлашиш учун келган Рустам Нурбек билан овқатланиб, сұхбатлашиб ўтиришган пайтда Наташа нариги хонада хатни ўз тилида қайта ёзиб, эри ўзбекча қилиб манзилини ёздирган конвертдаги хатга алмаштириб қўйди ва уни ёпиштириб Рустамга олиб чиқиб берди. Унинг кўзларидан тинимсиз ёш оқар ва у бу оқаёттган ёшларини тўғраёттган пиёзига рўкач қилиб қўя қолди.

Қобилбек отаси юборган хат ҳақида ойисига айтмай қўя қолди ва қўшни тумандан қайтиб келишпач, энасини кўриб келиш баҳонасида Ширинсойга йўл олди. Кампир набирасини жуда соғинганди. Унинг соchlарини силаб эркалаб алқади.

- Нима бало, сениям сочинига оқ тушибдими, болам?
- Йўқ, ҳозир бу мода бўлган.
- Шунақами? Бу мода деганинг сенга ярашмабди. Ювиб таплагин, болам.
- Хўп.
- У ёқда ўқидингми?
- Ҳа, ўқидим.
- Ўқишларинг яхшими, ишқилиб.
- Ҳа, яхши...

Шу пайт Ойбек кириб келди. У чамаси онасининг гапларини остонодан эшишиб қолганди.

- Қанақа ўқиш, оий? Бунингиз Қозогистонга ишлагани бориб қуруқ қайтиб келди-ку!
- Ҳам ишлаб, ҳам ўқидим-да, амаки.
- Бекорни айтибсан, тирранча. Мени неча марта мактаб директори чақиртирди. Ўқиёттган бўлса делосини олиб кетсин, деди.
- **Кўй** энди, ўғлим, жиянингни хафа қилма. "Ўқидим", деяпти-ку, — ачиниб гапга аралашди Ҳури ая.

— Сиз мана шунаقا, ёш боланинг тапига лақда ишониб эркалатаверасиз. Нурбекниям шунаقا тарбиялагансиз. Мана оқибати. Сиздан бирор мартаим хабар олмай кўйди-ку. Хотин, бола-чақасини-ку, қўяверинг.

Кампир ўғлини эслаб кўзларига ёш олди.

— Ҳа, ишқилиб, қаерда бўлсаям омон бўлсин. Бирор кун эсиям кириб қолар...

— Бугун дадамнинг олдидан бир одам келувди. Бизга озгина пул билан манави хатни бериб юборибдилар, — деди Қобилбек дадасининг ҳадеб ёмонотлиқ қиласаверишларига чек қўймоқчи бўлиб.

— Ие,вой! Ана, айтдим-ку... — деди кампир қувониб.

— Шунақами? Нега дарров айтмадинг? — деди амакиси шошиб хатни олиб очаркан.

— Ҳой, овозингни чиқариб ўқий қол, болам.

Ойбек конверт сиртига ва хат матнига қараб бир оз довдираф қолди.

— Нима дебди? — деб сўради кампир бетоқат.

— Ўрисча ёзибди.

— Ё тавба, тилиниям унугибди-да, болам тушмагур.

Ойбек хатни тез ўқиб чиқаркан қўлларига қалтироқ кириб, ранги бўзара бошлиди.

— Йўқ, унақамас, ойи. Хатни бошқа бирор ёзибди.

Хури ая бир сапчиб тушди.

— Вой, шўрим курсин, тинчлик эканми?

— Ҳа, касал бўлиб қолганмис.

— Э, худо, Нурбекжонимни ўз паноҳингда аспра. Касали оғир эканми?

Ойбек чуқур хўрсиниб қўйди. Бир жиянига, бир ойисига норози қараб олди.

— Ўша ёқда касалхона йўқ эканми, амаки? — деб сўради Қобилбек ҳам тапта аралашиб.

— Бор. Лекин даволаша олматти. Уни опкелиш керак экан.

Шундай дея Ойбек муштини пешонасига тираб, хонтахта устида узоқ жим қолди.

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

- Вой, шүрлик болам-а. Энди нима қиламиз-а? Қандай кунларга қолдик-а? — деди зорлана бошлади она.
- У худонинг қарғишига учрабди! — деди тұсатдан Ойбек бошини күтариб чуқур хұрсинаркан.
- Үндай дема, болам. Уни худо қарғагани йўқ... Мен қарғаганман.
- Нима? Қачон?
- Қачон бўларди. Ўша Россиядан келиб, болаларини олдида хотинини уриб, бизларни қарзга ботириб кетганидан кейин келин билан оҳак заводида ишлаб касал бўлиб қолганимда уни қарғагандим-да. Тилим қуриб кетсин-а! Бизни хор қилиб ташлаб қўювди-да, ўзиям.
- Нима деб қарғагандингиз?
- Гулдек хотини кўзига кўринмай, болаларини ташлаб, хорзор қилиб қўйгани учун "кўр бўлгур!" дегандим.
- Нима қилиб қўйдингиз, ойи?!!
- Вой, нима қилибман, болам?
- Ахир у кўр бўп қопти-ку! — деди Ойбек эзилиб.
- Онанинг оғзи очилиб қолди ва юрагига қўлинни олиб бордида, ўзидан кетиб йиқилди.
- Амаки, нимага унақа дедингиз? Энам хушларидан кетиб қолдилар-ку!
- Бор тез! "Тез ёрдам"ни чақир. Югур! Уч!!!
- Қобилбек шошиб чопиб кетди.
- Ойижон! Ойижон, сизга нима бўлди?! Мени кечиринг, билмай қаттиқ гапириб юборибман. Кўзингизни очинг, ойи!

\* \* \*

Шириңсойдан қайттан ўғил уйга таҳликада кириб келди.

- Ҳа, тинчликми, ўғлим? — деб сўради Ойниса хавотирланиб.
- Йўқ.
- Нима гап?
- Қобилбек онасига нима деярини билмай тараффудланиб қолди.

- Энанг тузукмикан?
- Ҳа, э, йўқ...
- Нима, мундоқ тушунтириброқ гапирсанг-чи!
- Энамнинг юраги оғриб қолди. Дўхтирга олиб кетишиди.
- Вой, ўлмасам. Бориб кўриб кела қолай бўлмасам.

Қобилбек ичидаги гапини айтмоқчи бўлар, лекин онасини ҳам қийин аҳволга солиб қўйишини ўйлаб хавотирда эди. Шу туфайли бесаранжом бўла бошлади.

- Нима, жуда оғирмилар?
- Билмасам.
- Ўзини биляптиларми, ахир?
- Ҳа.
- Бўлмаса нега безовтасан, болам?
- Ойи, мен Россияга, дадамнинг олдига кетмоқчиман.
- Нима?!

Ўғлининг кутилмаган бу гапидан Ойниса довдираб қолди.

— Дадамни олиб келаман, — деди ўғли жиддий ва ерга қаради.

Бунаقا бўлмағур гапни хаёлингдан чиқариб ташла. Ҳали ёш боласан. Қозогистонга бориб келганинг етар.

- Ахир...

Қобилбек оғир изтиробда бўлиб, оёғи билан доира қилиб ер чизарди.

— Қўй, ўғлим. Россияни ҳавас қилма. Дадангни куйдирганининг ўзи етар.

- Нега у бизни ташлаб кеттан, ойи?
- Билмадим, болам.

Ойниса беихтиёр ўғлинни бағрига олди.

- Ойи, энам дадамни қарғаганмиди?
- Йўқ. Ҳеч қачон она ўз боласини қарғамайди.

Қобилбек онасининг қўзларига тик қаради.

- Ёлон гапиряпсиз.
- Вой, нега? Бунаقا бемаъни саволларни бермагинда, болам. Даданг жуда бебаҳо инсон. У ёқда ишлари жудаям кўп. Ҳали у кўп пул ишлаб келади. Уйимизни битирамиз, сени

## ЧИМНЛАДИҚЛАН ҮЙ НОЛАСИ

үйлантирамиз, орзу-жавас күрамиз...

— Йўқ. Турмуш қуриш сизларникидақа бўлса ҳеч қачон уйланмайман.

— Вой, унақа дема, болам. Яхши ният қил. Биз ёмон яшаётганимиз йўқ, худога шукур.

Қобилбек қўл силтаб нари кетди.

— Шуям яшашми, ойи? Бирорларнинг қўлида қарол бўлиб ишлаш. Фақат қорин тўйдириш, кунни бир бало қилиб ўтказиш учун яшаш. Ойи, ахир сиз нима учун ўқидингизу нима учун ўз касбингизда ишламайсиз? Мардикорликка бораверасиз?

— Даданг бунга йўл қўймаган-да...

— Нима учун!

Ойниса ўғлининг кутилмаган бу саволларидан ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Даданг мени жуда яхши кўрганларидан бошқаларга рашик қиласдилар.

— Нима, бирорларнинг уйида ишласа майлию ишхонада мумкин эмас эканми?

— Билмасам. Қўй, бошимни қотирма. Энангни олдига тезроқ бориб кела қолай.

— Дадамни олдидан келган кишиям "Ойингга айт, ўз касбида ишласин" деб айтди. Ҳа, айтмоқчи, мен ўша кишини қидириб келаман.

— Нега?

— У кишидан дадамнинг олдига қандай боришни сўрайман. Эҳтимол у яна борар, бирга олиб кетар.

— Ҳой, сенга нима бало бўлди?! Шу пайтгача эсламаган дадангни нега энди дарров кўргинг кеп қолди?

— Нимага эсламас эканман, унақа демант, ойи, мен дадамни доим эслайман.

Ойниса кўзларига ёш олди ва ўғлини бағрига босди.

— Мен барибир ўша қувалик кишини топаман.

— Нима, у қувалик эканми? — дея сўради онаси.

— Ҳа.

— Исми нима экан?

- Сўрамабман...
- Уни қанақа қилиб топасан?
- Машинасининг номерини эслаб қолганман, "16-44 ФЕ", оқ, "Жигули".
- Хомхаёл бўлма. Нима кўп, машина кўп.
- Ботир акам-чи, аммамнинг ўрли, ГАИда ишлаёттанмиш. Шу кишидан сўраб биламан.
- Ҳай, майли, борсанг бора қол. Юр бўлмаса, бирга кетайлик.

Она-бала туман марказигача бирга келишди. Қобилбек бирор соатлардан сўнг касалхонага келиб, уларни ўзи топиб олишини айтиб, ДАН идорасига қараб чопди.

Ойниса касалхонага келиб қайнонасининг аҳволи оғирлигини билди. Қайноғаси Ойбек, овсини Гулчехра ва яна эшиттган бир-икки қариндош-уруглари скамейкада ўзаро хомуш суҳбатлашиб ўтиришарди.

- Ассалому алайкум, ҳа, тинчликми? — деди Ойниса шошапшиша.
  - Ойимиз реанимацияда, ҳозир ухляяптилар. "Безовта қилманглар" дейишди, — деди Гулчехра сўрашар экан.
  - Ҳа, кеддингми, Ойниса. Ойим анча оғирлар, — деди Ойбек хўрсиниб. — Ҳадеб Нурбекни сўрайптилар.
  - Ҳа, у кишига тез хабар қилишимиз керак бўлмаса.
  - Тўғри, лекин уям бетобмиш, ўзи келолмасмиш.
  - Вой, у кишига нима қипти?
  - Билмасам.
  - Йўқ, сизлар бир нимани билсангиз керак. Жияннингиз Қобил қўйқисдан "Дадамни олдига кетаман" деб қолди. Ҳозир у ГАИга Ботиржонни қидириб кетди.
  - Унда нима иши бор экан?
  - Кеча дадасининг олдидан қувалик бир киши келиб-кетганмиш. Ўша киши Нурбек акамнинг қаердалигини билармиш.
  - Нима кераги бор? Унинг адреси менда бор-ку!
- Шундай дея Ойбек қўйнидан истар-истамас хатни чиқарди.
- Ма, хатни ўқиб кўр. Лекин оғир бўл. Бечора, укам

## ЧИМИЛДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ

шүрликтин пешонасида бор экан-да... — деди хүрлиги келиб.

Ойниса хатни олиб шоша-пиша ўқий бошлади. Ҳамма гапдан хабари бўлган овсини Гулчехра келиб унинг елкасига қўлини ташлади. Русча ёзилган хатни ўқиш Ойниса учун қийин кечди. Кўп сўзларини тушунмаса-да, ҳар ҳолда уни Наташа ёзганлигини ва Нурбекни олиб кетишларини илтимос қилаёттанини юрагидан ҳис қилди. Унинг ранги бўзарид кетди.

— Вой, ўлмасам. Эй, Худо, энди нима қиласми?

— Буям кўргулик-да энди, овсин. Пешонадагини кўраверамиз, хафа бўлмайсиз, — деди Гулчехра уни бағрига тортиб.

Икки овсин узоқ йиглаб-сиқташи.

— Ойбек ака, укангизни ўзингиз тез олиб кела қолинг.

Лекин Ойбек жавоб беришга шошилмади. Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёқда бетоқат юра бошлади.

— Ахир, айтишга осон. Узоқ, йўл, умримда у ёқларга бормаган бўлсам... Иннайкейин анча-мунча пул керак бўлади.

— Ҳа, нима ҳам қила олардик, — деди уни хотини қувватлаб.

— Ҳамма гап пулда-да, — деди Ойбек "аттанг" дегандек.

— Хўш, у ёқда бир киши учади, жойини топиб боради ва икки киши бўлиб қайтади. Самолётда, албатта...

— Қанчада?

— Камида икки миллион.

Эрининг икки миллион қарз олиб кетгач қарз берганлар оstonани қоқиб келаверганлари, қайнонаси билан икки йил ожак заводида минг азобда меҳнат қилиб, емай-ичмай ўша қарз пулни йигиб, эгаларига қайтарганлари ва қанча азоб-уқубат чекканлари бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Диёнатсиз, ношуд эри яна уларни шунча пулга тушурмоқчи. "Наҳотки, шунча йиллар пул ишлаб тополмади? Ахир шунча йиллар болалари учун бирор тийин ҳам маънили пул жўнатмади-ку! Наҳотки, ҳаммасини Наташага сарфлаган бўлса..."

— Наташаем қараб турмас, қайтишларинта пул тошиб берар,

— деб юборди Ойниса кўнглидагини яшиrolмай.

— Наташани қаёқдан биласан?

— Биламан-да. Тўйимдаёқ билганман.

— Бўлар иш бўлган. Гина қилишнинг энди фойдаси йўқ. Лекин Наташадан ҳам умид қилмаслигимиз керак. Бечора касал ўкамни шунча йил қарабди. Кўр одамга қарашнинг ўзи бўлармиди?

- Нима, "кўр" дейсизми?
- Ҳа, хатни тушунмадингми?
- Вой, ўлмасам! Мен у кишини фақат касал деб тушунибман, холос.

Ойниса таҳдикага тушиб қолди. Қариндошлар гирди-капалак бўлиб уни юпатишга уриниша бошлашди. Шу маҳал оқ ҳалатли ҳамшира қиз чиқиб қелди.

— Вой, намунча ваҳима қиляпсизлар-а! Холам ўзларига келиб қолдилар. Битта-битта кириб гаплашмасдан кўриб чиқишиларинг мумкин.

Ойбек палатага қараб чопди.

Ҳури ая жонлантириш хонасида кўзларини очиб ётарди. "Қаердасан, Нурбек болам. Мен иштуд онангни кечир. Қарғамай тилларим кесилсин-а..."

— Тузукмисиз, ойи, — деди Ойбек синик.

Ҳури ая беҳол қўлинни кўтарди.

— Укангни топиб кел, болам. Дийдорини бир кўрай... Уни кўрмасам бу дунёдан кетолмайман...

— Ахир бунга кўп пул керак бўлади-да, ойижон.

— Қарз ол... Уйимизни сот... Ойнисани чақир.

Бу пайтда Ойниса ҳовлидаги скамейкада юм-юм йиглаб ўтиради. "Нимаям қила олардик. Нурбек aka? Тақдиримиз шунаقا экан. Нима бўлсаям, энди сизни олиб келамиз, кўзингизни даволатамиз. Мен ўзим ишлаб пул топаман. Яна оҳак заводига бораман. Қобилбек ҳам қараб турмайди. Сизга сабр берсин, илоҳим. Ишқилиб болаларимизни баҳтига омон бўлсангиз бас".

Шу маҳал Ойбек чиқиб келди ва Ойнисанинг қўлига оқ ҳалатни тутқазди. У жуда хомуш эди.

- Бор, ойим сени йўқлаяптилар.
- Тузукмилар?
- Ҳа. Лекин олдиларида йиглаб-сиқтама. Ўзингни қўлга

## ЧИМИЛДИҚЛЫ УЙ НОЛАСИ

ол. Нурбекни, албатта олиб келамиз. Бугун бизникига ҳамма қариндошларни түпламоқчиман.

Шу пайт Қобилбекнинг "Ойижен!", дея курсанд қийқиргани эшитилди. У қўлидан бир қовозни кўрсатиб курсанд чопиб келмоқда эди.

— Топдим!

— Нимани?

— Ануви дадамнинг олдидан келган кишини. Мана, Ботир акам компьютердан аниқлаб бердилар. Ислим Рустам ака экан,

— деди Қобилбек ҳовлиқиб қофозни ойисига узатар экан.

Ойниса алланечук бўлиб кетди. Ёзилган манзилни ўқиркан, ранглари оқариб скамейкага беҳол ўтириб қолди. Шу маҳалда тақдирнинг бу ўйинидан лол эди.

— Мен Қувага кетдим, ойи!

— Йўқ, бормайсан!

— Нега?

— Дадангни олиб келгани амакинг борадилар. — деди Ойниса ўйчан жиёддийлик билан. — Сен Қозогистонга борсанг бора қол. Бизга энди кўп пул керак бўлади. Дадангни даволатишшимиз керак экан. Ҳали бошимизда иш кўлга ўхшайди, болам.

— Бўлти. Эртагаёқ жўнайман. Сапар оғамга ҳаммасини тушунтираман. У яхши одам. Бизга, албатта ёрдам берадилар, ойи, — деди йигитча ишонч билан.

Она-бала Ҳури аяннинг олдига киришди.

— Ассалому алайкум. Тузукмисиз, эна?

— Худога шукур... — деди бемор набирасининг соchlарини силаркан.

— Ойижен, тузукмисиз?

— Раҳмат, қизим. Сендан мингдан-минг розиман. Илоҳим умрингдан барака топ... — дея она сўзларига ургу бериб дуо қиласарди. — Нимаям қила олардик. Энди шу кўргилик ҳам бошимизда боракан-да...

— Яхши бўп кетасиз, ойижен.

— Йўқ, мени қўявер, Нурбекни айтяпман.

— Ўғлингиэни, албатта олиб келамиз.

— Сени бошингта кўп ташвишларни келтирдим. Мени кечир, қизим... Худойимнинг ўзи кўриб турибди. Ўзинг кўрмаган рўшноликни болаларингдан кўргин.

Шу пайт ҳамшира кириб келди.

— Бўлди энди, чиқинглар. Беморга тинчлик керак.

\*\*\*

Бир неча кундан сўнг Ҳури ая анчагина ўзига келиб қолди. Уни уйга олиб кетиши. Лекин она ўзининг ўзоқларда қолиб кеттан кўзи ожиз ўғлини бир бор кўриб қолиш, уни тезроқ олиб келишларини зорланиб сўрайвериши қўймади. Қариндош-уруглар ўртада пул йигиши. Бир оз қарз ҳам олиши. Ойниса ҳам бор будини берди. Нихоят, Ойбек Россияяга, Қобилбек эса Қозогистонга бирга жўнашди. Йўлда йигитча тушиб қоладиган бўлди.

Ширинсойда яна ширин тонглар ота бошлиди. Дунёning ишларидан парвои-палак бўлган хўролар яна чўзиб-чўзиб қичқиришни қўйишмас, гузардаги автобуслар томон ошиқаёттан одамлар орасида эса Ойниса ҳам қоқилиб-суқилиб борар, эртами-индин эрининг ва ўслининг уйига кириб келишлари, ва нихоят, оиласининг бут бўлиши ҳақида ўй суриб бораркан, аёлнинг юраги ўзгача фараҳбахш ҳаяжон билан лиммо-лим эди...

---

## **ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ**

*Бу кенг дунё гоҳи келар тор,  
Яшайману қалбим хоксор.  
Тақдиримда яна нелар бор,  
Қайтарлуги ростми, дунёниң?*

**Маҳлиә**

## **II ҚИСМ**

# **ҚОБИЛБЕК ПУЛ ТОПАДИ**



## ЙИГИТЧАНИНГ САФАРИ

Қобилбек Ойбек амакиси билан Ташкентта етиб келишганида шаҳарга оқшом чўқмоқда эди. У ўзини хотиржам тутар, лекин амакисининг безовталиги шундок унинг гап-сўзларидан сезилиб турарди. Ойбек негадир ўта жizzаки ва тажанг бўлиб қолганди. Кафелардан бирига кириб овқатланишмоқчи бўлишиди. Ойбек менюда энг арzon ва тўйимли овқатни узоқ излади.

— Бизга яримтадан лағмон, кейин бир чойнак қора чой, — деди у официант қизга. — Ҳа, айтмоқчи, нондан кўпроқ олиб келинг.

— Кўк чой ичардингиз шекилли, амаки?

— Қора чой қоринни тўқ тутади. Нон тўғраб еб оламиз, — деди у "Сен ҳумпар ниманиям билардинг" деган маънода хўмрайиб.

Тез орада буюртирилган таом келтирилди. Қобилбек ноннинг куйган жойларини ажратиб ола бошлиди. Бу ҳаракат ўз-ўзидан амакисининг ғашини келтирди:

— Ҳой, нодон, ноз қилмай еяверсанг-чи! Қорнинга кирса бўлди-да.

Йигитча индамади. У амакисининг аҳволини жуда яхши ҳис қиласди. Қандай бўлмасин пулни тежаш керак. Ҳали олдинда қанча ишлар турибди. Бундан ташқари амакиси узоқ сафарга илк бор кетмоқда эди. Рус тилини ҳам яхши билмасди. Шу туфайлими, Сибирь сафаридан бир оз чўчиётганини тушунса бўларди. Қобилбек эса ёш бўлса-да, Қозогистонда озми-кўпми ишлаб келгани учунми, ҳар ҳолда мусофириликдан хабардор эди. Ойбек асабий нон чайнар экан, овқатни миқ этмай хўриллатиб ичаёттан жиянига ғалати қараб қўйди. Унинг бу нигоҳида "Дадант бошга биттан бало бўлди-да, Россияга кетиб нима қиласди?" деган саволни илғаб олиш қийин эмасди. Унинг фикри-ўйлари узоқ юртда қолиб кетган кўзи ожиз укаси Нурбекни қандай қилиб арzon йўл билан олиб келиш масаласида эди. "Қани энди Қобил каттароқ бўлганида унинг ўзини жўнатиб юбора қолармидим. Нима бўлсаям отаси... Энди бир

камим күр одамни күчама-күча етаклаб юришпим қолувди" үйларди у зимдан хүрсинаиб.

Қобилбекнинг хаёлида эса бошқача үйлар кезарди: "Қани энди амаким мениям бирга олиб кетсайди. Дадамни тезроқ күрсайдим. Уни ўзим опичлаб олардим. Овқатларини ўзим едириб, ўзим қарапдим. Шунда унинг бизга оталик меҳри жүшиб, уйдан кетиб қолганига пушаймон бўлармиди..."

— Бўл тезроқ лалаймасдан! — дея ўшқириб берди Ойбек ва тўсатдан ўрнидан қўзғалди. Қобил иссиқ чойни шоша-пиша ичди-да, қолган нонларни чўнтағига жойлаб негадир шошилаётган амакисининг ортидан эргашди.

Улар Қозогистон ва Россияга кетадиган хусусий автобуслар турадиган бекатта келишди. Йўловчилар кўп эди. Ойбек бир сигарета чекиб ўтирган серсоқол ҳайдовчидан Олтойга қандай борса бўлишини ва қандай бориб-келса арzon тушиши мумкинлигини сўраб-сuriштириди.

— Олтойга тўғридан-тўғри йўқ, — деди у бир оз ўйчан. — Семипалатинскка бориб у ёғига бошқа машинада ёки поездда кетган маъқул. Борар жойингиз аниқми?

Ойбек Нурбекнинг манзили ёзилган қоязни кўрсатди.

— Ишлагани кетяпсизларми?

— Йўқ, меҳмонликка.

Ҳайдовчи амаки-жиянларнинг одми уст-бошларига бир қатор қизиқиш билан разм солди.

— Яхши. У ёқда меҳмонликка борадиган бўлсанглар ҳуванави кепкали йигит Иркутск томонга одам ёллаяпти. Ўша йигитта учрашинглар. Йўлкираси ўзидан, бепул бўлса керак, — деди у бир "Форд" микроавтобуси ёнида ким биландир қизғин сұхбатлашиб турган миллатини аниқлаб бўлмайдиган бир йигитни кўрсатиб. — Бир гаплапиб кўринглар. Жойи бўлса эҳтимол олиб кетар.

"Йўлкираси бепул, қизиқ-ку! Қанақа исп экан-а?" деган ўй "ярқ" этиб ўтди Ойбекнинг хаёлидан ва беихтиёр ўша номаълум "саҳоватпеша" инсон ҳузурига ошиқди. У гаплари бурро, ҳар бир гапини тугатганида "гарантия" деган сўзни кўп исплатадиган ўрта ёшлардаги маҳмадаиороқ Алик исмли йигит экан.

— Қанақа иш экан, билсак бўладими? — деб сўради Ойбек у билан танишиб олиштагач дарров муддаога ўтиб.

— Албатта, осон ишнинг ўзи бўлмайди-де, ока. Лекин нечта одам олиб борган бўлсан ҳаммаси хурсанд, маза қилиб ишлаб ётишибди. Ҳар ойда 400 доллардан маош олишяпти. Овқати, ётоги ўзидан. Бу ёғи гарантия...

“400 доллар. Эҳ-ҳ, нега илгарироқ келмаган эканман-а? Аллақачон ўзимни ўнглаб олган бўлармидим” деган хаёлга борди Ойбек. Унинг боши қотди. Нима қилса фойдали бўлади? Укасини олиб келиш учун кетадиган ҳаражат 2-3 ойда чиқиб кетаркан. Таваккал ишлагани бориб кўрсинми?

— Қанча муддат ишлаш керак ўзи? — дея сўради у ўша ишга ёлловчидан.

— Камида 6 ой. Ундан ками бўлмайди. Бу ёғи гарантия.

“Олти ой — бу дегани 2400 доллар. Демак, уйга бир оз пул ҳам орттириш мумкин”.

— Одамингиз нечта бўлди?

— Яна тўрт киши керак.

— Шу машина борадими?

— Ҳа.

— Ҳеч ким кўринмаяпти-ку?

— Эрталаб ҳамма йигилади-де. Эртага эрталаб 6-00 да жўнаймиз. Борсангизлар иккита ўринни банд қилиб қўяман.

— Бизнинг биттамиз борамиз.

— Бўлмаса закалат беринг.

— Неча пул?

— Беш минг. Кейин ҳисобга олиб қўяман.

Ойбекнинг қўли титраб пул санаб берди. Алик кетди.

Ойбек агар кетаётганлар бўлса, улардан сўраб-суроштириш иштиёқида ёнди. Шунинг учун яна бирор кетувчилар келишини кутиб қоронғу тушгунига қадар қолиб кетишиди. Яхшигина маошнинг оҳанрабоси уни ўзига чорлаб, фикри-ўйини ўйирлаб олганди. Лекин янги келувчилар ҳам ўзларига ўхшаб биринчи марта йўлга чиқишган экан.

— Амаки, Қозогистонга ҳозир поезд жўнайди, кетаверайнми? — деб сўради Қобилбек.

— Тұхтаб тур, Қозғистон қочиб кетмайды. Бу ёқда яхши иш униб турибди. Шунча күттән дадаң яна бир оз кутиб турар, деб үйлаб турибман.

— Йүк, сиз тезроқ боришиңгиз керак, амаки.

Ойбек у ёқ-бу ёқ бориб ўзича күп мушоҳада қилди ва фикрларини кечки овқат пайтида Қобилбекка ошкора айтди:

— Қобил. Энди сен ҳам кап-катта йигитсан. Оила бошисан. Дадаңгни пул топиб сизларни боқишига умид қилма. Аксинча, унинг ўзи ҳозир қаровга муҳтож. Уни даволатишимиз керак. Бунинг учун күп пул зарур. Ўзинг билиб-күриб турибсан-ку..

— Ҳа, ойим ҳам шундай дедилар.

— Сапар оғанғ ойига неча пул берарди?

— Бизнинг пулга 100 минг сүм, нимайды?

— Э-хе, унга фирм құл бўлиб хизмат қиларкансан-да.

— Нимага?

— Россияда неча пул беришаркан, эшитдингми?

— Йўқ.

— Ойига 400 доллар. Қўлингта тоза тегармиш.

— Зўр-ку!

— Ҳа, лекин камида олти ой ишлаш керак экан. Қани энди менинг имкониятим бўлганида эди. Эҳ, дадаң ишнинг белга тепди-да. Бу ёғи оиласа биттамиз бош бўлмасак бўлмайди.

— Мен бора қолсам-чи?

— Ёшлиқ қиласан-да. Сени олишармикан?

— Бир сўраб кўринг. Бирга кетамиз. Сиз дадамнинг олдига ўтиб кетаверасиз.

— Сапар оғанғ-чи?

— У киши мени кутаёттани йўғлару, "Хоҳласанг, қачон бўлса ҳам келавер" дейишган, холос.

— Қандоқ бўларкин? Ойингта нима дейман?

— "Қозғистонда тушиб қолди" деяверасиз.

— Кўркмайсанми?

— Э, йўғ-е. Озгина орттирасам қишигача уйимизни ўғнаб олардик. Дадам келадиган бўлсалар яна бир хонани битириб, таъмиirlаб кўярдик.

— Ҳа, тўғри айтасан. Обба кекса-қари-еў, кап-катта бўп

қопсан-ку! — деди Ойбек жиянининг сочларини кўли билан тўзратиб қўяркан.

Бир оздан сўнг кайфияти кўтарилган Ойбек жиянини бошлаб "Форд" олдига келди.

— Паспорти борми? — деб сўради Алик.

— Ҳа, бор. Кечагина олувдим. 16 ёшга тўлдим, — деди Қобилбек шошилиб ва ён чўнтағидан ҳарфлари ялт-ялт қилаётган, яш-янги яшил паспортни чиқариб, фахр билан кўз-кўз қилди.

— Ў-ҳў, зўрсан-ку! Лекин иш оғир-да, қийналиб қолмайсанми?

— Эл қатори ишлаб кўрарман.

— Бўпти, исминг нима? — деб сўради у йигитчани бошдан-оёқ синчков кузатиб.

— Қобил.

— Лекин мениям олиб кетарсиз, — деди Ойбек интиқлик билан.

— Сиз ҳам ишлайсизми?

— Йўқ.

— Буни иложи йўқ-да, ока. Сиз анави рейсовой автобусларда кета қолинг.

— Бир илож қилинг. Йўлкирасини тўлайман.

— Мен ишчи етказиб беришга гарантия берганиман-да, ока. Ҳар бир ўрин ҳисобли. Бориб ишлайман десангиз, марҳамат. Йўлкира ҳам керакмас, фирма ҳисобидан, гарантия...

— Нима қилдик, Қобил?

— Ўзим кетавераман. Сиз дадамнинг олдига тезроқ бора қолинг. Менга пул ҳам унча керакмас.

— Майли. Бир жиҳатдан яхши бўлди. Қаерга борсанг ҳам ўзингни эҳтиёт қилиб, пул ишлаб келсанг бўлгани. Кейин ҳаммаси яхши бўп кетади, жиян.

— Ҳа, албатта. Дадам сорайиб кетсалар бўлгани. Омон бўлсак пулни ишлаб топаверамиз.

— Обба кекса-қари-еъ! — деди Ойбек жиянининг оқ оралаган сочларини яна ишқаб қўяркан.

Шундай қилиб, амаки ила жиян Россия тарафға бошқа бошқа машиналарда жұнаб кетиши. Олдинда уларни узок ғана машиққатли йүл, турлы-туман синоатлар күтмөкда және.

### ДҮЗАХИ КОР

Ишта ёлланғанлар орасыда Қобиљбек зінг ёпши экан. Ойбек уни бир ёпши улутроқ мүйсафи болан ёнма-ён үтиризиб қүйди. Унинг исми Истроил ака экан.

— Истроил ака, сиздан илтимос, бу менинг жияним, отанаси жуда қийналған. Дадаси Россияяды оғир касалға чалиниб қолибди. Мен уни олғани кетяпман. Йүлкирани қарз олуудик. Шунга иложсиз...

— Ҳа-ҳа, тушунаман. Биз ҳам шу юмуш билан-да, қизни чиқаришим, ўғылни уйлашим, уй-жойини битириб беришим керак.

— Шунга ўзингиз күэ-қулоқ бўлиб турасиз-да. Хизматингизни қиласверади, яхши йигит.

— Бўпти, ҳеч хижолат бўлманг. Тўғри, бола бир оз қийналадио лекин пишади.

— Бунинг ўзи пишиб қолган. Қозогистонда ишлаб келган.

— О, унда гап йўқ.

— Бўпти, Истроил ака. Бориб жойлашиб олганларингдан сўнг уйга хабар қиласизлар. Қобил, шу тоғанг билан доим бирга бўл. У кишига менинг уй манзилимни ёзиб бер. Айтганларита доим қулоқ сол, ҳўпми?

— Ҳўп, — деди Қобил мамнунлик билан.

Истроил ака унинг елкасига қўлини ташлади.

— Зўр шерик топдим-да, лекин. Икковимиз энди зерикмаймиз.

— Ўзлари қаерлик бўладилар?

— Бувайдаликман. Эл қатори шоли экардик, бу йил ҳосил яхши бўлмади.

— Биз бағдоддан.

— Э, яхши, бир жойдан эканмиз. Худо хоҳласа, бир-биримизни қўллаб, ҳамжиҳат бўлсак ёмон бўлмайди.

- Хўп бўлмаса, жиянимни сизга топширдим.
- Хижолат чекманг. Ўзингиз ҳам яхши бориб келинг.

Улар самимий қучоқлашиб, хайрлашдилар. Ниҳоят ўн беш чоғли ёлланма ишчиларни ўз бағрига олган микроавтобус йўлга отланди. Қозористон божхона постидан ўтишдан аввал Алик паспортларни йигиб олди.

— Йўлда постлар кўп. Сизлар ҳадеб чўнтакларингни кавламай бемалол дам олаверинглар. Ўзим кўрсатиб кетавераман. Бу ёри гарантия, — деди у.

Қобилбекнинг яп-янги паспорти устидаги зарҳал ҳарфлари тонгти қуёшнинг заррин нурларида бир "ялт" этдию бошқа паспортлар тахламига гарқ бўлиб сўнди. Йигитча негадир алланечук бўлиб кетди. Гўё унинг азиз ва мўътабар нарсасини бирор тортиб олиб қўйгандек ўзини нохуш ҳис қилди. Ахир бу ҳужжат уни катталар сафига қўшди, Ўзбекистон республикасининг ҳақиқий фуқароси бўлди. Демак, энди у ёш бола змас. Кўп ишларни мустақил ҳал қила оладиган, чет давлатларга ўзи ҳам бемалол бориб кела оладиган мавқега эга бўлди.

Улар чегарадан ўтиб олишгач, Исройл ака дуога қўл очди:

— Омин, илоҳим сафаримиз бехатар бўлсин, рисқи-насибамизни териб, бола-чақамизнинг олдига соғ-омон қайтиш насиб қиласин, бизни имонли, пок инсонлар қўлига ҳалолдан пул топгани олиб бораётган Алижонният ишларига омад ёр бўлсин! Шопир акамизният тагидан доимо шамол ўтиб, илоҳим бешикаст юрсинлар, облоҳу акбар!

Ҳамма юзига фотиҳа тортгач, ҳайдовчи магнитофонни кўйиб кўйди. Салон ичи мумтоз қўшиқ оҳанглари билан лиммолим тўлиб, йўловчиларнинг руҳиятини кўтарди.

Исройл ака илгари мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, кимё ва биологиядан болаларга сабоқ берган экан. Шунинг учунми, у Қобилбек билан тез чиқишиб кета олди. Халтасидан ҳар хил егуиклар олиб меҳмон қилди, йўлмарда бирга овқатланишиди, бир-бирларига суюниб пинакка ҳам кетишиди.

...Қобилбекнинг тушига ота-онаси кирди. У катта йигит

бўлиб қолган, сафардан бой-бадавлат бўлиб қайтганмиш. Унинг жўнатиб турган пуллари эвазига чала уйлари ҳам замонавий услубда баланд қилиб қуриб битказилганмиш. Дадаси эса тузалиб кетган, кўзлари ҳам яшнаб кулиб турганмиш...

— «Раҳмат, ўғлим. Бахтимизга яхшиям сен бор экансан. Мана, уйларимиз битди, мен кўзимни даволатиб олдим», дебди дадаси унинг елкасини қоқиб. «Энди ўқишингни давом эттири. Кейин сени уйлантириб қўямиз», дермиш ойиси. «Баракалла, жиян!» дебди шу пайт Ойбек амакиси пайдо бўлиб ва сочларини тўзгитиб қўйибди. Шу пайт янги уйнинг деразаси очилиб Сапар оғанинг набираси Ойжамол «Салом' дея қўл силтабди.

«Ие, анави пучук қаердан келди?» — сўрабди Қобилбек ойисидан.

«Улар меҳмон бўлиб келишган. Сапар оға ичкарида ўтирибдишлар. Сен яхши кўрадиган оқ бияни олиб келишибди», — дебди ойиси.

«Эҳ-ҳей, салом, жигит. Қалайсан, жақсыпь? Биз сени роса кутдик. Келмадинг. Ўзимиз келавердик», дебди у.

\*\*\*

— Тулинг, ўғлим, етиб келдик шекилли, — деди бир пайт Исроил ака ҳамрохини оҳиста туртиб. — Ўзиям тоза ухладингиз-е.

— Нима?! Келдикми?!

— Ҳа-ҳа. Лекин жа узоқ экан. Кечадан бери аллақандай бепоён ўрмонлар ичида келяпмиз. Бу ерлар қаер экан, билолмаяпман.

Нидоят, машина бир баланд деворли темир дарвоза олдига келиб тўхтади. Алик бориб чақириш сигналини босди. Кўп ўтмай кичик эшиқдан миљтиқли соқчи киши чиқиб келди. У машинадагиларни бир қатор кўздан кечиргач, ичкарига кириб катта дарвозани очди ва рация билан қаёққадир хабар қилди. Алик ҳужжатларни олиб кириб кетди. Машина турли бўмбўш бочкалар бетартиб сочилиб ётган корхона ҳудуди бўйлаб юриб бориб, дарвозаси очиб шай қилиб қўйилган баланд ва узун бино ичига кира солиб тўхтади. Бино ичида аллақандай

кимёвий моддаларнинг қўланса ҳиди анқир, теварак-атрофда ҳар хил бочкалар ва қоплар қалашиб ётар, бу ер қандайдир химикатлар омборини эслатарди.

“Оббо, қаерга келиб қолдик? Бекорга маошни кўп тўлашмайди, шекилли. Заҳарли моддалар ишлаб чиқариладиган жойга ўхшайди-ку. Озгина ишлаб кўраман. Ёқмаса йўл кирасини тўлайману кетавераман” деган ўй ўтди Қобилбекнинг хаёлидан. Қолган йўловчиларнинг юз қиёфасида ҳам кутимаган жойта келиб қолганларидан хавотирга тушганликлари шундок сезилиб туради.

- Тушинглар, келдик. — деди шофёр.
- Бизни қаерга олиб келдингиз ўзи? — деб сўради йўловчилардан бири.
- Билмасам. Мен ҳам бир киракаш одамман. Биринчи марта келишим. Нима саволларинг бўлса бошлиқларидан сўрайверасизлар.

Кўп ўтмай машина бўшади. У сигнал чалди. Бокс дарвозаси очилди-да, у чиқиб кеттач яна ёпилди.

- Ишқилиб нобоп жойга келиб қолмадикмикан, ўғлим? — деда шипшиди Исроил aka хавотирлик билан.
- Маҳфий жой, шекилли, — деди бир йигит жавобан “Кўраверайлик-чи, бир гап бўлар” деган маънода. — Бизга ойликни ўз вақтида беришса бўлди-да...

Мўйсафид “Ҳа, майли” дегандек бош иргаб қўя қолди ва бочкадаги ёзувларни ўқий бошлади. Баъзи тўкилган химикатларни оҳиста ҳидаб кўрди. Унда негадир безовталик пайдо бўлди. Шу маҳал бир барваста гавдали рус киши икки норгул йигит билан кириб келипди.

- Менинг исмим Алексей Петрович. Иш бошқарувчиман. Бу ерда кимё саноатининг айрим маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Лекин уларнинг нима ва қандай таркибга эга эканлиги фирманинг сири ҳисобланади. Ораларингда кимёгарлар борми? — сўради у тўсатдан ва ҳеч ким чурк, этмагач, сўзида давом этди. — Тўғри, улар инсон организмига салбий таъсир қилиши мумкин. Лекин керакли ҳимоя воситалари билан таъминланасизлар. У ёри энди ўзларингизгаям

бөрлиқ бүләди. Санитария, шахсий гигиена, техника хавфсизлігінің жағдайларында ким амал қылса унга бало ҳам урмайды. Шунинг учун ҳам ёмон ҳақ тұламаймиз.

— Қаерда тунаймиз? — деб сүради бирор.

— Ҳозир хона берамиз. Лекин "беш қолдузлы" люкс жойни ваъда қылмайман. Уч маҳал белупул овқат, ҳар иккі соатта 15 дақықадан дам олиб, суткасига жами 12 соатдан ишлайсизлар.

— Нима иш қыламиз?

— Дориларни идишларга солиб қадоқлайсизлар. Яна нима иш қилишни усталар күрсатып беради.

— Аликжон қани? — деб сүради Истроил ака.

— У кетди. Бопшқа ишлари бор. Ҳужжатларингиз менда. Ҳа, айттандай, у сизларга бу ернинг шартларини айттан бўлса керак.

— Ҳа, "Олти ой ишлаб берасизлар, ойлик маопи 400 доллар" деб айтди.

— Тўғри, ким яхши ишласа яна 100 доллар қўшиб бераман. Лекин бу ердан кимдир рухсатсиз кетмоқчи бўлса жазоланади. Қоровулларимиз ҳатто отиб таплаши мумкин. Чунки қочиб кетадиган одам ўзи билан бирор маҳсулотимидан намуна олиб кетиб, уни рақибларимизга фош қилиб қўйиши мумкин. Буни тўғри тушунасизлар деган умиддаман. Ҳўш, ишлаймизми?

— Йўқ! — деди тўсатдан Зафар исмли ориқ йигит. — Мен кетаман!

— Ҳўп, 1000 доллар тўла, кетавер, ана, катта кўча, — деди иш бошқарувчининг жаҳди чиқиб.

— Манинамиз шу ердами?

Алексей Петрович қизара бошлади.

— Ҳой, мен сенга айтдим-ку, "кетди" деб. Бу ерга келишдан оддин ўйлаппинг керак эди. Сен гирт ялқовга ўхшайсан. Шунинг учун ҳам биринг иккі бўлмайди. Сашка, уни олиб чиқиб кўйвор. Менга дангасалар керакмас!

— Паспортим-чи?

— Сен менинг ишимга халақит қиляпсан. Бор, чиқ, кейин гаплашамиз.

Соқчилардан бири уни олиб чиқиб кетди.

— Ҳўш, яна ким кетади? Лекин мен айтиб қўяй, келган

## *Набиқон ҲОЧИМОВ*

---

йүлларингдан эсон-омон қайтиб кетишларингта мен ҳеч қандай кафолат беролмайман.

— Бўпти, Алексей ака, биз ишлагани келганмиз. Бизга ишни, жойни кўрсатинг, — деди Истроил ака.

— Мана бу бошқа гап. Исмингиз нима?

— Истроил.

— Яхудиймисиз?

— Йўқ.

— Бўлмаса сизни шу гуруҳга бригадир этиб тайинлайман.

Маошингизга 10 фоиз қўшимча ҳақ оласиз. Лекин уларнинг туриш-турмушига тўлиқ жавоб берасиз. Хўш, ишлаймизми?

— Ишлаймиз!!!

— Қани, юринглар-чи.

— Анави йигитниям чақира қолайлик. У қаёққаям борарди?

— деди Истроил ака.

Алексей беўхшов кулиб қўйди:

— У ҳеч қаёққа кетолмайди. Ўзи ҳали қайтиб келади. Бу ерни тайга деб қўйибдилар.

Уларни бокснинг бир четидаги зина томон бошлаб боришаркан, Қосим исмли бир йигит сўраб қолди:

— Алексей Петрович, биз ўзи қаердамиз?

Алексей тўхтади ва Қосимга ўқрайиб қаради.

— Сен ишлагани келганмисан ўзи ё ўйнаганими?

— Ишлагани.

— Бўлмаса бошқа савол бермаларинг. Ишингни қилу ҳақингни ол.

— Узумини егину боғини сўрама, — деб қўшиб қўйди Истроил ака ҳам ва уни рус тилига таржима қилиб берди. Алексей унинг елкасини қоқди:

— Молодец, старик!

Улар зинадан пастта тушишди. У ерда бир темир эшик бўлиб, соқчи турарди. Соқчи қалин эшикни очди. Ичкаридан сассиқ, бадбўй хид чиқиб димоқларига урилди.

— Кўркманглар, ўрганиб кетасизлар.

Ичкаридан юзига ҳавони тозаловчи ҳимоя ниқоби таққан

ва плашсимон махсус кийим ва резина құлқоп кийиб олган бир киши чиқиб келди.

— Сафарали, янгиларни қабул қыл. Уларни жойла, иш жойларини күрсат. Бу киши бригадир бўлади.

— Яхши, — деди йигит бўғиқ овозда.

— Хўп, мен кетдим, Истроил, кечқурун гаплашамиз, — деди Алексей ва темир эшикни очиб чиқиб кетди. Эшик тапки томондан қулфланди.

Сафарали тоҷикистонлик йигитлардан экан, шевасидан яқдол сезилиб турарди. У ниқобини ечди. У гўё сил касалга ўҳшаб кетар, қуёшни кам кўрганиданми ёки химикатлар таъсириданми юзи нурсиз, кўзлари киртая бошлаган ориқ йигит эди.

— Ўзбакистонданмисизлар?

— Ҳа!

— Юринглар.

Уларни бир барак залига бошлаб кирди. У ерда худди концлагердаги ётоқхонага ўҳшаб уч қават қилиб таҳтадан катак-катак жойлар қилинган эди. Залнинг деразалари йўқ бўлиб, фақат деворда иккита думалоқ ҳаво тозалагич тийқиллаган овоз чиқариб айланиб турар, баъзи жойларга қўйилган электрфлаконлар жуда хира нур таратмоқда эди.

— Бу ер ётоқ, ошхона анави ерда. Бу ерда жами 50 та одам ишлаймиз. Сизлар билан 65 тага етдик. Жойлашаверинглар, ҳозир тушилик қилиб оласизлар. Сўнгра ҳар бирларингта махсус кийим берилади. Тўғри ишга борасизлар.

— Ўғлим, бу ердан яхши ишлаб саломат чиқиб кета оламизми, ишқилиб? — деб сўради Истроил ака.

— Бунақа саволларга менинг жавоб беришга ҳақим йўқ. Уни бошлиқлардан сўрайсиз. Мен бу ерда оддий омборчиман, холос.

— Бошлиғингиз ким ўзи? — деб сўради Қосим.

— Танимайман. У билан фақат телефон орқали гаплашамиз.

— Келганингизга қанча бўлди?

— Уч ой. Бўлди, бошка савол берманглар, илатимос. Ишлаб юриб ўзингиз билиб оласизлар.

Қобилбек Исроил ака билан ёнма-ён каталакка жойлашишди. Мўйсафид негадир чурқ этмас, кўнглига келаёттган хавотирлик унинг юз-кўзида акс эта бошлаганди.

— Э, худо, ишқилиб охири бахайр бўлсин-да, болачақамизни сорғомон кўриш насиб қиласин, — деди у пичирлаб.

Улар чой-нон ва ўзлари билан олиб келган егуликлар билан овқатланишиди. Уларнинг ҳисобини ҳали олишмаган эмиш. Сўнгра омборга кириб махсус кийимларни олипди ва ечиниш хонасида ҳимоя ниқобларини ҳам тақиб деярли бир-бирларини таниб бўлмас даражадаги бутунлай бошқа кўринишга айланишиди.

Бу ерда ўзга бир дунё бор эди. Махсус ниқоб тақиб олган ўнлаб одамлар конвейер усуlda кичик шишаларга аллақандай суюқлик дорини қутишар, кимлардир кичик қўл прессларида қопқоғини штамповка қилиб беришар, кимдир этикетка ёпишириар, бошқаси эса уни қутичаларга солиб каттароқ қутиларга ҳам жойларди. Янги келганлар технологик жараёнларнинг барчаси билан танишиб чиқдилар. Нафаслари тиқилиб то танаффусга қадар аранг чидашди. Уларни юқ лифти билан юқорига олиб чиқишиди. Бу бино томига ўхшар, атрофи баланд девор билан ўралган усти очиқ ярми тўйсилган майдончадан иборат бўлиб, очиқ ҳавога ҳам сим тўр тортилиб кўйилганди.

Улар юқори чиқибоқ юзларидаги ниқобни дарҳол ечиб ташлаб тўйиб-тўйиб нафас олишиди. Бу ер гўё кучайтирилган режимдаги қамоқхонага ўхшаб кетарди. Бир четда гуж бўлиб сигарета чекаёттган ишчилар уларнинг эътиборини тортди. Улар касалванд, кўзлари киртайиб, ранглари саргайиб кетганди. Айримларининг юзига бир нималар тошгандек эди. Қобилбекнинг юраги орқага тортиб кетди: “Наҳотки, бизлар ҳам яқин орада шуларга ўхшаб қолсан?”

— Ҳаммаларинг юз-кўлларингизни яхшилаб совунлаб ювиб юринглар. Иложи йўқ, кўникишимизга тўғри келади. Бундан багтари ҳам бўлиши мумкин эди. Сабр қилинглар, сабр, — деди Исроил ака ўз гурухини тинчлантириб.

— Мен кетаман, бу аҳволда ишлолмайман! — деди Қосим исмли йигит.

— Кетавер, ҳеч ким сени ушлаб турғани йўқ.

— Ана, биз билан келган Зафар кетди-ку. Ҳеч ким бизни мажбур қилолмайди. Кетайлик!

Кўнгироқ жиринглади. Танаффус тугади. Уларнинг гуруҳига ҳам бошқалар қатори кунлик норма берилди. Уни бажариб бўлмагунча бадбўй цеҳдан чиқиб кетиб бўлмасмиш...

Лекин тунда янада хунук воқеа юз берди. Зафарни калтакланган ҳолда олиб келишди. Унинг кўзлари кўкарған, уч-тўрт тиши ҳам тўкилиб, аунжи шишиб кеттанди. Уни ётқизиб сув берипди. Маълум бўлишича, Зафар "Паспортимни беринглар" деб кимгадир мурожаат қилибди. Унга "Анави хонага кириб олиб кетавер" дейишибди. У ер қоронғу хона экан, фақат кичкинагина бир дарчаси бор эмиси. Бир барзанги уни чарчагунича дўпослаб устидан қулфлаб чиқиб кетибди. У дарчадан ҳаммасини кўрибди. Алик паспортларни топширганини эвазига пул олганини ҳам. Сўнгра машинага озиб-тўзиб кетган касалманд одамларни қўлларига паспортларини тутқазиб олиб кетганмиш. Улар машинага аранг чиқиб олишганмиш. Иккита йигит ялиниб йиглашибди. Нималар дейишганини Зафар эшита олмабди.

— Исроил ака, — деди Зафар аранг, — биз ёмон жойга келиб қолдик. Алик бизни қул сифатида сотиб кетди. Фақат ишга ярамай қолсакгина бизларни қўйиб юборишлари мумкин. Кейин ҳеч нимага ярамай қоламиз. Бу ердан бир илож қилиб қочиш керак.

Ишчилар жуда оғир аҳволда қолишли. Руҳан эзилиши. Баъзилар йиглашибди. Ҳамма Қобилбекнинг болаларча йиглашини куттган эди. Лекин у миқ этмади. Исроил аканинг ҳам дарди ичида қолди.

Уларнинг тақдирга тан беришдан бошқа иложлари ҳам йўқ, гўё дўзах ўчоги оловининг ловуллашига термулиб ўтиришгандек ва бирор уларни орқадан қозонга итариб юборишларини кутишаёттандек ҳолатда эдилар.

## ДҮЗАХНИ ТАРК ЭТИБ

Исроил аканинг фикру ўйи қандай бўлмасин Қобилбекни қочириб юборища бўлиб қолди. "У ҳали ёш. Бу ерда умри хароб бўлади. Отасининг кўр бўлиб қолгани етмагандек энди у ҳам ногирон бўлиб қолиши мумкин. Бунга чидаб бўлмайди" дерди у хаёлан.

Улар тишни-тишга қўйиб ишлайвердилар. Бригадир уларнинг ўз вақтида душ қабул қилиши, эринмай яхшилаб совунлаб ювинишларини талаб қилас, маҳсус кийим-бошларининг бекаму кўст кийилишини назорати остига олган эди. Нариги бригадаларда эса бундай назоратнинг деярли йўқлиги, ишчиларнинг ўз ҳолига қўйиб қўйилгани туфайли химикатлар уларга таъсирини ўтказаёттани ойдек равшан эди. Улар ишдан чарчаб чиқиб ювинишга ҳам эринишар, қотиб ухлаб қолишар, батъилари эса цех ичидәёқ ҳимоя ниқобини ечиб олиб қўярди.

— Билиб қўйинглар, ҳеч кимнинг бу ердан касалманд бўлиб уйига қайтишга ҳаққи йўқ. Ногирон одам ҳеч кимга керакмас. Фақат ўзимизни озода тутишимизгина бизни сақлаб қолади!  
— дерди Исроил ака қатъий.

Исроил аканинг яхши ташкилотчилиги ва бригадага яхши раҳбарлик қилиб, иш нормаларини тез ва соз бажараётгани, саломатликлари ҳам нисбатан яхши эканлиги бу ердаги раҳбарларнинг назарига тушмай қолмади. У тобора ишонч қозониб тез орада Сафаралига ўхшаб эркинроқ юра оладиган ходимлардан бирига айланди.

Бу ерда асосан турли зааркунандаларга қарши кимёвий заҳарли препаратлар тайёрланарди. Орадан бир ойлар ўттач, янги маҳсулот йўлга қўйилди. У кукунсимон бўлиб, пакетчаларга мисқоллаб солинар ва катта қутиларга жойланниб остига ҳар хил белгилар ёпиштирилиб, сўнг тайёр маҳсулот омборига жойланар ёки тўғридан-тўғри юк машинасига ортиларди.

Исроил ака хаёлига келган бир фикрни амалда синаб кўрмоқчи бўлди ва пайт пойлаб Қобилбекни катта қути ичига тушириб қопқоғини ёпиб кўрди. Қобилбек ҳам устозининг

төясини тушунди. Лекин бу уринишлари натижа берипшига ақдами етмади. Чунки қутининг оғирлиги 25 кг бўлиши керак, Қобил эса 60 кило ва буқчайиб нафаси қисилиши ёки уни сезиб қолишлари мумкин эди.

Истроил ака Қобилбекни қочириб юбориш борасидаги изланишини тинимсиз давом эттириди. Имкони бўлса ҳар икковлари ҳам бирга кетишга тайёр эдилар. Лекин мўйсафида ўзига, соғлиғига ишончи комил эмасди.

— Йўқ, Қобилжон, узоқ йўлга мен ярамайман. Йўлда ҳар хил ҳолат бўлади. Мен оёғингга тушов бўлишим мумкин. Шунинг учун сен уйингга етиб олиб амакинг билан милиция бошқармасига учрашиб, бу ердаги кўрган-билганингни етказишинг керак. Улар бизни қутқариб, ануви фирибгарларни ушлаш чорасини кўришади.

— Уларнинг нимаси фирибгар? — деб сўради Қобилжон соддалик билан.

— Бу ерга юзлаб гуноҳсиз одамларни алдаб олиб келиб ноқонуний, қул сифатида ишлатишпяпти, яширин даромад қилишяпти. Бу жиноят. Қўлларида ёвуз куроллари ҳам бор. Улар хисобда турадими-йўқми, номаълум. Бу ерда жиноятчилар тўдаси жамлангани аниқ. Лекин қочиш ҳақида ҳеч кимга чурқ этма.

— Бизнинг милиция бу ерни қандай топади?

— Аввало Аликни, бизни бу ерга олиб келган шофёрни топишади. Сен уларга ёрдам берасан. Мабодо, машина номери ёдингда қолмаганми?

— Эсимда — “10 D 22-34”

— Э, баракалла! Шундан сўнг бизникилар бу ердаги ҳамкаслари билан боғланишади. Тушунарлимиси?

— Ҳа!

— Шунинг учун сен қандай бўлмасин соғ-омон етиб олишинг керак. Қўл-оёғинг чаққон. Худо хоҳласа етиб оласан. Билиб қўй, соғлиқни ҳеч қандай бойликка алмаштириб бўлмайди. Биз бу ерда озгина пулни деб бебаҳо соғлиғимиздан айриламиз. Узоқ яшолмай ўлиб кетамиз. Бунга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Шундай қилиб, Истроил ака Қобилбекни сафарга тайёрлай бошлади. Йўл учун қоттан нон, туз, гутурт, бир идиш сувни цэллофан пакетга жойлаб таҳт қилиб кўйди. Ҳар эҳтимолга қарши иссиқ пайшоқ ва спортча уст-бошни тез кийинтириш режасини тузди. "Ҳозир куз, ҳали ҳаво унчалик совуқ эмас, қиши келгунича уйга етиб олади. Шунинг учун қор ёғиши бошланмай туриб тезроқ болакайни қочириб юбориш керак" деб ўйларди мўйсафи.

Нихоят, ана шундай имконият пайдо бўлганга ўхшади. Кукунли пакетларга картон етмай қолди. Уни қофоз қопларга солиб, оғзини маҳсус тикув машинасида тикиш буюрилди. Истроил ака бир қофоз қопни ечиниш хонасига олиб келиб унга Қобилбекни солиб кўрди. Лекин кўнгли тўлмади. Бу бефойда ҳаракат эканлигини ҳис этди.

Кейин у бригада аъзоларини йигиб ўз режасини очиқ-ойдин ўртага ташлашга қарор қилди.

— Бизнинг бу ердан соғ-саломат чиқиб кетишимизнинг ягона йўли шу, — деди у шивирлаб. — Шунинг учун Қобилжонни бир илож қилиб қочириб юборишимиш керак. У ёш ва абжир бола. Бемалол етиб олади. Кейин унинг йўқлигини билинтирмаслигимиз керак. Мен эса табелга белгилаб беравераман. Нима дейсизлар?

— Бу ишни жуда ҳамжиҳатлик билан уюштиришимиз керак,  
— деди Зафар.

— Сен бизни қутқара оласанми? — деб сўради Қосим Қобилбекдан.

— Ҳа. Амаким билан милиция бошлиғига кирамиз. Улар бу ернинг милицияси билан борланишади.

— Тошкентда Интерпол деган ташкилот ҳам бор. Шундок ички ишлар вазирлигининг ёнида. Бориб ўзинг ўша ерга учрашсанг ҳам бўлаверади. Аҳволни тушунтирасан.

— Бўлти, — деди Қобилбек. — Лекин аввал бу ердан қандай қилиб чиқиб кетаман? Қофоз қопга, картон қутига сифмадим-ку?

— Бир йўли бор, — деди Шодиёр исмли андижонлик йигит.

— Юк "Камаз"га юкланса юк ичида қолиб кетасан. Машина бирор жойда тұхтаганда, люк орқали чиқиб қочасан.

— Яхши фикр. Бу зәнг қулай вариант, — деди Зафар тасдиқаб.

— Бұлмаса йўлга "сухой паёк", йўлкирага пул йириб беришимиз керак, — деди Қосим.

— Юк ортилаётганида мен иложи борича соқчиларни chalritib тураман. Қосимнинг ўрнига энди юк ортишга Қобил боради. Ҳимоя ниқобини ечмайсизлар.

Шундай қилиб, Қобилбекни яширин қочириб юборишга бутун жамоа қызығын ҳозирлик күра бошлади. Бу орада икки машинаға юклар ортилди. Лекин уларнинг кузовига люки бўлмайдиган морфлот контейнери ўрнатилган бўлиб, уни ичкаридан очиб чиқиб кетиши амри маҳол эди.

\*\*\*

Ниҳоят, кунлардан бир куни кўнгилдагидек машина омбор майдончасига орқа томони билан қўйилди. Бу ҳақида зудлик билан жамоа аъзолари ўзаро бир-бирларини огоҳ қилдилар. Қосим Қобил билан тезлиқда алмашиб олишлари ва Қобил қопни елкасига олиб машина ичига кириши ҳамоно Қосим бу ёндан бошқа қопни олиб бориши ва ётиб олган Қобилни устига қўйиб уни кўринмайдиган қилиб қўйиши, сўнгра хотиржам ўз ишини давом эттиравериши керак эди. Аксига олиб шу пайтда Қобил ҳожатхонага кириб кетган ва юз-қўлини юваётганди. Уни топгуналарича машина яримлаб қолди. Йигитчани тезлик билан омборга юбориши. Истроил aka бетоқат бўла бошлаганди. Қобил келганлиги ҳақида ишора бўлиши биланоқ умрида чекмаган одам соқчидан сигарета сўраб уни тутатиб беришини илтимос қилди ва об-ҳаво ҳақида бир нималар деб chalrittan бўлди. Лекин никобли, деярли бир хил кийимли юкчилар ичида қай бири Қосим эканини Қобил фарқлай олмади.

— Нега анқаясан?! Қани, қопни ол! — деган бўғиқ овоз келди бир пайт ва уни маъноли туртиб қўйди. Бу Қосим эди.

Қобил қопни елкасига олиб машина томон йўналди. Ортидан эса Қосим изма-из бораверди. Машина бортига кириштагач, "Тез

қоплар устига чиқиб ётиб ол!" дега шипшиди. Қобилбек ўз қопини қўйгач, чаққонлик билан унинг орасига ётиб олди. Қосим эса унинг устига ўз қопини кўйиб устидан уриб-босиб қўйди. Қобил миқ этмай ётган қоплар тахлами нариги тахламлардан дастлаб бир оз фарқ қилиб турган бўлса-да, кейингилари қўйилавергач, бу фарқ сезилмай кетди. Машина тўлди. Эшити маҳкамланиб пломбаланди. Йигитчанинг нафаси қисилиб терлаб-пишиб кетди. Лекин энг ёмони унда на тайёрлаб қўйилган озуқа ва на пул бор эди. Шошилишда қолиб кетибди.

Бир соатлардан кейин машина ўрмонзорлар оралаб гизиллаб кетди.

Эндиgi вазифа деярли борт бўйи тахланган заҳарли қоплар орасидан ўтиб, люкга етиб олиши ва уни очиши керак. Фақат шундагина озодлик ҳавосидан эркин нафас олиши мумкин бўларди. Бироқ ичкаридан маҳкамланган люк тутқичи болт билан қотирилган экан. Унга нозик бармоқларининг кучи етмади. Эгишта уриниб кўриб баттар терлаб-пишиб кетди. Юз ниқобини ҳам ечиб ташлади. Люкнинг кичик тирқишидан кираёттан тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Бир оз ўзига келгандай бўлди, қопларни у ёқ-бу ёқ суреб аввалига боши, қўл чиганоги билан итариб кўрди. Бўлмади. Оёқ билан тепишга эса жой тиризлик қиласади. Шу туфайли қопларни машина эшигига томон бир-бир суреб жойини чукурлаштиришга ҳаракат қиласди. Ҳар ҳолда ҳаракатлари беҳуда кетмади. Нихоят, икки оёғини буқлаб бир иложи қилиб люкка тиради. У оёқларини итарган сайин остидаги қоплар сиқилиб жой янада чукурлашди. "Ишқилиб қоплар ёрилиб кетмасайди. Агар ёрилиб кетса ҳидидан заҳарланиб ўламан", деган ноxуш ўй ўтди хаёлидан ва яна юз ниқобини тақиб, люкни тўхтовсиз тепа бошлади. Бу ҳолат кўпроқ инсоннинг ҳаёт-мамот жангига ўхшаб кетарди.

...Қобилбек ҳолдай тойди. "Энди нима қилсан экан?" деган ноxуш савол унинг хаёlinи чулғаб олди. Кўзларини юмиб бир оз ётди. Машина бир маромда гизиллаб борар, унинг қай манзил томон кетаётгани фақат кабинадаги юк эгаларигагина

маълум эди. Йигитча кўз олдига ойиси, дадаси ва синглисини бир-бир келтирди. "Сени кутяпмиз, ўғлим. Бардам бўл!" дерди ойиси... Бортнинг қаеридаандир "шиқир-шиқир" овоз келарди. "Қизик, бу овоз қаердан келяпти экан?" У яна яхшиллаб қулоқ солди. Овоз эшикдан эмас, олд томондан келаётганди. "Яна битта люк бормикан?" деган ўй "ярқ" этиб хаёлига келди ва тезлик билан борт томининг олд қисмини синчиклаб кузатди. Ҳақиқатдан ҳам иккинчи люк оз-оздан кўтарилиб-тушаётган ва уни ўзига чорлаётгандек туюлди. Шу ондаёқ у ўзи турган чуқурчага қопларни суриб ўша люк томон интила бошлади. Хайриятки, люк темир болт ўрнига сим ўраб маҳкамланган экан. У бир илож қилиб еча бошлади. "Ишқилиб синиб қолмасин-да. Э, худо ўзинг мадад бер!" деб юборди у беихтиёр. Ниҳоят, люк очилди ва йигитчанинг димогига совук, лекин нашғъали озодлик шабадаси урилди.

У калласини оҳиста чиқариб кўрди. Яхшиям жуссаси кичик бола бўлгани. Каттароқ бўлганидами, гавдаси бу тешикка сиғмасмиди. Лекин кетиб бораётган машинадан сакраб тушиб қолиш жуда хавфли эди. Чунки қўл ёки оёқни синдириб олишнинг ҳозир пайти эмасди. Яна кабинадагилар уни кўриб қолишлари ва ушлаб олишлари ҳеч гапмас. Эндиғи вазифа машинанинг бирор жойда тўхташини кутишу урра қочиш эди. Қобилбек бу вазифани бемалол уddyalай олди.

У люқдан чиқишида илиниб қолмаслиги учун маҳсус плаштни ҳам ечиб қўйди. Машина секинлаб бир кичикроқ йўллардан бирига бурила бошлагач, йигитча чаққонлик билан люқдан чиқди-да, орқага эмаклаб бориб осилиб сакради. Оёқлари зирқираб оғриганига қарамай қалин ўрмон ичига кириб ройиб бўлди.

У тўхтовсиз чопар, шоҳ-шаббалар юз-кўзига урилар, унинг назарида кимдир ортидан қувиб келаётгандек, милтиқ билан уни мўлжалга олаётгандек туюларди. Йўлида дуч келган қуёну олмахонлар ҳам, бесарамжон қарғаю уккилар ҳам уни кизиқтирмаётганди. У ниҳоятда чарчаб майсалар устига чўйкалаб қолди ва ҳансира бир дараҳт танасининг ортига ўтди-да, келган томонини зимдан кузатди. Нафасини ростлаб олгач,

яна чопиб кетди. Кетаверди, кетаверди, то оқшом чўккунига қадар тўхтамади. Қалин, қоронғу ўрмон уни ўз оғушига олиб яшириди.

У ўша тунни бир дарахт тепасида ўтказди. Ухлаб қолиб ийқилиб тушмаслик учун шимининг камарини дарахт бутогидан ўтказиб олди. Оёқлари увишиб безовта бўлиб чиқди. Тун қоронғуси шундай қўрқинчли здики, қандайдир ҳайвонларнинг шарпаси келар, уккилар тинмай сайрап ва тўсатдан потирлаб парвоз қилишарди. Лекин йигитча қўрқмади. Чунки ҳозир бунинг мавриди эмасди... Осмон оқара бошлиши биланоқ у яна йўлга отланди. Оёқ-қўллари совуқдан титраб-қақшаёттанди. "Тез-тез юрсам исиб кетаман" деган ўйга борган қочоқ физкультура дарсида машқ қилишадиган "марш-бросок" суръатида тўғри келган томонга қараб таваккал кета бошлади. Унинг мақсади темир йўлга чиқиб олиш эди. Лекин ҳеч қандай йўл нишонаси йўқ, назарида ўрмон тобора қалинлашиб борар, оқиш осмон фақат баланд дарахтлар орасидангина аранг кўринарди.

Қорни ҳам очиб кетди. Яхшиямки кедр ёнғоқлари кўп экан. Уларни териб олиб чақиб кетаверди. Бир жойда ёввойи олмага дуч келди. Мевалари кичкина экану лекин жуда мазали, ширин экан. Териб ҳамма чўнтақларини тўлдириб олди. Лекин куннинг иккинчи ярмида тўсатдан шамол эсиб ёмғир томчилай бошлади. Кечга яқин эса ёмғир ҳам, совуқ ҳам кучайди. Плашчни машинада қолдиргани алам қилди. Бирор пана жой топиб тунаб қолиши керак эди.

Ўрмон ичи баланд-пастликлардан иборат бўлиб, жилғалар ва ботқоқликлар кўп эди. Бир жила қирғозида баланд тепалик ёнида ковак кўринди. У бирор жониворнинг уяси эканлиги аниқ эди.

Қобилбек узун бир ёючни олди-да уни аввало ковакка тиқиб уриб кўрди. Бир тулки чиқиб қочди. Ўша куни у ёючни маҳкам ушлаганича тулки ковагида тунади. Бечора тулкининг раҳми келдими, тунда бир исқаниб келдию ҳар ҳолда иззатини билиб қўшнисининг ковагига кириб кетди.

Йигитча шу зайл қалин ўрмон ичра танҳо яна беш кун

кезді. Лекин бирор одам зотини учратмади, йўл тутул бирор қишлоққа ҳам дуч келмади. Еб бўлса бўладиган нимаки учраса, пакқос тушириб кетаверди. Бироқ, қорин қургур тўявермасди. Бунинг устига, кийими ҳам юпқа, тунлари совуқда дийдирағ чиқар ва шамоллаб касал бўлиб қолмаслик учун фақат бадантарбия қилиб олға интилиб борарди. Бундан ташқари, тунда машина ёки поездларнинг овози яхши эшитилар деб ўйларди. Шу туфайли энди кундузлари мизғиб олиб, асосан тунлари йўл юришга уриниб кўрди. Лекин бу жуда хавфли бўлиб, зим-зиёда оёқ остида тўсатдан зовурлар, ботқоқликлар чиқиб қолиши мумкин экан. У узун калтак билан худди кўзи ожиздек эди, йўли сира кўпаймасди. Ҳаво булат бўлгани учун юлдузлар кўринмас, кўринганида ҳам йигитча ўз йўналишини топа олмасди. Ниҳоят, у дараҳтлар сийрак бир очиқроқ майдончага чиқиб қолди. "Ишқилиб ботқоқмасмикан?" деган фикр хаёлидан ўтди ва таёқни ерга суқиб-суқиб кўрди. "Хайрият", деб қўйди ёруғлик сари илдам қадам ташларкан. Қоронғу дараҳтзорда чириңди ҳидидан дикқанафас бўлиб кетди.

Очиқликка чиқиб бораркан оёқлари билқиллаб турган нам тупроқни ҳис қилди ва тўп-тўп бўлиб қорайиб турган аллақандай хашак-чўп ғарамларига дуч келди. Бирининг устига ўтириб дам олмоқчи бўлди. Юмшоқ экан. Уйқу элитди. Кўзлари юмилиб ёнбошлиганча ухлаб қолди. Тонгга яқин ёмғир ёғиб шамол эса бошлади. Совуқдан у ён-бу ён ағанаб бир оз ётди, лекин шамоллаб қолищдан чўчиди ва ўзини дараҳтлар панасига олмоқ учун аранг ўрнидан турди. Қорни шундай очиқдикни...

Очиқ майдонда турган хашак тўпларининг табиий эмаслиги, балки унинг одам қўли билан қилингани эътиборини тортди. Уйқусираётган кўзларини яхшилаб ишқалаб қора тупроққа тузукроқ разм солди. Ҳар жой, ҳар жойда қизариб қандайдир сабзавот доначалари кўриниб туради. "Урра!" деб юборди у ҳайқириб ва шашт билан картошкага доналарини тера бошлади. Бир-иккитасини оғзига солиб чайнаб ютиб ҳам юборди. "Буни кимдир эккан, демакки, бу ерда одамлар бор" деган ўйга борди у. Чўнтакларининг ҳаммасини майда картошкага тўлдириди. Очиқликнинг яна бир четроғида эса сабзи ва шолғомнинг

қолган-қуттандарини ҳам топди. Ёмғир тобора тезлашиб ҳаво совий бошлади. Қобилбек қорин ғамида ўзининг ивиб кеттанини ҳам сезмай қолди. Йиққанларини бир жилга бўйига тўплади. Яхшики, чўнтағида гугурт бўлиб, унинг фақат икки донаси қолганди. Тезроқ панароқ жой топиб ўт ёқиб қуриниб олиши керак эди. Ағанаб ётган бир улкан дараҳтни топди ва унинг остидаги ёмғир тегмаган ҳазону хашакларни бир жойга жамлади-да, гугурт қутининг ярмини йиртиб олиб уни эҳтиётлик билан ёндириб хас-хашаклар орасига тикди. Кўп ўтмай димоқни қитиқловчи роҳатбахш тутун баданга ҳузур берувчи оловга айланиб рақс туша бошлади.

Йигитча оловда исиниб, қуриниб ва ҳатто йиққан сабзавотларини бир қисмини қўрга кўмиб иссиқ-иссиқ еб олди. Негадир алангани ташлаб кеттиси келмасди. Чунки унинг ёнида бор-йўғи бир дона гугурт донаси қолган ва ёмғир эса энди ўйноқи қорга айланадиган эди. У олов олдида мизғиб ётаркан, аллақаёқдан итнинг вовуллаганини эшитиб чўчиб уйғониб кетди. Вовуллаш очиқ майдоннинг нариги томонидан келаётганди. Очиқлиқда қорнинг аслида кўп ёгаётгани кўриниб турар, эрталаб картошка терган жойлари энди оппоқ оқариб бўлган, картошка қидириш энди бефойда эди.

“Ит бор, демак, одам бор, – деди ўзича йигитча. – Тезроқ бирор бошпана топишим керак, йўқса совуқда қотиб қоламан. Яхши одамлар бордир, ёрдам беришар”. У шундай хаёллар билан ўзини овутиб борар ва итнинг яна бир бор вовуллашини эшитмоқ учун бутун вужуди қулоққа айланган эди.

У туртилиб-суртилиб узоқ юрди. Нижоят, димори тутун ҳидини түйди. Ит уни сездими, акиллашни авж олдириб гўё ўзига чорлайверди. Узоқда бир пастак ёюч уй кўринди. Шу пайт эшик очилиб ичкаридан басавлат, серсоқол, фуфайкали бир киши чиқиб келди. Унинг қўлида ойболта бор эди. У итига “Тинчликми?” дегандек қараб, бир нима деди. Ит эса думини ликиллатди, лекин бегона одамни сезгандек кўзини йигитча томондан узмайтганди. Қобилбек эса тўнка ортига яшириниб манзарани бир оз кузатиб ётди.

Ҳалиги киши ўтин ёра бошлади. Ёрилган ўтиналар бир талай

бўлди. Ўз ишига қизиқиб кеттанидан фуфайкасини ечиб бир четта итқитди-да, яна ёришда давом этди. Йигитча ўриндан кўзғалиб у кишининг олдига бориб салом бермоқда чоғланди. Совукдан бундай ётавергандан кўра унга ёрдам бериб, тезроқ олов олдида исингани матьқул эди. У эндитина ўрнидан туриб кўзғалмосқчи бўлган ҳам здики, бир енгил машинанинг овози эшигилиди. Ит занжирини узиб юборай деган даражада хура бошлади. Ҳалиги киши чопиб ичкарига кирди-да, милтигини олиб чиқди. Қобилбек чўчиб яна ётиб олди. "Мени қидириб келишган бўлса-я?" деган нохуш фикр ўтди кўнглидан. Лекин уни қидириб келишмагани тез орада аён бўлди...

Оқ "Нива" уйчадан берироқда тўхтади. Уйча эгаси унга милтиқни ўқталаб тураверди. Машинадан ҳеч ким тушмади. Ниҳоят, бир оздан сўнг боши кал, қора плашли киши оҳиста эшикни очди ва бир нима деб қичқирди. Хуллас, икковлари узоқ тортишилди. Шу пайт Қобилбекнинг кўзи уйчанинг орқа тарафидан милтиқ ўқталаб келаётган бошқа бир кишига тушди. У писиб келди-да, милтиқни ҳалиги басавлат кишининг пешонасига тиради. Киши қуролини ерга ташлади. Машинадан яна икки киши тушиб келишди ва уй томон йўналишди. Ит акиллайверди. Кал киши ёнидан пистолет чиқарип кучукка қараб ўқ ўзди. Ит оғриқ азобидан вангиллай бошлади. Милтиқ ўқталаб турган киши уй эгасининг бўйнига милтиқнинг кўндори билан бир туширди. У «турс» этиб ерга қулади. Миқ этмади шекилли, кал милтиқлига қоровуллашни топшириб, ўзи уй ичита кириб кетди. Бир оз ўтгач, учаласи чиқиб келишди. Уларнинг алланарса қидираётгани жонсарак ҳаракатларидан сезилиб турарди.

Қобилбек нима қиласини билмай юраги така-пуга бўлиб воқеанинг давомини кузатиб ётар, ҳозир тиқилингчда негадир йўталгиси келганидан хуноби ошиб ўз оғзини маҳкам тўсиб олганди. "Агар сезиб қолишсами?.. Мени Худо сақлади" деди у хаёлан.

Куролли кишиларнинг иккитаси уйча атрофини ҳам бир қатор кўздан кечиришди. Бирови ит ётган жойни, ўтинлар

орасини ҳам текшириб вангиллаётган итни бир тепди. Унинг дами ўчи. Иккинчи киши эса жаҳл билан фуфайкани колтот қилиб тегиб юборди. Бир нарсалар деб болаҳонадор сўкинганд, бақир-чақир овозлар анча вақттача тинмади. Сўнгра уй эгасини роса дўппослашди. Кал киши унга қарата тўппончасидан ўқ узди. Киши юзтубан йиқилгач, шоша-пиша машинага ўтиришди да, уни физиллатиб ҳайдаб кетишиди.

Қобилбек қўрқувдан анграйиб қолди. Совуқданми, қўрқувданми тишлари тинмай такилларди..

### **ЎЗБЕКЧАНИ ТУШУНМАГАН ИТ**

Йигитча машинанинг қайтиб келишидан чўчиб яна узоқ ётди. Ярадор ит тинимсиз гингпиган овоз чиқаради. "Унга ёрдам беришим керак. Эҳтимол ануви киши ҳам тириқдир" дея ўрнидан даст туриб уйча томон чопди. Лекин уй эгаси оғзи очилган, кўзлари бақрайган ҳолда жон таслим қилган, итнинг эса оёғидан қон оқар, гингшиб уни яламоқда эди.

Қобилбек қўрқиб кетди. Ўликни биринчи қўриши эди. Шундай бўлса-да, "Илоҳим жойи жаннатда бўлсин", дея юзита фотиҳа тортди.

Қобилбек уйча ичкарисига аста кириб, ҳамма ёқнинг ағдар-тўнтар бўлиб ётганини кўрди. Стол ҳам ағдариб ташланган ва духовка қозонида пишган картошка полда сочилиб ётар, пол тахталари ҳам сутуриб кўрилган, демакки, жиноятчилар мухим бир нарсани топа олмай аламидан ануви кишини ўлдириб кетишган эди. Йигитча бир пайтава топди-да, итта қараб чопди. Унинг ярасини борлаб пешонасини силади. Итнинг кўзлари мўлтираб халоскарига миннатдор боқди. У кўп қон йўқоттаниданми, тамоман ҳолсиз эди. Шу пайт йигитчанинг нигоҳи қор, лойга қоришиб ётган фуфайкага тушиди ва уни тездан эгнига кийиб олди. Иссиққина, узунгина пахтали кийим экан. Жони киргандек бўлди. Уйга кириб шошиб тўкилган картошкалардан териб еди. Печ оловининг ёнаётганини кўриб бир оз исиниб олгиси, пиширилган картошкалардан яна егиси келди. Уларни тезда бир идишга териб чиқди ва тўйгунича еб

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

олди. Бир донасини итта олиб борди. У бир ҳидлаб олди-да, гингшиб "емайман" дегандай бошини четга бурди.

— Еявер, қувват бўлади. Сени ўзим олиб кетаман. Кўшнимизнинг сенга ўхшаган ити бор. Таништириб қўяман.

Ит эса жавобан тилларини ялаб-ялаб қўйди.

"Уни печ олдига олиб кириш керак" деган хаёлга борди Қобилбек ва итни даст кўтариб олди. Печ эшигини очиб ўтиналардан ташлади. Унинг устига пўстак солиниб, ётишга жой ҳам қилинган экан. Қорни тўйгани учунми ё фуфайканинг иссири элитдими, печ устига чиқиб мизғиб олгиси келди. Бир зум ҳузур қилиб ётди ҳам. Лекин жасадни бундай аҳвозда қорга ташлаб қўйишга кўнгли бўлмади. Ўрнидан шашт билан турди-да, белкуракни олиб итта "Мен ҳозир келаман" дея чиқиб кетди.

У умрида қабр қазимаган ва ўлик кўммаган эди. Аввалига нима қиларини билмай узоқ ўйланиб турди. Анчагина қалинлашиб қолган қор сиртига тўртбурчак чизик тортиб олиб уни кавлай кетди. Ернинг қалин қисми чиринди бўлиб тупроғи ҳам жуда юмшоқ экан. Ҳаш-паш дегунча тўртбурчак ўра тайёр бўлди. Энди жасадни судраб олиб келиш керак. Басавлат одам жуда ҳам оғир экан. Уни аранг ўрнидан қўзғотиб судради. "Кўмиш олдидан нималардир қилиш, яъни Қуръон тиловат қилиш керакдир" деб ўйлади йигитча. Жасаднинг оғзи очилиб, бақрайиб туришидан қўрқди. Шу туфайли иложи борича унга қарамасликка ҳаракат қиласарди. Унинг ёқасидан судраб аранг ўра ичига тушириб олди. Энди тупроқ тортиши керак эди. Лекин қўзига қарашиб, унга тупроқ ташлашдан чўчиди. Шу туфайли ичкаридан бир пўстакни олиб чиқиб юзига ёпти. Сўнгра ҳазонлардан ташлади ва билганича Қуръондан калима келтирида, юзига фотиха тортиб чуқурга оҳиста тупроқ ташлай бошлади...

Тез орада уй ёнида бир дўнглик пайдо бўлди. Мархумнинг боши қайси томонда эканлигини белгилаб ўйиш учун арча шохларидан олиб келиб суқиб қўйди. Бу пайтда совуқ изғирин эса бошлаб, қор анча қалинлашганди. Қобилбекнинг кўзи 10 – 15 метр наридаги бир трубаси бор пастқам уйчага тушди. У

ертўла бўлиб, эшиги очиқ экан. Ичига кирдию курсанд бўлиб кетди. У ерда бир уюм картошка, бир оз сабзи ва шолғом, бир идишда кунгабоқар мойи, бир оз асал ва яна шишаларда оқиш ичимликлар бор экан. Йигитча ичимлиқдан кружкага қўйиб ичиб кўрди ва нафас ололмай қолаёзди. У бадбўй, аччиқ эди ва танасини қиздириб юборди. Кружкадаги қолганини итнинг ярасига қуиди. Ит қаттиқ ғингшиди-ю яна тинчиб қолди.

Итни «Олапар» деб чақира бошлади. «Олапар тузалсаёқ бу ердан кетаман. Уни бу ахволда қолдириб кетсам тўйри келмас» деб ўйлади у ва итнинг бошини силаб картошкадан бўлиб берди. Ит янги эгасининг қўлини қайтаришни ўзига эп кўрмади шекилли, уни еб одди.

— Э, қойил! Иш бундоқ бўпти! Энди бизлар дўстмиз. Овқатимиз ҳам етарли. Хоҳлайсанми, картошка қовуриб бераман?

Ит индамади. Эҳтимол ўзбекчани тушунмагандир?

Қобилбек уйча ичини тартибга солди. Челақдаги сув ағдариб юборилганди. «Қани энди сув иситиб чўмилиб олсайдим» деган ўй ўтди хаёлидан ва челякни олиб сув излаб кетди. Шамол кучайтан, ёнаётган қор кўз очирмас, қор бир зумда баландлашиб оёқ изи яққол қоладиган даражага етган, "Нива"нинг излари ҳам ўчиб бўлганди.

Сув узоқ эмас экан. Картошка ўрадан ўн метрча юрилгач, қудук бор экан. Қобилбек сувни олиб келиб духовка ичига қўйди. У тандирга ўхшар, лекин қопқоқли эди. Сув исигунча картошкадан қовуриб тўйиб еб олмоқчи бўлди ва мойдан қозончага қуйиб оловни баландлатди.

...Коринни тўйиғазиб, овқатдан итга ҳам берди. Ит "Раҳмат" дегандек "Вов!" деб қўйди, лекин картошкаларнинг иссиқлигидан тили куйган эди. Йигитча шалпангқулоқ дўстига жаврай-жаврай унинг кўз олдида елкасидан сув қуиб ювинди. Олапар эса хомуш, фақат баъзан қулоқларидан биринигина диккайтириб қўярди, холос. Ташқарида эса увиллаган овоз тобора кучайиб борар, қор бўрони бошланган эди.

Коринни тўйидириб, ювиниб олган Қобилбек печ устига

## ЧИМИЛДИҚАН ҮЙ НОЛАСИ

чиқиб күп ўтмай донг қотиб ухлаб қолди. Қанча ётди билмади.

Совуқдан эти жунжикиб ўрнидан турди. Печ деярли ўчиб қолибди. Фақат икки бўлак чўғ қизарип турарди. У шошилинч тарашалардан печ ичига тикди-да, кучи борича шуфлаб ниҳоят ёқиб юборди. Қолган ўтиналарни ташлади. Ташқаридан тезда ўтиналардан олиб келмоқчи бўлди. "Ўт ўчиб қолмаслиги керак, чунки гугуртим йўқ", деган ўйга борди у. Бир шишпакни оёғига илди-да, фуфайкани устига ташлаб ташқарига чопди. Лекин эшикни қанча итармасин очолмади. Уни кимдир ташқаридан тамбалаб қўйгандек эди "Нима бало, бирор келиб устимдан беркитиб кетдимикан?" деган ножуш ўйга борди у ва эшикни қаттиқроқ итариб кўрди. Қор шундай қалин ёқсан эдики, ҳатто эшикни ҳам тўсиб қўйган экан. Аранг эшикни очди. Қор бел бўйи эди. У бир қорга, бир оёғидаги шишпакка қаради. "Эссиз, тоғани этиги билан кўмиб юборибман", деб ўйлади ва уйча ичидан иссиқ оёқ кийим қидира бошлиди. Бир жуфт кигиз этик (валенка) топиб олди. Уни кийиб ташқарига чиқди. Асосий заруратлар – ўтин, ертўла ва сув томон йўл очмоқ керак эди. Қобилбек бунаقا қалин қорни умрида кўрмаганди. Озгина юрганди, этик ичи қорга тўлиб ичкарига қайтиб кирди. Қор ҳамон тўхтамай ёғмоқда эди...

– Энди нима қиласми? Қанақа қилиб кетамиз, Олапар? – деб сўради у итдан. Ит "Билмасам, камроқ ухласанг ўласанми?" дегандек гингшиб қўйди.

– Бирор икки сутка ухлабман шекилли-да. Ҳа, айтмоқчи, ташқарига чиқасанми?

Ит уядими, индамади. "Бечорани қорни очибди", – деди йигитча ўзича, – ўзимникиям қолишмайди. "Демак, ертўла томон йўл очиб биринчи навбатда картошкани қайнатишга солиб қўйиш керак, ўтин ҳам зарур, сув ҳам..." деди у ўзига ва қорни кураб йўл очишга шашт билан киришиб кетди.

Қор эртаси ҳам, индини ҳам тинмади. Қобилбек қорни кечиб ватан сари бирор қадам ҳам юра олмади. Шундай қилиб, у опшоқ қорларга бурканган қалин ўрмонзор ичра Олапар билан қишилай бошлиди...

## ИЗ ҚОЛДИРМАЙДИГАН ЖИНОЯТЧИЛАР

Яширин заҳарли химреактивлар ишлаб чиқариш корхонасида кул каби ишлаёттган ишчилардан бирорининг ғойиб бўлгани бу ердаги мұхитни алгов-далгов қилиб юборди. Унинг кимлигини аниқлаш қийин бўлмади. Биринчи сўроқдаёқ Истроил аканинг ўзи Қобил исмли йигитчанинг "ўзбоپимчалик" билан қочиб кетганини гапириб берди.

— Сенлар уюштиргансанлар! — деди иш бошқарувчиси бақириб.

— Йўқ. Унинг ўзи ҳадеб "Кетаман. Онамни соғиндим", деб ҳоли-жонимга қўймаёттанди. Ҳали ёш бола-да, — деди Истроил ака.

— Ҳамма ишни расво қилди-ку! Айтиб қўяй, уни ушлаб олсак бу дунёга келганига пушаймон бўлади ҳали! Боринг, ишпингизни қилинг!

Таҳликали қидирув ишлари бошланди. Истроил ақа ва унинг жамоа аъзолари "Ишқилиб, уни тутиб олишмасин-да", деган ҳавотирлик билан яшар эдилар. Қобилбек қочиб ўрмон ичига кириб кетиши мумкин бўлган жойларни қидира бошлашди. Қаёқларгайдир ҳабарлар берилди. Ҳатто ўрмон ичидан чиқиб келган "Нива" дагилардан ҳам сўралди. Улар ҳеч кимни кўришмаганини айтишди. Қидирув ишлари то баланд қор ёққунга қадар давом эттирилди. Натижа бўлмади. Корхона раҳбарлари саросимага тушиб қолишли. Улар корхона омборидаги хом ашё ва тайёр маҳсулотларни аллақаёққа ташиб олиб кета бошлашди. Маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилиб, барча ишчилар юклashi, ташпиш ва тозалаш ишларига ташланди. Уч кун ичида корхона шип-шийдон қилинди. Бунинг устига, қаттиқ совук турди, қалин қор тушди. Ишчилар ертўладаги усти қулфлоглиқ барак ичида уч кун ётишди. Уларга овқат ҳам берилмади. Фақат икки маҳал булка нон берилди. Уни қуруқ сув билан ейишли. Шовқин кўтара бошлашди. Ниҳоят, тўртингич куни иш бошқарувчи соқчилар орқали ўз ҳузурига бригада бошлиқларини йўжлади.

## ЧИМНИДИҚЛИ ЎЙ НОЛАСИ

— Менга қарант, гап бундай, Истроил ака. Биз ишларни бутунлай тұхтатамиз. Мана, йигитларингизнинг паспортлари. Аnavи боланикиям шу ерда. Қисқаси, мен уни танимайман. Сиз ҳам мени танимайсиз. Ҳозир сизларни қўйиб юборамиз. Лекин "ғиқ" деган овоз чиқармайсизлар. Тўрт томонларинг қибласи, кетаверасизлар.

— Иш ҳақимиз-чи?

— Сизларни олиб келган одамга ҳар бирингиз учун 500 доллардан ҳақ тұлағанман. Яна уч маҳал овқат, ётоқ. Мана манави пулни олинг-да, сор-омон қутулғанингизга шукур қилинг, — деди у 200 доллар пул узатиб.

— Ахир бу инсоғизлик-ку! Бундай совуқда оч-наҳор ўлиб кетамиз-ку! Бу пул нима бўларди?!

— Хоҳдамасантиз баракнинг устидан қулфлаб кетаверамиз. Бизга барибир. Ануви бола бу ерга аскарларни бошлаб келиши мумкин. Шунинг учун бу ерни портлатиб йўқ қилишни буюраман. Ўйлаб кўринг, уч дақиқа муҳлат. Ортиқча гап сиғмайди.

Истроил аканинг дами ичига тушиб кетди. Бу кутимаган ҳолат эди. "Демак, бу жиноятчилар тўдаси ҳукуматдан чўчишияти. Из қолдиришмоқчи эмас. Рози бўлмасликдан бошқа илож йўққа ўхшайди", деба фикрлади у.

— Хўш, қария, нима дедингиз?

— Сизга раҳмат, ҳар ҳолда бизга иш бердингиз, одамгарчилик қилдингиз. Фақат илтимос, бизни Ўзбекистон чегарасигача элтиб қўйсангиз.

— Йўқ, катта магистраль йўлга олиб бориб қўямиз. Лекин "ғиқ" деган овоз чиқса йўлда тушириб кетамиз.

— Бўгти, унда пулдан қўшинг. Ҳеч бўлмаса йўлкирамизни қопласин. Бола-чақамиз олдига эсон-омон етиб олайлик.

Алексей Петрович ўрайиб қаради.

— Мен сизга "Бошқа гап сиғмайди" дедим. Хоҳласантиз шу, сор қолганингизга шукур қилинг. Сизга 10 дақиқа муҳлат. Ҳамма одамларингиз юк машинасига чиқишин. Бўлмаса қолаверишади, — таъкидлади бошлиқ ва соқчига тегишли буйруқ берди.

Одамлар зудлик билан узун фура ичига қамалди ва ўн беш дақиқадан сўнг унинг эшиги маҳкамланиб, қора "Жип" ортидан йўлга тупди. Уларнинг қаерга кетаёттаниклари номаълум эди. Истроил ака бўлган гапни шерикларига етказди. Ҳаммалари норози бўлишди, лекин иложсиз эдилар.

Нихоят, уч соатлар юрилгач, "тез тушинглар!" деган буйруқ бўлди. Соқчилар куролини ўқталиб туришарди.

- Биз қаердамиз, ака? — деб сўради Қосим бир соқчидан.
- Семипалатинск вилоятида. — деб совуқ жавоб берди у.

Улар тушиб бўлгани ҳамоно эшиклар ёпилиди ва соқчилар кабинага қараб чопишди. Машинанинг номери лой билан бўялган эди. У шу ондаёқ вариллаб жўнаб қолди. Истроил ака "Жип" томон чопди. Алексей Петрович тўппонча ўқталиб чиқди.

- Яқинлашма, отиб ташлайман!
- Биз ахир бу ердан қандоқ қилиб кетамиз?
- Мана бу томонга қараб озгина юрсанглар катта магистраль йўл келади. Ўнга Олмаотага, чапга Россия чегарасига. Тушунарлими? — деди у тўппончасини пастта тушириб.

Мўйсафид яна бир нима сўрамоқчи бўлиб оғзини жуфтлаганича қолаверди. Номерсиз машина физиллаб жўнаб қолди.

— Майли, отахон, тағвииш чекманг, ҳаммасини кўриб-билиб турибмиз. Худога шукур, қутулдик, — деди Зафар нима қиларини билмай қолган мўйсафидга.

— Ҳа, ўғлим, тўғри айтасиз. Бундан баттар ҳам бўлиши мумкин эди.

— Эҳ, Қобилни бекор кетказдик-да, — деди бир йигит афсусланиб.

- Нега унақа дейсан? — деди Қосим жеркиб.
- Бахоргача ишлаб турармидик. Ҳозир энди қаёққа борамиз? Уйга сўллайиб кириб борамизми?
- Ўртада бор-йўғи 200 доллар пул бор. Бўлар иш бўлди, баҳслашмайлик-да, каллани ишлатайлик, — деди Истроил ака.
- Улар билан келишсак бўларди. Гаплашишни зпломадинтиз. Нима, ё ўзингизни ҳақингизни олвоздингизми?

— деди яна ўша йигит бўйинни чўзиб.

— Ҳў, бола, оғзингта қараб гапир. Пешонангта милтиқ тираб туришса нима қиласардинг?! — деди мўйсафиқ ва чўнтағидан 200 доллар чиқарди. — Мана, нима қилсанглар қиласаверинглар, мен кетдим.

Истроил ака пулни қор устига ташлади-да, ўзи тизза бўйидан баланд қорни кечиб кўрсатилган йўл томон кета бошлади. "Ҳой, тога, тўхтанг!" дея қичқиришди йигитлар. Лекин у қўлинни силтадиу ammo ортига қараб ҳам қўймади. Зафар ҳалиги димоқдор йигитнинг жагига бир туширди ва улар қорга беланиб муштлашиб кетиши. Ажратиб қўйиши. Зафар ердаги пулни олди ва ёнидан 20000 сўм чиқариб ҳалиги йигитнинг юзига қараб отди.

— Ма! Сен билан бизнинг йўлимиз энди бошقا. Биз тога билан бирга кетамиз.

Ўн икки аламзада юртдошлар мўйсафиқ изидан тез-тез кета бошлаши. Уларнинг изидан ўн учинчиси ҳам эргашди, ўн бешинчи эса бу маҳалда узоқ ўрмон ичидаги картопшка қовурмоқда эди...

Кейинчалик маълум бўлишича, улар Олмаотага автобусда келишган. У ерда бозорда юртдошларини излашган. Улар ёрдамида Тошкентга етиб олишган. Фирибгар Аликни топиш, ундан ҳақларини ундириш ва керак бўлса, жазолаш мақсадида Истроил акани бекатда доимий навбатчи қилиб қўйишгани ҳолда қолган йигитлар мардикорлик ва ҳар хил майдабўйида юмушлар топиб кундалик заруратлар учун ўртада пул ишлаб келиб туришган. Ниҳоят, бир ҳафталардан сўнг уларни элтиб қўйган "Форд" пайдо бўлган. Истроил ака у билан яхшиликча гаплашиб Аликни топиб беришни илтимос қилган. Шоффёр рози бўлган, лекин фирибгар "одамфуруш"дан дарак бўлмаган. Унинг машинаси йўловчиларга тўлгач, навбатдаги рейс бўйича жўнаб кеттан. Шундан сўнг Истроил аканинг ёдига Қобил келган. "Демак, Қобилжон ички ишларга мурожаат қилган бўлса, Алик аллақачон темир панжара ортида ўтиргандир. Эҳтимол ички ишлар маҳсус бўлинмаси бизни қутқаргани отлангандир".

Истроил ака бу фикрни Зафарга айтиб ва уни навбатчиликда

## *Набиғон ХОЧИМОВ*

қолдириб ўзи Қобилбекни қидириб Ширинсойга жүнади. Чунки унинг қўлида Ойбекнинг манзили бор эди. Ойбек уни хурсанд кутиб олди:

- Ие-ие, келсинлар, меҳмон. Қани, ичкарига. Қобилбек ҳам келдими?
- Э, йўқ. Нима, у ростдан ҳам келмадими? — деб сўради мўйсафид хавотирланиб.

Шундан сўнг улар ҳайрон бўлиб Бектепа қишлоғига йўл олишди ва йўл-йўлакай Ойбекни бўлган ишлардан хабардор қилди.

- Э, бўлди. Эҳтимол у Чимкентда — Сапарқул аканинида ишлагани қолгандир.

— Лекин мен ундан бизни кутқаришларини ўюнтиришларингизни сўраб қаттиқ илтимос қилган эдим-ку.

- У ер Олтойга яқинмиди?

- Ҳар ҳолда яқин эди, албатта.

- Бўлмаса Наташанинг олдига кетгандир.

- Ким у Наташа?

- Дадасининг хотини.

- Ие. Менга бу ҳақида индамаган эди-ку.

Бўлмаса бундай қиласиз. Ҳозир укам Нурбекнинг уйидан хабар оламиз. Эҳтимол келгандир, келмаган бўлса Наташага қўнгироқ қиласиз. Бир одамда Сапарқул аканинг телефон номери ҳам бор.

- Ҳа, яхши. Ишқилиб тинчлик бўлсинда.

Улар Нурбекнига келишганида Ойниса одатдагидек кўшни туманга ишлагани кетган экан. Нурбек кичик скамейкада ҳассаси билан ер чизиб офтобда тобланиб ўтиради. Исроил aka йўл четида қолди ва ҳароб чала уйни кўриб ачиниб кетди. "Бечоралар, ҳақиқатдан ҳам жуда ичора яшашар экан-ку! Қобилжоннинг ўрнига бошқасини жўнатсан бўларкан", деди у ўзича.

Ойбек укасидан ҳол-аҳвол сўраб, Қобилбек тўғрисида суриштириди:

- Келмабди-ку! — деди у хавотирлик билан қовоғини уйиб.
- Юринг, тезроқ қўнгироқ қайлайлик бўлмаса.

Улар яна Ширинсойга қайтиб келишди. Қўшнилари Зоҳид ақадан Сапар оғанинг телефон номерини олишди-да, Бағдодга жўнашди. Кечга бориб Қобилбекнинг бедарак йўқолгани маълум бўлди. Ойбек бошини чанглаб қолди.

— Уф-ф! Энди укамга нима дейман? Улар ҳам, мен ҳам Қобилбекнинг оз-моз пул орттириб келишига умид қилиб тургандик. Анча-мунча қарзларимиз бор ахир.

— Боп омон бўлса, пул топилади. Ишқилиб, Қобилжоннинг ўзи соғ бўлсин. Энди иккимиз ички ишлар идорасига борайлик, бўлган ишлардан уларни хабардор қиласайлик, маслаҳат сўрайлик.

\*\*\*

Милиция майори Бектошев воқеа тафсилотини эшитиб қопларини чимиради.

— Эҳ-ҳе, иш анчагина катта-ку. Халқаро миқёсдаги иш экан. Демак, биринчи навбатда Алик деган нусхани топиш керак, иккинчиси эса Интерпол ёки халқаро Миграция деган ташкилотларга мурожаат қилмоқ лозим. Аввало ўзларингиз, қолаверса, сизга ўхшаганлар айбордосизлар. Хорижга ишга юборадиган, рухсати бор ишончли ташкилотларга учрамай туриб, дуч келган танимаган-бilmagan фириб гарнинг гапига лаққа ишониб таваккалига кетавергансизлар. Мана оқибати!

Майор ўйланиб, у ёқ-бу ёқда юрган бўлди.

- Демак Аликни топмадингиз, шундайми?
- Ҳа.
- Уни қидираётганларингни у билдимикан?
- Билмадим.
- Бу ҳақида яна ким билади?
- Бизни олиб борган шофёр. Унинг машина номери, телефон номерларини ёзиб олганман.
- Яхши. Бўлмаса бошлиғимиз номига Алик деганинг устидан ариза ёзиб берасиз. Биз қидирув эълон қиласиз. Сиз бўлса Ойбек, жиянингизнинг ҳамма белгиларини, биографиясини ёзиб, уни қачон ва қай ҳолатда бедарак кеттани ва унинг тахминий йўқолган жойи ҳақида маълумот берасиз. Ёнингизда сурати борми?

- Йўқ эди.
- Паспорт олганми?
- Ҳа.

Биз уни тегишли ташкилотларга юборамиз. Шу жумладан, Қозогистон Ички ишлар вазирлигига ҳам. Кейин у ёқда ишлагани бориб келганлар, яъни гувоҳлар борми?

— Албатта, — деди Истроил ака жонланиб. — Биз бирга бориб келганлар ҳозир Тошкентда қурилиш бригадаси тузиб ишлайпмиз. Ўн тўрт киши.

— Яхши. Демоқчиманки, сизлардан бошқа бориб ночор, касалванд ахволда келганлар ёки бедарак кетганлар борми?

— Ҳа, — деди Ойбек. — Бизнинг қишлоқда бир йигит бир йилдан кейин озиб-тўзиб келган эди. Икки ойдан бери касалхонада ётибди. Улар тўрт киши кетишганди. Уч киши ҳали ҳам келгани йўқ.

— Улар ҳақида ҳам ёзиб беринг. Яна бир гап. Сизларда ўша Аликга ўхшаган, яъни четга ишга ёллаб одамларни олиб кетаёттнлар ҳам борми?

Ойбек бир оз ўйланиб қолди. Унинг ўрнига Истроил ака жавоб берди:

— Бизнинг туманда Қозогистонга пахта етиштиргани одамларни уюштириб олиб кетаёттнлар бор.

— Хўш, улар қандай келишяпти?  
— Баъзилари яхши. Лекин пулсиз, паспортсиз, хор-зор бўлиб қайтиб келганлари ҳам кўп. Уларни фермерлар қуллар каби сотиб олишармиш. Кейин бечоралар ҳеч қаёққа кета олмай ишлашга мажбур бўлишармиш. Биз ҳам деярли шунаقا ҳолатга тушиб қолгаңдик. Очик, далада-ку ҳар ҳолда нафас олса бўлади. Биз эса шунга ҳам зор эдик...

— Демак, Аликка ўхшаганлар одамларимизни олиб бориб сотиб келишаёттан экан-да. Қизик, неча пул турар экансизлар-а? — деда қизиқсиниб сўради майор.

— Бизни 500 долларга соттанини аниқ, эшитдик.  
— Демак, 15 кишини 7500 долларга... Ана 2500 доллар йўл харажатига кетса соғ фойда 5000 доллар қоларкан-да. Оббо

ифлос олғир-ей. Инсоннинг қадри пулнинг олдида бир чақа! Уни албатта қўлга олишимиз керак. У ҳақиқий жиноятчи! Инсон савдоси билан шугулланувчи жиноятчиларга тегишли жазо моддалари бор. Сизлардан илтимос, яна шунача инсон савдоси билан шугулманаёттандар бўлса улар ҳақида бизга маълум қылсантизлар. Бундайлар халқимиз, миллатимиз душманлариридир!

— Ҳа, уларнинг фашистлардан фарқи йўқ, — деди Ойбек татсириланиб.

— Биттасини эшитганман, — деди Истроил ака. — У олтиариқлик бир бизнесмен одам. Билмайман, нима иш бўлган. У бундан ўн йиллар аввал Қозогистонга қочиб кетиб, у ёқдан ҳам бир қозоқ хотинга уйланиб олиб яшаётганмиш. Ҳамюртларида алами бормисп. Шунинг учун унинг икки одами ҳозир ишга одам ёллаб Қозогистонга олиб бориб ўша нусханинг қўлига топшираётганмиш. У бўлса боргандарнинг паспортларини олиб қўйиб бир тийин ҳам пул бермай, ҳатто одамларига урдириб ишлатаётганмисп. Ёки бўлмаса бошқаларга минг тангдан сотиб юбораётганмиш.

— Оббо ифлос-ей! У имонсиз, виждонсиз одам экан. Яхши, у ҳақида ҳам суриштирамиз. Мабодо унинг исмини билмайсизми?

— Исминими? Йўқ. Лекин уни илгари туман тайёров идорасида ишлаган деб эшитганман.

— Яхши, — деди Бектошев алланималарни блокнотига қоралар экан. Бўлмаса ҳозир айттандаримнинг ҳаммасини яхшилаб ёзиб беринглар. У йигитчани албатта толамиз. Керак бўлса Қозогистон телевидениесига ҳам эълон берамиз. Менда инсон савдосига қарши курап билан шугулланувчи Халқаро Миграция ташкилоти Олмаота бўлимининг манзили бор. Улар бизга албатта ёрдам беришади.

Ойбек ва Истроил ака вилоят ички ишлар бошқармасидан руҳан оғир, нохуш ҳолатда чиқиб келишганида шаҳарга оқшом чўка бошлаган, совуқ тушиб майдалаб қор учкунламоқда эди. “Бечора Қобилжон, ҳозир қаерларда юрган экан? У томонлар жуда совуқ. Ишқилиб омонмикан? Агар унга бир гап бўлган

бўлса бир умр виждоним қийналиб ўтади", дея хаёлан фикрларди Исроил ака. "Аҳмоқ бола, ҳозир қаерларда дайдиб юрган экан-а? У ўзи шунаقا ўзбошимча бўлиб ўсди. Укам унга умуман тарбия бермади. Россияда ҳам ўғли бор экан. Бутун меҳрини ўшаmallасоч болага берган, шекилли. Мана оқибати. Онамнинг қарфиши тегди. Лекин Қобилнинг йўқолгани ёмон бўлди-да. Уни топишмиз керак..." дея хаёлан ўзича сўзларди Ойбек ҳам.

Исроил ака Тошкентта қайтиб келгач, йигитларни йигиб, бўлган галлардан уларни воқиф қилди. Улар Қобилбекнинг йўқолиб қолганидан жуда афсусланишди. Унинг оиласи жуда ҳам ичор, танг аҳволда эканига ачинишди.

— Кўр отаси кун бўйи тўнкада ўтиаркан, онаси бўлса қўшни туманга мардикорликка кетаркан. Улар ҳали ўйилларининг йўқолганини билишмайди. Уни умид билан кутишмоқда, — деди Исроил ака хўрсиниб.

— Уларга ёрдам беришимиз керак экан-да, — деди Қосим.

— Қанақа қилиб? Ўзимиздан орттира олмаяпмиз-ку! — деди бошқа бир йигит.

— Биз ҳаракат қилиб шул топамиз. Исроил акага битта сотовой телефон олиб берамиз. У киши газеталарга эълон бериб, бизга буюртма топиш билан шуғулланадилар, — деди Зафар.

— Маъқул, — деди Исроил ака. — Паркеңт бозорида ёки Ўрикзорда доимий жой қилиб олишимиз керак бўлади. Чунки мижозлар ўша ерга ўрганишган.

— Қишида, совуқда тура олармиансизлар?

— Ҳечқиси йўқ, Қобилжоннинг бошига бундан ҳам баттари тушган бўлиши мумкин. Ким билади, у ҳозир қаерда экан. Ишқилиб анави қаллобларнинг қўлига тushiб қолмаган бўлсин-да.

— Това, Қобилни ҳам биз билан бир сафда деб ҳисоблайверасиз. У ҳам бир тан бўла қолсин. Йигитлар, нима дейсизлар? — дея мурожаат қилди Зафар.

Йигитлар бу тақлифни ҳеч иккинламай қабул қилишди. То Қобилбек топилгунига қадар унинг ҳақини ота-онасига элтиб беришадиган бўлишди.

## ИТ ЕТАКЛАГАН БОЛА

Қобилбек ўзи билмайдиган номаълум жойнинг қалин қорлар билан бурканган кимсасиз ўрмонида то баҳор бошлангунга қадар қолиб кетди. Унинг гутурти тутаб бўлганди. Шу туфайли ўтни ўчириб қўймаслик учун қаттиқ курашди. Лекин ўтин ҳам тутаб бўлди. Энди қуриган дараҳтларгача қор ичидан хандақ йўл очиб, уларни кесиб майдалаб олиб келишга ҳаракат қилиди. Лекин жуда ҳам баланд ва оғир дараҳтларни аввало кесиб олиш ҳамда елкаси бўйи қор кечиб ўтин қилиб олиб келиш масаласида жуда ҳам қийналиб кетди. Биргина ўтмас болта билан фақаттина дараҳт шоҳларини майдалай олар, лекин улар ҳам ҳўл бўлгани учун ёнмай тутаб тураверарди. Узунчоқ, иккита фанерни ҳам майдалаб пайраҳа сифатида фойдаланди. Бунинг чанг эканини ва унда қор устида юриш мумкинлигини у қаёқдан билсин?...

Аста-секин үй ичидаги пол тахталар ҳам суғуриб олина бошлианди. Улар тугагач, қолган картошкани уйча ичига ташиб олиб, унинг томини бузди. Ёндириш мумкин бўлган неки нарса бўлса ҳаммасини ёқди. Бунақа  $30 - 40^{\circ}$  С дараҷа совуқ, музламани у ҳали билмасди. Нафас олса ҳовури ҳам, тупурса тупуғи ҳам музга айланиб қоларди. Унинг фикрича, қандай қилиб бўлмасин кунлар исиб кетишими кутиши керак. Чунки бундай аҳволда йўлга тушса қаерда тунайди? Қайси тарафга юради. "Фақат кутишим керак. Бирор овчи келиб қолиппи мумкин" дер эди у ўзича. У печ устида тунар, итига эса қуруқ хашаклар солиб печ олдига жой қилиб берганди.

Кунлардан бир кун қор ёймаёттан бўлса-да, тун жуда ҳам совиб кетди. Бир дона йиртиқ адёлда ғужанак бўлиб қолди. Совуқдан титраб-қақшаб чиқди, негадир боши қаттиқ оғрир, ўрнидан тура олмасди. Итни аранг олдига чақирди. Ит печ устига сакраб чиқиб узоқ ғингшиди ва йигитчанинг юзларини ялади. Бесарамжон бўлиб вовуллай бошлиди. Қобилбек қаттиқ шамоллаб қолган ва иситмаси кўтарилиб кетганди. Кеча бир дараҳтни йиқитаман деб қаттиқ терлаб фуфайкани ечиб ишлаганди. Мана оқибати. У узоқ ётди. Ит бесаранжом бўлиб,

унинг устига чиқиб олди ва тинимсиз юзлари ва пешонасини ялай бошлади. Шу алпоз у қанча ётди билмади. Лекин ўт ўчиб бўлганди. Энди у оқсоқ Олапар билан бирга ётишар, картошкани хомича еб ундан итига ҳам чайнаб берарди. Лекин хом картошка устидан сув ичиб қўйиб қорни оғрийдиган бўлиб қолди. Шунинг учун сувни иложи борича истеъмол қиласликка ҳаракат қила бошлади. Бироқ у совуқдан музлаб, очликдан ўлиб қолмаслик, озиб-тўзиб кетса-да ҳаммасига бардош беришга тайёр эди. Чунки бир қанча юртдошлари шу совуқ ҳавога ҳам зор бўлиб уни кутишмоқда, қолаверса, ота-онаси ҳам унга интизор...

Ниҳоят, азоб-укубатларга тўла қаҳратон қиши чекингандай бўлди. Кунлар илиб, қорлар эрий бошлади. Йигитча ҳар ҳолда қуёш қаёқдан чиқиб қаёққа ботаёттанини, қайси тараф жанубу қаёғи шимол эканини ва ватани жануб томонда эканини англаб олди. Ҳар ҳолда буни журрофия дарсида яхши ўзлаштирганди. Лекин энди ёмғирлар ёға бошлади. Қўзқоринлар бош кўтарди. Қай бири заҳарлию қайсиси заҳарсиз, фарқига бормасди. Хайриятки, тузи бор эди. Туздан сепиб еб олар, итига ҳам берар, лекин ит ғинтшиб-ғингшиб ноилож еган бўларди. Лекин у ҳам овга ҳаракат қилар, қуён ва тулкилар кетидан тинимсиз чопарди. Бир куни у қарға тутиб келди ва уни емай "хўжайини"нинг олдига олиб келиб қўйди.

— Раҳмат, — деди йигитча унинг бошини силаб. — Ўзинг еяввер, менинг қорним тўқ. Энди йўлга чиқмасак бўлмайди. Мен қўзиқоринлардан, кедр ёнғоқларидан ғамлаб оламан. Картошкадан ҳам овлоламиз. Биринчи дуч келган одамдан гуттурт сўраб маза қилиб уларни пишириб еймиз, бўлтими?

Ит "хўп" дегандек ялтоқланиб тилини ялаб қўйди. Қобилбек бир ёғочни олиб ҳазонларни титиб қўзиқоринларни қидира бошлади. Шу пайт унинг кўзи келган "Нива"нинг изларига тушиб қолди ва қувониб кетди. Излар унча ўчиб кетмаган, ҳар ҳолда кўрса бўларди "Урра! деб юборди йигитча хурсанд. — Демак, излар уни албатта катта йўлга олиб чиқади!" Эртаси тонг оқариши биланоқ содик Олапарини етаклаб олган Қобилбек

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

машина изи бўйлаб йўлга тушди. Ёмғир майдалаб ёғар, лекин йигитчанинг парвосига келмас, бир қопни ёпқич қилиб бошига кийиб, адёлни елкасига ташлаб олган, итнинг устига ҳам бир чойшабни ёпқич қилиб боғлаб қўйганди.

Шундай қилиб, икки дўст йўл юрдилар, йўл юрса ҳам мўл юрдилар. Икковлари бир адёлга ўралиб бошларига қопни ёпиб йўлларда тунаб қолардилар. Ниҳоят, учинчи суткада кичикроқ машина йўлига чиқиб олдилар. Энди йўл бўйлаб ғарб томон кета бошлидилар. Қаердадир ва қачондир катта магистраль йўлга чиқиб олишга ёки темир йўлга дуч келишга бўлган ишонч уларнинг учинчи ҳамроҳига айланган эди.

\*\*\*

Ниҳоят, 10 – 15 та ёғоч уйлардан иборат мўъжазгина қишлоқ кўринди. Йигитча ҳам, ит ҳам хурсанд бўлиб шундай чопищники, гўё қишлоқ бир поезду чопмаса ўрнидан қўзғалиб кетиб қоладигандек. Қобилбекнинг кўзи ёғочли қудуқдан сув олиб кетаётган бир кексароқ аёлга тушди ва "Холажон!" деб йўлаб қўлидан челягини тушириб юборди. У бирор неварам деб йўладими, ҳар ҳолда Қобилбекнинг чопиб келишини кутиб турди ва унинг гирт бегона, бопқа миллатдан эканини кўриб ҳайрон бўлди. У қозоқ аёли экан.

— Сен кимсан? Мен сени танимаяпман, — деди у ажабланиб.

Қобилбек қозоқ тилини ҳар ҳолда яхши тушунарди ва севиниб кетди.

— Менми, мен Қобилман, Сапар оғаникига келувдим. Биз ўрмонда адашиб қолдик, — деди у ўзидан қўшиб.

— Биз деганинг ким?

— Итим иккаламиз.

Аёлнинг юзига табассум югурди.

— Қаёққа кетяпсизлар?

— Билмаймиз. Шунга бизда картошка, қўзиқорин бор. Пишириб беринг, илтимос. Корнимиз оч. Нон емаганимизга олти ой бўлди.

— Нима, олти ой дейсанми?

- Ҳа, биз ўрмон ичида адашиб қолдик. Қор қалин ёғиб кўйди. Ўша ерда баҳоргача қолиб кетдик.
- Қаерликсан?
- Ўзбекистонлик. Мен уйимга тезроқ кетишими керак, холажон, менга йўлни тушунтириб беролмайсизми?
- Мен билмайман. Ҳали ўтлим келади, ўша билади. Юринглар.
- Раҳмат, хола, нима ишингиз бўлса қилиб бераман. Ўтинингизни ёриб бераман, — деди йигитча бидирлаб ва тезда аёлнинг кўлидан чеълакни олди.
- Аввал юз-кўлингни ювиб ол. Нима бало, ботқоқда думаладингми дейман.

Қобилбек қорайиб лойга беланиб кетган фуфайкани ечиб юз-кўлини ювиб олди. Кигиз этикни тўрт ойдан бери энди ечиши эди. Оёгининг кирлиги ва бадбўйлигидан ўзи ҳам уялиб кетди. Аёл бир човгумда иссиқ сув ва бир шишшак берди. Йигитча ташқи айвонда оёқларини ювиб кирди. Иссиққина борш ҳиди унинг димогини қитиқлади. Печда пишган бир юмалоқ бўлка нон билан карам шўрвани пақдос туширди. Ташқаридағи итига ҳам суяқ ва бир бўлак нон берди. У терлади. Кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кета бошлади. Шу кўйи ўтирган жойида қотиб ухлаб қолди. Уйғонганида ўзини диван устида кўрди. Устига адёл ташлаб қўйишибди. Нариги хонадан ғўнгир-ғўнгир овоз келарди...

Аёлнинг Уланбой исмли ўрмончи ўвали бор экан. Унинг ўрмонда адашиб қолиб кетган бир сартнинг боласига раҳми келди.

- Мабодо телевизорда кўрсатишган анави йўқолган бола сенмасмисан?
- Йўғ-е, менинг телевизор кўрмаганимга анча бўлдику! Унинг ичига қанақа қилиб кираман, кўке?...
- Уланбой кулиб юборди.
- Э, баракалла. Сен бола қизиқчи экансан. Лекин аниқ ўз кўзим билан кўрган эдим. Бир ой бўлди. Ўзбекистоннинг қаеридасан?
- Фарона вилояти, Бағдод тумани.

— Худди ўзи. Сени чет элга ишга келгандарни назорат қыладиган Халқаро ташкилот қидирияпти.

— Йүг-е. У ташкилот қаерда?

— Олмаотада. Олмаотага бориб бирор милиция бўлимига учрашасан. Паспортинг борми?

— Йўқ.

— Ие, унда сени бир ой қамаб қўйишлари мумкин-ку! Яхшиси, милицияга кўринмай иложи бўлса юртдошларингга учрашиб кеттанинг маъқула.

— Нега энди?

— Улар сенинг кимлигингни аниқлашади. Элчихонага тоғпиришади. Эҳ-ҳе, "Кимсан?", "Қаерда эдинг?" деб сўраб-суриштиришгунларича уч-тўрт ой ўтиб кетади. Ўзбекистоннинг бирор "Камаз"ига чиқиб олсанг уч-тўрт кунда уйингда бўласан. Яна ўзинг биласан.

— Бизнинг "Камаз"ларни қаердан топаман?

— Бу ердан икки юз километрча чиқар, шу томонда, — деди у ғарбни кўрсатиб. — Катта Олмаота трассаси бор. У йўлдан юртдошларинг мева олиб ўтишади. Қайтаёттганларига чиқиб олаверасан.

Қобилбек қувониб кетди.

— Раҳмат, ака, — деди у ва ўрнидан даст туриб фуфайкасини кия бошлиди.

— Қаёқда?

— Трассага.

— Икки юз километр пиёда юриш сенга ҳазилми?

— Тезроқ кетишим керак-да. Дадам оғир касал эди.

— Ўтира тур. Менинг бир ошнам ўша томонга иш билан бориб туради. Билиб келаман.

У "Қизик, телевизорга эълонни ким берди экан-а?", деган саволларни ўзича мулоҳаза қилиб ўтирди. Аёл овқат олиб кирди.

— Вой! Манави фуфайкангни ечиб ташла, ҳидланиб кетибди-ку. Мен сенга кийгани бошқа бирор нима топиб бераман.

— Йўқ, бўлаверади. Қиши совуқларидан мени мана шу кийим асрари. Ташлаб юборгани кўзим қиймайди.

- Улан қани?
- Машина гаплапшани кетди. Мен энди кетаман, хола.
- Вой, шу ерда қолавер. Менга ўғил бўл. Уланга шерик бўлиб ўрмонда от миниб юрасан.
- Раҳмат, ота-онам кутиб қолиши. Мени қидиришаётганмиш.
- Ҳа, ундан бўлса улардан хабар олиб кел.
- Албатта. Манзилимни бериб кетаман. Боринг хола, биз томонларга ҳам.
- Э, қаёқда. Мен бир умр шу ерда яшаганман. Бошқа ёққа боргани қўрқаман. Сенга ўхшаб йўқолиб қоламан.
- ... Уланбой кириб келди. Ошнаси зерта саҳар кетармиш. Аёл йўлга нон ва ул-бул егулик тайёрлади. Бундан ташқари, Уланинг эски пўстини, этиги ва телпагини берди. Қобилбек пўстинни олмади.
- Олавер, — деди Улан.
- Йўқ, биз томон иссиқ. Бекорга кийилмай қолиб кетади. Фуфайкам билан етиб оламан. Валенқаям энди менга керакмас. Уни шу ерда қолдирман. Телпак ҳам шарт эмас, кунлар исиб қолди. Этигинизни олишим мумкин, — деди у миннатдорлик билан.
- Майли, ука, ўзинг биласан. Қайтиб келсанг киярсан.
- Мана, манзилим. Йўлларинг тушса боринглар. Бизда яхши санаториялар бор.
- Э, шунақами? Шу онамнинг оёғи доим оғрийди-да.
- Бизда доривор қум бор. Унга кўмилиб ўтиришади. Ўзим кўмиб кўяман.
- Майли, ўйлашиб кўрамиз.
- Саҳар пайтда машина сигнал берди. Қобилбек узоқ ўрмонда яхши одамларга дуч келганидан хурсанд бўлиб улар билан самимий хайрлапди.
- Итинг қолаверсин, — деди Уланбой.
- Қобилбек итига ачинди ва бир нимасини йўқотиб қўйгандай иккиланиб турди.
- Ҳой бола, бўл тезроқ, — деди шафёр.
- Йигитча итини бир қучоқлаб олди-да, чопиб бориб машинага

ұтириб қўли билан "хайр" ишорасини қилди. Машина жүнаб кетди. Ит нима гаплигига аввалига тушунмади шекилли, тилини осилтириб машина ортидан бир оз қараб қолди ва шундай чопдикі, оёғи оқсоқ экани билинмай кетди. Уланбой итни чақириб қолаверди. Қобилбек эса итіга ачиниб у билан үтказған күнларини эслаб борар, лекин шу онда ортидан Олапарнинг чопиб келаёттанидан бехабар эди.

\*\*\*

Улар иккі ёнида баланд қор уюми бўлган, машиналар юравериб қор қотиб сирпанчиқ бўлиб кетган йўлдан унча катта бўлмаган тезлиқда узоқ юриши. Олапар ҳам оқсоқланиб ҳаллослаб чопиб келаверди, лекин ортда қолиб кетди. Қобилбекнинг уйқуси пишмаганди. Салоннинг иссиги элитдими, тезда мизгий бошлади...

— Эй, жигит, турсантчи! Мана, трассага келдик, — деди ҳайдовчи қозоқчалаб.

Қобилбек бир салғиб тушди ва турли-туман машиналар үтиб турган катта машина йўлига чиқиб қолганликларини кўриб юраги ҳапқириб кетди.

— Бу йўл қаёқда олиб боради? — деб сўради у ҳайдовчидан.

— Биз ҳозир Россия чегара пости томон бурилдик. Орқага Олмаота тарафга кетилади. Сен ўша ёқда кетишпинг керак. Ҳозир бир ошхона келади. Ўша ерда тушиб ҳамюртларингни қидириб кўрасан. У ерга жуда кўп "дальнебойщик"лар тўхтаб ўтишади. Тушундингми?

Бир оз юрилгач, ошхона бор экан. Йўл бўйида бир неча-еңгил ва юк машиналари турарди. Қобилбек Уланбойнинг ошнаси билан яхшилаб ҳайрлашди ва йўлнинг у юзидағи машиналарни оралай бошлади. Лекин улар орасида юрт нафаси келиб турган машиналарни учратмади. Йўл бўйида то кечга қадар кўз тики. Ўзбекистоннинг бир нечта юк машиналари ўтди, лекин тўхтапмади. Қобилбек улар томон бор овози билан "Мени олиб кетинглар!", деда бехуда қичқириб қолаверди. Шундай қилиб, ўша куни ошхона атрофида ўралашпиди юраверди. Бир гал ошхона орқасига ўтди ва у ерда овқат қолдиқларини бир идишга ташлашаётгандикларига кўзи тушиб қолди.

Қориннинг "ташвиши"дан қутулип чорасини топгаңдай бўлди.

Ўша овқат қолдиқлари тўкиладиган идиш ёнида тахлаб ташланган ўтиналар бўлиб, унинг орасидан ўзига жой қилиб олди. Лекин тунги совуқ унинг жон-жонидан ўтиб кета бошлади. "Наҳотки, шунча одамлар орасида совуқда музлаб қолавераманми?", деб ўйлади у. Шу пайт бир семиз рус аёли келиб ўтин ола бошлади. Қобилбек учун бу катта илинж эди.

— Ассалому алайкум! — дея қичқирди йигитча ўзбекчалаб.

Аёл бир сапчиб тушди ва ўтиналари ерга сочили.

— Кeling, мен сизга ёрдамлашаман, — деди ва ўзи ўтиналарни қўлига ола бошлади.

— Кто ты такой? — деб сўради аёл ҳадиксираб.

— Мен исмим Қобил. Я домой хочу. Машина куттансий.

— Что ты здесь делаешь?

— Спать. Холодно, музлаганский.

Аёл Қобилбекка бошдан-оёқ разм солиб бир оз турди-да, "Пошли" дея бир кичик саройни очиб берди. У ерда кўмир, бўшаган картон қути ва эски қоплар бор экан.

— Приночуй здесь, — деди у синовчан қараб.

— Раҳмат, опажон, — деди йигитча ва рус тилини яхши билмаганилиги учун ўзини ич-ичида койиди. Нимадир қилиб, қандайдир юмушларни бажариб аёлга қарашгиси келарди. Улар ўтиналарни бир печ олдига олиб бориб қўйишди. Печдаги оловда йигитча бир оз исинган бўлди ва бир четда ётган ойболтага кўзи тушиб ўтиш ёргиси келди.

— Ёрсам майлим? — деб сўради у ва бир гўлани ёриб кўрсатди.

Аёл кулиб қўйди. Бу унинг "Ҳаммаси жойида, сенга ишондим", дегани эди.

Шундай қилиб, ҳамюрт машиналарни учратиб қолиш илинжида Қобилбек ошхона юмушларини бажариб юраверди. Аёл бу ерда фаррош экан. Унга раҳми келиб кўп яхшиликлар қилди. Иссиқ овқатлар олиб чиқиб берди. Қобилбек эса ўгин ётар, уларни ўтхонага ташир, кудуқдан сув келтирас, аёлнинг чинакам дастёрига айланиб қолганди.

Бир куни у ошхона юмушларини бажариб бўлгач,

одатдагидек яна йўл бўйига ўткинчи машиналарни кузаттани чиқаёттани маҳали узоқда бир таниш итнинг вовуллаёттанини эшитиб қолди ва ўша томонга қараб чопди. Не кўз билан кўрсингки, йўл четида орқа оёқларини аранг судраб ўтган-кеттан машиналарга нигоҳ ташлаб, ола-сира вовуллаб Олапар турарди. Унинг узоқ, йўл босгани, очликдан озиб-тўзиб кеттанидан қовуруларини санаш қийин эмасди. "Олапар!" дея ҳайқирди Қобилбек.

У очлик ва совуқдан титраётган итни кўтариб тўғри ўтихонага олиб келди. Лекин ошхона хўжайнинидан балога қолди. Бу пайтда фаррош аёл йўқ эди. Уни кўчага ҳайдаб солди. Йигитча фуфайкасини ечиб итни ўради ва ўзи совуқда йўл бўйида ўтаётган навбатдаги машиналарга кўз тика бошлади. Нихоят, бир Андижон номерли "Камаз" пайдо бўлди. Лекин унинг ошхонада тўхташ режаси йўқда ўхшарди. Қобилбекнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди.

— Ҳой, акалар, тўхтантлар! Мениям олиб кетинглар, — дея у итни қўйиб секинлаб ўтаётган машина ёнида жон-жаҳди билан чопа бошлади. Олапар фуфайка ичидан чиқиб қулоқларини динг қилди. Машина бир четта пишиллаб тұхтади.

— Ҳой, кимсан?! Ўзбекмисан?! — дея сўради кабинадан бир йигит норози қиёфада бопини чиқариб. — Нима дейсан?

Қобилбек ўзининг кимлиги, ўрмонда адашиб қолганини бидирлаб тез-тез гапира бошлади.

— Олиб кетолмаймиз. Кабинага уч киши мумкинмас, — деди ҳалиги киши қисқа қилиб.

— Юкхонада ҳам кетавераман. Мени қидиругга беришибди, телевизорда кўрсатишибди. Дадам оғир касал. Ўйдан кеттанимга бир йил бўлди. Олиб кетинг, жон ака. Йўлкирангизни уйдан олиб бераман.

Рулда ўтирган ҳайдовчининг раҳми келди, шекилли "Чиқа қол. Йўлкиранг керакмас", деди. Шериги унга норози бўлиб қараб қўйди.

— Майли, бир мусулмоннинг боласи мусоғир юртда қолиб кетмасин. Савоб ҳам керак-ку...

— Ҳужжатларинг жойидами?

- Йўқ. Бизни ишга олиб келган одам қул қилиб сотворибди. Мен у ердан қочдим. Паспортим ўша ерда қолиб кеттан.
- Ўҳ-хўй, бу ёғи тоза ишкал-ку!
- Бўлмаса посбонларга ўзинг тушунтирасан. "Туш" дейишса тушасан, хўпми? — деди рулдаги йигит.
- Хўп.
- Чиқақол тезроқ.

Қобилбек кабина эшигини очиб эгчиллик билан чиқиб олди. Машина оҳиста ўрнидан қўзғалди. Орқадан Олапарнинг вовуллагани эшитилди.

- Тўхтанглар, итим!... — деди у ҳовлиқиб ва кабина эшигини тўсатдан очиб юборди.

Машина қаттиқ тормоз берди.

- Ҳой, тентак бўлдингми? Нега юраёттан машинанинг эшигини очасан? — деди ҳайдовчининг жаҳли чиқиб.

- Итим. У мени ўлимдан асраб қолган. Ортимдан қидириб келибди. Уни ташлаб кетолмайман, деди йигитча йигламсираб.

Шу пайт ит ҳам шу томонга қараб фуфайкани тишлаб судраб кела бошлади.

- Анавини қаранглар. У келяпти, ахир!...

Ҳайдовчилар итнинг бундай ақлли эканидан ҳайрон қолишибди.

- Фуфайка сеникими? — деб сўради рулдаги йигит.
- Ҳа. Шу фуфайка бўлмаганида мен музлаб қолардим.
- Бўл тезроқ.

Қобилбек фуфайкани кийиб итни кабинага чиқармоқчи бўлди.

- Ҳой, бола, ҳаддингдан ошма! Энди бир камимиз салонни бит бостириш қолувди! Фуфайканг ҳам сассиқ экан. Уни ташлаб юбор! — деди ҳалиги ҳайдовчи ёнидаги йигит.

- Бўлмаса, биз юхонада кета қолайлик.

- Мумкин эмас! — деди у қичқириб.

— Бўлти, итни орқага ташлаймиз. Лекин ғиринг деса, уни йулда тушириб қолдирамиз. Унга айтиб кўй, — деди ҳайдовчи.

- Бўлти. У жуда одобли, ҳаммасини тушунади.

Шундай қилиб, Олапарни орқага олишибди. Қобилбек унга

фуфайкани түшаб енгларини ўраб қўйди ва ҳайдовчиларнинг ортган нонларидан сўраб итнинг олдига қўйди: "Овозингни чиқармай кет. Бўлмаса олиб кетмайман, хўпми?", деди у. Ит "хўп" дегандек миннатдор минғирлаб қўйди.

— Айтиб қўяй. Чегарада тушиб, уни пиёда олиб ўтасан. Сени ушлаб қолишса, қараб ўтирамаймиз, вақтимиз йўқ.

Улар Қозогистон йўллари бўйлаб елдек учисди. Бир-икки жойларда посбонлар машинани тўхтатиб юкни текширипци. Қутиларда банаң бор экан.

- Анави ит кимники? — деб сўради посбонлардан бири.
- Ўзимизники. Меҳмонхонада қолсак юкимизни кўриқлади, — деди Хуршид исмли ҳайдовчи йигит.
- Менга таплааб кета қолинглар.
- Буни иложи йўқ-да, ўртоқ командир.
- Барibir уни чегарадан ўтказишмайди. Унгаям паспорт керак.

Итнинг жаҳли чиққандай ириллаб қўйди. Бу билан гўё "туёғингни шиқиллат" демоқчидай эди.

— Эҳ-ҳа, фуфайкани хўл қилиб саситиб юборибди-ку! Ҳиди юккайм уриб юборипши мумкин. Таплааб юборайлик, — деди ҳайдовчининг Зоҳид деган шериги ва ит норози бўлишига қарамай пахталикни ушлаб торти.

Бу пайтда Қобилбек салон ётогида ухламоқда эди.

— Ке, қўй. Бола хафа бўлади. Шундоқ ҳам кўп азоб тортиби. Феълингни кенгроқ қил. Шунинг нарсасига тегмайлик, илтимос, — деди Хуршид.

Рулга Зоҳид ўтири. Хуршид салондаги пардани очиб мириқиб ухлаб кетаётган Қобилбекка қараб кулиб қўйди.

— Қара, шундай қаҳратон қишдан ёлғиз ўзи эсон-омон чиқиб олибди-я. Сен билан мен музлаб қотиб қолган бўлардик. Сен картошкани хомлигича ҳеч еганмисан?

Зоҳид афтини буриштирди. У анчагача миқ этмай кетди-да: "Ха, омадли бола экан? Яна бизга йўлиққанини қара", деб қўйди.

• • •

Чегара божхонасида машиналар тирбанд эди.

— Бор, тушиб Ўзбекистонга ўтиб кутиб тур. Навбатимиз

келгүнича ўз муаммонгни ўзинг ҳал қил. Чегарагача пиёда келдим де, керак бўлса ялиниб-ёлвор, — деди Зоҳид.

— "Паспорт олмаганман. Ёпим етмаган" деб қўя қол "Пахта тергани борувдим" де. Бўлмаса гап кўпаяди, — деди Хуршид ҳам.

Шундай қилинди. Бир аскар уни ҳужжатсиз ўтказмай ушлаб турди. Қобилбек ҳам йигламсираб тураверди.

— Бор, командиримизга учраш, — деди аскар ниҳоят. — Итинг шу ерда турсин.

Йигитча бошлиқ, зобитнинг атрофида парвона бўлиб юраверди, лекин у "мумкинмас" деб бир гапни тўтидек қайтарарди.

— Жон ака, дадам оғир касал. Пулимниям ўғирлатиб қўйдим, — деди у ялиниб.

— Хўп, сени танийдиган шу ерда бирор одам борми?

— Ҳа, бор, — деган ҳам эдики, ўтиб бораётган бир машина сигнал бериб, кабинасидан овоз келди.

— Қобил! Бу ерда нима қилиб турибсан? — дея қичқириди Хуршид.

— Хуршид акам. Ана мени ҳамқишлоғим! Илтимос, мен ўша одам билан кетиб олай, ёнимда пулим ҳам йўқ.

— Ҳа, бўлти. Ўтказворинглар! Иккинчи бор ҳужжатсиз юрма!

Қобилбек севиниб кетди. "Олапар, маҳ-маҳ", деди қичқириб. Бу ердаги расмиятчиликлар жонига тегдими ит шундай чопдики, аскар йигит "Ҳой, итта мумкин эмас, тўхта!" деганича қолаверди.

— Раҳмат, Хуршид ака. Мени яна қўллавордингиз.

— Яхши ҳамроҳни йўлда қолдириб кетиб бўлармиди? Инсон инсонга доимо яхшилик қилиши керак. Катта одам ё бойвачча бўлиб кетсант эслаб қўярсан.

— Худо хоҳласа. Лекин ҳозир чўнтагимда бир мирим ҳам йўқ.

— Пул топилади, ука...

Қобилбек яна бир нарсадан хурсанд бўлди: ит энди иссиқ

кабинада оёғининг остида, яхши одамлар даврасида хотиржам мизғиб келмоқда эди. Ит учун бундан ортиқ яна нима керак? Қани энди хұжайини бой-бадавлат бўлсаю уйда ҳамиша гўштли қозони қайнаб турса. Ҳар куни уни суюклар билан сийласа "Ишқилиб, ўша кунларни кўриш менга насиб қилсинда", дегандек Олапар Қобилбекка мўлтираб қараб, бир-бир тилини ҳам ялаб қўймокда эди.

\* \* \*

...Улар Бектепа қишлоғи муюлишига яқинлашганда оқшом кириб қолганди.

— Ана, етиб қолдик! Муюлишдан чапга бир оз юрилгач, уйимиз келади. Уйдан кира ҳақини олиб бераман.

— Э, йўқ, Каллани гаранг қилма, — деди Хуршид.

— Эҳтимол бунинг бирор бойваччанинг боласидиру, уйдан қочиб кетгандир. Суюнчи олмаймизми? — деди Зоҳид кулиб.

— Майли, бўлмаса уйингга кирмаймизу ташлаб ўтиб кетамиз. Яна кира ҳақидан гапирсанг, калтак ейсан.

— Бўпти, — деди Қобилбек хурсанд бўлиб. — Бу яхшиликларингни бирор кун "бурунларингдан булоқ" қилганим бўлсин.

Улар кулиб юбориши ва самимий ҳазил-мутойиба билан ўнқир-чўнқир, лой-ботқоқ кўчалардан ўтиб келишиди. Деворсиз, фақат биргина пастқам кўлбола хира чироқ милтиллаб турган чала уйни кўриб ҳайдовчилар ҳайрон бўлишди.

— Ростдан ҳам шу уйда яшайсизларми? — деб сўради Хуршид ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, — деди Қобилбекнинг кўзлари жовдираб. Унинг юраги гупиллаб урар, қаттиқ ҳаяжонда эди. Ҳозир уйларининг зшиги очилиб ичкаридан соғинган ойижониси чиқиб келишини орзиқиб кутарди.

— Акалар, уйга кирайлик. Чой ичиб кетинглар.

— Йўқ, раҳмат. Мана, уйингни ҳам кўриб олдик. Бирор кун ийлумиз тушса... — деди рулдаги Хуршид.

— Ҳайда. Майдаланмай тезроқ бўл!

— Ҳўп, яхши қол, Қобил!

— Раҳмат сизларга. Бошқа келинглар.

Машина ўрнидан қўзғалди. Ит негадир безовталаниб вовиллай бошлади. Қобилбек яхши одамларнинг ёрдамида уйига соғ-омон етиб келганига кўнгли таскин топди. Лекин шунча вақт юриб яна иккинчи бор қуп-қуруқ, юпун ва оч кириб келгани ёдига тушиб ўзини ноқулай сеза бошлади. "Камаз" ортидан узоқ қараб қолди. Ит эса машинага қараб тинимсиз акилламоқда эди. Бир пайт машина тўхтади.

— Ҳа, тинчликми, Хуршид? — деб сўради Зоҳид.

— Бечоралар жуда noctor экан. Ануви фуфайка ҳам уларга аскотиб қолар. Таплаб кетайлик.

— Ҳа, ҳаммаёқ сасиб-ачиб кетгандир, — деди Зоҳид кесатиб.

Хуршид бир сигнал чалди-да, тушиб орқа эшикни очди. Оқсоқ ит чопди.

— Ҳой, Қобил, фуфайкангни ол. Ювдириб кийсанг бўлаверади! — деди Хуршид қичкириб.

Йигитча ҳам Олапар ортидан чопди. Хуршид уни бир четта итқитди-да, машинага ўтириб ҳайдаб кетди. Ит фуфайкани тишлаб судраб кела бошлади.

— Яхши. Сенга уйча ясад, шуни тагингта тўшаб бераман, — деди у кулиб.

Қанча совуқлардан асраган, ҳидланиб кетган пахталикни у қўл учиди кўтариб олди-да, у уйи томон чопди. Бир машина келиб-кетганини эшитган Ойниса бу пайтда уйдан чиққан, юпун ўғли ва унинг оқсоқ итини кўриб алланечук бўлиб, шодланиб кетган эди. Уни йиғлаб бағрига босди. Қўлидаги кийимни олмоқчи бўлди. Бироқ оқсоқ ит уни тишлаб торттанини кўриб ажабланган бўлди.

— Қўяверинг, бу эски фуфайкам. Мени совуқдан асради, — деди Қобилбек ва уни тандир тагига ташлаб қўйди. Ит эса дарров унинг устига ётиб олди.

Дадаси Нурбек ва сингиллари уни хурсанд кутиб олдилар. Лекин қуп-қуруқ келганига Қобилбек хижолатда эди.

— Нима, яна ўғирлатиб қўйдингми? — деб сўради Ойниса.

— Йўқ. Бу сафар бошқа иш бўлди.

— Қаёқларда юргандинг? Сапар оға келиб бизга бир сигир олиб бериб кетдилар. Сенинг йўқдигингни эшитиб хавотир бўлдилар, — деди қора кўзойнакли дадаси аллақаёқча тик қараб.

— Шунақа бўлиб қолди. Ёмон жойга тушиб Қўлдик.

— Амакингнинг олдига сени сўраб бир одам келган экан, — деди ойиси.

— Қачон?

— Бир-икки ой бўлди.

— Ким экан?

— Билмасам. Бирга ишилаган экансизлар, шекилли.

Қобилбек ҳайрон бўлди. "Ким бўлиши мумкин?" дея ўйга толди. Лекин эслолмади. "Ё бирортаси ўша яширин цехдан қочиб келдимиликан?" деган фикрга борди.

— Амакингдан сўрарсан. Ол, болам, нон еяқол. Бизлар овқатланиб бўлгандик.

— Энди кетманг, ака, — деди синглиси. — Ундан кўра шу ерда бошқаларга ўхшаб ишласангиз ҳам бўлади-ку!

— Хўп. Энди ҳеч қаёқча кетмайман.

— Бир қунимизни кўтармиз, ўғлим. Менга нафақа беришяпти. Ойинг ишлайпти, — деди дадаси.

— Ойим қаерда ишлайпти?

— Эл қаторида.

— Нега энди ўқиган касбларида ишламайдилар?

— Аёл кишини ўқигани нима бўларди?

— Нима, бирорларнинг юмушини қилиш мумкину давлат ишида ишлаш мумкин эмасми, дада?! Нимага шунақа содда ўйлайсиз?

— Аёл киши уйида ўтириши керак. Лекин биз ночормиз.

— Энди ойим бошқа ҳеч қанақа ишга бормайдилар. Сизга қарайдилар, уй ишларини қиладилар. Ишга ўзим бораман.

— Унақа дема. Сен ўқишинг керак, ўғлим, — деди Ойниса маъюс.

— Қанақа ўқиш, оий? Унга ҳам маблағ керак-ку!

Улар узоқ жим қолишли. Қобилбек шакар билан ноннинг ярмини пакқос туширди.

- Ойи, итимга бирор нима беринг. Унинг ҳам қорни оч, — деди-да ноннинг қолганини олиб ўрнидан туриб кетди.
- Вой, болам, жинни бўлдингми? Ахир яхши нонни итга бериб бўларқанми? Ўзимиз оч ўтирган бўлсак...
- Қобилбек тўхтаб қолди. Юраги ачишди ва нонни оҳиста дастурхоннинг бир четига қўйди.
- Ўзинг еб олақол, болам. Итингта бирор нима топиб берарман. Бостиurmада қотган тўғрамлар бор эди.
- Қобил, энангниям бир йўқлаб келсанг бўларди. Сени сўрайвериб эси кетаётганимиш, — деди дадаси.
- Ўзлари тузукмилар?
- Бир жойда бўлиб қолишган. Ўттан куни кўриб келувдим, — деди Ойниса хўрсиниб.
- Ойбек амаким яхшими?
- Ҳа. Уларгаям қийин бўлди. Сени “каттароқ пул ишлаб келади”, деб умид қилиб ётишпуди.
- Омадим келмади-да, ойи. Лекин энамни кўргани ҳозир қуруқ борсам тўғри келмайди. Бир-икки кун ишлаб пул топай. “Яхши ишлаб келдим” деб, бирор совға олиб борарман.
- Эй, йўқ. У кишига ҳозир ўзинг катта совғасан.
- Барibir ноқулав-да. Тузукроқ харажат қиласманда, кейин дадамни ҳам олиб борарман. Нима дейсиз, дада?
- Майли, ўғлим. Бўлмаса дамингни ола қол.
- Бўпти. Мени вақтли уйғотинг, ойи. Автобусдан кеч қолмай, тағин.
- Ойниса унга дадасининг ёнига жой қилиб берди. Ўзи эса уйнинг тўри томонида, одатдагидек қизи билан бирга ётишди. Лекин Қобилбекнинг ҳеч ҳам уйқуси келмади. “Бунақа ноҷорликда яна қанча яшаш мумкин?” дея ўй суриб ўйининг тагита етолмади. Ташқарида ёмғир аралаш изгирин эса бошлиган, деразага, ойна ўрнига қоплама қилиб қўйилган цеплофан “лоп-лоп” деган овоз чиқаради. Уйқуси келмади. Ташқарига чиқиб итидан хабар олди. У қаттиқ нонларни “қирс-қирс” чайнар, йигитчага мўлтираб қараб “Жуда ҳам ноҷор яшар экансизларку. Бирор чорасини топмасанг бўлмайди, бола”, дегандек мунҷоқ қўзларини мўлтиратиб билинап-билинмас норози ғингшиб

қўймоқда эди. Қобилбек ёмрир ва қор сувларидан увиб тушаётган чала уйнинг пахса деворларига қараб қаттиқ ачинди. Нима қилиш кераклигини билмай боши қотди.

У туни билан шу зайл мижжа қоқмади. Тонгни 'аранг' оттирди. Бабақ хўроздар қичқиришни бошлагани ҳамоно чой ҳам ичмай қишлоқ гузари томон равона бўлди.

— Ҳой, чойингни ичиб кет, болам. Узликиб қоласан-а! — деда жавраб қолди қумғонга ўт ёқаёттан Ойниса.

Лекин ўғли қулоқ солмади. Эски чопонини елкасига илиб, спортча бош кийимини кийди-да, шошиб жўнаб қолди. Шундай бўлса-да, Ойнисанинг кўнгли энди хотиржам эди. Ниҳоят, унинг оиласи бут бўлди. Ўғли ёнита кирди. У ҳаракатчан, абжир йигит бўлиб етиши. Ҳозирча сал омади чопмай турибди. "Ҳали ҳаммаси олдинда, яхши бўп кетар", деди аёл ва ўйлининг ортидан узоқ кўз тикиб дуо қилиб қолди. Ўчоқда эса, олов "чирс-чирс" ёнар, қумғондаги сув шигилламокда эди...

### ҚОБИЛБЕК ПУЛ ТОПАДИ

Ўша куни Қобилбек ҳар қандай оғир ишларни бажаришга ҳам тайёр эди. Энг муҳими, унга яхши ҳақ тўлашса бўлгани. Шундай ишлардан бири чиққандай бўлди. Кўринишидан уддабурон кўринган бир тадбиркор йигит юк машинасидан тушиб келди-да, "Ким хоҳласа яхши иш бор. Ҳақини икки баробар тўлайман. Тушликка ош, арогиям бор", деб эълон қилди.

— Қанақа иш экан, ака? — деб сўради мардикор йигитлардан бири.

— Тўгриси, овир иш. Бетонни кувалда билан синдириб ичидан темирини оласизлар-да, манави машинага юклайверасизлар.

— Кейин кеч қолиб кетмаймизми?

— Йўқ. Мана шу машина сизларни шу ерга ўз вақтида олиб келиб қўяди. Лекин энг муҳими иш битиши керак.

— Икки баравар дегани неча пул бўлади? — деб сўради Қобилбек қизиқсиниб бир йигитдан.

— 8-10 минг сўм бўлса керак-да.

- Зўр-ку. Мен бораман! — деди йигитча тўсатдан қичқириб.
- Анча ёшга ўхшайсан. Сенга оғирлик қиласди, — деди ҳалиги ишга ёлловчи киши.
- Ҳечқиси йўқ, эплайман, — деди у дангал.
- Яна беш киши керак. Ким борса машинага чиқинглар! Бир зумда беш-олти йигит машина бортига тармасиди.
- Ўтириб, иложи бўлса ётиб кетинглар. ДАН ходими кўрмасин, — деди иш берувчи ва ўзи кабинага ўтириди.

ДАН ходимидан ҳайиқишиб ҳеч ким ўзларининг қаёққа кетаётганларига ҳам қизиқмади. Ниҳоят, текис асфалът йўл тутаб ўнқир-чўнқир тош йўли бошлилангандағина ўринларидан туриб қандайдир адир орасида кетаётганларини англашди. Аланг-буланг тош йўллардан узоқ юрилгач, ниҳоят қандайдир бетон плиталар ёттан қир оралиғига етиб келишди. Бу ерда на сув ва на бир дарахт бор эди. Ҳалиги киши кабинадан 4 та кувалда олди.

- Мана шуларни синдириб тинчитасизлар.
  - Аввал чой-пой ичиб олайлик, хўжайнин, — деди бирор.
  - Уйларингда нонушта қилиб келсаларинг бўлмайдими?!
- Мен чойхонага фақат тушликка буюртма бериб келганман холос. Аввал ишни битиринглар, тезроқ бу ердан кетасизлар.
- Бирор тишламдан нон еб олсак бўларди. Худо хоҳласа ишни туплиkkача битириб юборамиз, — деди бир серғайрат йигит.

- Мана менда нон бор, уйга олгандим, бемалол еяверинглар,
- деди шу маҳал машина ҳайдовчиси Неъмат ака.

Унда яна радиаторга қуиши учун икки боклашкада эскироқ сув ҳам бор экан. Мардикорлар бир булка нонни майдалаб бўлиб олишида-да, сувдан ичган бўлиппди ва ғайрат билан ишга тушиб кетишиди. Қобилбек умрида кувалда ушламаган бола эди. Бетонга бир зарб урганди қўлининг суюклари зириллаб кетди. Бетоннинг бир учқуни учиб ҳам қўймади. У шерикларига нигоҳ ташлади. Йигитлар бетонни жон-жаҳдлари билан уришар ва бир нуқтага бир неча ўн марта уравериш натижасида ниҳоят

у оз-оз дарз кетмоқда зди. Лекин күп ўтмай ҳаммалари ҳолдан тоя бошлашди.

— Ҳой биродарлар, — деди иш берувчи кипши. — Мени түғри тушунинглар. Мен бу ерда сизларнинг беҳуда вакт ўтказганингга эмас, бетон ичидаги металлни олиб берганларинг учун ҳақ тўлайман. Манави машинани бекорга кира қилиб олиб келганим йўқ. Бўлинглар, тезроқ ишланглар. Кувалдани баравар кўтариб бор куч билан уринглар. Шунда бетон тез синади.

Йигитлар энди янада ғайрат билан ишлай бошлашди. Тушликка қадар фақат учтагина плита синдирилиб, ичидаги арматура олинди. Яна бешта плита бор зди.

— Бўлинглар тез-тез. Бирйўла тушликни қилиб уйга кетаверасизлар.

Қобилбекнинг қўллари қавариб дастани ушлашдан безиллаб қолди. Нафасни ростлаб олиш учун беҳол ўтирди. Қорни эса шундай очдики, кўз олди қоронгулаша бошлади. Ёмон бўлса ҳам сувдан ишиб, қолган бир тишлам ноннинг ушонигача еб олди. Рўмолчасини олиб қўлини борлади. Кафтининг қадоғидан сув чиқиб шундай ачишмоқда здики. Лекин энди иложксиз, яна унинг бетонни майдалаш навбати келиб қолганди.

Йигитларнинг барчаси жуда қаттиқ ишлашди. Уларни яхши тушлик қилиш ва мўмай ҳақ олишга бўлган умиidlари доимо рухлантираёттан зди. Ниҳоят, соат учларга бориб иш битди. Темирлар юкланди, кувалдалар кабинага жойланди. Йигитлар мадорсиз чўзилиб қолишли.

— Бўлинглар, машинага чиқинглар. Ош ҳам ланж бўлиб кеттандир!

Йигитлар аранг бортга чиқиши-да, суюниб ўтириб олишди. Ниҳоят асфалът йўлга чиқиши ва бир ДАН постига яқинлаша бошлашди. Лекин машина бир четта тўхтади.

— Йигитлар, тушинглар. ДАН пости орқасидаги чойхонага борамиз. Сизлар пиёда боринглар. Машинамида одам ташиш мумкин эмас. Биз ошни сузиб, закускаларни тайёрлаб турамиз.

Йигитлар умид ва ишонч билан машинадан сакраб-сакраб тушиб қолишли. Машина эса пост олдидан ўтиб бурилиб кўздан

ройиб бўлди. Шундан кейин уни асло қайтиб кўришмади. Пост одамсиз ҳувиллаб турарди. Унинг орқасидаги эски чойхона эса аллақачон бузилиб, жойи текислаб ташланган экан. Йигитлар анграйиб қолишидди. Одамлардан сўраб-суринтирипиди. Бу атрофда ҳеч қандай чойхона йўқ экан. Ерии депсиниб, сўкинишидди. Бироқ ердан садо чиқмади. Ўша атрофдаги бир корхона қоровулидан илтимос қилиб бир дона нон сўраб олишидди.

— У темирини ташлагани кеттандир-да. Кутинглар, келиб қолар, — деди қоровул бир темир чойнақда чой дамлаб уларнинг олдига қўйиб бераркан. — Уни танийсизларми ўзи? Исли нима, қаердан экан?

Йигитлар елка қисишидди. Ҳеч ким машинанинг номерига ҳам аҳамият бермаган экан.

— Йигитлар, наҳотки шунчалар ҳам ношуд бўлсак-а, — деди йигитлардан бири.

— Ношуд бўлмасак мардикор бўлармидик, — деди бошқаси комуш.

Улар кечга қадар умид билан йўлга кўз тикишидди. Автобусларидан ҳам кеч қолишидди. Баъзиларида қайтиб кетишта йўлкирагаям пуллари йўқ эди. Шу жумладан, Қобилбекнинг чўнтағида “Кўқон шамоли эсади”. Пули борлардан икки киппи такси тўхтатди. Йўқлар эса темирйўлга шошилишидди. У ердан юк поезди ўтса илиниб олишади. Станциядан у ёғига эса “югуриб” етиб олишади...

Шундай илинж билан Олтиариқдан Бағдодга қадар темир йўли ёқалаб пиёда кетишидди... ва бабаҳўроздар қанотларини қоқиб яна қичқира бошлагани маҳали Қобилбек гўё маст одамдек оёғини аранг судраб, боғлаб олган қўлларига ушлаб олган бир таёқقا суюнган ҳолда “ер ютиб юборгудек” чала ҳовлиларнинг олдида пайдо бўлди. Олапар ити аввалига вовуллади, сўнг уни таниб думларини шодон ликиллатиб қарши олди. Уй ичида чироқ ёник, демакки, ота-онаси туни билан ухламаган, хавотир олиб уни кутишаётганлари аниқ...

Қобилбек итини кўриб хўрлиги келиб кетди. Ерга ўтириб уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Менинг ўлгим келяпти, Олапар! Ахир ўзинг айт, одамлар нега бунақа қилишади? Мен уларга нима ёмонлик қылдым, ўзи? Құлларимни қара, энди ишга ярамайман. Ота-онамнинг күзига энди қандай қарайман? Эй, худо! Нега энди мени бунчалар ношуд, омадсиз қилиб яратдинг?... Юр, Олапар, Фарғона каналига бориб ўзимизни сувга ташлаймиз. Лекин мени құтқариб олмагин, Олапар!...

Шу маҳал ит унинг қўлидан чиқиб таңдир томон чопди ва бир катта иликли суюкни олиб қайтди-да, уни йигитнинг олдига кўйди.

Қобилбекнинг оғзи очилиб қолди:

— Бу нима қилганинг, ўзинг емайсанми?

Ит "Менинг қорним тўқ, бемалол еявер" дегандек лабларини ялаб ғалати ғингшиган овоз чиқариб кўйди-да, уй томонга қараб вовиллади.

Эшик очилиб ичкаридан синглиси Ойсара чиқиб келди.

— Вой, акам келибди! Қаёқда юрибсиз, ака? Биз гўштларни пишириб зиёфат тайёрлаб сизни роса кутдик. Ўртоқларингиз билан тоза яйрабсиз шекилли-да-а? Нима бало, мастмисиз? Вой, қўлингизга нима қилди? Йиқилдингизми-а, туриңг, уйга юринг.

Қиз акасининг қўлтиғидан олиб турғазди. Қобилбекнинг оғги ўзига бўйсунмай аранг бир-икки қадам ташлади. Негадир уйга киргиси келмас, хижолатдан бошини қаерга уриб ёришни билмаёттанди.

— Ичмаганга ўхшайсиз-ку, ака! Ҳа, айтгандек, бугун ўртоқларингизни шу ерга чақираверар экансиз. Кейин битта қўй ҳам сотиб олиб келиб қон чиқартириб юборилар экан.

— Нима? Қанақа қўй? Ўзи қўйим чиқиб турибди-ку! — деди Қобилбек "төвук мия" дегандек жаҳли чиқиб.

Уни қўлтиқлаб олган синглиси эшикни очди. Қобилбек кўзларига ишонмади. Бу худди тушга ўхшарди. Кўзи ожиз дадаси ерга чордона қуриб ўтириб олган, ойиси эса хурсанд бўлиб аллақандай тўртбурчак қоғозларни дазмолламоқда эди.

— Вой, ўзимизни бойвачча ўғлимдан айланиб кетай! — деди ойиси қувониб.

— Лекин сюрпризингта қойил, ўрлим, — деб қўйди дадаси ҳам жилмайиб.

Йўқ. Қобилбек кўзларига барибир ишонмади. "Наҳотки, кўзларим ҳам энди мени алдай бошлади", деди у ўз-ўзига ва оstonада ўзидан кетиб йиқилди.

\*\*\*

...У уйғонганида ўзини қалин кўрпа ичида кўрди. Дастурхон тўла шириклиги ичимликлар, колбасалар, гўштлар, мева-чевалар унга мунтазир эди.

— Вой, ана шаҳзодамиз уйғондилар, шекилли, — деди синглиси хиринглаб.

— Энди тунлари ҳар хил болалар билан бемаъни юравермагин, хўпми? Сен ким — Қобилбексан энди. Бундан кўра уйимизни тартибга сол, ўқигин, уйлангин. Тупгундингми?

— деди ойиси меҳрибонлик билан унинг деярли оқариб кеттан соchlарини силаб.

— Йўқ. Ҳеч нарсани тушунмадим. Лекин яхши туш кўряпман шекилли. Илтимос, мен яна ётиб ухлай қолай, — деди-да, жойига қайтиб ётиб кўзларини юмиб олди.

Лекин синглиси ва ойисининг ғўнғир-ғўнғири уни ҳеч ухлагани кўймади.

— Ҳой бойвачча, — деди бир пайт синглиси эркаланиб ва тўсатдан бошидан кўрпани очиб таплади. — Манави шарбатдан ичиб олсинлар-чи, кайфингизни босади. Илтимос! Айланай ўзимнинг ақажонимдан.

— Нимани? — деб дўнғиллаб сўради акаси бошини ёстиқнинг тагига олиб.

— Нимани бўларди. Анави кечаги ичганингизни-да! Ҳалиги уни "ўқланган" дейишади-ку!

— Ҳой, қизим. Уни тинч қўй. Майли, ухлайверсин, — деди дадаси.

— Нима, энди пулдор эканман деб тушгача ҳам ётаверадими? Турсин, ҳадемай ўртоқлари келишади. Бу ерга жой қилишим керак-ку, — деди қиз бидирлаб.

Қобилбек шарбатни ичиб олди. У жуда мазали экан. Қорни

очиб, ошқозонига оғриқ кирган зди. "Э, нима бўлса бўлди. Тушимда бўлса ҳам ўлар жонга бир тўйиб овқатланиб олай", — деди у ва гўшту колбасаларни очофатлик билан пақдос тушира бошлади.

— Ҳой, акажон, тиқилиб қолманг тагин. Ойижон! — деда қичқирди қиз ташқарига чиқиб. — Анавинингизни қаранг.

Она ўғлиниң бу қилиғидан ҳайрон бўлмади:

— Майли, еяқол, болам. Ош бўлсин, — деди у ва кўзларидан ёш думалади. Яраттанга шукроналар айтди-да яна ташқарига чиқди.

Қобилбек қорни тўйиб анчагина ўзига келиб олди ва дадасига юзланди:

— Дада, нафақангизни олдингизми?

— Э, йўқ. Ойинг пулингдан 200 долларини олиб уни алмаштириб харажат қилиб келди, холос. Энди, ўғлим, пулинг тўғрисида ҳеч кимга айтмагин. Ҳозирги замонда дўст-душман кўп. Эҳтиёт бўл, хўлми? Кечагига ўхшаб санқиб, ичиб юришни бас қил. Ҳар хил пандавақиларга қўшилма...

Қобилбек дадасининг ўтитларига унча аҳамият бермади ва уни охиригача эшитмай ташқарига чиқди. Дадаси худди деворга гапираёттандай вайсаб қолаверди. Ҳовли қариндош-уруг, хотин-ҳалажларга тўла бўлиб, бир томонда қўй сўйилмоқда, бир томонда дошқозонда ош дамланмоқда зди. Қариндош аёллар унинг елкасидан олиб алқай бошлашди.

— Мана, фуфайкангни яхшилаб ювиб ёйиб қўйдим, — деди ойиси дордаги пахталикни курсанд кўз-кўз қилиб.

— Яхши қилибсиз, сасиб кетганди, — деди Қобилбек ва ойисининг қулогига шипшиди. "Ойи, қанақа маросим қиляпсизлар ўзи?"

— Ис чиқаряпмиз, ўғлим. Энди бизнинг уйга ҳам ниҳоят рўшнолик кириб келди. Тангрим мадад бўлиб оҳларимни эшитди. Ойнисанинг кўзларидан шодлик ёшлари дувиллаб қўйиларди.

— Ҳай, майли. Унда бугун байрам экан-да. Ишга эртага борарман бўлмаса. Қўлим оғрияпти, — деди у қадоқ кафтларига беихтиёр хомуш тикилиб.

— Қанаңа ишга, болам? Энди ҳеч қанаңа ишга кирмай тур. Аввало ўқиб ол, мактабингни битир. Бўлмаса катта ўқишга олирмайди.

Ойи, сизни соддалигингиз менинг жонимга тегди! Ахир пулим бўлмаса, мишимга ўқийманми?! — деди у жаҳли бўғзига келиб.

— Нима, шунча пулинг камми? Мен бугун ундан атиги 200 долларини ишлатдим, холос. Қолганига текканим йўқ, жон болам, — деда шипшиди аёл севиниб.

— Нималар деяпсиз? — деди Қобил таажжубланиб.

— Қани, юр-чи!

Ойиси уни ичкарига етаклади ва шкафнинг тортмасини очиб кўрсатди. Тортмада тўла пачкали долларлар "ловулаб" туради.

— Отанг билан санаб чиқдик... Фуфайкангни қозонда билмай қайнатибман. Бир вақт кўпик ичида қўлимга қаттиқ қоғозлар илаша бошлади. Даданга берсам, у "Бу Қобилнинг пуллари-ку, нима қиляпсан?" деб уришиб бердилар. Кейин бутун астарини сўқдим. То эрталабгача уларни дазмолладик, даданг бўлса уларни санаб тахлаб чиқдилар. Сендеқ ўили борлигидан фахрландилар. Илгари сенга эътиборсиз бўлганидан ўзини-ўзи роса койидилар, — деда йиглаб юборди Ойниса.

Қобил кўзларига ишонмади. Қўллари қалтираб бир пачка пулни қўлига оди. Эси оғиб қолай деди.

— «Наҳотки» деди у хаёлан, «бўлиши мумкин эмас...»

Она боласини қучоқлаб олиб, роса йиглади. Отаси Нурбек ҳам пайпасланиб келиб уларни қучоқлади.

— Энди ҳаммаси яхши бўлади. Сизниям кўзингизни даволаймиз, дадаси...

— Мени кечир, Ойниса! Сенга кўп азоб бериб гуноҳга ботдим. Аллоҳ мени муносиб жазолади.

— Унақа деманг, дадаси. Ҳаммаси ортда қолди. Энг муҳими, энди биргамиз. Оиламиз бут, пулимиз бор, кўнглимиз тўқ...

Шу пайт қизлари ҳам алланарса сўраб кириб қолди:

— Акажон, мен ҳам сизни бир ўпиб қўяй. Жуда соғинганман.

Ака-сингил ҳам қучоқлашиб күришишди.

— Кутылмаган омад, кутылмаган баҳт! Бу Ойнисанинг, қолаверса, Қобилбекнинг ҳаётидаги энг фарахбаҳш онлар эди.

Қобилбек ҳовлидаги хотин-жалажларни ҳайрон қолдирив, тандир тагида кўзларини мұлтиллатиб ётган итта томон эмаклаб берди ва уни маҳкам бағрига босди.

— Раҳмат сенга, Олапар!

Шу пайт у даст ўрнидан турди-да, ичкари томон чопди. Тўғраб кўйилган бир тарелка колбаса ва гўштларни олиб келиб итнинг олдига қўйди. Бир аёл бу ҳолатни кўриб қичқириб юборди:

— Вой, ўлмасам. Бу бола жинни бўлган, шекилли...

### БЕКТЕПА ЯНГИЛИКЛАРИ

Орадан бир ҳафта вақт ўтди. Қобилбек энаси ва амакиларига совға-саломлар олиб, уларникiga ёруғ юз билан кириб борди. Ойбек унга Исройл aka ва унинг қурилиш бригадаси ҳақида гапириб берди.

— Қаёқда юрган здинг? Биз милицияга, Халқаро Миграция ташкилотига хабар бердик.

— Ҳа, телевизорда кўришибди. Ўрмон ичида йўқолиб қолдим. Бу ерда бир ўрмончанинг бўш уйида қишлидим. Озгина пул ишладим. Мана сизга 5000 доллар. Камингизни қилинг, знамни яхши дўхтирларга қаратинг.

— Ўҳ-ҳӯ, зўрсан-ку, жиян. Ростдан ҳам бу пул менгами? — деди ажабланди Ойбекнинг оғзи қулогига етиб.

— Ҳа, дадамни олиб келганингиз учун мендан совға.

Ойбек ўзида йўқ қувониб кетди ва Қобилбекни маҳкам бағрига босди.

— Раҳмат, жиян! Сени унча хушламасдим, тўғриси, ишонмасдим. Адашган эканман. Ҳаммаси учун узр сўрайман, — деди у кўзларига ёш олиб.

— Ҳечқиси йўқ. Уйларни ҳам бир таъмирлатиб қўйинг. Мени сиздан ягона илтимосим мардикорликка бошқа борманг. Бу биз учун иснод.

- Қобил, — деди амакиси ташқарига чиқиб кузатаркан. — Сенга бир мухим гапни айтиб қўймоқчиман, — деди амакиси қувончданми, аламданми қўзларидағи ёпни артиб.
- Қанақа гап экан, амаки?
- Дадангни даволатмоқчисан, буни биламан. Лекин унинг қалбида яна бир яра бор. Дарди ичида.
- Қанақа дард, амаки?
- Нима десам экан. Энди сен ҳам оқу қорани ажратадиган, тушунадиган катта йигит бўлиб қолдинг. Буни ўзинг учун билиб қўйишинг керак. Ойингни бўлса, буни билиши шарт эмас.
- Айтақолинг, тушгунмадим.
- Сени Россияда акант бор. У сендан икки ёш катта...
- Қобилбекнинг юраги "шув" этиб кетди.
- Ҳа, шунақа. Даданг ойингга уйланмасдан аввал у ёқда хотини бўлган экан. Унинг исми Наташа. Ёдинга бўлса хат...
- деди Ойбек қизариб.
- Ҳа-ҳа, айтаверинг. Акамнинг исми нима экан?
- Уям Нурбек. Кўзи қора, сочиmall. Даданг сениям, униям жуда яхши кўради. Уни соғинади... Мендан хафа бўлмагин.
- Йўқ, амаки. Бу ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Ўша Нурбек акам билан мени таништириб қўясизми?
- Албатта. Менда телефон номери бор. Ҳа, айтмоқчи, мен уларга сенинг йўқолиб қолганингни ҳам айттандим. Телефон қилиб топилганингни айтиб қўяман. Улар ҳам хавотирда эди.
- Нурбекка айтинг, бир келсин.
- Албатта, жиян. Яна милицияга ҳам бориб топилганингни айтиб қўйишим керак. Лекин бу ҳақида ота-онангга айтмагандим. Агар сенга бир гап бўлганида бир умр азобланиб ўтган бўлардим. Топилганингта раҳмат, жиян!
- \*\*\*

Қобилбек уйларини қуриш учун ўзича янги лойиҳа қилди. Пахса деворларни буздириб ташлайди. Ертўлали пойdevor қилдиради. Бўлажак уйи баланд ва кўркам европача уй бўлади.

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

Унда ота-онаси, ўзи ва акаси Нурбек учун хоналар бўлади.

У ишга киришиб кетди. Шаҳарга бориб 5 тонна цемент ва 20 машина шағал буюртма берди. Бир йўла лой-ботқоқ маҳалланинг йўлини ҳам ўнглаб қўяди. Кейинчалик асфальт ҳам қилиб берар. Ҳозирча эса тезлиқда газ ва сувни торттириш керак. Маҳалла оқсоқолини топиб "Харажати мендан. Лойиҳалар билан сизлар шуғулланинглар" деб айтади.

Ўша куни бир янгилик бўлди. У шаҳарга қурилиш материалларининг нарх-наволарини ўргангани кетганда уйларига ўзини олиб келган «Камаз»нинг ҳайдовчилари бир қоп ун ташлаб кетишганмиш. Қобилбек бегона саҳоватпеша одамларнинг бундай эҳсонларидан қаттиқ таъсирланди.

— Ойи, бекор олибсиз-да.  
— Мен қаёқдан билай. Қопни туширишдию "Қобилбекка биздан салом айтинг" деб жўнавориши.

— "Камаз"да келишдими?  
— Йўқ, енгил машинада. «Москвич» эди, шекилли.  
— Яхши одамлар кўп-да, ойи. Бизнинг ночор яшашимизни кўриб раҳмлари келган экан-да.

— Вой, пулинг борлигини билишмаганмиди?  
— Менинг ўзим ҳам билмаганман. Сизлар ўша пул тахлаган куни "майшатдан келди" деб ўйладинглар. Аслида эса, бир фирибгар мени лақиллатиб, эшакдек ишлатиб, бир тийин пул ҳам, егулик ҳам бермаганди. Йўлкирага ҳам шулим бўмагани учун Олтиариқдан пиёда келгандим.

— Вой ўлмасам! — деб юборди Ойниса таажжубланиб.  
— Ўша куни мен ўзимни Фарғона каналига ташламоқчи ҳам бўлдим. Одамларнинг ёмонлигидан жудаям қаҳрим келди. Энди бўлса, яхши одамлар борлигидан фурурланиб кетяпман. Энди ўша каналга кўприк қуришга ҳам тайёрман.

— Лекин яхши одамлар кўп, болам. Баъзилар пул топиш балосига йўлиқиб қолишган. Шунақаларнинг дастидан меҳроқибат кўтариляпти.

— Эсингиздами, поездда менинг ҳалоддан топган пулимни кимдир ўйирлаганди, кимдир эса мени шерикларим билан сотиб

юборди. Яна энг алам қиласигани ўз юртимизда кимдир бизни лақицлатиб кетди.

— Кўпнинг ҳақини бермаслик — бу катта гуноҳ. Бу ҳам ўғирлик ҳисобланади. Ўғирлик мол бола-чақасигаям буюрмайди. Бундайларни худонинг ўзи жазолайди. Ҳаётда шунақаларни кўриб пипиб бораверасан-да, болам.

— Мен ўша фиригарларни барибир топаман. Агар топмасам одамларимиз улардан яна кўп жабр кўришади.

— Кўй, ўғлим, вақтингни беҳуда кетказма. Садқаи сар. Бир томондан йўқотганингни бошқа томондан бериб турганига худога шукур қил. Ундан кўра уйимизни ўғна, отангни тезроқ катта дўхтиларга кўрсат.

— Бўлти, ойи. Лекин анави андижонлик шофёрларни топиб миннатдорчилигимни билдириб қўйишим керак бўлади. Гап бу ерда бир қоп унда эмас...

— Тўғри, ўғлим. Майми, уларни топ. Айтмоқчи, биттаси "Яқинда ўғлимга суннат тўйи қиласман. Сизларни ҳам айтиб кетаман", деди.

— Эҳ, унда зўр бўлти!

\*\*\*

Эртаси яна бир янгилик бўлди. Тошкентдан Истроил ака келди. Мўйсафид Қобилбекнинг соғ-омон эканини кўриб қувониб кетди. Кўзларига ёш олди. Улар ичкарига кириб ўтириши. Дастурхон тузалди. Аввалига Истроил ака бўлган ишларни гапириб берди, сўнг Қобилбек ҳам кўрган-кечиргандарини ҳикоя қилди. Лекин топилган пул ҳақида индамай кўя қолди.

— Эҳ-ҳе, шунақа гаплар денг. Акаларинг ҳаммаси яхшими? Нима ишлар билан шуғулланяптилар? — деб сўради Қобилбек қовурилган гўштни ўртага қўяркан.

— Бир нави тирикчилик қилиб юрибмиз. Паркент бозорида курувчи бригада ташкил қилиб олдик. Одамлардан, курилиш ташкилотларидан ҳар хил буюртмалар оляпмиз. Ижарага бир ётоқда турибмиз. Топганимиз, фойда-зиёнимиз ўртада.

— Қани, овқатдан олинт. Сизни ўзим бир меҳмон қилай.

— Уйларинг анча унниқиб қопти. Ёмғир, қорлар таъсир

## ЧИМИЛДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ

қылган шекилли-да-а, — деди мўйсафида овқатни иштача билан еяр экан. — Эх, қани энди арzonчилик бўлсайкан, ўзимиз бир илож қилиб савобгарликка битириб берармидик...

— Худо хоҳласа, — деди Қобилбек ва калласига яхши бир фикр келганидан уни бир оз туриб айтишни кўнглига тугиб қўйди.

— Ҳа, айтмоқчи, бир гап. Сени бригадамиз сафидан ўчирганимиз йўқ. Бизга доим бир тансан. Чунки бизни кутқараман деб ҳаётингни хавфга қўйдинг. Биз буни ҳисобга олиб қўйғанмиз. Шунга ҳақингниям олиб келувдим.

— Қанақа ҳақ?

Истроил ака ички чўнтағидан бир қорозга ўроғлик пулни ва бошқа чўнтағидан бир дафтарни чиқарди.

— Манави менинг ҳисоб-китоб дафтарим. Бу ерда олти ойдан буён қылган харажатларимиз, қолган фойда, ҳаммаси ёзилган. Ишларимиз дастлаб юришмай турди. Кейинроқ мижозлар кўпайиб юришиб кетди. Газетага зълон бердик. Менинг энди соткам бор. Номерини ёзиб ол, — деди у ёнидан оддий уяли телефон аппаратини чиқариб ташларкан.

— Эҳ-хе, яхши бўлти.

— Хуллас, манави сенинг ҳақинг, яъни олти ойлик маошинг. Бу ерда жами 223347 сўм. Сана. Дафтаримга қараб тексириб кўр.

— Йўқ. Мен буни ололмайман.

— Ундай дема. Сен топилибсан, худога минг адад шукур. Агар ҳозир уйда бўлмаганингда буни дадангта ўзим ташлаб кетган бўлардим. Мен атайнин шунинг учун келдим, — деди у ва ўроғлик қорозни йигитчанинг олдига оҳиста суреб қўйди.

Лекин Қобилбек уни олмоқчи эмасди. Пулни қайтариб суреб қўяверди. Унинг бу қилиғидан мўйсафиднинг чиндан ҳам фиони опа бошлади.

— Хўп, шу пул меникими? — деди Қобилбек ниҳоят "таслим" бўлиб.

— Ҳа, сенники.

— Мана олдим, энди розимисиз?

— Минг маротаба розиман, ўғлим. Бизни деб овир

күйинчилеклар күрибсан. Худо умрингни қайтиб берибди. Биз сендан жудаям хавотир олдик. Амакинг билан қидиувга бердик. Доим у билан күнгироқлашиб турдик.

— Бўлди, гап йўқ, ака. Энди мени эшитинг. Демак, бритгадангизга мен ҳам шерикманми?

— Ҳа, албатта. Хоҳласанг ҳозироқ бирга кетаверамиз.

— Йўқ. Сизлар келинглар. Бригадангизга айтинг, келипсин, иш бор.

— Қанақа иш?

— Қурилиш. Мана шу уйимизни "под ключ" қилиб битириб берасизлар. Мен ҳам сизларга шерикман.

Истроил ака бир зум ўйланиб қолди ва ҳеч нарсани тушунмай қулиб қўя қолди.

— Яхши. Орзуга айб йўқ, ўғлим. Лекин бу пулинг билан ҳеч нима қила олмаймиэда.

— Албатта, бу пул бригада аъзоларингиз бу ерга келиб, жойлашиб олишлари учун йўлкирага етса кераг-ов, — деди Қобилбек қороз ўрамини мўйсафиднинг олдига сурис. — Қурилишга бошқа пул бор, тоға.

Қобилбек тортмани очиб ундан бир ўрам доллар пул олди.

— Мана бу пул бу қурилиш материаллари учун. Иш ҳақларингизни алоҳида ҳисоблайсиз.

Бригадир анграйиб қолди. У йигитчадан буни ҳеч ҳам кутмаганди. Қувониб кўзларига ёш олди ва уни маҳкам бағрига босди.

— Хайрият, ўғлим. Биздан ҳам бир тадбиркор чиқаркан-ку. Лекин аввало дадангни даволат.

— Унинг ҳисобиниям олиб қўйганман, тоға.

Мўйсафид Қобилбекни яна маҳкам бағрига босди.

— Худога шукур. Камбағалнинг елкасигаям шамол тегар экан-ку-а. Худо хоҳласа, шундай уй қурайликки, бу бизнинг депарада биттаю битта бўлсин!

Пойтахтдаги йигитлар бир буюртмани тутатишмаганлари учун икки ҳафтадан сўнг келишадиган бўлишди. Бу орада Қобилбек Истроил ака билан уйнинг лойиҳасини ва қурилиш материаллари билан боғлиқ юмушларни бажариб турадиган

бўлишди. Пойдевор учун албатта арматура керак эди. Қобилбекнинг ёдига олтиариқлик фирибгар тушди ва бу ҳакида Истроил акага ҳикоя қилиб берди.

— Оббо қизталоқ шайтон-ей, — деди мўйсафиҳ ҳангумант бўлиб. — Олтита суксурдек йигит оғзиларингни очиб қолавердингларми?

— Ҳа, — деди йигитча хўрсиниб. — Энамизни кўрдик.

— Бўлмаса бундек қиласиз. Арматурани ўша фирибгардан оламиз, — деди Истроил ака қатъий.

— Уни қаердан топамиз?

— Олтиариқдан, Марғилондан. Қаердаки темир бозори бўлса ўша ердан суриштирамиз.

— Кўяверинг. Сатқаи сар...

— Йўқ, ука! Кечириб қўясан. Қачонгача у одамларнинг шўрини куритиб юради. Бугун сени алдабди. Эртага мени алдайди. Бу ёғини менга қўйиб беравер.

Шундай қилиб, улар ишни енгил машина харида қилишдан бошлапди. Қўқонда эскироқ «Жигули» сотиб олишди.

— Сен ҳайдаш ҳуқуқини олгунингча мен сенга шофёрлик қиласман. Югур-етим ишларига шу машина яхши. Ўйинг биттага, "Нексия"ми, нима хоҳласанг олаверасан, — деди ҳамроҳи самимий.

— Бўлти. Бу машина кейин ўзингизга қолаверади.

— Яъни "хизмат машинаси" деймиз, хўпми?

Фирибгар темирфуруушнинг изини толиш қийин бўлмади. Олтиариқ қурилиш материаллари бозорида бир четда уларни ишга олиб борган киракаш машина турарди. Истроил ака Қобилбекни қолдириб, ўзи юк машина эгасини қидириб кетди.

— Мента арzonроқ эски темир-терсаклар керак эди, — деди у шофёрни топгач, у билан самимий салом-алик қиларкан.

— Кўп керакми, меҳмон? — деб сўради ҳайдовчи мулоzамат билан харидорнинг бу ерлик эмаслигини сезиб.

— Ҳа. Қурилишим катта. Пойдевор ичига қўйиб юбораман. Ҳа, айтмоқчи, шу депарада бир йигит эски плиталарни майдалаб, темирини арzon баҳога сотармиш деб эшиштандим.

— Ҳа, шунақаси бор. Қаерликсиз ўзи?

— Кўқонлик. Ўзингиз ҳожатимни чиқарсангиз йўлкирангизгаям яна қўшиб берардим. Ҳали уйим биттунича, эҳ-ҳе, таҳтасидан тортиб гиштигача ташиб берармидингиз...

— Худо хоҳласа, хизматни қилаверамиз, отахон. Бўлмаса бир йигит бор. У анави сотувчиларга темирларини сотиб берипшга ташлаб кетиб туради. Сиз шу ерда бўлиб айланиб туринг, мен уни суриштириб келаман.

— Яхши.

Бир оздан сўнг ҳайдовчи курсанд қайтиб келди.

— Ишингиз битди, отахон. У жуда олғир йигит. "Анқони уруғи" десангиз ҳам топиб беради. Фақат нархини келишсангиз бўлди.

— Э, яшанг, раҳмат. Унда бошқа материалларни ҳам ўзларингиз билан ҳал қилаверар эканмиз-да.

— Мана, унинг телефон рақами. Гаплашаверинг, исми Нодирали.

Кўп ўтмай улар Нодирали билан учрашишди. У новчадан келган, кўзи кўкиш, галстук тақдан зиёлиномо йигит экан. Уни кўрган Қобилбекнинг кўзидан ўт чақнай деди. "Бу ўша, ифлос-ку!" — деди алам билан.

— Яхши, ўғлим. Сен аралашма, тек ўтиравер.

Темирфуруш бозор ва бошқа жойлардаги темирларини олиб бориб кўрсатди. Истроил ака уларни ҳаммасини улгуржи оладиган ва яна буюртма берадиган бўлди. Нарх-навони ҳам бир оз тортишган бўлди-да, сўнгра рози бўлиб қўл берди.

— Бўлмаса ҳаммасини юклаб эртага олиб бораверасизлар. Мен сизларни Қўқон постининг олдида кутаман. Мана 100 доллар заклат. Қолган пули нақд, — деди у қўлидаги долларни кўрсатиб.

Шофёрнинг исми Неъматжон экан. Унга ҳам йўлкира ҳақини оддиндан бериб қўйди.

— Бугун олиб бераверсак-чи? — деди Нодиралининг кўзи ўйнаб.

— Мен Қувасойга шифер, цемент масаласида кетаётувдим. Қачон қайтаман, номаълум.

— Уларни ҳам ўзим арzon топиб бераман, отахон.

## ЧИМИЛДИҚЛИ УЙ НОЛАСИ

— Майли, аввал бир бориб кўрайин-чи. Шу десангиз, ўғлим хорижда ишлайди. "Келгунимча европача уй қуриб қўйинг" деб тайинлади-да. Шунга тушунасиз-ку, ўғлим...

— Бўлди келишдик, отахон.

Исройл ака Қобилбекнинг оддига мамнун қайтди.

— Иш битадиган бўлди, ўғлим. Сен ануви ўша куни ишлаган йигитларни топа оласанми?

— Ҳа, иккитаси бизнинг қишлоқдан.

— Ҳозир уларнинг ҳаммасини топиб эртага эрталабга уйга йигамиз. Мен худо хоҳласа уларнинг ҳақларини олиб бераман.

— Меникиниямми? — деб сўради йигитча кафтларини очиб кўрсатиб.

— Ҳа, албатта.

Эртаси Қобилбек йигитларни топиб, уларни уйига ишга олиб келди. Пажса деворларни бузиб пойдеворга жой тайёрлашадиган бўлишди. Лекин тайёрланавётган "сюрприз" ҳақида индамай қўя қолди. Чунки темирфурӯш келадими, йўқми, ҳали маълум эмасди. Исройл ака эрталаб қўнгироқ қилиб, уларни катта йўл бўйида кутаётганини айтган эди. Келишганидек Исройл ака юк машинасини бошлаб келиб қолса Қобилбек йигитларни бир ҳонага тўплаб то темир туширилгунча ушлаб турадиган бўлди. Ниҳоят, улар пайдо бўлишди...

— Нима, тушириб оладиган одамингиз йўқми? — деди Нодирали норози қараб.

— Йўқ-да, ўғлим. Ўзинг тушира қол, ҳақингни бераман. Мехнат билан одам ўлмайди-ку.

— Неъмат ака, юринг бўлмаса!

— Э, йўқ, менинг радикулитим бор. Оғир юк кўтаролмайман.

Нодирали у ёқ — бу ёққа олазарак қаради. Ҳеч ким кўринмасди. Ниҳоят, тақдирга тан бериб уст-боши ва галстугини ечди. Шу маҳал ичкаридан чиқиб келган Ойнисадан эски шим сўради.

— Вой, Қобилбек қани, Исройл ака? Буни туширишиб юборишмайдими? — деди аёл ҳайрон бўлиб.

"Оббо, ишқилиб қовун тушириб қўймасайди" деган фикр ўтди мўйсафиднинг хаёлидан.

— Улар тош юклагани кетишган, синглим. Эски шимлардан опчиқа қолинг, шофёрнинг иши зарур экан. Мен ҳам ёрдамлашвораман, — деди Исройл ака костюмини етган бўлиб.

— Э, йўқ, ўзим амаллайман, — деди Нодирали.

Ойниса тиззасидан кесилган шим олиб чиқди. Темирфуруш кийимларини кабинага ташлади. Унинг бу ҳаракатларини Қобилбек ва унинг "командаси" зимдан кузатиб туришади. Улар "операция"нинг моҳиятини тушуниб етишди.

— Ишни жанжал-тўполонсиз, тинчгина ҳал қиласиз. Бир бурнига сув кирсин.

— Қўлига кувалда бериб ишлатайлик, — деди йигитлардан бири.

Бу пайтда Нодирали бошига рўмол боғлаб машина юкхонасига чиқиб, темир-терсакларни шарақлатиб тушира бошлаган эди. Унинг оппоқ бадани қуёш кўрмагани ва умуман жисмоний меҳнат қилмаганидан далолат берарди.

— Отахон, бир атрофни қаранг-чи, ёрдамлашадиганлар учарармикан, хизмат ҳақини берардим. Ўзим буни қачон тушириб бўламану...

— Қочиб кетмайсизми, ишқилиб.

Нодиралининг юраги "шув" этиб кетди. Ҳайдовчи ҳам алланимани эсладими, гудраниб кабинага ўтириб олди.

— Ие, нега унақа дейсиз, отахон?

— Шунақа иш бўлганини эшиттандимда.

— Бизда унақа номардчилик бўлмайди, отахон. Бирорнинг ҳақига хиёнат қилмаганман ҳали, — деди темирфуруш арматураларни "қарс-қарс" ерга ташлар экан.

— Бўпти. Қарайин-чи, — деди Исройл ака ва ичкарига йигитларнинг олдига кирди.

— Тўполон қилмайсизлар. Ҳаммасини яхшилик билан ҳал қиласиз. Биттангиз ўтиб Нодиралининг кийимларини яшириб қўйинглар.

— Шофёрдан калитни ҳам олиб қўйиш керак. Бўлмаса у ҳайдаб қочиши мумкин.

— Йўқ, у ҳеч қаёққа қочолмайди. Машина номерлари аниқ. Уйини ҳам кўриб келдим.

— Мана, йигит, ёрдамчиларни бошлаб келдим. Құшни уйда ишлапшаёттән экан. Ҳақларини келишиб олсанғиз бүлди, — деди Истроил ака кулиб.

Нодирали машинадан сақраб тушди ва ўзини таниш йигитларнинг қуршовида кўриб қўрқиб кетди.

— Я-яхшимисизлар?

— Истроил ака, бу йигит темирларни тушириш учун қанча ҳақ бермоқчи эди? — деб сўради атайин Қобилбек.

— Ўн минг.

— Биз унга икки баробар тўлаймиз, ўзи тушираверсин, — деди йигитлардан бири.

— Тушликка ош, ароғи ҳам бор, — деб қўшиб қўйди Қобилбек кулиб.

Нодир нима қиласини билмай гезариб, йигитларга олазарак қараб тураверди.

— Эй, сўтак, чиқ машинага! — дея қичқирди бақувват йигитлардан бири. Бошқа бир йигит қўлига бир бўлак темирни олди.

— Ҳай-ҳай, нима бало, сизлар танишмисизлар дейман. Тушурмассанғизлар, қўяверинглар. Боринглар ишларингни қилинглар, — деди Истроил ака атайин ўртага кириб.

Йигитлар индамай бир четта ўтишди ва фиригарнинг ишлапини ҳузур қилиб томоша қила бошлишди. Нодирали темирларни туширас экан, юраги таку-пука эди. “Яхшиси қочиб қолсаммикан? Шарт машинадан сақрайману кабинага ўтириб Неъмат акага “Ҳайданг!” дейман. Лекин у қўнармикан? Бир уриниб кўраман-да. Бўлмаса ўзим қочаман. Улар мени ҳам ишлатиб, ҳам калтаклашмоқчи шекилли. Аҳмогинг йўқ. Не-не ишларни қилдим, лекин ҳали бирордан дакки емадим. Келиб-келиб мана шу пандавақилардан калтак ейманми?” — деди у ҳаёлан темирларни тушираркан, қаёққа қараб қочиб қолишни ўзича мўлжаллай бошлиди.

— Қобил, ишқилиб у бугун ҳақимизни берармикан? — кулиб сўради норгул йигит.

- Бермаса мен ўзим бераман. Тушлик ҳам мендан.
- Йигитлар кулиб юбориши.
- Униям меҳмон қиласанми? — деди бирори Нодиралини кўрсатиб хохолаб кулиб.
- Албатта. "Меҳмон отангдек улуг" деганлар.
- Лекин меҳмон "иззатини билиб" қочиб кетди. Бу жуда тез содир бўлди. У машинадан сакради-да, кабинага қаради. Кийимлари йўқ эди, "Ҳайданг!" дей қичкирди. "Калит йўқ!", деди атаяни Неъмат ака ҳам. У қўриқ ва бўз ерлар ичидан шундай урра қочдики... Олапар ҳам уни бир оз қувган бўлди. Етолмади. Йигитлар ўринларидан туриб бир-икки қадам ташлаган бўлишди. Истроил ака "Қўяверинглар" дей уларни қайтарди. Шундай қилиб, Нодирали Бағдоддан уйига эски иштонда қайтди. Йигитларнинг ўша бетонни майдалашдаги иш хақларини Истроил ака тарқатди. Қобилбекка ҳам берди. Тушлика палов устида Неъмат ака Нодиралининг қилмишларидан гапириб бериб йигитларни танг қолдирди.
- Темирнинг шулини нима қиласиз? — деб сўради Қобилбек.
- Бўйинни эгиб келсин-чи. Бир гап бўлар.
- Бугунги иш унга катта сабоқ бўлди, — деди Неъмат ака.
- Сизлар-ку ҳақларингни боплаб ундириб олдиларинг, лекин куйганлар қанча.
- Соғ-омон кеттанига шукур қилсин, — деди йигитлардан бири. — У сизни катта йўлда кутиб турса керак, Неъмат ака.
- Ҳа, албатта. Лекин уни олиб кетадиган аҳмоқ йўқ. Мен бошқа йўл билан кетаман. "Сенинг дастингдан мениям обориб-опкелишди", деб айтаман. Одамларимизнинг ўзи жуда соддада. Лакъа тушиб қолаверишади. Яқинда бир иш бўлди. Хонқиз деган қишлоқда у бир кишидан 200000 сўмга дарвоза буюртма олган экан. Айтаверайнми?

- Ҳа-ҳа, кейин нима бўлди?
- Менга келиб "дарвозани ташлаб келамиз", деб қолди. Йўлкирасини келишдик. Бориб тушираётгандик, рўпара кўпиниси чиқди. Унгаям дарвоза ёқиб қолди. Нодирали "Пулини

хозир беринг. Опкелиб ташлаб кетаман. Унгача манави дарвозанинг бир табақасини ўрнатиб тураверасизлар. Мен яна худди шунаقا бир хил дарвозани олиб келгач, ҳар икковларинг яна биттадан табақасини ўрнатиб қўяверасизлар" деб айтди. Улар лақда ишонишди. Биринчи олиб борган дарвозанинг пулини тўлиқ берган эди. Қўшниси ҳам тўлиқ олиб чиқиб берди ва биттадан табақасини бўлиб олишди.

Йигитлар бу ҳангоманинг моҳиятига тушуниб етиштач, енгил кулишган бўлди.

— Кейин-чи? Иккинчи дарвозани олиб бориб бердингларми?

— Э, қаёқда. Унақа дарвоза асли бир нусхада бўлган экан. Пулни олдию урра қочди. Яқинда ўша томонга бир юқ олиб ўттандим. Қарасам, буниси дарвозанинг чап томонини, униси ўнг томонини ўрнатиб, қолганини ғўзапоядан девор қилиб тўсиб олишибди. Эштишишча, бир-бирлари билан уришиб қолишганмиш, ҳалиям дарвозани кутиб ётишганмиш. Ана соддалик!

Йигитлар қотиб-қотиб кулишди. Лекин бу кулги замираida фирибгарларга нисбатан ҳам алам, ҳам нафрат ўти яшириниб ётарди.

\*\*\*

Яна бир янгилик ҳабари Тошкентдаги йигитлардан келди. Алик пайдо бўлганмиш. Исроил ака ва Қобилбек зудлик билан ички ишлар бошқармасига боришли. Жиноят қидирув бўлимидан икки йигитта Россияга ишга ёлланмоқчилик бўлиб жўнаш топширилди. Улар Аликни жиноят устида қўлга олишлари керак эди. Бир ҳафта ўттач, фирибгар қўлга олинди ва унинг устидан инсонлар савдоси бўйича тергов-сурештирув ишлари бошлаб юборилди. Халқаро Миграция ташкилотининг Қозогистон бўлими маҳаллий милиция бўлинмалари ва Алик ёрдамида қўплаб қулга айланиб қолган ҳамда бедарак кетган ҳамдўстлик мамлакатлари фуқароларини топишга эришдилар. Лекин ташкилот мутасаддиларини ноқонуний инсон савдоси билан шуғуланаётганлар эмас, балки кўпроқ қай йўсинда

алданиб ва ноқонуний ишга ёлланиб келиб қолаётганлар оқимини тұхтатиши, бу борада көнг күламда тарғибот ишларини олиб бориш қызықтираради.

\*\*\*

Навбатдаги янгиликни Ойбек топиб келди. У Наташа ва жияни Нурбек билан гаплашган замиш. У Қобилбекнинг топилгани ва қилаёттан ишларини айтibi: "Қобил қураёттан уйида сенга ҳам атаб хоналар ажратмоқчи. Яхши пул ишлаб келди, қурилишни бошлаб юборди" деб айттанмиш. Бу гапдан кичик Нурбек қаттық таъсирланиби. Бир "Камаз" ёрочни укам учун ўзим олиб бораман" дебди. Бу гапни эшикта Исройл ака ҳайронликдан ёқа ушлади.

- Бир "Камаз" ёрочга унинг пули бор эканми?
- Бўлиши мумкин, — деди Ойбек пиёладаги чойни бамайлихотир хўплар экан. — Унинг тօғаси ўша ердаги "Леспром"нинг хўжайини экан. Эшитишимча, жияни Нурбекни ёнига олганмиш.
- Демак, акам билан ёроч-тахта савдоси бўйича бизнес қилсанк бўларкан-да, — деди Қобилбек.
- Нимага бўлмас экан. Албатта бўлади. Биз ҳам Россияга мева-чева жўнатамиз. У ёқда пул пайдо бўлади. Машиналар қайтишда қуруқ келишмайди, — деди Исройл ака. — Бу сен учун катта имконият. Худонинг бергани бу, ўғлим, — дея кўшиб қўйди у гурур билан.

Лекин Қобилнинг ота-онаси унинг бизнес билан машғул бўлишига қаршилик қилишди. Ҳали у ёшлик қиласмиш, ўқиши керакмисш.

Шундай қилиб, пулдор йигит ота-онанинг қистови билан вилоят марказидаги колледжлардан бирида бизнес ва менежментлик йўналиши бўйича таҳсил ола бошлади.

### **МУҲАББАТНИНГ УСТУНИ**

Қурилиш ишларини тўлалигича Исройл ака ўз қўлига олди. Бектепанинг баланд-пастқам, лойсувоқ, пахса деворли, захкаш уйлари орасида уммонда олга сузиб бораёттан улкан кема

мисоли кўркам европача үй қад кўтара бошлади. Бироқ Истроил аканинг кўнгли ғаш эди. Чунки «Захкаш ерда баланд бинони қуриш мумкинмикан?» деган савол уни қийнарди.

Тез орада Қобилбек машина ҳайдайп ҳуқуқини берувчи тувоҳномага ҳам эга бўлиб "Нексия" сотиб одди ва ўз машинасида дарсга бориб келадиган бўлди. Ойниса эса кўзи ожиз зрини маҳсус операция қилдириш учун у билан Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг тавсиясига кўра, Россиянинг Екатеринбург шаҳрига жўнаб кетишид. Айтишларича, операция муваффақиятли чиққанмисп ва тез кунларда улар уйга қайтишид. Нурбек хира бўлса-да кўзойнак билан яна кўра бошлади. Бу ҳақида Олтойга ҳам хушхабар юбориљди. Хабар бериш ғояси Ойнисадан чиқди. "Майли, улар хурсанд бўлишсин. Нима бўлсаям Қобилбекнинг акаси бор. Бундан бўёғига болалар бир-бирларини қўллаб-куватлаб ўсишса нимаси ёмон" дея үйга борди аёл. Бу фикрни қайнотаси Ойбекка айтди ва уйлари биттач, россияликларни меҳмондорчиликка таклиф қилиш нияти борлитини маълум қилди.

— Раҳмат, синглим. Сенинг матонатингта қойил. Бошқа хотин бўлганида бунаقا ният қилишни үйига ҳам келтирмаган бўларди, — деди Ойбек Ойнисага тан бериб.

— Бўлар иш бўлган, ёшлигимиз ортда қолди. Энди гина-кудурат қилишнинг нима кераги бор? Бу ёғига болаларимизнинг эртасини үйлашимиз керак. Биз кўрган қийинчиликларни улар энди кўришмасин. Қобилжон коллежни битиргач, каттароқ ўқишида ўқиса дердим.

— Тўғри. Лекин унинг тадбиркорликка лаёқати баланд. Тезроқ акаси билан ҳамкорликда ишлашни орзу қиляпти. Унинг ўзига қўйиб бериш керак.

Ойниса үйланиб қолди. Ҳаёлига келган нохуш фикрни очик айтиб қўя қолди:

— Уям..., ҳалиги, Россияда бирортасини топиб олса-чи? — деди у ва "отасига ўхшаб" деб юборишдан ўзини аранг тийди.

— Унда тезроқ үйлантириб қўйиш керак. Келинг, бўлмаса ҳам үй тўйи бўлсин, ҳам Қобилжонни үйлантирайлик.

Бу таклиф Ойнисага маъқул тушди ва шу ондан бошлаб бўлғуси келин ҳақида қайгура бошлади.

Орадан икки йил ўтди. Қобилбек кўркам йигит бўлиб улгайди. У коллежнинг охирги курсида ўқирди. Бу даврда серчардоқли европача уйлари ҳам биттан, онаси эса зўр бериб уни уйлантириш тараддудига тушиб қолганди.

Баҳор таровати дилларни яйратиб, яшиллик ўз гўзаллигини кўз-кўз қилаётган кунларнинг бирида машинасини қўйиш майдонига жойлаб уяли телефонида ким биландир гаплашиб бораётган Қобилбекнинг кўзи таниш оқ "Жигули" га тушиб қолди.

Бу ўша, бир пайтлар оғир кунларида уйларига ташриф буюриб, дадасидан хабар олиб келган Рустамнинг машинаси эди. Йигит машинани кўриб беихтиёр туриб қолди ва сўзлашувини ҳам тўхтатиб машинанинг атрофини айланиб кўрди. "Қизиқ, бу ерга у киши нима иш билан келди экан? Бир учрашиб, ҳол-аҳвол сўраб қўйсам ёмон бўлмасди" дея кўнглидан ўтказди у. Афсуски, дарси бошланай деб қолгани учун синфхонага чопди ва деразадан бир бор кўз қирини ташлаб қўйди. "Қизиқ, у кимнинг олдига келди экан? Э-ҳа, бирор фарзанди шу ерда ўқир-да. Демак, уни қувалик болалардан суриштиromoқ керак" деган фикрга келди у ва шу ондаёқ орқа ўриндиқда ўтирган бир қувалик курсдошига қисқача мактуб ёзив узатиб юборди. Ҳадемай жавоб ҳам олди: "У қизининг олдига келиб туради. Исли Ойниса. 1-босқичда ўқийди".

Қобилбек 1-босқичдаги кўрган-билган қизларни бир-бир кўз олдига келтириб чиқди. Лекин Ойнисани эслай олмади. Муҳими бу эмасди. Шу туфайли қўнғироқ бўлиши ҳамона машина қўйиш майдони томон чопди. Лекин машина жойида йўқ эди. Шу кундан бошлаб у ҳар куни бу ерни бир қатор кўздан кечириб қўйишни одат қилди. Бироқ Қобилбекнинг ҳаётида бир кичик воқеа содир бўлдики, юрагига муҳаббат ташриф буюрганини ўзи ҳам билмай қолди.

У одатдагидек машинасини жойлаб, эндиғина уни қулфлаб

кетаёттан эди, шу маҳал икки қыз кулиб унинг олдига чопиб келишди.

— Сиз Қобил акамисиз? — сүради биринчиси.

— Ҳа, нимайди?

— Сизда бир илтимосимиз бор эди-да, — деди иккинчиси чиройли ҳансира

— Қанақа илтимос экан?

— Биз 5—6 та қызлар бойчечак тергани кетаётгувдик. Шунга bemalol бўлса бизни манзилга ташлаб қўйсангиз, ҳақини берардик.

— Ҳақи керакмас, қаерга ўзи?

— Шу ердан 20 километр, холос. Повулон қишлоғининг тегасидаги адирга. Йўл бўйида боғлар кўриниб туради-ку.

— Нега энди айнан ўша ерга?

— Иккита курсдошимиз ўша ерлик-да. Бизни ташлаб қўйсангиз бўлгани.

Қизларнинг бежирим нозланиб, ялиниб туришларини кўриб йигит "йўқ" дея олмади. Беихтиёр "Майли, bemalol" деб юборгани ўзи ҳам англамай қолди. Айниқса, қизларнинг бири "Рахмат, ақажон" дея, шундай чиройли табассум қилдики, унинг юраги така-пука бўлиб кетди. "Шу қыз жуда гўзал эканми? Қизик, қаерлик экан-а? Танишиб олсам ёмон бўлмасди" деган ўй ўтди унинг кўнглидан.

...Ҳадемай улар йўлга тушипди. Бепоён Фаргона водийси bemalol кўриниб турадиган, йўл бўйлаб ям-яшил майсалар ва барқ уриб гуллагая ўригу шафтолилар қаторлаштириб экиб ташланган замонавий асфальтланган текис трассадан боришар экан, машинасининг салони бир олам гўзаллик, ёшлиқ сурори билан лиммо-лим тўлди. Қизларнинг хурсанд қий-чувлари Қобилнинг қулоғини батанг қилар, варанглатиб қўйилган шўх мусиқа дилларини яйратарди.

Йўл бўйида уларни икки курсдош дугоналари кутиб туришган экан. Улар ҳам машина салонига bemalol "барқ" бўлишди. Машина энди адир йўллари томон бурилди ва сўлим боғлар оралаб баландлик сайин кўтарила бошлади.

Ҳадемай адирнинг энг баланд жойига чиқиб бориши.

Адирлар тепасидаги боғлар оралаб поёнсиз пиёда юришди. Яшиллик ва дараҳт гулларидағи оқлик, енгил шабода, водийнинг бу ердан узоқ-узоқларигача кафтдек кўриниши ўзгача тароват баҳш этар, одам ўзини парвоз қилаётгандай ҳис этарди.

Бу ерда Қобилбекнинг машинасидан ҳам кўра кўпроқ унинг машинасидаги мусиқаси асқотди. Қизлар очиқ, кенгликлар устида шундай рақслар қилдиларки, бўйдоқ йигит лол қолди. "Раҳмат, акажон" деган қиз уни қўймай рақсга тортди. Аввалига тортиниб турган йигит қизнинг табассумига лол бўлдими, ўз ихтиёрини йўқотди. Икки ёш рақс хиром қилишаркан, кўзларини бир-бирларидан узиша олмас ва бутун борлиқ унут бўлаёзди. Уларни қуршовларига олиб қарсак чалаётган қизлар эҳтимол даврадаги бу икки ёш кўнглидан кеча бошлаган нозик ҳисларни аллақачон англаб етишгандек эди...

Шодон рақслардан сўнг ёшлар бойчечак тергани адир тепаликлари бўйлаб тарқалишиди.

— Вой, қизлар, бойчечакни ковлагани ҳеч нима олмабмиз-ку, — деб қолди қизлардан бири.

Қобилбек машинасининг бор таъмиrlаш калитларини қизларга тарқатди. Бир қизнинг фотоапшарати бор экан. Уларга сураткашлиқ ҳам қилди. Йигит негадир ҳалиги бирга рақс тушган қиз билан суратта тушгиси келаверди. Бунинг учун пайт пойлади. У аввалиги ўша қиздан ўзини дугоналари билан суратта олиб қўйишни илтимос қилди. У "йўқ" демади. Сўнгра бошқа қиздан ҳозирги суратта олган қиз билан бирга олиб қўйишни сўради. У ҳам "йўқ" демади. "Плёнкадаги суратларни сизларга ўзим чиқариб бераман" деб айтишни кўнглига тутиб қўйди йигит. Чунки сурат унга керак эди. Онаси "Ёқтирган қизинг бўлса айт" деб шу кунларда ҳол-жонига қўймаяпти. Эҳтимол тақдир-насиб қилса шу қиз билан аҳду паймон қиласмиз. Қизик, унинг исми нима экан? Қаерлик экан?".

Буни билиш қийин бўлмади. Адирдан қайтишаётганида у қиз лолақизғалдоқлар териб анча орқада қолиб кетди. Шу маҳал "Ойниса!!! Бўл!, Кетдик энди, кеч бўлди!" дебя қизлар қичқира бошлиди.

"Наҳотки бу ўша Рустам акамнинг қизи бўлса?!" деган ўй

"ярқ" этиб ўтди йигитнинг күнглидан. Бир оз ўттач, фикридан қайтди. "Ахир, адаш исм ҳам бўлиши мумкин-ку..."

Лекин янглишмаган экан. Қизларни ётогига элтиб қўйгач, ўша эрталабки икки қиз унинг олдига келиб ўз миннатдорчиликларини изҳор қилишди:

— Сизга катта раҳмат, Қобил ака, — деди Ойниса табассум қилиб.

— Сизга ҳам рақс учун раҳмат, Ойниса. — деди Қобилбек бўш келмай

Ойниса чиройли табассум қилди.

— Суратларимиздан биттадан чиқартириб беринг-а, хўлми.

— Пулини йигиб қўямиз, — деди Ойнисанинг шериги.

Унинг исми Мұҳаббат экан.

— Мұҳаббат, мени хафа қилманлар, илтимос. Наврўзга уларни сизларга совға қилмоқчиман.

— Вой, шунақами?! — деб юборишиди қизлар қувониб.

— Бўлмаса биз ҳам сизга истаган нарсангизни совға қиламиш. Нимани ҳоҳлар эдингиз? — деб сўради Мұҳаббат.

Қобилбек қизларнинг нияти самимий эканини фаҳмлади ва ўз ҳазилини давом эттириди:

— Фақат шунчагина... — деди у бармоқ учини кўрсатиб.

Қизларга бир-бирларига маъноли қараб олишди:

— Нима?!

— Сумалак, — деб қўйди йигит қисқа қилиб.

Қизлар ҳоҳолаб кулиб юборишиди.

— Сизлар нима деб ўйладинглар?

— Бизми? — деди Ойниса. — Ўшанча музқаймоқ.

— Хўп, хайр, яхши қолинг. Музқаймоққа қарзормиз, — деди Мұҳаббат ва дугонаси билан кўлтиқлашиб кета бошлишди.

— Ойниса! — деди Қобилбек беихтиёр. Қиз "Ҳа" дегандек ортига қаради. — Сиз қуваликмисиз?

— Ҳа, нимайди?

— Мабодо Рустам аканинг қизимасмисиз?

— Вой, дадамни қаёқдан танийсиз?

— Танийман-да. Мабодо келиб қолишса бир учрашсам дегандим. Айтиб қўя олмайсизми?

- Майли, айтаман. Фақат сиз билан бойчечакка бирга борганимиз түғрисида индамай құя қолинг, хұпми?...
- Хұп. Фақат бир шарт билан.
- Қанақа шарт?
- Мұзқаймоқниям мен олиб бераман.
- Вой, шу қолосми. Бұлти.
- Бўлмаса эртага, дарсдан кейин сизларни шу ерда кутаман.

Ойниса чопиб кетди ва бўлган тапларни Мұҳаббатта етказди шекилли қизлар ортларига қараб кулиб кетишиди ва бармоқларини бежирим ўйнатиб "Хайр!" ишорасини қилишди.

Шу кундан эътиборан Қобилбекнинг фикри-ўйи энди Ойнисида бўлиб қолди. Унинг жўшқин қалбига мұҳаббат аталмиш буюк туйгу ташриф буюрган эди. Энг мұхими баҳти турмуш қуришларига монеликлар йўқ. Рустам aka Қобилбекка асло "Йўқ" демаса керак. Чунки уни аввалдан билади. Онасига ҳам қиз албатта ёқади. Худо хоҳласа янги уйга ярашиқли янги келин тушади. Ота-онаси бундан буёғига энди хотиржам яшашади. Қатор-қатор неваралари атрофларида чуғурлаб юришади. Фарзандларининг баҳти камолини кўриш насиб қиласи. Бундан ортиқ инсонга яна нима керак? Ҳинд фильмларига ўхшаш ёхуд халқ эртакларидағидек якунми?

Афсуски, эртак бошқа, тақдир бошқа бўларкан. Ҳамма нарса ҳам баъзан ўйлаганингдек бўлиб чиқавермас экан. Ўзига тўқ, ўқимишли, иқтидорли, кўркам йигитнинг ярақлаган пешонаси мұҳаббат "устуни"га "тақ" этиб урилдию "ўзидан кетди". Фақат унинг юрақдаги асорати қолди, холос.

Изтироб интиҳога етмади, балки яна давом этди...

Хўш, икки ёшнинг беғубор мұҳаббатига нима тўсқинлик қиласи? У қандай қудратли куч эдики, ёшлар бу кучга бўйин эшишга мажбур бўлишди?

Бунинг сабабларини, эжtimол, йигирма йиллар нарида Нурбек билан Ойниса қўшила олмаган, қайнонанинг нолаю афюонларига сабаб бўлган ўша чимилдиқли уй нолаларидан қидирагмиз. Сочлар ўшанда бекорга оқармагандир? Нурбек ҳам балки рус хотинининг ҳузурига бесабаб тезроқ жўнаб юбормагандир. Беозор хотинини бесабаб калтакламагандир ва

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

болаларидан меҳри ўз-ўзидан қолмагандир? Бунинг бирор сабаби бордир, ахир? Ҳа, бор эди, албатта. Лекин Нурбек бу "сабаб"ни сезган бўлса-да, бир умрга уни ошкор қилмади. Ҳеч кимнинг юзига солмади. Бироқ Ойнисанинг ўша аскар Рустам билан яна учрашганини эшиттач эса чидаф туролмади...

Эҳтимол сабабни яна сал наридан — Ойниса билан Рустам бир-бирларига аҳд-паймон қилиб юрган ва бир-бирларига етишишларига тўлиқ ишончлари комил бўлган талабаликнинг totli онларидан қидирамиз. Ёшлиқда қўйилган биргина хатолик бир умрлик қабоҳатта сабаб бўлишини ким ўйлади дейсиз, ўшаңда.

...Рустам касалхонадан тузалиб чиққач, тергов-суриштирув ишлари бўлаётган мудҳиш кунлар эди. Ректорнинг буйруги билан Рустамни тўсатдан сиртқи бўлимга ўтказиши. Гап нимада эканини у чукур англамай турибоқ, армия хизматига чақиририлди. "Икки кундан кейин сафар ҳалтанг билан етиб кел" дейиши ҳарбий комиссариатдагилар.

Рустам жуда шошиб қолди. Уйига қараб чоцди. Туша-тузук ўқиб юрган талабанинг тўсатдан армия хизматига чақирилиши яқинларининг ҳайратию надоматларига сабаб бўлди.

— Афғонистон нотинч эмиш. Шунинг учун "кундузги" ларни ҳам олаёттанмиш, — деди Рустам ҳадеб сўраб ҳол-жонига қўйишавермагач, ўзидан қўшиб.

Шундай қилиб, у эртаси кечгача яқин қариндош-урувлари, синфдош, курсдош дўстлари билан хайр-хўшлашди. Ойнисанинг эса ҳали бу гаплардан хабари йўқ эди.

Рустам уни излади. Аксига олиб у Водилга — бир дугонасининг тўйига кетган экан. Ўша тўйни қидириб борди. Чунки эртаси эрталаб жўнаб кетади. Мабодо қиз тўйда қолса, улар кўришолмай қолишлари мумкин. Айтадиган гаплари армоян бўлади. Айниқса, хайрлашмай жўнаб қолгани учун Ойниса ундан қаттиқ ранжийди.

... Рустам тўйни аранг топиб борганида базм айни қизгин паллага кирган маҳал эди.

Бу пайтда келинчак ёнида ўтирган Ойниса даврада рақс тушаёттанларга қараб чуқур хаёлга берилган ва ўзининг Рустам билан бўлажак тўйлари ҳақида ширин орзулар қанотида эди. Бироқ қўнғироқ қора соchlари қиртишлаб олиб ташланган Рустамнинг кутимагандага пайдо бўлиши уни чўчитиб юборди.

Ойниса Рустам ишора қилган томонга тез чиқиб келди.

- Ҳа, тинчликми, Рустам ака?
- Хизматта кетадиган бўп қолдим.
- Вой, қачон?
- Эрталаб жўнарканмиз.
- Қанақасига? — сўради қиз ҳайрат билан.
- Кетдик, ҳаммасини йўлда тушунтириб бераман.
- Тўй-чи?

Йигит қизнинг кўзларига маъюс нигоҳ ташлади.

— Ахир, мен икки йилга...  
— Бўлди, тушундим, — деди қиз ҳолатнинг жиiddий эканини англаб. — Мен ҳозир, шу ерда туриб туринг. Дугоналаримга "Кетдим" деб айтиб қўяй, — деди қиз шоша-пиша.

Унинг юраги шундай жиiddий ҳапқираб кетдики, қулоқларига ҳеч нима эшитилмай, кўзларига ҳеч нима кўринмай қолди. "Наҳотки, кутимагандага икки йил айрилик, хижрон бошимга тушаётган бўлса... Бу қандай кўргулик? Энди нима бўлади? Рустам акамсиз энди қандай яшайман?..." деган сонсиз саволлар унинг дилида ғужрон ўйнай бошлигаган эди.

Дугоналари унинг шоша-пиша кетаёттанини кўриб "ҳай-ҳайлаб" ҳайронлиқда қолаверишиди. Фақат ортидан чопиб чиқсан Нигорагина унинг тақир бошли Рустам билан кўл ушлапшиб қоронғулик қўйнига ғарқ бўлгандаридан воқиф бўлиб, гап нимада эканини фаҳмлади, холос.

Кўл ушлапшиб олган ёшлар шаҳарга элтувчи катта магистраль йўл сари унсиз боришар экан, қайноқ кафтларида оташин муҳаббатнинг тафти уфурар, юраклари нозик ҳис-туйгулар билан лиммо-лим экани туфайли тиллари ҳам шу тобда негадир калимага ожиз эди. Улар йўловчи машиналардан бирида шаҳарга етиб келгунларича ҳам чурқ этмадилар. Ойниса йигитнинг елкасига бошини қўйиб унсиз йиглаб келди. Ётоқларига етиб

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

олишганида ярим тундан ошган бўлиб, эшиги ичкаридан кулфлаб қўйилгани учун қизнинг хонасига балкон орқали чиқишиди. Қизнинг ҳамма дугоналари тўйда эди. Шу туфайли улар висол оқшомини бирга – тунни тонгта улаб ўтказишиди.

Мұҳаббат, ёшликнинг жўшқин, бетизгин эҳтиросларга лиммо-лим тўла тотли лаҳзалари ўз жиловини йўқотди. Бутун борлиқ унут бўлди. Қайноқ бўсалар уларни ўз уммонига тортиб фарқ қилди...

... Уйғонгандаридан қуёш чараклаб нур сочар, ғала-ювур шаҳар аллақачон жонланган эди. Қиз қўзини очганида ўзини йигитнинг қўйнида кўрди. Уни қўйиб юборгиси келмай маҳкам қучоқлади. Шундай бўлса-да, кулогига оҳиста шивирлади:

– Ҳой. Соат нечага боришингиз керак эди? –

Рустам санчиб ўрнидан туриб кетди ва апил-тапил кийина бошлиди

– Ахир кеч қолибмиз-ку! Бўлинг тезроқ!

Улар ҳарбий комиссариатта етиб келишганида чақирувчилар сафда тизилиб туришар, командир аҳён-аҳёнда “Курбонов! Курбонов келдими?!“ дей бетоқат у ёқ-у ёқ юрмоқда эди. “Шу ердаман!” деди терлаб-пишиб кетган Рустам. Унга яхшилаб танбех беришиди ва “Направу! Автобусга чиқилсин!” деган буйруқ янгради.

– Ойниса, яхши қол! Сенга хат ёзаман! – дей қичқирди Рустам.

Ойниса ҳамон ҳансирар, тунда нима бўлганию ҳозир эса нималар юз бераёттанини тасаввурига сидиролмай карахт эди. Кўп ўтмай автобус аэропорт томон жўнаб кетди. Шундагина у ўзининг энг мўътабар туйғусию ҳаётининг бир бўлагидан ажralиб қолаётганини ҳис қилди ва овозининг борича қичқириб, йиглаб аллақачон ғойиб бўлган автобус томон чопиб кетди. Кетаверди, кетаверди, лекин ета олмади. Севгилисига гаплари кўп эди, айта олмади. Фақат ўзигагина аён бўлган дарди, бир умр сир бўлиб қолаверади. Бу сирни аскар Рустамга ҳам, кейинчалик эри Нурбекка ҳам айтмади. Айта олмади...

\*\*\*

Хуллас, Ойниса аскар Рустамни армия хизматидан бесабаб

чақыртирган, унинг қора сунбул соchlари эса чимилдиқда бекорга оқармаганди. У ҳомилали эди. Күёв бўлмиш Нурбек эҳтимол буни сезгандир, лекин жияни экани учунми ва рус юртида бундай ишларга бефарқ қаралишига кўникма ҳосил қылганиданми, ўз гуноҳлари кам эмаслигиданми, ҳар ҳолда, бефарқ қаради. Балки ўзини шунинг учун ҳам осмоқчи бўлгандир, ўшанда... Қобилбекнинг етти ойда туғилиши ҳам ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа уйротмади. Бундай бўлиши одатдаги табиий ҳол саналар, чақалоқ туғилганида эса Нурбек Россияда "сафарда" эди.

... Лекин Ойниса ўшанда Нурбекнинг уни кўчага ҳайдаб солишни жуда-жуда истаганди. Афсуски, бу ҳол юз бермади. Аста-аста ҳаммаси унутилди. Гўёки алам ва изтироблар никоят ўзининг ижобий интиҳосини топгандай туюлди.

### **КЕЛИНЧАККА ЗОР УЙ**

Қобилбек ўзининг ёқтиргани бор эканлиги ҳақида айттанида келин излаб боши қотиб юрган Ойниса алланечук бўлиб кетди. "Хайрият, ўғлим ўз баҳтини толибди. Уларни тезроқ тўйларини ўтказишимиз керак. Токи уларнинг тақдири бизларникига ўҳшамасин, ўртада "чагир тиканаклар" пайдо бўлмасин", деган ўйга борди. Лекин бўлажак келиннинг қувалик экани ва унинг исми ҳам Ойниса экани уни аввалига ҳайрон қолдирди. "Нима кўп исмдош қизлар кўп. Қува ҳам Бағдоддай катта туман бўлса" деб қўя қолди ва ҳеч қандай ноўрин шубҳага бормади. Бунинг устига, келиннинг отаси эрининг эски таниши бўлиб чиққани, Қобилбекни ҳам яхши билиши, қиз билан бир коллежда ўқишаёттани уни хотиржам қилиб қўйганди. Шу туфайли келинни унаштириб оқлик олиш ишлари ҳам муаммо туғдирмади. Келиннинг отаси совчилар борганида ўзи уйда бўлмаса-да, хотинига уларни қийнамай оқлик бериб юбораверишини тайинлаб қўйган экан. Шу туфайли Ойниса эркак қуда билан учрашмади ва унинг ким эканлигини аввалига билмади. Бир куни эри, Ойбек амакиси ва икки қўшни эркаклар маслаҳатта бориб ҳам келишди. Эркакларнинг ҳам ишни осон ва енгил томонга битириб келганларидан бениҳоя қувонди.

Шундай қилиб, Қобилбек қувалик Рустам акасининг қизи, севгилиси Ойнисага фотиҳа қилинди. Лекин күёв бўлмиш бир иш қилиб қўйди. Бу унақа арзирли жиддий иш бўлмаса-да, ҳар ҳолда ёшлар учун табиий бир тадбир дейиш мумкин эди. У ўтаётган "Фотиҳа тўйи"ни ҳам, күёв жўралар учун қуда томондан бериб юбориладиган уйларидағи "тўқиз товок" зиёфати маросимини ҳам видео тасвирга туширтирган эди ва уч-тўрт кун ўттач, уни уйидагиларга қўйиб берди. Аввалига Ойниса видеога унчалик зътибор бермади. Овқатни еб бўлишгач, у эрига пиёлада чой узата бошлаган пайтда Қобилбек дадасига "Қаранг, дада, қудангиз билан турибсизлар" деб қолди. Ойниса не кўз билан кўрсингни, Нурбек билан самимий қўл ташлапиб қувалик Рустам турарди...

Ойниса қотиб қолди ва ранг-рўйи бўзариб қўлидаги узатилган пиёла товоқ устига тарақлаб тушди.

— Ҳа! Намунча қўпол бўлмасант-а! — дея уришиб берди эри.

— Секинроқда, ойи. Чўчитиб юбордингиз-ку, — деб қўйди ўрли ҳам.

Ойниса аввалига нима қиларини билмай довдираб қолди. Тили негадир калимага келмас, келса ҳам ўз овозидан ўзи қўрқиб кетадигандай ҳолатда эди. У ўзини ташқарига отди ва томорқаларининг зинг охирига қурилган қоронғу молхонанинг хашакхонасига кириб олиб ўқсиб-ўқсиб йифлай бошлади.

— Эй, худо! Бу энди қандай кўргулик?! Нималар бўляшти ўзи?! Ахир улар ака-сингил-ку! Энди нима қиламан? Тўйни қандай қилиб тўхтатаман? Наҳотки, уларга ўзим тўсиқ бўлсан, ўз қўлларим билан уларнинг баҳтини ўлдирсам?! Эй, худо! Эндинга рўшнолик кўрганимда нималар қип қўйдинг? Энди нима қиламан?! Дардимни кимга айтаман? Войдод!...

Ойнисанинг юриш-туришида кескин ўзгариш юз берди. Тўй тарафдудида хурсанд елиб-югуришларидан асар ҳам қолмади. У нима қиларини билмасди. Қон босими кўтарилиб ётиб қолди.

— Ҳа, тинчликми, ойи? — деб сўради Қобилбек шопапиша

— ... Сал мазам бўлмай қолди.

— Мен дўхтирип олиб келаман.

— Қўявер, ўтиб кетар.

— Ахир, тезроқ тузалишингиз керак. Сизни бугун бозорга олиб бормоқчи эдим-ку. Йигит "Ётиб олишга топган вақтингизни қарангү" дегандай ҳўрсиниб чиқиб кетди. Сўнгра Нурбек келди.

— Ҳа, Ойниса, тинчликми?

— Ҳа, бир оз...

— У ёқда ойим ҳам оғир ётиб қолганмиш. Тўйни тезлатмасак бўлмайди, шекилли. Сен билан ўтиб келсак бўлармиди.

— Ўзингиз Қобилжон билан бориб келаверинг, дадаси. Мен эртага ўтарман, — деди bemor иҳраб.

— Ўзингам "келинга бўлдик" деб жа мақтавординг-да. Участканиям манавинаقا қилиб дангиллама қилвориш шартмиди. Кўз ёмон нарса-да... Яхши бор, ёмон бор. Бўпти, мен ўтиб келаман.

Ҳайдотдек уйда Ойнисанинг ёлғиз ўзи қолди. Қизи ҳам бу йил университетта кириб олган, фақат шанба кунлари келарди. Ёлғизлик уни хотиржам қилди. Ҳар ҳолда тўйиб-тўйиб йиглаб олиши ва энди нима қилиш кераклиги ҳақида бемалол ўй сурини мумкин. Лекин ўйлаб ўйига етолмасди. Ёшларни ажратишга ҳеч қандай баҳона йўқ. Бунинг устига, қайнонаси ҳам оғирмиш. Неварасининг тўйини кўриб қолсин, деб тўйни тезлатишлари турган гап. "Эҳ, хомкалла, шунчалар шўр пешона бўламанми-я! "Келин қувалик" дейишганида кўнглимга келган эди-я" деган ўйлар ўтарди хаёлидан.

Ота-бала кампирни кўргани кетишди. Ойниса уларни кузатиб қоларкан изтиробдан пешонасини чиройли устунлардан бирига ишқади. "Энди нима бўлади? Йўқ, асло бу ишга йўл қўйиб бўлмайди. Нақд гуноҳи азимга ботаман...". Унинг ўйларини тасдиқлагандек Қўқон томондан яна одатий шамол турди ва бир уюм ҳазону ҳас-ҳашакларни чанг-тўзон билан қўшиб ерга ётқизилган гулдор плиталар бўйлаб олиб кириб келди. Олапар акиллаб норози гиншиб қўйди. Оиладаги бу ғалати ишлардан гўё ит ҳам жуда хафа эди.

Сон-саноқсиз хоналардаги қайси бир очиқ қолган деразаларнинг тарақлагани эшитилди. Учбурчаксимон қилиб

черепица билан замонавий қилиб қурилган чордоқлардан увиллаган овоз кела бошлади. Улар ҳам Ойнисанинг ҳозирги ахволини тушунғандек гүё нола қилишмоқда зди. Чордоқ нолаларига ҳамоғанг Олапар ҳам увиллай бошлади. Пахта далалари томондан чант-түзонлар уюми күтарилиб кела бошлади. Яна янги уйнинг хоналарини чанг босади, яна ҳайқотдек ҳовлинин супуриб-сидириш керак бўлади. Келинчакка зор эди бу уй...

Ойнисанинг кўзларидан ёш дувиллади. Устунга суюниб тиззалиб ўтириб қолди-да, фарёд чекиб йиглай бошлади. Ўзини гүё яна чимилдиқдагидек ҳис қилди. Ана у гүё пешонасини яна гиламга ишқамоқда... Ташқарида эса қайнонасининг қулоқни батанг қилувчи нолаю афғони жарангламоқда... Шу пайт у ичкарига кириб келиб "Ҳой, келин, сизга нима бўлди?!" дей қичқирмоқда...

\*\*\*

... Устун олдида ерга узала тушиб ўзидан кетиб қолган Ойнисанинг кўзи тепасида хавотир олиб сув сепиб турган Истроил акага тушди.

— Ҳой, келин, сизга нима бўлди? — дей қайта-қайта сўрарди у.

Ойниса ўзига келиб оҳиста қўзғалди ва оппоқ соchlарини тарқ этиб полдачувалиб ёттан рўмолини бошига ташлаган бўлди. Мўйсафид уни ўрнидан туришига ёрдамлашиб юборди.

— Мундоқ қарасам, дарвоза ланг очиқ. Чақирсан ҳеч ким жавоб бермайди. "Астағфуруллоҳ, нима гап экан?" деб хоналарни бир-бир қараб чиқаётувдим, тинчликми, келин?

— Ҳа, тинчлик.

— Бу уйнинг эркаклари қани? Шундай уйни ёлризлатиб бўладими?

— Қайнонам оғир эмиш, кўргани кетишиди. Менинг эса мазам бўлмай қолди.

— Худо сақласин. Тўй арафасида-я? Ўзингизни эҳтиёт қилинг, синглим? Тўй ташвишлари билан толиқиб қолибсиз, шекилли. Ўзингизни кўп уринтирманг. Худо хоҳласа эртадан

хотиним, қизимниям олиб келиб қўяман, улар то тўй ўттунича, худо хоҳласа, хизматингизни қилишади.

— Раҳмат, ака. Яхшиям сиз бор экансиз.  
— Тинчликми ўзи, келин? Анчагина ўзингизни олдириб қўйибсиз?

- Асти сўраманг. Айтиб бўлмайди...
- Нима? Қобилбек бирор...?
- Йўқ.
- Қани, ўтирайлик-чи.

Мўйсафид бирор жиддийроқ гап борлигини фаҳмлади.

— Россиядан бирор ҳабар борми?  
— Кошки шундай бўлслайди, — деди Ойниса қўзини олиб қочиб.  
— Айтаверинг, қизим, яширманг. Менга айтмасангиз — кимга айтасиз. Мен сизларнинг бир ҳолис, оиласвий дўст-биродарларингизман ахир.

Ойниса бир оз жим қолди. "...Ҳа-я. У бир бегона ҳолис киши бўлса. Эҳтимол унга бўлган ишнинг тўғрисини айтиб бирор маслаҳат олганим маъқулдир. Йўқса аламимдан адоитамом бўламан. Худо кўрсатмасин, қон босимим ошиб бирор нима бўлиб қоладиган бўлсам ёшлар барибир бир-бирларини топиб олишади. Унда гуноҳи азимга ботаман. У дунёда ҳам тинч бўломайман. Айттаним маъқул. Бу киши кўпни кўрган яхши одам. Тушунади".

— Исроил ака, — дея қўзига ёш олиб гап бошлади Ойниса.  
— Сизга ишонаман. Шунинг учун тўғрисини айтаман. Фақат бу нарса орамизда қаттиқ сир бўлиб қолиши керак.

Лекин аёл бошқа галира олмади. Елкалари силкиниб йиглаб юборди.

— Ҳай-ҳай, синглим! Ўзингизни босинг. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор. Мени ўз акангиздек кўраверинг. Худо хоҳласа қўлимдан келганича ёрдамимни аямайман. Қобилжон менинг ҳам ўғлим. Унинг ҳаётида ҳеч қандай муаммолар бўлмаслиги керак.

- Йўқ. У сизнинг ўғлингиз эмас...

— Ҳа, албатта, Нурбекники да. Мен эса... — деди у хижолат чекиб.

— Уяммас!...

Исройл ака бир дақиқа қотиб қолди.

— Үнда ким?

— Рустам акам!!!

— Қайси Рустам?

— Қудамиз...

Мўйсафид оғзи ярим очилиб, анграйиб қолди. Кўлидаги машинасининг калити "жиринг" этиб полга тушиди.

— Қ-қ-қанақасига?...

— ... Бу иш тўйгача бўлганди. Үнда Нурбек ака Россияда эди. Бизни ҳали унаштиришмаганди.

Мўйсафид бошини чангллади "Вой-вой!" деб қўйди у бошини "аттанг" дегандек чайқатиб. Бундай гапни кутмаганиданми у каловланиб, бўш хонтахта устига деярли ётиб қолди. "Чиқ-чиқ-чиқ... Ёмон бўптию" дер эди у тинмай,

— Нима, Рустамнинг қуда эканлигини билмаганидингиз?

— Йўқ. Кеча видеода кўриб қолдим. Кўрдиму...

— Бай-бай-бай! Шунинг учун ҳам чўэзилиб ётиб олган экансиз-да... Эрингиз, ўғлингизни бу гафдан...?

Ойниса "Йўқ" ишорасини қилди ва мўйсафидан најот излаб кўз ёшлари дувиллаб оқаётган нигоҳи билан илтижо қилгандек бўлди. Унинг қарашидан "Нима қиласиз энди? Бирор чорасини топинг" деган сўзни уқиб олиш қийин эмасди. Орага узоқ жимлик чўқди.

— Бу гап ростдан аниқми? — деб сўради ниҳоят мўйсафиднинг ранги бўзариб.

Исройл аканинг унга раҳми келди. "Эҳ ёшлик..." деб қўйди хўрсаниб ва аёлнинг елкасига қўлинни қўйиб ҳамдардлик изҳор қилди:

— Қўйинг энди. Бўлар иш бўлти. Энди бу ёғини ўйлайлик. Демак, тўйни тўхтатиш керак. Лекин шундай қилиш керакки, ёшларнииг дили дарз кетмасин. Ҳеч ким бу ишдан озор чекмаслиги керак. Шунинг учун бу ишга жиҳдий ёндошайлик. Йиғи-сиги билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди, келин. Энди ҳамма

тап ўзингизда, сизнинг матонатингизда. Сабр-тоқат қиласиз, чидайсиз, асабингизни жиловлайсиз. Мен ҳаммасини уддалашта ҳаракат қиласам. Лекин сизнинг ёрдамингизсиз ҳеч нарса қилолмайман Хўш, менга ёрдам берасизми?

— Худо хайрингизни берсин, акажон. Оиламизни сақлаб қолинг. Биз бу кунларга етишишни қанча орзу қилгандик. Пешонамиз шўр экан, — дея ҳўнграб юборди Ойниса.

— Ҳалиям кечмас. Бундан баттариам бўлиши мумкин эди. Хўш, бу ҳақида тўйдан кейин билганингизда нима бўларди? Яъни "ота кўрди" да Рустам бир гиламни кўтариб кириб келганида билишингиз ҳам мумкин эди-ку. Яхшиям шу "видео" деган матоҳ бор экан. Худонинг ўзи асрабди. Шунгаям шукур қилинг, келин.

— Худойимта шукур! — деди аранг Ойниса кўз ёшларини аргиб.

Шундай сўнг Истроил ака Рустам билан уларнинг илгари бўлган муносабатлари ҳақида батафсилоқ гапириб беришни илтимос қилди. Бу жуда муҳим эди. Ойниса талабалик давридаги ишқ савдолари, алам ва изтироблари ҳақида оқизмай-томизмай гапириб берди. Шамол туфайли чордоқдан келаётган гувиллаш овози Олапарнинг увиллаб "қўшиқ айтиши" ва аллақайси очиқ қолган деразанинг тарақлаб турипти гўё аёлнинг сўзларини тасдиқлаб тургандек эди.

— Рустамнинг фарзандли бўлганидан хабари бўлганмиди?

— Йўқ, Айта олмагандим.

— Бечора. Лекин сиз ўшанда ношудлик қилган экансиз. Айтиш керак эди. Ҳеч бўлмаганда унинг яқинларига етказишингиз керак эди.

— Қўрққандим. Бу ҳаётимдаги энг катта хатойим бўлганди. Лекин...

— Нима "лекин"?

— Рустам акам армияда қамалиб қолиб, олти йилдан кейин келди. Унда қизим ҳам бор эди.

— Э, тўхтанг... — деди у ва бир оз ўйланиб қолди. — Яхши "таклиф" айтдингиз: армия. Қобилбекни зудлик билан аскарликка юборсан-чи?

— Қандай қилиб? — сүради Ойниса. Унинг кўзларидан "Қани энди" деган сўзни уқиб олса бўларди.

— Бу ёгини менга қўйиб берасиз. Ҳарбий комиссар билан ўзим гаплашаман. Шу баҳона тўйни тўхтатамиз.

Шундай дея мўйсафида шашт билан ўрнидан туриб кетди.

— Бўпти, мен кетдим!

— Қаёқقا?

— Қаёқда бўларди, военкомнинг олдига-да... Бу бизнинг биринчи қадам. Ҳеч хавотир бўлманг. Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Қобилбекни барибир бу йил бўлмаса янаги йили чақиради-да. Шуни тезлатамиз, холос. Қолган ишларни кейин режалаштирамиз. Лекин, тс-с... — деди у пойабзалини оёғига иларкан "Бу ҳақида ҳеч кимга билдираманг" дегандек.

Ойнисанинг кўксига хотиржамлик шамоли теккандек бўлди ва ўзини анча енгил ҳис қилиб, аллақайси хонада тарақлаётган деразани маҳкамлаб ёпиб қўйиш учун илдам одим ташлади.

Кутилмаганда Қобилбекнинг аскарликка чақирилиши Ойнисадан бошқа ҳаммани довдиратиб қўйди.

— Нимаям қила олардик, ўғлим. Бу ҳар бир йигит кишининг бурчи-да, — деди отаси Нурбек.

— Бу йил бўлмаса барибир янаги йили чақиришлари мумкин эди. Келинчакни ташлаб кетишдан ёмони йўқ. Тўйни келганингдан кейин қилаверамиз, — деди Исройл ака Қобилбекнинг елкасини қоқиб.

Қобилбекнинг аҳволини эса тушунса бўларди. "Ахир қандай қилиб... Ишқилиб, Ойниса кутармикин? Кутмаса-чи? Бошқасига тегиб кетса-чи? Йўқ, ахир отаси бунга йўл қўймас. Майли, хизмат бўлса хизмат-да. Хат ёзишиб тураверамиз." деган ўйлар ўтарди йигитнинг хаёлидан.

— Ой бориб, омон кел, болам. Худо хоҳласа келишингта тўй учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўяман. Келишинг билан тўйни ўтказамиз, — деди Ойниса ҳам таскин берган бўлиб.

Бироқ Ойбек бу ишларга куйиб-пишиб қаршилик кўрсата бошлади.

— Ахир онамиз Қобилбекнинг тўйини кўриб қолишлари

керак-ку. Мен военком билан гаплашаман. Уни бир йилга қолдириб туради. Иннайкейин ҳозир бориши шарт эмас. Пулинин тұланса бас, "Альтернатив хизмат" деганиям чиққан.

Исроил ака қараса иш бошқа ёқда айланиши мүмкін. Шу туфайли отни қамчилади:

— Тұғыр айтасиз, Ойбек. Қани, машинага үтириңг, бирға бориб гаплашиб келамиз.

Улар туман маркази томон боришар экан, Исроил ака машинани бир четтә тұхтатди-да гап оғди:

— Ойбекжон. Гап бундоқ. Бу ҳозирги ёшларни білмас эканмиз. Келин құргұр Қобилюнға шарт қўйғанмиш.

— Нима деб?

— Аввалинда хизмат қилиб келасиз, деганмиш. Шунинг учун Қобиљ ўзи ҳарбийликка ариза берибди. Биласиз-ку, бунақа гапларни фақат менга айтади. Мен ҳозир унинг ота-онаси олдидә гап-сүз бўлмасин деб индамай қўя қолдим. Сиз ҳам ҳеч нима деманг, илтимос. Ёшлар ўзи ҳал қилишсин. Онангизни худонинг ўзи асрасин.

Ойбекнинг аввалига жаҳди чиқди. "Оббо, аҳмог-еј Ҳозирдан хотинининг измидан чиқмайдиган бўлса..." деб қўйди у гудраниб.

— Сиздан илтимос, бу ҳақида укангиз билан келинингизга ҳам айтмай қўя қолинг. Эшитишса хафа бўлишади.

— Куда томонга нима деймиз?

— Ўзим тушунтираман. Улар тушунадиган одамларга ўхшайди.

Ойбек чуқур хўрсиниб қўйди.

— Үнда нима қиласиз военкомга бориб?

— Ҳа. Мен сизни уйингизга зәтиб қўя қоламан. Кейин қайтиб келиб буларга "Иложи йўқ экан" дейман.

— Майли. Яна бир гап бор.

— Қанақа гап?

— Россиядан хат келган. Наташанинг соралиғи ёмонмиш.

— Оббо...

— Шунга укамнинг етиб боришини қаттиқ илтимос қипти.

— Ҳай-ҳай, бу ҳақида ҳозирча ҳеч кимга чурқ этмаганингиз

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

маъқул. Айниқса, онангиз билмасинлар. У киши соғайиб кетсинлар, кейин бир гап бўлар.

— Хўй, шунаقا қиласиз шекилли... Наташани ҳам ўғли билан тўйга чақирмоқчи эдим.

— Ҳа, уларни, албатта чақирамиз. Ахир акаси укасининг тўйини кўрмаса бу қандай гап? Менга қолса акасигаям шу ердан келин топишга ҳаракат қилиб кўрадим.

— Қанийди. Нима бўлсаям у ҳам жигаримизда... Онаси кўнса эди.

— Россияликларнинг удумига кўра, ўғил вояга етдими, боши оқдан томонга қараб учирма бўлиб кетаверади.

— Демак, уни олиб келишга умид қилсак бўларкан-да.

— Бўлмасам-чи. Унга хабар қилинг... Уканг аскарликка кетяпти. Бир келиб кет дeng. Эҳтимол аввал ўша сарик жиянингизни уйлантиравмиз, — деди мўйсафид ва хохолаб кулиб юборди.

Унинг кулгиси самимий бўлиб, гўё замирига алланималарни режалаштиргандек сирли эди...

Эртаси Истроил ака "Қаердасан Куба?" дея келинникига томон йўл олган бўлса, албатта куёвтўра куттилмаган хабарни етказини учун келиннинг ўқиши томон жўнаб кетди. Нурбек эса онасидан хабар олгани Ширинсойга қараб жўнади. Бироқ у кўпроқ россияликларга тўйининг қолдирилганлиги ҳақидаги хабарни Ойбекнинг уйидаги телефон орқали тезроқ етказиб қўйишга ошиқмоқда эди. Аввало у Наташадан ҳол-аҳвол сўраб қўйишни ўз бурчи деб биларди. Ҳар ҳолда у аёл оғир кунларида қаради, ювиб-таради. Бор будини аямади. Қани энди имкони топилсаю "қанот чиқариб, учиб" борсаю ўғли Нурбекни ҳам бағрига боса олса. "Катта йигит бўлиб қолгандир" деган ўй ўтарди унинг хаёлидан.

...Ойнисани қуданикида қолдириб, Истроил ака ўзи фермер Рустамни қидириб дала томон кетди. Одамлардан суринтириб ниҳоят уни топиб борди.

— Мени Ойниса юборди, — деди Истроил ака бир четдаги сўрига ўтиргач, фотиҳа қиларкан.

— Қизимни айтгапсизми?

Мўйсафид шопшилмади. У ёқ-бу ёқ қараб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач:

— Йўқ. Сизни чимилдиқда кўришдан бенасиб бўлган Ойнисадан салом, демоқчиман, — деди у дабдурустдан.

Рустам сапчиб ўрнидан туриб кетди. Истроил ака "ўтиринг, ўзингизни босинг" дея қўли билан ишора қилди.

— Рустамжон, мени ҳамма гапдан хабарим бор. Лекин қудангиз бўлмишнинг дўсти сифатида унинг шахсий илтимоси билан келдим.

— Қанақа илтимос? Ойнисанинг ўзи қани?

— Ҳозир сизникида. Хотинингиз билан маслаҳат қилгани қолган.

— Нима ҳақида?

— Тўй ҳақида.

— Унда, юринг уйга борайлик.

— Йўқ, шопшант. Гап бор.

— Қанақа гап? Эски гапларни қўзғапнинг нима кераги бор?

Тушунмадим...

— Ҳаммасини ҳозир тушунтираман. Фақат ўзингизни босинг. Қон босимингиз жойидами ишқилиб?

— Жойида, лекин...

— Қобилбекни аскарликка чақиришлатти.

— Ие! Шунга шунча ваҳимами? Ҳечқиси йўқ, — деди Рустам. Унинг чехраси бир оз ёришгандай бўлди.

— Ҳа. Тўйни қолдиришга тўғри келади. Лекин бутунлай...

— Сабаб?!

Истроил ака бир оз жим қолди ва теварак-атрофга яна бир бор хавотир қараб қўйди.

— Очиқ-ойдин гапираёттаним учун аввалига узр сўрайман, ука. Вазият шунни тақозо қилиб қолди, иложсиз келдик. Тўғри тушунинг.

— Одамни хит қилмай гапиравермайсизми?

— Ўзингизни босинг, фақат асабийлапшант, илтимос.

— Нима, қизим...?

— Йўқ. Қизингиз олтиндек соғ ва гуноҳсиз.

Рустамнинг сабр-тоқати қолмади. У яна ўрнидан туриб кетди ва суюниб турган ёстиқ жилдини асабий ғижимлаб, бир четта итқитди.

— Акажон, илтимос. Гапни чўзмайлик. Тўғрисини шартшарт айтиб қўя қолсангиз-чи!

— Бўпти. Сизга бир саволим бор. Фақат ўйлаб, тўғри жавоб беринг.

— ...?

— Армия хизматига кетаёттан кунингизни ва ўша охирги тунингизни эслай оласизми?

Рустамнинг кўзларидан олов чақнагандек бўлди. У бир нарса дея олмай лаблари титради ва туриб у ёқ-бу ёқ, асабий юрди. Яна ўтириди.

— Нима, сизни шу ишдан ҳам ҳабарингиз борми?

— Ҳа. Мен Ойнисанинг энг яқин дўстиман. Бу сирни у фақат менга айтган, ҳолос.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Қобиљон сизнинг ўғлингиз экан... — деди мўйсафид чукур хўрсиниб.

— Н-нимади! — дея олди Рустам ва ғижимланган ёстиқقا юзини босиб ёнбошлаб қолди.

— Ўзингизни кўлга олинг, Рустамбек. Бундан баттари ҳам бўлиши мумкин эди. Тақдирнинг ўйинини қаранглар-а, тавба! Келиб-келиб ёшларнинг топишиб қолишганини.

Рустам бошини маҳкам чангллади. "Бўлиши мумкин эмас..." "Нега энди?" "Ахир у?" дея тинимсиз тақрорларди у.

— Ойнисанинг айби шуки, у сизга бу ҳақида айттолмаган. Эри бўлса, билса ҳам уни ҳайдаб солмаган. Эҳтимол шунинг учун ҳам унинг Ойнисага ва болаларига ҳеч қандай меҳри бўлмаган. Ана сизга очиқ, лекин аччиқ ҳақиқат. Қолган ишлар ўзингизга аён бўлса керак. Яхшиям "ёнғининг" одини олиб қолдик. Бўлмаса ҳаммамиз алангада, дўзажий гуноҳи азимга қолармидик.

Рустам ўзини босиб олди ва оҳиста келиб Исройл акани кучди:

— Раҳмат сизга.

— Раҳмат демант. Ахир мен сизнинг тўйингизни буздим-ку... Қобилбекни мен ҳам ўз ўғлимдек кўраман. У билан биз оғир кунларда ота-бала тутинганмиз. Ментаям осон тутманг. Ахир қайси ота ўз ўғлининг тўйини бузади?

— Раҳмат сизга. Ўғлимни топиб берганингизга ...

Улар беихтиёр кўзларига ёш олишди ва узоқ ҳамсұхбат бўлишди.

\*\*\*

Рустам Истроил акани уйига боплаб келганида икки аёл ҳам хомуш ўтиришарди.

— Келинг, яхши юрибсизми, қуда? — деди Рустам Ойнисанинг кўзига тик қарай олмай.

— Раҳмат, худога шукур.

Улар даврага ўтириб фотиҳа қилишди. Рустам меҳмонларни дастурхонга жалб қилди.

— Ҳечқиси йўқ. Тўйни қолдирсак қолдирибмиз-да. Буни тақдир-насиб дейдилар. Лекин бутун меҳмон бўлиб қетасизлар. Кейин биз ҳам борамиз, — деди Рустам нон ушатар экан. Хотини эса меҳмонларга чой узатди.

— Қани, олишиб ўтиринглар... Кўйлакларнинг ярмини тикиб бўлишган эди, эсизгина.

— Айт, тўхтатишпин. Кейин модаси ўзгариб қолади, — деди Рустам кескин "Тўй ҳақида гапирма" деган маънода.

— Қизимизнинг ўзи ҳам ўқишини университетда давом эттирмоқчи эди. Сизлар келгандаринг учун "йўқ" дея олмаган эдик-да. Ҳечқиси йўқ, ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз.

Ойниса Истроил аканинг кўзларига зимдан нитоҳ ташлади ва улардан "Хаммасини гаплашдик, хавотир олманг" деган сўзларни уқди ва томорини маъноли қириб олиб чойдан хўплади. Рустамнинг хотини эса ҳеч нимани англамади. У бу пайтда аскарликка кетаётган куёви ва хижрон азобида қоладиган қизи ҳақида қайғурмоқда эди. "Отаси нима деса, шу-да" дерди у хаёлан.

Рустам меҳмонларни кузатар экан, қалбининг тўридаги бир оғир дардни ҳис қилди ва бу дард ўқтин-ўқтин гўё нишини санчиб олаёттандек оғир эди. Томоги ҳам хиппа бўғилди.

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

Чаккасидан тұхтосиз тер оқа боплади.

— Аскар кетадиган күнни билиб қолайлык, — дея олди у аранг.

— Албатта. Ўзим қўнгироқ қиласман. Ойниса, ўтириңт, — деди Исройл ака чуқур мулозамат билан хайрлашаётган хотинларга қаратса.

Рустам орқа эшикни очди. Нигоҳлар тўқнашди: "Раҳмат сенга, Ойниса. Ўғлимни авайлаб-асраганинг учун" деди у фикран ва титраётган лаблари жилмайгандек бўлди. Ойнисанинг ҳам кўзларидан беихтиёр ёш думалади. "Раҳмат сизга Рустам ака Борингизга шукур" дегандек бўлди. Мўйсафид нигоҳий гап-сўзларга тезроқ чек қўйгиси келдими, "Хўп, хайр, бўлмаса" дея педални босди.

— Вой, эсизгина, дадаси. Кўрпаларниям қавитиб қўйган эдим-а, — деди.

— Ҳечқиси йўқ. Магазинда тойпахта кўп. Ўзим элтиб бераман.

— Унда одамлар нима дейишади?

— Нима дейишарди. "Тўй бўлмас экан, яна қизнинг боши очиқ экан" дейишади-да.

— Қизингизга нима деймиз-а, дадаси.

— У ўқишини давом эттираверади. Кейин бир гап бўлар. Ҳа, айтмоқчи, мени яхши кийимларимни олиб беринг. Ҳокимликка йигилишта боришим керак.

Рустам кийиниб шаҳарга, яъни қизининг олдига жўнади. У қизи Ойнисани ётогидан топди. Ойниса юм-юм йирлаб ўтирган экан. Дарсга ҳам чиқмабди. "Демак, тўйи қолдирилганидан хабардор".

— Ие-ҳа? Намунча?.. — деди Рустам қизининг сочини силаб. — Хафа бўлма, қизим. Ҳаётинг ҳали олдинда. Ҳеч нима бўлгани йўқ. Лекин инсон биринчи муҳаббатта камдан-кам осонлик билан етишади. Билсанг, мен ҳам бир вақтлар худди шунаقا аҳволга тушганман.

Киз қизарган кўзлари билан дадасига ишонқирамай нигоҳ ташлади.

— Ростданми? — деб сўради аранг.

Рустам чүнтагидан дастрўмolini олиб қизининг кўз ёшлари ва бурнини меҳр билан артиб қўйди.

— Ростдан. Ойингни танимасдан аввал мен политехника институтида ўқирдим. Бир қиз билан қаттиқ севишганмиз.

— Кейин-чи? — деб сўради Ойниса. У дадасининг муҳаббат тарихига қизиқиб қолганди.

— Кейин бизнинг ҳам тўйимиз бўладиган бўлди, — деди Рустам шошилмай ўзидан қўшиб. — Лекин бўлмади...

— Нега?

— Мени тўсатдан армияга олиб кетишли. Икки йилга. Бироқ армияда бир ишқал қилиб қамалиб қолдим. Яна беш йил қолиб кетдим. Келсам маъшуқамни ота-онаси қўймай эрга беришибди. Бир ўрил, бир қизлик бўлган экан.

Қизнинг кўзлари жовдиради.

— Кейин-чи, ойимга уйланганмисиз?

— Ҳа.

— Нима, ойимни севмаганмисиз?

— Йўғ-е, нималар деяпсан. Аввали қиздан ҳам кўра кўпроқ яхши кўрганман. Билсанг, илк муҳаббат юзакироқ, ўта ҳавасли бўларкан. Кейингиси ўзингни тутиб олганингдан сўнг, ҳаётнинг баланд-пастини кўриб, эсингни таниб олганингдагиси ҳақиқий бўларкан. Айтишларича, оила бузилишлари, ажралишлар кўпроқ биринчи муҳаббат туфайли қурилган оиласарда рўй берармиш.

— Бу билан нима демоқчисиз, дада?

— Оила қуришга шошилмай, бизнинг давримизда ўқишининг давом эттирганинг маъқул, демоқчиман. Сендан илтимосим шуки, ҳаёлингни бемаъни ўйлар билан чалгитма. Фикрингни бир жойга йигиб бемалол тестларга тайёргарлигингни кўравер. Тайёрлов курсларига кир. Контракт асосида бўлса ҳам кириб олсанг бўлгани. Сендан ҳеч нимани аямаймиз, қизим.

Қизнинг намли кўзларига майин табассум инди. “Раҳмат, дадажон” дея дадасининг бўйнига осилди. Рустам қизини маҳкам бағрига босди.

— Кечир, қизим... Ҳали ҳаётинг олдинда. Ўзингни эжтиёт

қил. Эхтиросларга берилма. Юр, уйта кетамиз. Уч-түрт кун дам олиб келасан. Мен раҳбарингдан жавоб оламан.

— Хұп. Кейин мени машинантында кутиб тұра қолинг.

Ойниса Қобиљеккә изтиробларға тұла, лекин қисқа баён этилган мактуб ёзуб қолдирмоқчы бўлди. Чунки унинг бутун-эрта яна келиб-кетиши аник. "Бу ишқ савдоларига қатъий чек қўймогим зарур. Энди дадам нима десалар шундай қиласман" ўйлади Ойниса бир қарорга келиб.

\*\*\*

Истроил аканинг ҳам, Ойнисанинг ҳам бошлари қотди. Келин томонку бир нави, уни Рустам ўз зиммасига олган. Лекин Қобиљек юрагида ёнаёттан мұҳаббат алғасини ўчириш, ошиқ йигитни маъшуқасидан бездириш — бу жуда мушқул масала эди. Аскарликка тараффудланаёттан Қобиљек бу соҳада илк зарбани севгилиси Ойнисанинг ўзидан еди. Унинг дугоналари қиз ташлаб кеттган мактубни қўлига тутқазишар экан, Ойниса тўсатдан ўзгариб қолганини ва уни дадаси келиб олиб кеттанини айтишди.

— Тинчликмикин? — деб сўради Қобиљек таажжуб билан.

— Билмасак. Мазаси қочиб қолди, шекилли, — деди Мұҳаббат.

Йигит бетоқат бўлиб Қува сари йўл солди. У нима қиласини билмай Ойнисалар турадиган ҳовлининг олдидағи кўчада ўша бойчечак тергани боришганда бирга рақста тушган мусиқани баландлатиб олиб у ёқ-бу ёқ томон оҳиста ўтаверди. Унинг келганини албатта Ойниса билди ва дераза дарпардасини хиёл очиб таниш машинага кўзи тушди. Лекин чиқмади. Қулоқларини пар ёстиқларга бостириб ётаверди. Яхшики, дадаси келиб қолди. Бўлмаса ким билади, "Нексия" яна қанча "тентирарди?". "Чиндан ҳам касал бўлиб қолган бўлса уларнинг ғашига тегмай қўя қолай. Яхшиси, бориб ойимга айтаман. Эртага келиб нима гаплигини билиб кетишади" деди йигит ва алам билан машинага қаттиқ газ босди. Резина бўлганига "қаттиқ пушаймон" ғидирак шиналари жилови тортилган отек чийиллаган овоз чиқарди-да, ғизиллаб олға «сакради».

Қобиљек уйга келгач, баттар сиқилди. Ойисининг қон

босими ошиб түшакка михланиб ётар, бир томонда эса энасининг ҳам аҳволи оғир эди. "Нима бало, булар ҳаммаси келишиб олишганми? Худли атайин ётиб олишгандек-а, — деб қўйди фикран йигит ўзича жаҳл қилиб. — Эҳ, яна аскарликка чақиришганини. Энди шу етмай турганди! "

Яхшики Истроил aka жонига оро кирди. У йигитнинг ҳолатини зимдан кузатмоқда эди. "Демак, келин бола билан ораларидан "муроса қочтан", Рустам бирор чорасини кўраётган, шекилли" деган ўйлар ўтди мўйсафиднинг хаёлидан.

— Ҳа, Қобилбек, кайфиятинг чатоқроқ?

— Шундок, ўзим...

— Ҳафа бўлма, ҳаммаси ҳали яхши бўлади, — деди у йигитнинг елкасига қўлини қўйиб.

— Кўриб турибсиз-ку... — деди Қобилбек хўрсиниб ва истар-истамай ён чўнтагидан Ойнисанинг хатини чиқарди.

Истроил aka бу ҳолатни тушунди. "Демак, Ойниса орадаги муносабатларни узиш тўғрисида ёзган бўлса керак. Баракалла, жа ақлли қиз экан" деб қўйди у ўзича.

— Бу гапдан мениям оз-моз хабарим бор, — деди Истроил aka салмоқланиб. — Рустамжон эрталаб қўнғироқ қилувди.

Йигит "ялт" этиб устозига қаради. Унинг ўтли нигоҳида "Нима гап? Нима учун" деган савол аломати яқдол сезилиб турарди.

— У киши нима деди?

— Юр, ичкарига кирайлик Ойинг эшитмасин, — деди Истроил aka ва "Бор, таваккал" дея Ойниса билан тузиб қўйган режани амалга оширишни бошлади.

— Бир гап айтаман. Фақат ўзингни қўлга ол, ўғлим, — деди мўйсафид жойлашиб ўтириб оларкан.

— Ҳаёт, инсон умри шундай мураккаб нарсаки, пешонамизга қанақа тақдир ёзилганини олдиндан била олмаймиз. Мана, сен ўша қиз билан топишганинг бу бир тақдир, лекин...

— Нима "лекин"? Гапираверинг.

— У қизнинг тутма нуқсони бор экан.

— Нима?! — дея ҳайқирди Қобилбек қўзларини ола-кула қилиб.

Истроил aka афсуслангандай шапиллатиб тиззасини уриб қўйди.

— Н-німа, даволаб бұлмас эканми?! — сүради Қобилбек ҳаяжон билан. Бу ҳаяжон замирида "Даволаш учун қанча пул зарур бўлса тўлашга тайёрман!" деган маъно бор эди.

Мўйсафиғ атайнин жавоб беришга шошилмади, тиззасига яна уриб чуқур хўрсаниб қўйди:

— Ҳамма гап шунда-да... Юрагида дарди бор экан. Катта дўхтирлар шундай дейипибди. Эрга тегиши мумкин эмасмиш. Бунга рухсат йўқмиш, — деди у ва йигитнинг елкасига ҳамдардлик билдирган маънода қўлини қўйди. — Эртага юкларимизни қайтариб юборадиган бўлишди. Энди у қизни безовта қилма, илтимос. Ўзинг ақлли, эсли-хушли боласан-ку. Шунга онанг ҳам ётиб қолди. Униям энди ортиқ қийнама. Ҳали ҳаётинг олдинда. Аскарликни бемалол ўтаб келавер.

— Ахир мен қандай қилиб?! — деда ҳайқирди йигит ва йиглай бошлиди. Мўйсафиғ бу оғир дамнинг бўлишини олдиндан билгани учунми, уни маҳкам бағрига босди. "Энди нима қиласман, тоғажон?! " деда бақириб йиглар эди йигит.

— Ўзингни бос, ўғлим. Бу ҳақида отант эшитмай қўя қолсин. Униям ғам-ташвишга қўйма. Ўзинг ақлли боласан-ку, — деди мўйсафиғ йигитнинг орқасини силаб. У бу маҳалда ҳақиқатдан ҳам Нурбекнинг кириб қолишидан хавотир олмоқда эди. — Юр, онандан ҳол-аҳвол сўраб қўй. Бечора, эзилиб тамом бўлди. Ўзингни бардам тут, аскар йигит. Ҳали ҳаммаси яхши бўп кетади. Менга ишонасанми?

— Ҳа.

— Раҳмат, ўғлим. Хўш, ойингни кўриб қўямизми?

— Кетдик.

Ойниса ўғлининг бўйнига маҳқам осилиб йиглаб юборди.

— Қўйинг, ойижон, йигламанг. Буям бир кўргилик-да...

— Ҳа, ёмон бўлди, — деди Исройл aka қўшилиб.

— Ўғлим, сендан илтимосим шуки, энди у қизни ўз синглингдек кўргин, хўпми?

— Хўп... Сиз бошқа мендан ташвиш қилманг.

— Тақдир-насиб деб бекорга айтмайдилар-да. — деди мўйсафиғ. — Бўладиган иш бўлганида ўзи тез битиб кетарди. Эҳтимол аскарликка чақиришлари ҳам бежиз эмасдир. Нима

ҳам қила олардик, "Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиидир" дейдилар...

\*\*\*

Кўп ўтмай Қобилбек аскарликка жўнаб кетди. Ойниса ниҳоят ташвишлардан ҳоли бўлиб кўнгли хотиржам торти. Бир ой ўтгач, Ҳури ая қазо қилди. Бироқ қирки ўтгунича Нурбек аранг чидади. Қадрдон Олтой ўлкасининг оҳанрабоси уни тинимсиз ўзига чорламоқда эди. У Ойбекни ўртага солиб Россияга гўё кўзини яна дўхтирларга кўрсатиб келиш баҳонасида "Тез қайтаман" деб жўнади. Лекин Россияда узоқ қолиб кетди. Исройл ака бу даврда қўшни туманлардан бирида янги коллеж қурилиши объектини тендер асосида ютиб олиб қурилиш ишларига қаттиқ банд бўлди. Ҳайҳотдек ҳовлида яна Ойнисанинг ёлғиз ўзи қолди. Фақат қизигина таътил пайтлари келиб туради, холос.

Рустам вилоятда таниқли фермерлар сафига ўтди. Айтишларича, қизи тиббиёт институтига ўқишига кирганмиш.

...Яна хўролар бир хил қичқириб, янги тоңглар отаверди. Кўкон томондан шамоллар ҳам беармон эсаверди. Этасини йўқотган Олапар эса тинчини йўқотди. У тунлари тинимсиз у ёқ-бу ёқ чопар, баъзан ойга қараб тўхтовсиз ҳуарар ва ўзининг соғинч тўла дардларини европача чордоқлардан чиқаёттан овозларга ҳамоҳанг қилиб увиллашни одат қилиб олганди. Келинчакнинг қўлини соғинган ҳовли бўйлаб эса хазону хас-хашаклар тўзон бўлиб шитирлашиб айланишар, қайси бир очиқ қолган деразанинг дарчаси яна тинимсиз тарақларди.

Узоқ-узоқларда, ўша, шовиллаб тинимсиз тебранаётган тераклар ортида бошини кўтараётган заррин қуёшнинг нурларига тикилганича уйнинг балаңд ва муҳташам айвонида юрган Ойнисанинг ёноғидаги кумушранг соchlарини шабода еллари торқилар экан, оиласининг қачонлардир яна бут бўлиши ва яна қачонлардир бу салобатли уй саҳни набираларининг қий-чувига тўлиши ҳақида ўй сурар, аёлнинг юраги бу дамда ўзгача фараҳбахш ҳаяжон, умид ва ишонч билан лиммо-лим эди...

ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

Буни умр дерлар, кундузли, түнли,  
Буни умр дерлар, шодли, қайғули...

### III ҚИСМ

## ИЗТИРОБ ВА ИНТИХО



## ТАВҚИ ЛАЪНАТ ТАҲДИДИ

Қобилбек аскарликни Чирчиқда — ҳарбий десантчилар қисмида ўтай бошлади. Ўқув машгуулотлари ва турли спорт машқлари билан кўпроқ банддиги учунми, ҳар ҳолда ишқий муаммолардан бир оз чалғигандай бўлди. Бироқ деярли ҳаммаси балорат ёшидаги сафдош ўртоқлари билан сухбатларнинг мавзуси кўпроқ севги-муҳаббат, уйланиши ёхуд қайси бир йигитнинг ўз севгилисига мактуб ёзаёттани, бошқасининг эса маъшуқасидан хат олганини кўриб-билиб баъзан унинг кўз ўнгига Ойнисанинг кулиб турган чеҳраси “ярқ” этиб намоён бўларди.

У бор-йўри икки ой, уч ой чидади. Бу орада, албатта, онаси билан икки маротаба хат алмашди. Ойбек амакиси ва Исройл акалар билан ҳам телефон орқали гаплашди. Лекин улар Ойниса ҳақида лом-лим дейиппмади, у қиз ҳақида бирор нима сўрашга ботина олмади. Энди Қобилбекнинг қалбини яна изтироб эгаллай боплаганди. У бўш қолди дегунича ҳарбий билетининг жилди орасига солиб олган, ўша, бойчечак териб юрганларида тушган суратни олиб узоқ термулиб ўтирадиган одат чиқарди. Кунлардан бир куни Рассоқ исмли сафдош ўртоги унинг бу одатини пайқаб қолди. У хизматта политехника институтини тамомлаб келган, асли олтиариқлик ўқимишли йигит эди.

— Қани, мен ҳам кўрайин-чи, — деди Рассоқ қўлини узатиб.

Қобилбек беихтиёр суратни узатди.

— Ўҳ-хў, қаерда тушгансизлар?

— Олтиариқда.

— Йўр-е, шунаقا жой бор эканми?

— Ҳа. Повулон қишлоғининг тепасидаги адирлиқда.

Бойчечак тергани чиққандик.

— Бу қиз қаллиғингми?

— Ҳа... Лекин энди ҳаммаси тамом.

— Нега?

Қобилбекнинг ўз муҳаббат тарихини сўзлаб бермасдан иложи қолмади. Уни тинглагач, Рассоқ бир оз ўйланиб қолди.

- Тұхта, — деди у бир оздан сүнг. — Қизнинг қаери касал экан, дединг?
- Юраги.
- Юраги касал бўлса эрга тегиш мумкин эмас деб ким айтибди?
- Докторлар-да, ким бўларди?
- Бўлмаган гап. Бунақасини энди эшитишпим. Унга қўйилган диагнозини ўз кўзинг билан кўрдингми?
- Йўк.
- Ўзи ҳозир тиббиёт институтида ўқияпти, дейсанми?
- Ҳа, Андижонда.
- Нима, ўқиса бўлаверарканми?
- Билмасам.
- Сен худбин экансан, — деди Рассоқ тўсатдан ва ўрнидан туриб кетди.
- Нега?
- Биринчидан, бу ерда бошқа сабаб бўлиши мумкин. Сен уни охирига етмагансан. Иккинчидан, ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган тақдирда сен у қиздан нега хабар олмай қўйдинг? Данғиллама участкам бор, машинам бор дейсан. Эҳтимол у қизнинг даволанишга пули йўқдир. Учинчидан, сен чиндан ҳам севсанг, касалми, ўсалми, нима бўлсаям тақдирингни у билан борлашинг керак эди. У ҳам ахир умид билан дунёга келган. Бир кун бўлсаям баҳти бўлишга унинг ҳам ҳақди бор. Тўртингчидан, акаси, тиббиёт институтига касалвандларни қабул қилишмайди.

Қобилбек бошига бирор гурзи билан ургандек ҳис қилиб сапчиб ўрнидан туриб кетди.

- ...Б-бу тўғрида сира ўйламабман ҳам.
- Бу ерда бошқа бир сабаб бўлса керак, — деди Рассоқ ўзича хулоса қилиб.
- Қанақа сабаб бўлиши мумкин?!
- Жаҳдинг чиқмасин. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қизнинг ўзидан сўра. Унга ҳол-аҳвол сўраб хат ёз. Яна ўзинг биласан, дўстим. Бу сенинг шахсий ишинг.

Раззоқнинг фикрлари Қобилбекни жиiddий ўйлантириб қўйди. «Ҳақиқатдан ҳам мен нима учун Ойнисанинг касаллигини била туриб ундан хабар олмадим. Ахир бу одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди-ку. Мен ҳақиқатдан худбинман. Раззоқ тўғри айтяпти» — деди йигит хаёлан ва зудлик билан тумбочкадан қоғоз олди-да, изтиробларга тўла илк мактубини бита бошлади.

*“...Мени минг бор кечиринг, Ойниса. Сиздан хабар ололмадим. Туну кун хаёлим сизда. Агар аскарликка келмаганимда сизни барибир топиб олардим. Шуни билингки, мен сиз билан дошмо биргаман, дарсларингизга шерикман. Сиз, албатта, тузалиб кетасиз. Умидингизни сўндираманг. Ахир ўзингиз бўлгуси шифокорсиз-ку. Ўз дардингизни чукур ўрганинг, илтимос. Билингки, мен сизнинг тақдирингизга бефарқ эмасман. Сизсиз ўз ҳаётимни тасаввур ҳам қила олмайман. Келинг, бундан бўён ҳеч бўлмаса ҳам ёзишиб турайлик, бир-бirimизга галда бўлайлик. Сизни солиниб, Қобил”.*

Орадан бир ойлар чамаси ўттач, Ойнисадан жавоб мактуби келди. Қиз ундан хат ёзиб эслагани учун курсанд бўлганини, ундан сира хафа эмаслигини, соғлиги ҳақида қайғургани учун миннатдор эканини, аслида эса бутунлай соппа-соғ эканини баён қилиди.

- Қиз ўзининг касаллигини билармиди? — дея сўради Раззоқ жавоб мактуби билан танишиб чиқаркан.
- Хайронман, — деди Қобил елкасини қисиб.
- Менимча, ўзи билмайди ёки бу ерда бошқа гап бор.
- Қанақа гап бўлиши мумкин?
- Сен ўзи қизнинг қасаллиги ҳақида кимдан эшигтсансан?
- Истроил акадан.
- Ким у?
- Бир қадрдан акам. Ие, тўхта, менда унинг телефон рақами бор. Унинг қурилиш бригадаси бор. Тошкентда ишлаёттан бўлишлари ҳам мумкин.
- Бу бошқа гап. Эҳтимол у киши сени алдагандир?
- Э, йўқ. Мен у кишига ишонаман.

— Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Баъзан энг ишонган одаминг ҳам панд бериб қўяди.

Кобилбек Рассоқнинг турткиси билан ўша куниёқ Исройл акани излашга тушди. Ниҳоят, у билан телефон орқали боғланди.

— Алло, соғ-омонмисиз, устоз?

— Раҳмат, худога шукр, хизматларинг яхшими?

— Ҳа, яхши. Бир маслаҳатли иш чиқиб қолувди. Ҳозир қаердасиз?

— Фарғонадаман, тинчликми?

— Тошкентда бўлсангиз якшанба куни ўтмоқчи эдимда.

— Зарур бўлса етиб бора қоламан.

— Йўқ, шарт эмас. Сиздан бир нимани аниқламоқчиман.

— Нимани?

— Аnavи... ҳалиги, нимайди, Ойниса тўғрисида.

— Ойинг тўғрисидами?

— Э, йўқ, қувалик-чи?

— Хўш-хўш?...

— Ўша қиз чиндан ҳам касалмиди?

— Ҳа-ҳа, нимайди?

— Буни сиз кимдан эшитган эдингиз?

— Оббо... Энди, ука, ўттан ишни эслашнинг нима кераги бор? Уни унуттиш керак.

— Ҳақиқатдан ҳам касалмиди ё бошқа сабаби бормиди?

Шуни аниқ билмоқчиман, тоға.

— Касал у, касал.

— Қайси дўхтири айтди?

— Қайси бўларди. Ўша ўзларининг қишлоқ дўхтири-да. Сен, бола, хаёлингни бекуда чалғитма. Бўлти, соткамнинг пули тутаб боряпти. Кейин ўзим қўнғироқ қиласман.

— Хўп, раҳмат. Хайр, соғ бўлинг.

Будка ичида Рассоқ иккиси туришар. Дўсти ҳам телефон орқали бўлган сұҳбат ҳақида мулоҳаза юритмоқда эди:

— У кипши сендан барибир ниманидир яширяпти шекилли. Ҳих, қишлоқ дўхтири айттанмиш.

Қобилбек оғир хүрснинб қўйди. Телефон будкасидан чиқиб келишаркан, Истроил аканинг жавобларидан қониқиши ҳосил қилмагани юз-кўзидан маълум эди.

— Бу телефонда гаплашадиган гапмас-да ахир. У киши билан учрашиб юзма-юз гаплашишим керак. Лекин у киши ишончли одам. Мени алдашдан унга нима наф? У мени ўз ўғлидай кўради.

Шундан сўнг Қобилбек Рассоққа Истроил aka билан қандай танишганликлари ва у билан бирга бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берди. Рассоқ қойил қолди.

— Ҳа, тўғри айтгасан. У киши сизларнинг оиласвий дўстингиз экан. Алдамаса керак, албатта.

Кунлар ўтди. Хизмат даври поёнлаб борарди. Бу орада Қобилбек Ойниса билан яна бир неча бор мактублар алмашди. Мактублар мазмунан ўзларини тутиб олган, мустақил ҳаётта ҳақиқатдан ҳам тайёр бўлган ёшларнинг жўшқин, ақлли ва самимий мулоҳазалари эди.

Қобилбек Истроил aka билан учрашишни ёки унинг келишини муштоқлик билан кутарди. Телефони эса негадир ҳеч жавоб бермасди. Бир гал онаси Ойниса Ойбек амакиси билан кўргани ташриф буюришди, бир гал эса кутилмаганда кувалик Рустам aka келди.

— Тошкентта иш билан келувдим. Сени бир йўқлаб қўяй дедим-да. Биламан, мендан хафасизлар. Лекин биз эски қадрдонлармиз-ку, — деди Қобилнинг елкасига қоқиб.

У Чирчиққа ўз машинасида икки ўртоги билан келган экан. Дарё бўйидаги сўлим чойхоналардан бирига ош буюришди. Қобил ёнида далда бўлиши учун сирдош дўсти Рассоқни ҳам бошлаб келди. Рассоқ қизини бермаган одам куёвини кўргани келганидан хайрон эди. "Эҳтимол бу яхшиликкадир. Демак, тўйни бузмоқчига ўхшамайди" деган фикрга борди у.

Даврада ўтирганида сухбат мавзуси тўй масаласига умуман яқинлашмади. Рустам дўстлари билан ҳар хил қизиқ воқеалардан гапириб, аския қилиб ўтиришди. Лекин хайрлашаётгандарнида Рустам Қобилбекни худди ўғлини сафарга кузатаётган отадай меҳр билан узоқ бағрига босди.

— Үғлим, мендан хафа бўлма. Қиз жиянларим кўп. Истаганингни танлаб олаверасан. Тўйни, албатта, қиласиз, — дея шивирлади у.

Қобилек ҳеч нарса дея олмади. Қизариб, бўзариб хайрлашди. Мехмонларни кузатишга, Раззоқ билан бўлган ишни муҳокама қилипди.

— Демак, қайнотант сен тарафдага ўхшайди.

— Йўқ. У жиянларимдан бирита уйланаверасан, — деди.

— Ие, қизиқ-ку...

— Ойниса ҳақиқатдан ҳам касалмикан-а?

— Унинг дўхтири билан гаплашиш ёки бўлмаса бирор кучлироқ докторларга кўрсатиш керак.

— Демблга яқин уни Тошкентга чақиртирсам-чи, келармикан?

— Ха, тўғри. Унинг келипти учун бирор баҳона ўйлаб топиш керак бўлади. Кейин, у келишидан аввал бирор кучли профессорми, докторними топиб, келишиб қўйишшимиз керак.

— Тўғри, лекин қандай қилиб?

— ТашМИда менинг бир амакиваччам томография бўлимида ишлайди. Менда унинг телефон номери бор. Ундан юрак касалликлари бўйича яхши мутахассис топиб беришни илтимос қилиб кўраман. Ахир улар бир жамоа-ку, таниши бордир.

Қобилекнинг кўзлари порлаб кетди. У аскарликда шундай яхши дўст орттирганидан хурсанд эди. Улар ишни пайсалга солмай шу ондаёқ Тошкентга қўнгироқ қилгани ошиқишиди. Раззоқ амакиваччасига мақсад-муддаосини яхшилаб тушунтириди ва албатта ижобий жавоб олди. Дўстининг қаллигини ҳар томонлама тиббий кўриқдан ўтказишга ёрдам беражагини, айниқса юрак соҳаси бўйича институттга янти замонавий асбоблар келтирилганини айтибди.

Энди ҳамма гап Ойнисани қўндиришда қолганди. Қобилек дўстси билан биргалиқда қизнинг номига навбатдаги мактубни ёзишиди. Унинг мазмуни тажминан шундай эди:

“...Ойниса, тиббиёт институтига ўқиётганингиздан жуда хурсандман. Олтиариқлик аскар дўстим Раззоқнинг амакиси

ТашМида катта профессор экан. У киши билан қадрдан бўлиб қолдик. Улар яқинда хориждан институтга энг замонавий тиббиёт техникаларини олишибди. Айтишларича улар ёргамида касалмиларга жуда аниқ ташхис қўйиларкан. Талаба сифатига бир келиб танишиб кетсангиз. Яқинда хизматим тугайди. Бирга ўтиб келардик. Илтимос, йўқ деманг. Бир йўла ўзингиз ҳам кўрикдан ўтиб оласиз. *Худо ҳоҳласа, соғайиб кетасиз...*".

\*\*\*

Бу мактубни олган Ойниса жиддий уйланиб қолди. Қобилбек илгари соғлиғи ҳақида сўраса, шунчаки сўраяпти-да, деб аҳамият бермасди. "Нега энди у ҳар сафар ҳатида менинг соғлигим ҳақида куйиб-пишпапти. Нима, у мени чиндан ҳам касал деб ўйлаяптими? Ахир мен соппа-согман-ку. Ёки мени касалванд деб эшитиб, тўйни шу туфайли қолдиришдимикан? Нега унақа қилишди экан-а?".

"Қизли уй бозор: шоҳ ҳам келади, гадо ҳам" деганлариdek, Ойнисанинг боши очиқлиги учун қўшни қишлоқлик танишларнинг биридан совчилар келишди. Бироқ шуниси аянчли эдики, Рустам қизи ва хотинининг розилигини олмай туриб хотинидан уларга оқлиқ бериб юборишни талаб қилди.

— Ундан қилмайлик, дадаси. Ахир биз қизимизни ўз кўнгил кўйган йигитига ваъда қилганимиз. Унинг хизматдан қайтишини кутишимиз керак-ку, — деди хотини.

— Йўқ, — деди кескин Рустам. — Ойниса у йигитга тегмайди. Унга муносиб эмас.

— Нега энди? Ахир кўриб келдик, бир яхши оила экан. Уйлари ҳам замонавий, Қобилжоннинг топиш-тутиши яхши. Бундан ортиқ яна нима керак?

— Бас қил! Қобил тўғрисида менга бошқа гапирма!

— Вой, намунча жаҳл қиласиз?

— Мен уларни суриштирдим. Таги паст одамлар экан. Онаси мардикор, отасини бўлса Россияда ўрис хотини, бола-чақаси бор экан. Кўзи кўр!

— Ё тавба, мардикор хотиннинг ўшанақа европача уйи бўларканми, ўғли "Нексия" миниб юарканми!

— Билмадим, хотин. Бўлмайди. Улар бизга тўғри келмайди, гап тамом! — деди Рустам чўрт кесиб ва асабий ўсиб турганрайдон баргларини узиб-узиб ташлади.

— Қобилжонга қизимишни касалванд деб сиз айтиби мидингиз?

Рустам ҳовуридан тушиб "ярқ" этиб қаради. Унинг нигоҳида "Ким айтди?" деган савол бор эди.

— Кизингиз йиглаб ўтирибди. Биздан хафа. Суюкли қизингизни намунча хўрламасангиз. Тағин анави совчиларга томдан тараша тушгандай "оқлик бервор" дейсиз. Сизга нима бўляпти ўзи, дадаси?

— Хўп, қизингдан розилигини сўраб чиқ. Мени кимга десаям қаршилигим йўқ.

— Қобилжонгаямми?

— Ундан бошқа любойига.

Аёл жаҳл билан "Хе, қайсар бўлмай кетинг. Ахир бу умр савдоси-ку. Тағин бу киши қизини яхши кўрармиш" дея жаврай-жаврай қиз ўтирган хонага кириб кетди. Кўп ўтмай она-бала ота олдида важоҳат билан пайдо бўлишди.

— Ана, қизингизга ўзингиз тушунтиринг.

Қиз тўсатдан йиглаб юборди ва бигимлаб қичқира бошлиди.

— Отажон, сиз нима учун мени Қобилга касалванд дедингиз?

— Ўзингни бос! Сен унга муносиб эмассан.

— Бўлмаса анавиларгаям айтинг, мени касал денг, ўлади дент.

— Жим бўл, деяпман!

— Йўқ, жим бўлмайман. Мен Қобилдан бошқасига тегмайман!..

Рустам ўзини тутиб туролмади ва бориб қизининг юзига тарсаки солиб юборди. Ташқарида жавоб кутиб турган совчи хотинлар эса апил-тапил ўрниларидан туришиб жўнаб қолишди. Рустамнинг қон босими кескин ошиб кетди-да, ерга чўккалади.

"Тез ёрдам" чақиришди. Шифокор "Бемор қаттиқ ҳаяжонланибди. Уни эхтиёт қилинглар. Бошка ҳаяжонланмасин" деб укол қилиб кетди.

Хотини эрининг тепасида ўтирар экан, унинг мунгли нигоҳида "Нималар бўляпти ўзи сизга, дадаси? Мундоқ хотиржам тушунтириб берсангиз-чи?" деган савол қотиб қолганди.

— Хотин, Ойнисани чақиринг, — деди Рустам ўзига келиб.

Лекин тарсаки еган қиз терс қараб ётаверди. У отасидан шу пайтда жуда-жуда хафа эди.

— Кизим, тушунгин ахир. Отанг бирор гапни биларки, шундай қилаётгандир. Ахир у ҳам сенинг бахтингни ўйлаяптилар-да...

— Нима, бахтимни ўйласалар дуч келган совчига бериб юбораверадиларми?

— Улар ҳам яхши одамлар экан.

— Йўқ, ўша Эшим писмиқнинг ўғлеми? Арвоқ, бозорда газ суви сотади. Унга теккандан кўра тоқ ўтганим яхши!

— Бўпти, қизим, юр. Сени отанг чақирияптилар. Бирор гап айтар, ахир.

Ойниса отанинг устида бош эгиб пайдо бўлди.

— Қизим, жон қизим. Мени кечир. Жаҳл устида билмай...

— Ҳечқиси йўқ, отажон...

— Ўзинг жуда ақдли қизсану. Майли, истаган йигитингга тегавер, фақат ўша Қобилни унут...

— Нега?

Онаси қизини секин туртиб қўйди.

— Қизим, даданг ҳозир дамини олсин. Унга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Юрақол...

Ойниса дадасининг қизарган кўзларига боқди. У «кейин ҳаммасини тушунтириб бераман» дегандек мунгли эди. Қиз қайтиб кетаркан «Бу ерда бирор сир бормикин?» деган ўйга борди... Демак, «Қобил билан, албатта, учрашиш им керак. У ҳаммасини билади» деди қиз хаёлан.

Ойниса ҳам, ойиси ҳам шу кунларда жуда паришон бўлиб

қолиши. Улар ўйлаб ўйларига етишолмасди. Қариндош-уруг, яқинларнинг бир-иккитасига ҳам бўлиб ўтган ишлар ҳақида айтилгач, энди бу муаммо кўпчиликнинг бошидаги ғавғога айланди.

— Улар миқ этишмаса-да, энди ҳамма Рустамнинг кўзига савол назари билан қарап, у эса кўзини улардан олиб қочар ва тезроқ қизини бирортасига турмушга узатиб юбориш билан бу муаммолардан бутунлай қутулиш ҳақида ўйларди. «Ишқилиб, қизим Қобил билан топишиб қолишмасин-да. Уни эҳтиёт қилишим керак. Охирги чора тўғрисини айтиш қолади» дер эди Рустам ўзича.

Рустамнинг юрагидаги жавотирлик бежиз эмасди. Почтачи Қобилбекнинг хатларидан бирини унинг кўлига тутқазганди. Лекин бироннинг хатини ўқишини айб деб билгани учун уни очиб ўқимади. Балки кўрмаган, билмагангана олиб кўя қолди. Демак, тўйни бир илож қилиб тўхтата олишибдию, бироқ ёшлар қалбидаги жўш уриб турган ишқий түрённи сўндира олишмаган кўринади. «Наҳотки, биз етиша олмаган муҳаббат фарзандларимиз тақдиринга ҳам ракна солса. Бу қандай мусибат бўлди? Агар улар топишиб бизлар каби ёшлик хатосини қилиб кўйишса-чи? Унда нима бўлади? Тавқи лаънатга қолиб кетмайманми, ахир» дей туну кун беҳаловат ўй сурарди у.

Шу-шу энди тез-тез қон босими кўтариладиган ва юрагига санчиқ, кирадиган бўлиб қолди. «Қобилжон ўғлим яқинда хизматни ҳам тутатиб қайтади. Мен ҳар нарсага тайёр бўлиш им керак. Ҳар иккенини бир жойга чақираману тўғрисини айтаман. «Сизлар ака-сингилсизлар» дейман. Бошқа иложим йўқقا ўхшайди» деди у хаёлан, бошини чантгallаб.

Бироқ Рустам ўйлаганидек бўлиб чиқмади. Балки у кутмаган ишлар содир бўлди. Қобилбекнинг аскаралик хизмати поёнига етиб қолди. Ойниса эса амалиётта чиқаётганди. Келиб-келиб жой қуриб кетгандай, унга Тошкентта йўлланма беришибди. Рустамнинг бундан жаҳди чиқди ва йўлланмани бошқа жойга гаплашиб келиш учун тезлик билан Андижонга жўнади.

— Ахир, қизингиз ўзи қаттиқ илтимос қилди. Тошкентда

устозим бор. У мени чақыртиряпти, деб туриб олди-да, — деди даволаш факультетининг декани Икром Обидович.

— Қанақа устоз, қанақа Тошкент? Илтимос, домла, шу ерда ёки Фарғонада қолсин.

— Бунинг нима фарқи бор? Пойтахтда яхшироқ билим олади. Иннайкейин, буйруқ ҳам чиқиб бўлди. Йўлланмани кўлига бердим. Энди кеч бўлди. Ахир ота-бола аввалроқ маслаҳат қилмайсизларми?

— Хўп, майли, домла, уэр. — деди ниҳоят Рустам «Бўлар иш бўлти» дегандай тан олиб.

Рустам уйга қайтганида қизи аллақачон Тошкентта жўнаб кеттан эди. Унинг қон босими ошиб яна ётиб қолди.

— Онаси, қизингизни қайтаринг, илтимос...

— Вой, сизга нималар бўляпти-я, дадаси? Қизингизнинг ақли-хуши жойида-ку! Энди ўқишигаям аралашпазисми? — дея жеркиб берди хотини.

Шу пайтда Рустамнинг баҳсласишига ҳоли йўқ, эди. Дорисини ичди-да, кўзини сочиқ билан ўраб ётиб олди ва оғир хўрсиниб қўйди. «Э, худо, ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да...» деб қўйди у пичирлаб. У пича ётди-да, аранг ўрнидан туриб машинаси томон йўналди.

— Хой, дадаси, қаёққа?! — дея ҳавотираи қичқирди хотини.

— Қаёққа бўларди, далага-да.

— Шу аҳволда-я? Дори ичгансиз, бир зум ётинг.

— Йўқ. Ишларни йўлга солиб қўйиб, очиқ ҳавода ётаман. Бу уйда сиқилиб кетяпман.

— Ул-бул еб олинг бўлмаса.

— Йўқ, — деди Рустам ва машинасининг эшигини ёпаркан, ёнита чопиб келган хотинининг маъюс кўзларига боқди. — Ҳа, айтгандай, мабодо қизинг қўнгироқ қилиб қолса...

Рустам бу ёрига ҳеч нима дея олмади. Машинани юргиздию чиқиб кета бошлади.

— Нима деб қўяй?!

Эри машинани бир оз тўхтаттан бўлди-да, деди:

— ...Анави аскар йигит билан гаплашмасин. Ўзини эҳтиёт қиласин.

Кечки оқшом Тошкентдан талаба қыз Ойниса құнғироқ қилди ва у ўзининг республиканинг энг нуфузли шифохоналаридан бирида дугонаси Хайринисо билан амалиётни бошлаганларлари, ётоқхонага яхши жойлашиб олганларини гапирди.

— Дадам тузукмилар, ойи?

— Йўқ, мазаси яхши эмас. Кейинги вақтларда бошқача бўлиб қолди. Илгари қон босими ошмасди. Сени анави йигит билан учрашмасин, ўзини эҳтиёт қиласин, деди.

— Дадам билан Қобил ўртасида бир гап бўлганга ўжшайди, ойи. Улар бизга билдиримай икки ой бурун Қобилни кўргани борганини эшитдим.

Онасининг юраги "шув" этиб кетди.

— Ростданми? — дея олди у аранг.

— Шунинг учун дадамга индаманг-у Қобил билан учрашиб, нима гапларгини бир суриттириб кўрмасам бўлмайди, шекилли.

— Қўявер, қизим. Бу ишларга сен аралашма.

— Йўқ, ойи. Ахир бу менинг тақдирим. Нега энди мен унга бефарқ бўлишим керак? Дадам қачонгача ич-этини еб юрадилар? Тўйимиз қолдирилганиям майли, нега энди унаштирувимиз ҳам бекор қилинди? Нега дадам мени тезроқ зрга бериб юбормоқчи? Нега мени юраги хаста, зрга тегиши мумкинмас, деб баҳона қилдинглар? Ўзингиз тушунтириб беринг, бўлмаса?! — дея қиз дилидаги сонсиз-саноқсиз саволларни бирданига тўкиб солди.

Гўшакни маҳкам ушлаб олган Ҳанифа эса нима деб жавоб беришни билмай, «Ҳай, ҳай...» дея довдиради.

— Бизнинг гуноҳимиз нима, ойижон?! — дея йиглаб юборди Ойниса.

— Ҳай-ҳай, ўзингни бос, қизим. Буни тақдир-насиб дейдилар-да. Бўлти, мен даданг билан яна гаплашиб кўраман. Бу нарсаларга чалгима, ўқишингни ўқи, хўпми?

— Хўп... — деди қизи пиқиллаб.

Ҳанифа гўшакни қўяркан, ўзининг бошига оғриқ кирганини ҳис қилиб кароватта ўтириб қолди.

«Бечора қизим, уни касалваңд дейишганига чидаёлмаган күринади» деб қўйди у пичирлаб. — Қизик, Қобилжон туппатузук йигит бўлса... У ҳаммамизга маъқул бўлувди. Ойиси ҳам яхши аёл экан. Фақат аскарликка кетяпти, деб тўйни қолдирувдик, шекилли. Дадаси бўлса уларни бутунлай айриб олмоқчи. Тавба, унга нима жин тегди экан-а? Ё киши билмас Бағдодга бориб, ўша аёл билан гаплашиб келсамикан-а? Ислим нима эди, ҳа, Ойниса эди. Қизим билан исмдош ҳам экан-а...

\* \* \*

Аёл эртаси "бозорга кетдим" деб аслида "Қайдасан, Шириңсой?!" дея Бағдод сари жўнаб кетди ва балаңд-пастқам кўчалар, лой сувокли уйлар ичра танҳо маҳбубот ила бўй чўзиб турган евроўйни топиб борди. Бироқ маҳбуботли уйнинг бежирим дарвозасига калладай қулф осиғлиқ эди. Ичкарида эса бир ит қаттиқ хуради.

Пахса деворли бир хонаси чала биттан қўшни уй олдидағи тўнка устида бир кампир ўтирарди.

- Ассалому алайкум, холажон.
- Ваалайкум...
- Билмайсизми, манави уйдагилар қаерда экан-а?
- Қаерда бўларди, ҳаммаси ҳар қаёққа тарқаб кетишган.
- Менга Ойниса опа керак эдилар.
- Ҳа, уми, мардикорликка кетган-да.
- Вой, бу нима деганингиз?
- Уйи қаср бўлгани билан, ўғлининг машинасини кўтариб кўйтани билан, уларни еб бўлармиди. Бу ёқда қорни бор, қизининг ўқиши бўлса...
- Йўр-е, холажон, унчалик эмасдир.

— Тўғри. Бу хотинда ўғлининг, қизининг тўйига атаб йигиб кўйганлари бор. Уларга тетмай, ишлаб келганини харжлаяптида. Тирикчиликниятайтида. Тирикчиликниятайтида. Тирикчиликниятайтида.

Ҳанифа бу ишларни ҳеч ақдига сиғдира олмасди.

- Ахир бу, ҳалиги, ўзи бой хотин бўлса...
- Бой хотинмас. Бой бўлса зри уни ташлаб кетиб ўрис хотин оловолармиди?

- ...Халиги, ишидан қачон келар эканлар-а?
- Кечки оқшомда, эл қатори-да. Бизнигің кириб дам олиб ўтира қолинг.
- Э, йүқ, раҳмат, хола. Бүшти, мен борай.
- Ҳай, кириб чой-пой ичмайсизми? Ойнисага нима деб қўйяй?
- Бир танишингиз келиб кетди дерсиз.
- Қаердан?
- Ҳанифа үйланиб қолди: "Кувадан" дейин деса, қуда томон эканини эшитиб орият қилиши мумкин. Яхшиси "Фарғонадан" деб айтади.
- Фарғонадан экан деб айтинг. Қўқонга иш билан борган экан, йўл-йўлакай кириб ўттай, дебди денг.
- Хўп, қизим. Ҳафа бўлмай кетинг. Яхши боринг.
- Аёл автобусга ўтириб Қувага қайтар экан боши минг бир хаёллар гирдобида қолганди. "Эрим ҳақ, шекилли. Таги паст, мардикор деганди. Тавба..." деб қўйди у ўзича дунёнинг ишларига тан бериб.
- \*\*\*

Ҳақиқатдан ҳам ҳайҳотдек евроўйда Ойниса начор қолганди. Қобил аскарликкага жўнаётуб пулининг қолганини банқдаги хисобга қўйиб кетган, ота-онасининг кўлига берган маблагнинг катта қисмини эр жонивор Россияга олиб кетган, қолган-кутганини эса қизининг ўқиши контрактига, усти, қорнига сарфлаб бўлганди. Тўйга атаб олиб қўйилган озиқ-овқат захиралари йил давомида тугаб битди. Унинг кўпини "Уйда усталар бор" деб қайногаси Ойбек ҳам ташиб кетди. Уйда тўйга атаб олиб қўйилган латта-путталару гишт устига кўтариб қўйилган ўғлиниң машинасидан бошқа ҳеч вақо қолмади. Келинга атаб олинган кийимликларни соттиси келмасди. Чунки Қобилбек хизматни битириб келсаёқ бир илож қилиб уни бошқа қизга, ҳа, айнан бошқа қизга үйлантириб қўймоги зарур. Йўқса билиб бўладими, ишқий касали қўзғаб, севганини искаб қолса нима бўлади? Ҳонумони куйиб кетмайдими? Ундан кўра манави бесўнақай оврўпача уй қулаб тушиб, тагида ўлиб кетгани афзал эмасми?

Хуллас, Ойниса оч қолди, ноchor қолди ва яна ўша эски одати — тонг-саҳарлаб қўшни туманда ёлланиб ишлаб келиш учун эл қатори бориб кела бошлади.

Маҳобатли уйда эса згасини соғиниб озиб-тўзиб кетган Олапар иттина қолар ва зах тортиб қулай бошлаган уйнинг жимжимадор йўлаклари бўйлаб вовуллаб бесаранжом у ён-бу ён чопар, баъзан эса европа уйнинг чордоқларидан чиқаёттан увиллапларга қўшилиб уларга ҳамоҳант нола қиласади.

### ОЛТОЙГА ЙЎЛ

Ҳанифа Бағдодга бориб келгани тўгрисида эрига ҳеч нима дёмади. У энди қизининг ўша аскар йигит билан бир бора учрашувини ва у ерда нима гап бўлганини билишга муштоқ эди. «Майли, онаси ўпоқdir, отаси сўпоқdir, лекин уйни ўли қурган экан-ку. Демак, Қобилжон омади чопган ишбилармон йигит кўринади. Ойниса қизимни баҳтли-тахтли қилишига шубҳа йўқ» деган хуносага келди у хаёлан.

Бу орада Қобилбекнинг ҳам аскарлиги поёнига етди. Ойниса ҳеч иккиланмай унга шифохона ва ётогининг манзилини берганди. Чунки улар учрашилари, орадаги гап-сўзларга аниқлик киритиб олишлари, ўз тақдирлари ҳақида мулоҳаза юритиплари зарур эди.

Аскар йигит учрашувга бир даста гул олиб келди. Орада анча-мунча гап-сўзлар ўттан бўлса-да, улар бир-бирларини кўрдилару, ҳаммаси унут бўлгандай туюлди. Ёшлар бир-бирларини жуда соғинган эдилар. Айниқса кейинги мактубларидағи ўзаро шеърий мушоиралари, ҳижрон ва айрилиқ ҳақидаги баҳслари, ёрқин келажак умидидаги фикрлари жуда ҳам теран эди.

Ёшлар ўша куни шаҳар боғларини сайр қилишди. Анҳор бўйларини пиёда кезишди, фаввораларга қараб ўй суришди. Негадир бир-бирларига ноўрин гап гапириб хафа қилиб қўйишдан чўчишарди.

Ниҳоят, бу тўғрида сўз очишига Ойниса журъат қилди:

— Қобил ака, узр. Анави, мени касалванд экан деб ким айтгувди?

- Ишончли одам.
- У қаердан билибди?
- Билмасам. «Қишлоқ дүхтири айтди» деди.
- Киз кулиб қўйди.
- Сиз шунга ишондингизми?
- Очиги, қўрқиб кетдим.
- Нимадан?
- Сизни йўқотиб қўйишдан.
- Йўқотиб бўлдингиз, шекилли?
- Йўғ-е, унақа деманг.
- Ахир ойингиз қарши экан. Менинг дадам ҳам кўнмаяптилар.

- Йўқ. Мени ойим қарши эмас, аксинча.
- Унда нега унаштирувимизни бекор қилишди?
- Қобилнинг фифони ошди.
- Бўлмаса бундок қиласиз, Ойниса. Эртагаёқ мен ўша сизга айтган доктор акага учрашиб, тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказамиз. Майли, қанча пул кетса кетсин.
- Ахир мен ўзим медикман, ўзимни яхши биламан-ку.
- Йўқ, келинг, уйдагиларнинг кўнгли тинчисин.
- Хўп. Бу мен учун ҳам қизиқ.

Хуллас, Ойниса бўлғуси қаллиқ сифатида барча тиббий кўриқдан ўтиб чиқди. Энди унинг хуносаларини билиш қолганди. Оқшом концертта ва тунги пойтахтни сайр қилгани боришиди. Бу ердаги университетда Қобилбекнинг бир синфдоши ўқирди. У қизни кузатиб қўйгач, тунагани унинг ётогига кетди.

Хуносалар кутилганидек, Ойниса ойдек пок, отдай соғлом бўлиб чиқди. Охирги хуносани ёзаётган профессорга Қобилбек илтимос қилди:

- Сиздан илтимос, домла, шу ҳужжатнинг охирига «Сопшасоғ. Эрга тегиши мумкин. Ичи тўла бола» деб ёзиб муҳрингизни қўйиб беринг.
- Нега энди? Бу кимга керак?
- Ота-онамизга. Бизнинг турмуш қуришимизга қаллигимни касалванд деб қарши чиқишияпти.

— Ё тавба. Ҳозирги ота-оналар ҳам жа бюрократ бўлиб кетишибди да а? — деди профессор кулиб. — Ана, ёзсам ёзавераман. Ручкамдан озгина ранг кетади, холос. Фақат бир шартим бор.

— Қанақа шарт?

— Мениям тўйларингта айтасизлар.

Ёшлар клиникадан хурсанд бўлиб кўл ушлашиб чиқиб кетишиди. Улар шу пайтда яна да баҳтиёр ва хотиржам эдилар.

— Мен бугунок ойимга қўнғироқ қиласман, — деди Қобилбек.

— Мен ҳам, — деди Ойниса табассум қилиб.

Улар кечки оқшомга қадар хайларишиди. Қиз шифохонага, йигит эса «Ипподром» бозорига қараб кетипди. Унинг ёнида бир талай доллар пуллар бор эди. Уларни алмаштириб ўзига фуқароларнинг яхши уст-боши ва бир мобиль телефон сотиб олди. Унга рақам олиб, истаганча сўзлашадиган қилиб кўйди. Ойнисани ҳам унутмади. Қизга ҳам ул-бул совға-саломлар сотиб олди. У айниқса болалар кийимлари ва ўйинчоқлари сотиладиган дўконлар оралаб кезаркан, жажжи болачаларни ва уларни етаклаб юрган баҳтиёр ота-оналарини кўриб яқин йиллар ичиди ўзининг ҳам ота бўлажагини ва албатта ёнида Ойниса ҳамроҳи бўлишини ўйлаб ширин энтикиб кўйди.

Қобилбек Ойбек амакисига қўнғироқ қилди. Чунки уйларида телефон йўқ эди. Амакисига хизматдан бўшаганини ва Ойниса билан бўлган ишларни айтиб дардини тўкиб солди.

— Билмадим, жиян, ойинг негадир ўша қизга сени уйлантирмаслик учун оёқ тираб туриб олган. Ҳозирда бошқа келин топиш ҳаракатида юрибди. Қишлоғимизда ҳам яхши қизлар кўп, албатта. Сенга уларни бир-бир кўрсатмоқчи.

— Менга ўша Ойнисадан бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ. Ахир ўзларингиз айтдингиз-ку «аввал армияга бориб кел» деб. Кейин у ҳеч қандай касал ҳам эмас экан. Мени ёш бола қилиб алдабсизлар.

— Бўлмаса, Қобил, мен кечки пайт сизларникига бораман. Бор гапни келинга тушунтираман. Ўша ердан сенга қўнғироқ қиласман. Бардам бўл, мен сен тарафдаман, жиян.

Кечки пайт Қобилбек Ойниса билан учрапши. Лекин қизнинг кайфияти ёмон, йиглайвериб кўзлари қизарип кеттанди.

- Ҳа, тинчликми, нима бўлди?
- Дадам, — дея олди қиз аранг ва пиқиллаб йиглаб юборди.
- Нима, дадангиз?
- М-мени... Эрга беришмоқчи.
- Нима? Кимга? Ментами?
- Йўқ... Болшага. Эртага совчилар келса розилик берворишаркан.

Қобилбекнинг бошидан муздай сув қўйилгандаи сесканиб кетди ва беихтиёр титраёттан қизнинг елкасидан ушлаб ўзига қаратди.

- Нималар деяпсиз? Ким? Қанақа совчилар?
- М-мен яхши танимайман...
- Ойниса, сиз фақат бардам бўлинг, тушкунликка тушманг. Ҳаммасини тўғрилаймиз. Сиз, демак, менга тегишга розисиз, шунақами? Розимисиз?
- ...Ҳа, — деди қиз аранг ва ерга қараб олди.
- Мен ҳам ҳаётимни сизсиз тасаввур қилолмайман, Ойниса. Ҳали амаким билан гаплашдим. Ойим ҳам бошқа келин ҳаракатида юрганмиш. Лекин мен асло бунга йўл қўймайман. Ҳаммасини шу бугуноқ ҳал қиласми. Мен кечқурун ойим билан гаплашаман. Эртагаёқ сизларникига ҳам қўнгироқ қиласми. Сизнинг дадангиз билан ҳам гаплашами. Мен манави соткани атайин сотиб олдим. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Мұҳими, бизлар оёқ тираб туриб олсан, улар кўнмай иложи йўқ. Юринг, оғир жант олдидан яхшилаб овқатланниб олайлик. «Аввал иқтисод, кейин сиёsat» деганлар.

Қизнинг юзига табассум югурди. Кўнгли хотиржам тортди. Негадир у ҳам келгуси ҳаётини Қобил акасисиз тасаввур қила олмай қолганди, айниқса бу туйғуни бугун чуқур ҳис қилди. Бугун у ойиси билан гаплашганди. Дадаси уни эрга бериш ҳақидаги узил-кесил ўз азму қарорини айтибди. Эшитдию, қалби Қобилбекдан бўлак йигитни қабул қила олмаслигини, уни

чиндан ҳам севиб қолганини англади. Шу туфайли ушбу нохуш хабарни Қобилбекка тезроқ етказиб қўйишга ошиқкан эди.

Улар мұъжазгина бир кафега кирипди.

— Менинг фуқароча кийимимни ювмайсизми? — деб сўради Қобилбек кулиб.

Киз шундагина унинг аскарлик кийимини ташлаб, чиройли замонавий кийиниб келганини сезди.

— Вой, қуллуқ бўлсин!

— Қуллуқ. Телефоним-чи?

— Вой, намунча чиройли. Бир кўрайин-чи.

Киз уни қўлига олиб кўраёттанди, шу маҳал бир шўх мусиқа чалиниб кетди.

— Кимdir қўнфироқ қиляпти, шекилли, — деди қиз уни қайтариб узатиб.

— Алло, — деди овоз. — Сиз менга қўнфироқ қилган-мидингиз?

Қобил овозни таниди. Бу неча кунлардан буён қўнфироғига жавоб бермаётган Исройл aka эди. У янги рақам эгаси кимлигини билмаган эди. Эҳтимол, Қобилбеклигини билганида жавоб бермаган бўлармиди.

— Алло, мен ўглингиз Қобилман.

— Ие-ие, Қобилжон ўглим, бормисиз?

— Бугун янги телефон сотиб оловдим. Шунга биринчи бўлиб сизга қўнфироқ қилувдим. Зарур гапим бор эди.

— Ие, майли, хизматлар қалай?

— Хизматлар тутади. Энди сизда хизмат бор.

— Э, шунақами, bemalol.

— Мана, қўлимда бир хужжат турибди, — деди у артқич қоғозни олиб. — Унда шундай ёзилган.

— Ташаккурномами, хўш-хўш?...

— Э, йўқ. Маълумотнома. Диққат қилинг, ўқийман, — деди Қобил жиiddий қараб.

Киз пиқиллаб кулиб юборди.

— Берилди ушбу маълумотнома Қурбонова Ойнисахон Рустамовнага шу ҳақидақи, бу киши отдай соғ, ойдай гўзал.

Эрга тегиши мүмкін. Ичи тұла бола... Нима дейсиз?

Кіз йигитни қаттық туртиб қўйди. Нариги столда ўтирганлар эса уларга ҳавас билан кулиб қаращи.

— Алло, Қобилжон, сизни тушундим.

— Фақат телефонни ўчириб қўйманг, илтимос.

— Сиз ҳам мендан хафа бўлманг, илтимос. Хуллас, у қиз сизга тўғри келмайди.

— Нега тўғри келмас экан?!

Кіз бир сесканиб тузды.

— Кейинчалик билиб оласиз. Фақат бизни айбламанг.

Ойингиз ҳеч қачон бу ишга кўнмайдилар.

— Исроил ака. Бўлти, гапни кўпайтирмайлик. Мен отамга ҳам, онамга ҳам ишонмайман. Фақат сизга ишонаман. Сиздан илтимос. Ойимни қўятунинг. Эртага ёки ҳозироқ Кувага бориб келинг, илтимос.

— Нега энди, тинчликми?

— Йўқ, тинчлик эмас. Ойнисани эртага бошқа бирорвга берворишимоқчи. Шуни тўхтатиш керак. Кейин ўзимизнинг тўйни ҳаракатини бошлаворипп керак. Тагингизда машина бор, кирр этасиз, борасиз.

— Ўзим, қулоқ солинг. Мен сиз учун дунёнинг у четига ҳам боришга тайёрман. Фақат ўзингизни босинг, илтимос. Лекин у ерга боролмайман. Келинг, яхшиси, сизга бошқа хурлиқо қизлардан топай. Фарғонага тез келинг-да, бирга-бирга юрайлик.

— Исроил ака! — дея қичқирди Қобилбек беихтиёр столга мушт уриб. — Нима, сиз мени ёш бола деб ўйлаяпсизми?!

Официант аёл келиб йигитни елкасига уриб қўйди.

— Бу ер жамоат жойи. Бақирманг. Боринг, ташқарида гаплашинг.

Қобилбек ташқарига отилди, Ойниса эса хўрлиги келиб ийғлаб юборди. Атрофдагилар уни юпатишга уринишди.

— Хафа бўлманг, яхши қиз. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — деди хўрандалардан бири.

Официант қиз стаканда сув бериб кетди.

- Ишиб олинг, йигламанг, — деди у қизга раҳми келиб.  
Бир оз ўттач, Қобил ранглари оқариб саросимада ҳансирағ  
кайтиб келди ва официант аёлни чақириб ароқ буюрди. Телефон  
яна жириңглади.
- Исроил ака. Бўлди, бопқа менга қўнгироқ қилманг дедим-  
ку, — деди у ва телефонни бутунлай ўчириб қўйди.
- Олинг, овқатингизни ент, — деди у қизга.  
Бироқ Ойнисанинг иштаҳаси гиппа бўғилганди. Қобил  
жимгина ароқни қўйди-да, шашт билан ишиб олди.
- Ойниса, уэр. Бу кипшига мен қаттиқ ишонардим. Сизни  
касалванд деб асли шу киши айтганди. Шунинг учун ўйин  
кўрсатдим.
- Билдим, — деди қиз томогини хиёл қириб оларкан.
- Ичасизми?
- Йўқ.
- Беш грамм. Асабни тинчлантиради, — деди йигит ва  
озгина қуйиб қизнинг олдига суриб қўйди.
- Мен ичмайман.
- Мен ҳам. Бу ўзимизни авайлаш учун холос. Шифокорсиз-  
ку. Олдик, кейин овқатимизни еймиз. Бўпти, — деди у қадаҳни  
кўтариб. — Ўзимизни асройлик, севгимизни асройлик, парво  
ҳам қилмайлик, бепарво ҳам бўлмайлик. Олайлик олдирмайлик,  
тагида қолдирмайлик.
- Уларнинг кайфияти бир оз кўтарилди. Қиз ҳам  
севгилисининг кўнгли учун қадаҳни гунча лабларига теккизган  
бўлди. Томчиси томогидан ўтдими, ҳар ҳолда оғир ютиниб  
қўйди. Йигит эса чақонлик билан оғзига газак солди.
- Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, Ойниса. Мана кўрасиз. Мен  
фақат Исроил акамдан хафа бўлдим. Ундан бу ишни  
кутмагандим. «Тўйингда ютуриб-елиб хизмат қиласман» деганди.
- Нима, бизникига боришта кўйнадиларми? — деди қиз  
овқатдан оларкан.
- Ҳа. Лекин сабабини айтмаяпти. Ойимнинг тоширигини  
бажарганимни.
- Унда нега у кишидан хафасиз?

— Ойимни күндиrolмагани учун.  
— Сизни ойингиз, мени бўлса дадам. Сизнинг дадангизчи?

— ...У кишига барибир. Ҳозир Россиядалар.

— Нима, ишлайдиларми?

Қобил чуқур хўрсиниб қўйди ва ароқдан қўйиб яна ичидан олди.

— Йўқ, яшайдилар. Ўрис хотинлари бор, ундан акам ҳам бор.

— Барибир у кишидан розилик оларсиз?

— Ҳа, албаттга. Кейин тўй уларсиз ўтмайди ҳам.

— Орамизда бўлган ишлардан хабарлари борми?

— Ахир у киши фотиҳа тўйида сизларникига борганди-ку. Видеога ҳам олиб қўйганман. Кейин, тўғриси, тўй қолдирилганидан у кишининг ҳам ҳафсалалари шир бўлди. Дадам сизнинг отангиз билан эски қадрдан эканлар.

— Вой, шунақами? Унда дадангизга айтинг, менинг дадамга қўнгироқ қиласинлар.

Қобил қувониб кетди. Шарт ўрнидан турди-да, қизни «чўлп» этказиб ўшиб олди.

— Ақллигим, асалим менинг...

— Вой, нега унақа қилдингиз?

— Нима қилибман?

— Одамни уялтиридингиз-ку.

Нариги столдагилар ҳам ниҳоят ёшларнинг кайфияти кўтарилиганидан хурсанд бўлишди. Йигитлардан бири Қобилга қарата қадаҳ кўтариб омад тилади. Қобил ҳам гўё ҳавода уриштиргандай бўлиб уни сипкориб юборди.

— Бўлмаса бундоқ қиласиз, — деди Қобилбек иштача билан овқат ер экан. — Дадангизга аввал сиз қўнгироқ қиласиз. Унинг фикрини биламиз-да, шунга қараб иш тутамиз. Нима дедингиз?

— Майли, — деди қиз ширин табассум қилиб.

Қобил телефонини узатди. Қиз үй номерини терди. Гўшакни Рустам кўтарди.

— Алло, дадажон, сизмисиз? Ассалому алайкум.

— Ваалайкум. Нега мендан бесўроқ кетиб қолдинг?!

— Ахир ўқишимдан...

— Ҳе, ўқишингдан ўргилдим. Эртагаёқ тез етиб кел.

— Вой, нега?

— Турмушга чиқасан. Мен ўттан кунги совчиларга розилик бериб қўйдим. Энди лабзимдан қайтолмайман.

— Мен ахир розимасман-ку, дада.

— Сен ўзбошимча бўп кетдинг. Ҳозир қаердасан?

— Нега бунақа ўшқирасиз, дада? Ўзингизни босиб олинг.

Қон босимингиз бор-а...

— Айт, анави йигит билан биргамисан?

— Қайси йигит, й-йўқ.

— Тўғрисини айт! Агар бирга эканлигингни билиб қолсам, таъзирингни бераман!

— Вой, нега унақа дейсиз? У сизга нима ёмонлик қилди?

— Гап тамом! Келганингдан кейин гаплашамиз.

Ойнисанинг куйиб-пишишини кўриб Қобилнинг муштлари тутилди ва ўзини аранг босиб ўтири. Официант аёлни чақирди-да, одига бир чангл пулни ташлаб Ойнисани етаклаб чиқиб кетди. Қиз эса йўл-йўлакай дадаси билан даҳанаки жанг қилиб борарди.

— Йўқ, боролмайман, дада.

— Келмасанг, мен ўзим бораман. Барибир олдимга солиб олиб келаман!

— Унақа эмасдингиз-ку, дада?! Сизни нима жин урди?!

Ҳеч бўлмаса ўқишимни битириб олай.

— Ўқишиш-пўқишингниям йифиштири. Иложи бўлса ҳозироқ йўлга чиқ!

— Йўқ, бормайман!

— Келмасанг ўзингдан кўр. Кейин, билиб қўй, умуман ҳеч қаерда ўқитмайман!

— Дада, бўлмаса сиз ҳам билиб қўйинг, — деди у йигитнинг кўзларига қараб, —мен Қобил акадан бошқа ҳеч кимга тегмайман. Уни яхши кўраман. Бизни намунчча қийнайсиз, дада. Ахир биз ёш бола эмасмиз, мустақил яшашга ҳаққимиз

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛЛАСИ

бор-ку. Мана, у олдимда турибди. Мен уни ҳеч кимга алипмайман.

— У ярамаснинг олдидан тез кет. Айтиб қўяй, агар кетмасанг сендей қизим йўқ. Сени оқ қиласман. Эшитяпсанми, ифлос, қанжиқ!...

Гўшакнинг тарақлаб урилгани эшитида-да, телефон гудок бера бошлади. Ойниса йўлақда тиззалааб қолди. Қўлидан телефон тушиб кетишига бир баҳя қолди. Қобилбек уни тургизиб олди-да, ўриндиқча бошлади. Бунақангескин қаршиликни улар кутишмаганди.

— Қобил ака, энди нима қиласми? Бу кунимдан ўлганим афзал Ахир менинг гуноҳим нима? Наҳотки мени суйиб, атакчечак қилиб ўстирган отам хўрласа.

— Ўзингизни босинг. У киши гирт маст бўлиши мумкин. Кайфияти йўқ пайтида қўнғироқ қилибмиз-да.

— Йўқ, Қобил ака. Дадам маст бўлсаям бунақа гапирмайдилар. Лекин мен тушуна олмаяшман. Нима учун бирдан менинг тақдиримга бефарқ бўлиб қолдилар экан?

— Бўлмаса мундоқ. Отага қўнғироқ қилиш навбати энди мендан. Сиз ўзингизни босиб ўтиринг. Дадам мени ҳеч қачон уришмайдилар.

Шундай қилиб, Қобилбек Россияга қўнғироқ қилиш учун узоқ уринди. Ниҳоят гўшакни бир аёл олди. Бу албатта Наташа эди. Улар илиқ саломлашишди. Қобилбек ўзини таништириди ва отаси Нурбекни чақириб беришни илтимос қилди. Ҳадемай гўшакни Нурбек олди. Қобилбек хизматни тутаттани ва Ойниса билан бўлаётган муаммоларни оқизмай-томизмай гапириб берди. Албатта, Нурбек ўслининг тўйи қолдирилганидан ва туппа-тузук оила билан қудачиликнинг бузилганидан афсусда эди. Қолаверса, хотини Ойнисанинг бу борада кескин ўзгариб қолганидан жаҳли чиққанди.

— Сен ҳозир қаердасан, уйдамисан? — деб сўради отаси.

— Йўқ. Ҳали уйга бормадим, Тошкентдаман. Ойниса ҳам шу ерда. Уни тиббий кўриқдан ўтказдик, сошпа-соғ чиқди.

— Яхши. Ҳозир биргамисизлар?

— Ҳа, биргамиз. Лекин уни эртага бошқага бериб юборишмоқчы. Қиз эса рози эмас. Биз бир-биримизни яхши күрамиз, дада. Лекин ойим ҳам, унинг дадаси ҳам бизга қаттиқ қаршилик күрсатишаپты.

— Мен нимаям қила олардим, ўғлим?

— Илтимос, Рустам акага құнғироқ қилиб гаплаңсанғиз. Ахир эски қадрдонингиз экан-ку. Кудачиликни бузмасанғизлар. У сизга йўқ демас.

— Бўлти, телефон рақамини биласанми?

— Ҳа-ҳа, ҳозир. Ойниса уйларингизнинг рақамини айтинг.

— Ёзиг олинг... Мен ҳалироқ сизга яна құнғироқ қиласман.

— Хўп, ўғлим, уриниб кўраман. Сизларнинг баҳтингиз учун албатта курашаман.

— Хўп, ҳозирча...

Қобилбекнинг кўнгли анча хотиржам тортди. У қизнинг елкасидан олиб қаттиқ қучиб кўйди. Бу билан «Ҳали кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади» демоқчи эди. Бироқ қизнинг кўнгли жуда ғаш эди. Отаси ёмон гапиради. Телефон орқали бўлса-да, яна бир тарсаки егандай бўлди. Эҳтимол ёнида бўлганида шундай қилган бўлармиди. «Қизиқ, нега бирдан у киши ўзгариб қолдилар? Бу қилиғи-ку майли, чидаса бўлади. Лекин нега бирдан уни турмушга узатмоқчи. Яна кимга, дуч келганга. Йўқ, бунақаси кетмайди. Ўтган замонларда-ку хўп-хўп, қизлардан сўраб ўтирмай чимматта ўраб-чирмаб ана шундай бериб юборишпаверарди. Лекин ҳозир замон бошқа-ку. Ҳар бир аёл эркин, ўз тақдирини ўзи ҳал қила олади. Э, тўхта. Ё мени отам қиморга ютқазиб қўйдимикан-а... Э, йўғ-е, нималар деяпман ўзи».

Қобилбекнинг ҳам хаёли ана шундай чигал ўйлар билан банд эди. «Энди нима қилсан экан? Наҳотки Ойнисадан ажralиб қолсан? Ойим нега ундей қиляпти? Ахир Ойнисани келин қилмоқчи бўлганларида еру кўқда йўқ хурсанд эдилар-ку. Кейин эса бирданига ўзгардилар. Демак, Истроил акага ҳам ойим топшириқ берган. Мен бўлса мўйсафидан хафа бўлиб юрибман. Ёки ойим билан Рустам aka ўртасида бирор гап

үтдимикан? Нима бўлиши мумкин? У киши ахир интизомли, покиза одам-ку».

Йигит ва қиз шу кўйи миқ этмай кўчаларни оҳисталик билан кезиб юришар, гўзал фавворалару шаҳар тароватига бутунлай бефарқ эдилар. Бироқ уларга бир нарса аён эдики, шу кеча тақдирлари ё у ёқли, ё бу ёқли бўлади. Улар шу кўйи икки соатлар чамаси тентираб юришгач, овлоқроқ бир жойга ўтиришди. Қобилбек сўнгти умиди бўлган Россияяга яна қўнғироқ қилишга уннади. Бу сафар тез тушди.

— Ўслим, — деди Нурбек босиқ ва бир оз тушкун овоз билан. — Мен Рустам билан гаплашдим. Ишлар кўнгилдагидай эмас. Инсон ҳаётда ҳар нарсага тайёр туриши керак. Сен унутма, эркак киписан. Лекин анави қиз ожиза. Унга жуда қийин бўлади. Мен онангни қийнаб қўйтганимдан бир умр афсусдаман. Лекин энди умрни ортта қайтариб бўлмайди. Гапнинг очиги, мен ойингта отамнинг қистови, амакимнинг васияти туфайли уйлангандим. Аммо унгача бу ерда, яъни Россияяда менинг севган қизим бор эди. Унга уйланиб ҳам олгандим. Шунинг учун сенинг Нурбек деган акант ҳам бор. Ҳар икковларинг ҳам мен учун бирдексизлар.

— Рустам aka нима дедилар?

— Кўнмади. Қизини ҳақиқатдан ҳам бошқага бермоқчи... Ўзингизга айтинг, қизимга яқинлашмасин. Мен эртагаёқ Тошкентта етиб бораман деди.

Шу маҳал гўшақдан аёл кишининг «Дай-ка мне трубку, я сама поговорю» деган овози келди. Унинг овози шу қадар межрли ва мулоим эдики, Қобилбекнинг кўзларида беихтиёр ёш қалқди.

— Ой, Коля, мой дорогой, ты не переживай. Тут мы твоим отцом очень беспокоимся за вас. Только ничего дурного не думайте, пожалуйста. Возмите себя в руки. Это девушка где сейчас?

— Тут, со мной. На скамейке сидим.

— Дай-ка трубку, пожалуйста ей, а.

Қобил телефонни Ойнисага узатди.

- Наташа ойим сиз билан гаплашмоқчи.
- Ойниса ҳайрон бўлиб телефонга қулоқ тутди ва «Алло» деди синик.
- Здравствуйте. Как тебя зовут?
- Айниса.
- Значит, Айниса, слушай. Я понимаю, вам сейчас очень трудно. Ты только скажи честно, действительно его любишь?
- Да...
- Ты меня понимаешь, русский язык хорошо владеешь?
- Да, понимаю.
- Какая у тебя профессия или учишся?
- Учусь, в медицинском институте.
- Ой, хорошо. Значит, ты будущая медработница, грамотная, умница. Ты только еще мне скажи-ка, ты действительно хочешь выйти замуж за Кабула или тебе все равно?
- Нет, я только за него хочу и больше никому...
- Умница. Как ты думаешь, он тебя любить?
- Несомненно и мы вместе будем очень счастливы.
- Прекрасно. А ну-ка дай-ка ему трубку... Алло, Коля.
- Да-да, я вас слушаю.
- Ана красивая?
- Да, очень.
- ...И тебе очень нравится?
- Очень.
- Я тоже также считаю. Тебе считаю своим сыном и твоя судьба мне не безразлична. И вот тебе скажу как родная мать. Ты меня слушаешь?
- Қобилбекнинг қалби тўлқинланиб кетди. У ўз онасидан ҳеч қачон бундай меҳрли гап эшитмаганди.
- Да, слушаю, — деда олди у базур ва телефонни қулогига маъкамроқ босди.
- Тут мы с твоим отцом посоветовались и решили, чтобы вы оба срочно к нам на Алтай приехали и здесь свадьбу сыграем. Тут будите работать и жить. Как раз у нас нехватает специалисты

по медицине. Дальше жизнь покажить. А ты будеш работат с братом Нурчиком. Он сейчас в нашем поселке большой авторитет имеет. Вот, передаю трубку отцу...

— Ўғлим, тушундінгми?

— Ҳа, тушундим ота.

— Наташа сени ўз ўлидай күради. Сизларни шу ёққа келаверишсін деб, мени миямни еб ташлаяпти. У жуда покиза аёл. Мен ногирон бўлиб қолсам ҳам яхши қарайпти. Онанг бўлса бунчалик қарамайди. Келаверинглар бўлмаса.

— Биз ҳозир Ойниса билан маслаҳатлашиб кўрайлик, дада.

— Нима, униям исми Ойниса эканми?

— Ҳа, ойим билан исмдош.

— Ёнингда қанча пулинг бор. Керак бўлса жўнатай?

— Йўқ, пулим етарли.

— Икковларингта йўлкирага етадими?

— Ҳа, етади.

— Бўлмаса тезроқ ҳал қилинглар-да, бизга қўнғироқ қилинглар. Келадиган бўлсаларинг, биз ҳам тайёргарлигимизни кўрамиз. Сизларга бир хонани ажратиб қўямиз.

— Бўлти, дада. Ўзим қўнғироқ қиласман.

Қобилбек Ойнисанинг қўлларини ушлаб унинг қўзларига боқди. Кўзларида умид учқунлари алангаланмоқда эди.

— Ойниса, сизнинг Наташа ойимга айттанингиз ростми?

— Нима дедим?

— Уни севаман, дедингиз, — деди йигит эҳтирос билан.

— Нима бўлти, тўғрисини айтдим-да, — деди қиз унинг бурнини эркалаб қисиб қўйиб.

— Нега буни менинг ўзимга айтмагансиз?

— Э, боринг-е, уяламан.

Йигит қизни бағрига босди. Шу паллада уларни қанақа синоатлар кутаётгани фақат Яраттантагина аён эди. Улар ширин орзулар қилиб, бўлғуси ҳаёт режаларини тузиб қўл ушлапшиб, шаҳар кўчаларида тунни тонгта улашди. Ниҳоят, Қобилбек ўзининг қатъий қарорини маълум қилди.

— Ойниса, сиз чиндан ҳам мен билан бир умр турмуш қуришни истайсизми?

— Ҳа!

— Үнда кетамиз.

— Қаёққа?

— Олтойта.

— Нима, қочиб кетамизми?

— Йўқ, ўз уйимизга кетамиз. У ёқда бизни дадам билан ойим кутишмоқда. Бу ердагиларни бизнинг тақдиримиз қизиқтирумаса, у ёқдагилар бефарқ эмас. Русларда бир гап бор: «Человек ищет где лучше, а рыба ищет где глубже» деган.

— Үх-ў, рус тилини яхши билар экансиз?

— Ҳа, иккинчи онам ўрис-да.

Улар кулиб юборишди. Йигит қизни маҳкам бағрига босди.

— Жиннивой, қўйворинг.

— Бир ўпай...

— Йўқ, тўйдан кейин. Агар у бўлса.

— Тўй албатта бўлади.

— Қўйворинг, гаплашиб юрайлик.

— Нимани гаплашамиз?

— Агар кетсам ўқишим нима бўлади?

— У ёқдаям шу ўқиш бор. Ё кўчириб олиб кетамиз. У ерда ишлайверасиз. Наташа ойимнинг айтишича, у ёқда тиббиёт мутахассислари етишмас экан. Мен эса акам билан леспромда ишлайман. Одамлар пул топиш учун Россияга таваккал кетишимоқда. Биз эса ўз уйимизга борамиз. Бунақа имконият кимда бор, ахир?

Қиз йигитнинг теран фикрларидан қониқди ва пешонасига тушиб турган қўнгироқ соchlарини меҳр билан тўғрилаб қўйди. «Шундай ақлли йигитта наҳотки ҳётимни борламасам. Кейин минг пушаймон бўлгандан кўра таваккал қилиб қўя қолсаммикан?» хаёлан сўради ўзи-ўзидан.

— Дадамларга нима деймиз?

— Одатда севишганлар учун йўл тўсиlgанда «Ромео ва Жулъетта»га ўхшаб ё ўз жонларига қасд қиладилар ёки вақтинчалик озгина қийинчиликларни енгіб бир-бирига

етишадилар. Кейин нима бўларди, ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Тўйдан кейин албатта «салом»га келамиз. Нима, бизни ҳайдаб солишармиди? — деди Қобилбек қизнинг қўлларини «Хавотирлик жойи йўқ» дегандек маҳкам қисиб қўяркан.

«Ҳа, — деди хаёлан қиз. — Биз ахир тогу тошга қочиб кетаётганимиз йўқ-ку. Фақат ўз ҳайтимизни ўзимиз курмоқчимиз. Аниқ жой бор, иш бор. Оила қуриш учун ҳамма шароит мужассам. Яна нима керак?».

Шундай қилиб, ёплар энди иккиланиб ўтирмаи таксида нарсаларини олгани жўнашди ва шу бугуноқ Россияга кетишига аҳд қилишди.

\*\*\*

Туни билан мижжа қокмай беҳаловат бўлиб чиқсан Рустам тонг гира-ширасиданоқ йўлга отланди.

— Ҳа, дадаси, тинчликми? — сўради хотини хайрон бўлиб.  
— Топкентта, иш билан.  
— Ойнисадан хабар оларсиз?  
— Хабар оларсизмиш... Уни олиб келаман.  
— Вой, нега?  
— Практикасини ё шу ерда ўтайди, ё умуман ўқимайди.  
— Ҳой, сизга нима жин урди?  
— Ҳа! Мени жин урди! Бало урди, билдингми?! Ишинг бўлмасин! — деда бақириб берди зри.

— Ҳўп. Ҳеч бўлмаса ёнингизга ўғлингизни олволинг. Шерик бўлиб бора қолсин.

— Йўқ. Мен ўзим тез қайтаман, — деди Рустам кескин ва машинага ўтириб ўт олдириди.

Рустам рулда жуда асабий эди. Шу туфайлими дарвозадан чиқаркан машинанинг орқани кўрсатувчи ён ойнисини «тарақ» этиб уриб олди. Ойна ерга узилиб тушди. Унинг баттар фирони ошди. Бўралиб сўкинди. Лекин ортта қайтмади. Аёл эса кўчага чиқиб ойнани туттанича машина ортидан хавотирли қараб қолди.

...Рустам текис ва равон Кўжон йўлида катта тезлик билан бораркан, Бағод депарасидан ўтаётганида Ойнисани ёдига

олди. Унинг талабалик давридаги кулиб турган чөхраси ва олмага қўй узаттан нигоҳи кўз олдида намоён бўлди. «Рустам ака, сизга нима бўляпти?» деб сўрагандай туюлди қиз.

— Нималар қилиб қўйдинг, Ойниса? — дея пичирлади Рустам рулни маъжкам қисиб ушларкан. — Бир-биримизга етишполмадик. Шунинг учун муҳаббатимиз меваси энди заҳар бўлиб чиқяпти. Сен ўзингни тубсиз бахтсизлик жарига ташладинг. Мени эса аросатда ташлаб кетдинг. Тирикмиз-у ўлгандаймиз. Наҳотки амакингнинг ўша лаънати васияти ҳамон бошимизга тавқи лаънат бўлиб тушяпти, дунёни остин-устун қиляпти?

У довон сари чиқиб бораркан Россиядан келаётган юқ машиналарига кўзи тушиб бирдан Россиядан бўлган тунги қўнғироқни эслади: «Қизиқ, Нурбек акага менинг телефон рақамимни ким берди экан? Қобил албатта. Қобилга-чи? Наҳотки тунда улар бирга эди? Демак, улар Нурбек акадан менинг жавобимни кутишган. Сўнгра тунни бирга ўтказишган...». Рустамнинг кўз ўнгидан тўсатдан қизи ва ўглининг қўшилишаёттани намоён бўлди. Кўзларига қон тўлди. Рулни муштлаб ҳайқирди ва... «Камаз» машинасига бориб урилган «Жигули»дан чиқсан овоз тогу тошларда акс-садо берди. Кўп ўтмай одамлар уни қонга беланган бехуш ҳолда пачоқланган машинадан тортиб олдилар.

\*\*\*

Виждон азобидан қийналиб туни билан безовта бўлиб чиқсан Исройл ака Ойниса билан бундан бўёнги ишларни маслаҳатлашиб олиш учун эрталаб уларникига жўнади. У кеча Қобилбек билан телефон орқали бўлган мулоқотни эслади. «Демак, Қобилжон бугун-эрта келади. Албатта тўй муаммоси яна кўтарилади. У мендан қаттиқ хафа. Ҳатто олиб берган эски машинасиниям эслатди. Машинаси ўзига буюрсин. Уни уйларига ташлаб келаман... Бу йигитни бир илож қилиб бошқасига уйлантириб қўйиш керак ёки қизни тезроқ эрга бериб юбориш лозим... Оббо, оғримаган бошимга энди шу ташвишлар етмай турувди» дея фикрлаб борарди мўйсафида.

Бироқ дарвозанинг қулфлоглигини кўриб ҳайрон бўлди. Ичкаридан Олапарнинг бетұхтов хурган овози келарди. У ҳайрон бўлиб ўзи қурдирган евро уйининг теварак-атрофини бир оз кўздан кечирди. Бўёқлар нам тортиб кўчиб тушмоқда экан. Лекин уйининг бир четидаги узун иланг-билинг чизиқни кўриб юраги «шувв» этиб кетди. «Наҳотки, уйининг бир томони чўкаёттган бўлса? Ахир пойдеворга арматуралар солиб мустаҳкам қуришган эди-ку. Бунинг бирор чорасини кўриш керак. Оббо, тонг саҳарлаб Ойниса қаёққа кетди экан-а?».

...Дунёнинг ишларидан бехабар Ойниса қўшни туманга ишлагани кетган эди. Чунки ўғли бутун-эрта хизматдан қайтади. Келди-кетди бўлади. Келган аскардан дарров пул сўратп нокулай. Шунинг учун бир-икки сўм ортиқча пул йиғиб қўйса, бунинг нимаси ёмон? Раҳматли қайноаси айттанидек «Меҳнат билан одам ўлмайди. Тирикчиликнинг айби йўқ».

Истроил ака бир оз турди-да, қўшнилардан суриштириди.

— Ойниса ишлагани кетган, айланай, — деди қўшни камшир.  
— Э-ҳа, яна ўша ҳисобчилик касбига қайтдими? Эски жойидами?

— Қанақа ҳисобчи, эл қатори мардикорликка кетди.

Мўйсафид бир оз анграйиб қолди. Ақлига ҳеч нимани сиғдира олмади. Машинага ўтирги-да, қўшни туман сари жўнади. Уни топса-топди, бўлмаса Қувага ўзи бориб Рустам билан маслаҳатлашиб келишга аҳд қилди. Бу маҳалда Рустамнинг автофалокатта учраганидан, севиптганлар эса купе вагонга жойлашиб олганидан у бехабар эди.

...Истроил ака Ойнисани топа олмади. «Ҳозир пишиқчилик. Нима кўп, боғлар кўп. Мева тергани ишчи етипмайди» деб қўйди у ўзича ва Қобилга бир қўнғироқ қилиш ҳақида ўйлади. «Ишқилиб, улар ота-онасига ўхшаб бебошлиқ қилиб қўйишмаган бўлипсин-да. Э, худо! Уларни ўз паноҳингда асрар. Тавқи лаънатда қолиб кетишмасин, бечоралар» дея пичирлади у ва Қобилбекнинг раҳамини қайтарди. Бу пайтда поезд ўрнидан аста қўзгалган ва ғилдиракларнинг ўзига хос тарақа-турук овозлари киши кўнглини аллақандай романтик ҳис-туйғулар сари ундаёттандай эди.

Қобилбек телефоннинг тутмасини босди. Истроил аканинг қулогига рельс фидирларининг овози тараля бошлади.

— Алло, Қобилжон, мен Истроил тоғандизман. Қалай, яхши юрибсизми?

— Шукур, раҳмат.

— Уйга қачон келасиз? Сизни интизор бўлиб кутяпмиз.

— Кутманглар, бормайман.

— Ия! Нимага унақа дейсиз?

— Россияга, дадамниги кетяпман. Ўша ёқда ишлайман, эҳтимол яшайман.

— Яхши. Лекин намунча шошилинч? Бир келиб ойингиздан хабар олиб, кейин кетсангиз бўлаверарди-ку.

Мўйсафид гап жиiddий тусга кираёттани учун машинани бир четта тўхтатди ва мулоқотни давом эттиргди. Кўнглида эса «Яхши бўлти. Ҳар ҳолда анави қиздан нари бўлади. Тақдирига тан берибди шекилли, хайрият» деган таскин бор эди.

— Гапнинг очиги, сизлардан қаттиқ хафа бўлдим.

— Қобилжон, энди йигитчиликда бўп туради-да. Ҳали ҳайтингиз олдинда, кўнглингизга олманг. Майли, ўша ёқда биринки йил ишлаб келинг. Ўланиш қочмас.

Шу маҳал телефонда бир аёл кишининг овози эшитилди. «Қобил ака, чой ичинг». Бир нима тарақлади. Қобилнинг гапи узилди. Поезд бир силкинганида стакан ағнаб кетганди. «Вой, куйиб қолмадингизми?. Мана сочиқ, тез арting.»

— Алло, тога, узр, гапимиз узилиб қолди.

— Нима бўлди?

— Ойниса чойни тўкиб юборди.

— Қайси Ойниса? Ойингизми?

— Қанақа ойим?! Бўлти, тога, тиззам куйиб қолди. Телефонимнинг заряди ҳам тугаялти. Хайр, яхши қолинг...

...Ўчириб қўйди. Истроил аканинг юраги нохушликни сезди. Наҳотки улар бирга бўлишса? Бу қандай кўргулик, эй, худо, нималар бўляпти ўзи?!

кириб келишидан унчалик ҳайрон бўлмади. Демак, қизлари Ойниса Қобилжонга дадасининг қарори ҳақида ҳойнастой айттан ва шу масалани ойдинлаштириш учун мўйсафид келган бўлса керак, деган фикрга борди. Аёл югуриб-елиб чойга уннади.

— Овора бўлманг, келин. Ҳозир томоқдан ҳеч нима ўтмайди.

— Ҳа, кўрмайсизми, бу ёшлар ҳаммамизни довдиратяпти. Дадасига нима жин урди, ҳайронман. Бир ўртоғига қизимни бераман, деб лафз қилганмиш, — деди Ҳанифа чой қўйиб узатаркан. — Қобилжон ўзи бизга маъқул эди. Умуман, ҳаммаларинг бизга қуда бўлгулик мос экансизлар. Тақдир-насиб экан да, энди.

— Ҳа, бу хўжайин қанилар ё даладами?

— Э, йўқ, саҳармардонда турибоқ Тошкентта жўнадилар. Ўзларининг мазаси йўқ. Кейинги вақтларда қон босими ошадиган бўп қолган. Вой, бормант десам ҳам кулоқ солмадилар.

— Ие, нега кетди?

— Кеча кечқурун қизимиз билан гаплашувди. Уни анча уришиб ҳам берувди. Кейин билиштимча, Қобилжоннинг дадаси билан ҳам анча гаплашиши.

— У Россияда-ку.

— Ҳа, ўшанақа. Кейин туни билан бекаловат бўлиб чиқдилар. Менимча, у кишигаям кўнмадилар, шекилли.

— Оббо... Лекин Тошкентта бекор жўнабди. Кеч қолди, поезд кетиб бўлди.

— Вой, бу нима деганингиз?

— Мен ҳозир эрталаб Қобилжонга қўнғироқ қилувдим. У билан гаплашдим. Поезддамиз, Россияга дадамнинг одига кетяпмиз, деди. Лекин сиз — келин, ўзингизни босинг. Бу ёғи Худодан.

— Биз деганингиз ким? — деди аёл ҳайрон.

— Қобил билан Ойниса-да.

— Ойниса, онасими?

— Э, йўқ. Сизнинг қизингиз.

— Н-нима? Қ-қанақасига? Вой, ўлмасам, опқочиб кетибдими?!

— Йўқ. Ёшлар ўзи шу қарорга келишибди, шекилли-да. Шуни эшигдиму хабарларинг борми-йўқми деб, шу ёқса келавердим.

— Вой, ўлмасам! Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, тўй бўлади-да. Лекин биз ҳам мутлақо бу ишга қаршимиз. Биз ҳам, гапнинг очиги, Қобилбекка бошқа бир келинни мўлжаллаётгандик. Шунаقا, кутилмаган ишлар бўп қолди.

— Вой, ўлай, — деди аёл ва кўксини ушлаб ўтириб қолди.

— Буни дадаси эшигса нима бўлади? Ахир у машинасида кетган-ку.

— Кўлида телефони борми?

— Йўқ.

Аёлнинг ранглари оқариб кетди. «У Тошкентга бориб барибир қизини излайди. Кеттанидан барибир хабардор бўлади. Кейин қон босими... Э, худо, ўзинг мадад бер. Астағуруллоҳ...» деб қўйди у хаёлан. Бироқ хавотири ўринли эди. Фалокат фақат зартароқ содир бўлганди.

...Тўсатдан ичкарида телефон жиринглаб қолди. Ҳанифа «Дадаси, шекилли» дей чопиб бориб гўшакни кўтарди, лекин бошқа эркак кишининг овози эди.

— Алло, бу Қурбонов Рустамларнинг уйими?

— Ҳа-ҳа, тинчликми?

— Мен Поп тумани давлат автоназоратидан, капитан Эшқулов бўламан. Қурбонов кимингиз бўлади?

— Хўжайним...

— Янга, фақат ўзингизни босинг, ҳаяжонланманг. Эрингиз соғ, фақат бир оз шикастланган.

— Вой, ўлмасам! Унга нима қилди?

— Тор ўйлида автоҳалокатта учради. Ҳозир Кўқондаги шифохонада, жонлаштириш бўлимида ётибди. Хабар олишларинг мумкин. Минг узр, хайр.

Ҳанифа додлаб юборди ва ўзидан кетди. Ўғли Муроджон эндинина уйга кириб келганди. Ичкарига қараб чопди.

— Торажон, ойим хушидан кетиб қоптилар.

— Тез сув олиб кириб пуркаш керак, — деди мўйсафида ва

үзи ҳам ёрдамга шошилди. Йўл-йўлакай у «Оббо, бу қизи қўнғироқ қилдимикан-а. Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да» деб қўйди. Аёлни кароватта ётқизиши.

— Ойингизни ўзим шифохонага олиб кетаман. Бирорта яқинларингизни чақириб келинг, ўғлим.

Аёл ўзига келиб ўрнидан қўзғалди.

— Йўқ, мен тузукман. Хўжайним чатоқмиш. Йўлда машинаси авария бўлганмис. Ҳозир Қўқонда экан. Бор, Муроджон, Сурайё янгангни чақириб чиқ... Тезроқ борақолайлик.

— Юринглар, мен олиб бораман.

— Акбарали амакингаям тез хабар қил, болам.

Муроджон чолиб кетди. Истроил ака зудлик билан Қобилбекнинг қўл телефонига қўнғироқ қила бошлади. Лекин тўхтовсиз «Телефон хизмат доирасидан ташқарида» деган овоз келарди.

Рустам шифохонада уч кунгача ўзига келмай ётди. Бу орада ёшлар манзилларига етиб борган бўлишарди. Шу туфайли Истроил ака Қобилбекнинг амакиси Ойбекникига Нурбекнинг телефон рақамини олиб келгани борди.

— Нимага тўйни қолдиришибди ўзи, ҳайронман, — деди Ойбекнинг жигибийрони чиқиб. — Қобилга алам қилган-да.

— Хуллас, у билан кеттан қизга хабар қилиш керак. Отаси оғир ётибди. Тезда етиб келсин, деб илтимос қилишяпти.

— Бўғти, телефонда айтаман. Мана, Нурбекнинг рақами, ўзлари ҳам қўнғироқ қилиб кўраверишсин.

...Бир неча бор қўнғироқ қилишди. Бироқ ёшлардан ҳали дарак йўқ.

### АЙРО ТАҚДИРЛАР

“Тошкент-Новосибирск” маршрути бўйича бораёттан поезд Барнаул шаҳрига тонг саҳар етиб келди. Лекин Қобилбек айтган манзилгача ҳали уч-тўрт соатли йўл бўлиб, улар Тельменко деб аталган станцияда тупшиб қолишлари керак эди. Бу ҳақида

албатта праводник келиб айтади. Поезд Барнаулда узоқ турди. Қобил ҳозир шириң уйқуда бўлиб, эҳтимол тушида Ойниса билан қуражак оиласвий ҳаётини кўраётган бўлса ажаб эмасди.

Ойниса юз-қўлини ювиб келди ва севгилисига эрталабки нонуштага бирор нима ҳозирлаб қўйишини жоиз деб билди. "Кобил акамга бирор яхшироқ нонушта тайёрлаб кўйсам яхши бўларди. Манзилимизга ҳали соат тўққизларда етиб борар эканмиз. Уйғонсалар бирга нонушта қиласмиз. Нима бўлсаям энди ҳаётимиз бирга кечади. Э, худо, бизга ўзинг маддад бер, мушкулимизни осон қил, ўзинг қўлла, илоҳим" деди қиз ва қўл очиб юзига тортди. "Кейинги станцияга тушиб чиқаман. Вокзалда ҳар хил пишириқлар бўлса керак" ўйлади у ва сумкачасини титкилаб рус пулларидан олди, уй кийими устидан қалин ҳалатини, оёғига енгил туфлисини кийди. Купедаги шериклари ҳам қотиб ухлашарди. Шу туфайли унинг "Новоалтайск" станциясида тушиб қолганини ҳеч ким пайқамади. Бу станцияда поездлар шимол, жануб ва шарққа ажralадиган узловой жой эди.

Қиз вагондан тушибоқ вокзал ичига чопди. Буфетларни қидирди. Ҳали очмаган экан, йўловчилардан сўради. Улар вокзалнинг пастки қаватини кўрсатишиди. Лекин фалокат юз берди. Шошиб чопиб бораётган қиз зинапояда бесўнақай бир кампирга урилди. Кампир зинадан юмалаб кетди ва боши қаттиқ лат еган кўринарди. Қиз довдириб қолди. Ташлаб кетишга виждони йўл қўймади. уни турғизиб вокзал ичига олиб боришига уринди. Кучи етмади. Йўловчилардан бири унга ёрдам берди, уни елкаларига олиб бир йўла "Медпункт"га олиб бориб ётқиздилар. Аксига олиб навбатчи смена алмашаётган экан. Аёлнинг пешонасидан қон оқмоқда эди. Қиз ўзи унинг бошини боғлади-да, сотувчи аёлдан иссиқ, пирожкилар сотиб олди. Лекин ортидан бир милиционер чопиб келди.

— Ты ударила эту женщину? — деб сўради у.

— Она сама упала. Извините, мой поезд отходит, — деди қиз эшалон томон чопди.

Милиционар ҳуштагини чалиб қолаверди.

Поезд ўрнидан күзгөлган эди. Чиқиши биланоқ тезлаб кетди. У ўз күпесига кирди. Лекин чирокни ёқмади. Пирожкини күйиб чой идишларини қидирди. Улар жойида йўқ эди. «Проводник олгандир-да, кейинроқ дамларман» деб ўйлади ва жойига ётди. Қобил совқоттанми, чойшабга биқиниб ўралиб олганди.

Қиз ярим соатлар ётди. Эндиғина кўзи илинай деган ҳам здики, бир рус аёли уни туртди.

— Эй, ты кто такая? Почему на моём месте лежиш-а?

Ойниса ҳайрон бўлди. Бесўнақай аёлни кўриб бир чўчиб тушди.

— Это же моя места.

— Да, ты что? Ану-ка встань! — деда қичқирди аёл.

— Хой, Қобил ака! Анавини қаранг! — деди қиз ва тепа полкада ўраниб ёттан кишининг устидаги чойшабни очди. У ерда эса Қобил ўрнида серсоқол бир бадбашара киши ётарди. Қиз кўрқанидан қичқириб юборди. Аёл проводник чопиб келди.

— Ты кто такая? Куда едешь и где твой билет? — деда сўроқлай бошлади у.

— Я из Ташкента... — деда олди Ойниса қалтираб аранг.

— Какой Ташкент? Этот поезд едет из Кургана в Иркутск. Как сюда попала?

— Из вокзала, хотела пирожки купить, — деди қиз.

Қиз стол устидаги иссик пирожкиларни кўрсатди. Проводник аёл уни ўз хонасига бошлади.

— Ой, бедная. Мы едем не в ту сторону. На следующем станции слез и жди встречного поезда и поезжай обратно на тот вокзал, откуда к нам пришла, поняла?

— Да.

— Ты вообще куда едешь?

— В Алтай.

— Алтайский край огромный. Знаешь куда едешь?

— Нет.

— Ой, кошмар. И с кем ехала?

— С мужем.

— Значит, муж придет за тебя в тот вокзал. Там и жди, — деди аёл қызга ва кружкада чой узатди. — Садись пока, чай пей.

Ойниса жуда оғир ақволда қолди. Бегона юрга пулсиз, юпун кийимда ўз поездидан қолиб кетди. Кейинги станцияда түшди. Яхшики, сумкачаси ўзида, ҳужжатлари бор эди.

\*\*\*

Қобилбек узоқ ухлади. Ётавериб боши оғриди. Қорниям ўлардай очди. Соатига қаради. Манзилга етишга яна бир соатча өзін бор эди. Пастта қаради. «Ойниса ҳалиям үралыб ухлаяпты. Тавба, қызы бола деган мундоқ барвақтроқ нонушта тайёрлаб қўйса бўларди. Нима бало, онаси ўргатмаганми?..».

— Ҳой, оппоқ қызы, ку-ку. Турсинлар энди, чой-пой дамласинлар.

...

— Ҳа, майли, туринг, вагон-ресторанга ўта қоламиз.

Йигит пастта сакраб түшди. Ёнидаги бир қозоқ киши йўлда тушиб қолган шекилли, нарсалари йўқ эди. Тепадаги бир рус киши эса ҳамон ухлаб ётарди. Қобил одеялни оҳиста кўтарди. Бўм-бўш эди. Юраги бир нохушликни сезди ва «Э-ҳа, чой дамлагани кеттан бўлса керак. У ўзи ақдли қызы. Мен бўлса уни ёмонотлиқ қиласай депман» деди ўзича ва ювинишга кетди. Қайтища проводник кипшига йўлиқди.

— Скоро ваша станция, готовтесь, — деб ўтиб кетди у.

Купега келди. Қызы йўқ эди. Нарсаларини қаради. Ҳаммаси жойида эди. Юраги «шувв» этиб кетди «Ойниса!» «Ойниса!» дея купеларни бир-бир очиб чиқа бошлади. Проводникка йўлиқди. У елкасини қисди. Қўшни вагонларга ҳам, вагон-ресторанга ҳам чопиб бориб келди. Эшикларни очиб, ёлавериб, қичқиравериб, терлаб-пишиб кетди. Поезд Тельмено станциясига дақиқа сайин яқинлашиб борарди. Станцияда эса уни яқинлари — отаси Нурбек, акаси Нурчик ва ўтгай ойиси Наташалар кўлида бир даста гул туттган ҳолда муштоқлик билан кутишмоқда эди.

Ниҳоят, поезд станцияга ҳам етиб келди. Қобилбек ҳовлиқиб,

шошиб қолди. Нима қиларини билмай апил-тапил ўзининг ва Ойнисанинг нарсаларини йигиштира бошлади ва ора-орада «Ойнисал» дега хавотирли қичқиради. Вагондагилар ҳам унга раҳми келиб «Айнис-сал» дега қўшилишиб қўйишарди. Поезд тўхтади. Қобилбекни ток ургандек бўлди. Шу маҳал пастдан «Коля! Где вы?!» деган овоз эштилагчина у ўзига келди ва ойнадан қўлида гул ушлаган ўрта ёшли бир аёлнинг қичқираёттанини эшитди. Ёнидаги шапка кийган қўлида ҳасса, кўзойнак таққан оқиш соқолли кишини ҳам таниди. Бу отаси Нурбек эди. Уларнинг ёнида эса басавлат, гавдали бир мallasoch йигит турарди. Бу Нурчик эди, албатта.

— Ота! — дега хавотирли ҳайқирди Қобилбек. — Мен қизимни йўқотиб қўйдим! Ойниса йўқ!

Нурбек довдираб қолди.

— Қобил, ўғлим. Н-нима бўлди? Нимага йўқ бўларкан?! — дега қичқирди ота.

— Билмадим, й-йўқ! — дега йигламсираб қичқирди йигит.

— А что случилось?! — деб сўради Наташа эридан.

— Говорить девушка потерялась.

— Ой, бедная, куда она подевалось-а? Поезд же сейчас отходит.

— Мам, он мой брат? — деб сўради Нурчик деразадан йигламсираб турган йигитчани кўрсатиб.

— Да-да, конечно. Он такой симпатичный. Что делать будем-а?

— Хой, ҳамма ёкни яхшилаб қарадингми?! — қичқирди ота.

— Ҳа, қарадим.

— Эҳтимол ювинаёттандир.

— Йўқ дедим-ку, ахир.

Шу маҳал поезд ўрнидан жила бошлади. Қобилбек нарсаларни олиб эшик олдига келди.

— Нима қилай, дада!! — дега қичқирди у.

Нурбек нима деб жавоб беришни билмас, тиқилинчда тили айланмай қолганди.

— Ладно, отец, мама, я пошел, — деди Нурчик ва поезд билан тент чопа бошлади. Сакраб Қобилбекнинг ёнига чиқиб

олди. — Вы идите домой! Мы потом приедим, — деда қичқирди у ва укасининг кўлидаги нарсаларни олиб ерга бир-бир ташлади.  
— Забирайте!.. Позвоныю!.. — деда у яна қичқириб.

Поезд энди тезлаб кетди. У Новосибирск томон борарди.

— Ты да, мой брат? — деб сўради у титраб-қақшаб турган Қобилбекдан. Қобилбек «да» деди.

Улар қучоқлашиб кўришдилар. Қобилбекнинг бўйи Нурчикнинг кўксидан келаркан. Акаси унинг қора соchlарини меҳр билан силаб қўйди.

— Не переживай. Найдем её. Давай, пройдем в купе и расскажи мне как это случилось?

— Незнаю. Я спал. Когда проснулся её уже не была.

— Понятно, — деди йигит ва проводникнинг олдига бориб ўзини таништириди ва ундан ҳам қизнинг йўқолиб қолиш тафсилоти ҳақида суриштириди.

Проводник эса қизни кўрмаганини, унинг поезддан бирорта станцияда тушиб қолган бўлиши ёки эшалоннинг бирор бошқа вагонида янглишиб кириб қолиб кетган бўлиши мумкин, деб айтди. Сўнгра қизнинг исми, шарифларини ва қаердан қаерга бориши кераклигини ёзиб олди. «Мен бу ҳақида ҳозир поезд милициясига хабар қиласман» деди у.

— Сизлар ҳамма вагонларга бориб аввало проводникларга учрашинглар ва у билан бирга ҳар бир хонани текшириб чиқинглар. Мабодо топилмаса, бошқа поездга ўтириб ортта қайтиб ҳар бир станция вокзалларидан суриштирасизлар, тушунарлими? — деди у.

Ака-укалар шундай қилишди. Улар вагонма-вагон, купемат-купе ва бошқа хоналарни кўравериб, ҳар хил башараларга тикилавериб ҳолдан тойишли. Нурчик Барнаулдан Семипалатинскгача бўлган ҳамма станцияларнинг номларини бирма-бир ёзиб олди. Тушдан кейин поезд Новосибирская кириб келди. Уларнинг қидиришлари бесамар кетди. Вокзал олдида то охирги йўловчи ўтиб кетгунича кутиб туришди.

Нурбек билан Наташа уйларига қайтишди. Ҳовлиларига кириб боришаркан, ичкаридан телефоннинг узоқ жирингләйтанини эшитиб қолишиди. Наташа ўғиллардан бўлса керак деб апил-тапил эшикни очибоқ гўшакка ёпишиди. Ўзбекистондан қандайдир Истроил деган одам экан. У «Қобил билан бир қиз борищдими?» деб сўради.

— Знаете что, она потерялась на поезде и он с братом её искаль пошли.

— Если появится девушка, скажите ей, пусть срочно возвращается. Потому что её отец попал в аварию и лежит в тяжелом состоянии.

— Ой, кошмар. Ладно, обязательно передам, — деди Наташа ҳаяжон билан.

Истроил ака телефонининг тугмасини босиб қўяркан, «Бир жиҳатдан йўқолгани яхшиликкадир. Ҳар ҳолда қўшилишолмабди. Кейин анави хабарни эшитиб қиз барибир қайтиб келади» деб кўнгли хотиржам тортди.

Бу ҳақида Ойнисага ҳам етказиб ва ўзига келиб қолса, Рустамга ҳам етказиб қўйишни дилига тутгиб қўйди.

Бироқ Рустамнинг аҳволи оғир эди. Унинг мияси чайқалган бўлиб, ўзига келиб қолган бўлса-да, кўзларини бир нуқтага тикиб нималарнидир жавраб ётар ва келган-кетганларни фарқига бормаёттан эди. Ҳанифа эрининг ёнидан жилмади. Унинг бошига бирданига шунча кўргуликларнинг тушгани чўктириб қўйганди. Бир ёқда зри, бир ёқда қизи...

«Э, Худо! Эримнинг жонини омон сақла. Болаларимизнинг баҳтига соғайиб кетсин. Агар бир гап бўлса, унда нима қиласман?» дей фикран нола чекарди.

Килинаёттан муолажалар таъсириданми, ҳар ҳолда энди Рустамнинг босинқираб гапиришлари тушунса бўладиган даражада тиниқлаша борди. «Ойниса!» деб қўяди у баъзан. Ҳанифа бўлса «Дадаси қизини чақириб уни кўргиси келяпти» деб келганларга айта бошлади.

Бир куни ярим тунда у «Ойниса! Мен сизни севаман... Қобилжон, болам!», «Тўхта, ўғлим, у ахир синглинг...» дей алжираи бошлади. Ҳанифа қўрқиб кетиб навбатчи шифокорни чақириб келди. Кекса шифокор Собир Сайдович Рустамнинг гапларига эътиборини қаратди.

— Ойниса ким, танийсизми?

— У қизимиз.

— Йўқ. У қизингиз тўғрисида гапирмаяпти. Бу бошқа Ойниса бўлса керак. Уларнинг ўртасида бирор гап бўлганга ўхшайди. Ахир одам ўз фарзандини «Севаман» демайди-ку.

Ҳанифанинг юраги така-пука бўлиб кетди. «Қизиқ, у ким бўлиши мумкин?» дей ўйланиб қолди. Рустам эса яна бир бор «Ойниса... Нега унданай қилдингиз?.. Мени кутмадингиз?.. Сизсиз энди қандай яшпайман» дей паст овозда гапириб ётарди. Собир Сайдович Ҳанифани бир четта бошлади. Аёл эса «Бу нима бало, доктор?» дегандай шифокорнинг кўзларига ҳайрон тикилди.

— Ҳаммаси тушунарли, — деди доктор салмоқланиб. — Демак, Ойнисани сиз танимайсиз, шунақами?

— Йўқ, нимайди? — деб сўради аёл шоша-пиша.

— Эрингизнинг мияси чайқалиши оқибатида эски хотиралари тикланиб уни безовта қилаётган кўринади. Юрак уриши ҳар вақт «Ойниса» деганида тезлашяпти. Сиз эҳтимол билмассиз. Бир суригтириб кўра олмайсизми, ёшлигида шунаقا исмли қизни севганмикан?

— Вой, ўлмасам. Бу нима деганингиз?

— Қизим, — деди шифокор аёлни курсига таклиф қилиб.

— Сиз мени тўғри тушунинг. Бу ерда гап эрингизнинг жонини сақлаб қолишда кетяпти. Рашик, фисқу фасод, гийбатларни бир четта суриб туришга тўғри келади. Сиз хўжайнингизнинг омон қолипини, нормал ҳаётта қайтишини истайсизми, ўзи?

— Ҳа, албатта. Болаларим баҳтига ишқилиб омон бўлсинлар.

— Бўлмаса келинг, келишиб олайлик. Мақсад уни даволаш, шундайми?

— Шундай.

- Аёл сифатида турмуш ўртогингизни қутқаришга розимисиз?
- Вой, нималар деяпсиз? Албатта, розиман.
- Бўлмаса рашик қилиш ва бошқа аёллар билан борлиқ гап-сўзларни қилмайсиз. Агар шунга чидайман десангиз, мен эрингизга бир ташхис қўйганман, шуни айтаман.
- Бемалол, доктор. Агар шу нарса билан эримнинг жони омон қолар экан, мен ҳар нарсага тайёрман. Нима, унинг бошқа хотини бор эканми?
- Билмадим. Хуллас, эрингизга мен «Ишқ касали» деб ташхис қўйдим. Унинг давоси фақат ўша «Ойниса».
- Нима? — деб аёлнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.
- Ахир сизга нима дедим? Нега ҳайрон бўласиз?!
- Хўп-хўп. Узр, доктор, мен нима қилишим керак?
- Собир Сайдович чуқур тин олди. Ручкасини у ёқ, бу ёқ асабий айлантиришидан унинг чиндан ҳам бемор учун жон куйдираётгани сезилиб турарди.
- Нима десам экан? Иложи бўлса ўша аёлни топиш керак. Яна қайтараман, мени тушунинг. Олдимизда оғир аҳволдаги беморнинг ҳаётини сақдаб қолиш масаласи турибди.
- Ҳа-ҳа, тушундим.
- Айтинг-чи, илгари эрингиз ухлаб ётганида ҳам шунга ўхшаш босинқиравмиди? Эслант.
- Ҳа-ҳа. Кўпроқ маст бўлган пайтлари.
- Э, яшанг. «Ойниса» исмини айтганимиди?
- Ҳа, айтган. Аммо қизимниям исми Ойниса-да. Уни жуда яхни кўради. Шунинг учун...
- Демак, Ойниса. Бу исмни унга ким қўйган?
- Ўзлари.
- Ҳаммаси равшан. Демак, эрингизнинг сиздан аввал Ойниса исмли севган қизи бўлган экан. Уни қаттиқ севган кўринади. Сиз ўша қизни суриштириб кўринг. Эҳтимол бирга ўқигандир. Синфдоши, курсдоши... Ўртоқларидан сўранг. Хуллас, уни топиб олиб келсангиз ва у «Ойниса» деганда «Мен шу ердаман, Рустам ака» деса эрингиз ўзига келган бўлармиди.

Кўнглингизга олмант, қизим. Буни бир тажриба деб қабул килаверасиз-да. Бўлмаса, билмадим, Рустамжон бу аҳволда яна қанча ётаркан. Ҳаётта қайтмаслигиям мумкин. Чунки юрак пульслари жудаям суст...

Ҳанифанинг кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди.

— Бўпти, домла. Мен ўша аёлни топиб келаман, — деди у ва хонадан шапт билан чиқиб кетди.

Ҳанифа эрининг ёнига ўғлини қўйиб ўзи уйига жўнади. Келди-ю альбомларни, эски суратларни бир жойга тўплаб бирма-бир кўздан кечириб чиқа бошлади. Улар орасида қизлар, аёлларнинг сурати кўп эди. Бироқ ҳеч бирининг тагига ёки орқасига «Ойниса» деб ёзиб қўйилмаганди. Синфдошларини-ку ҳаммасини танийди. Улар орасида Ойниса йўқ. Қизини эслади. «Қаерларда юрибди экан-а, бу қиз тушмагур? Ҳозир бўлганида эҳтимол ўша аёлни биргалиқда қидирармилик» деган гап ўтди унинг кўнглидан.

У бирор жўяли сурат тополмади. Юраги сиқилади. Бутун дардларини кимгадир тўкиб солгиси келди. Лекин кимга? Агар биронга эримнинг севганига учраптириш керак экан, буни доктор айтди, деса устидан кулмайдими?

Шу маҳал ташқарида бироннинг чақиргани қулогига чалинди.

— Овсину! — деда чақирарди бир аёл.

Ҳанифа таниди. «Бу ахир овсиним Сурайё-ку» — деда шоша-пиша ташқарига отланди.

— Вой, келинг, Сурайёхон.

— Сизнинг келганингизни қўшнилар кўришган экан. Шунга Рустам акам ҳақида сўрай деб...

— Э, овсинжон, асти сўраманг. Эримнинг дардига малҳам топайин деб шу суратларни титкилаб ўтирибман, — деди Ҳанифа ва хўнграб йигилаб юборди.

Сурайё уни бағрига босди.

— Кўйинг, Ҳанифахон, унақа демант. Рустам акам яхши бўп кетадилар.

— Лекин биронга айтилмайдиган иш бўлди, Сурайёхон, — деди Ҳанифа бир оз ўзини босиб олиб кўз ёшларини артаркан.

— Нима бўлди, тинчликми? Менга айтмасангиз кимга айттар эдингиз. Айта қолинг, эҳтимол ёрдамим тегар.

— Ҳа, тўғри. Ахир сиз бу хонадонга мендан аввал тушгансиз-ку, ҳеч хаёлимда йўқ. Бир нарсани сўрасам билармикансиз?

— Вой, сўрайверинг.

— Рустам акангиз бирортасини мендан аввал яхши кўрганмиди?

— Ҳа, хабарим бор. Лекин ҳозир бунақа гапларни мавриди эмас-ку. Қўйинг энди шу гапларни.

— Йўқ, Сурайёхон. Айнан ҳозир шунинг мавриди бўп қолди.

Сурайё «Тавба» деб ғалати қараб қўйди.

— Ўша қизнинг исми мабодо Ойниса эмасмиди?

Сурайё бир сесканиб кетди ва бундан йигирма йиллар муқаддам Рустам ва Ойниса ўртасида юз берган ишқий савдоларни, уларнинг бошларини бирлаштироқ учун қилган саъй-ҳаракатларини эслади: «Қизиқ, бу ишлар нега овсинимни қизиқтириб қолган экан? Ё Рустам акам ўша қиз билан ҳамон учрашиб турганмикан?» деган савол ўтди кўнглидан.

— Ҳа, Ойниса эди. Нима эди?

— Ўша Ойнисани тезлик билан топишимиш керак экан. Бўлмаса... бўлмаса акангиздан айрилиб қоларканмиз, — дея яна йиглаб юборди Ҳанифа.

Сурайёнинг кўзлари «Қанақасига» дегандек «ярқ» этиб очилиб кетди.

— Доктор шунақа деди. Хўжайиним фақат ўшанинг исмини айтияпти... Мен қизимними десам, унақамасакан... — деди Ҳанифа пиқиллаб.

— Вой, мен у қизни танийман, — деб юборди Сурайё бирдан.

— Уям боғдодалик.

— Вой, анави қудамизми?

— Йўқ. Қудангизни бектепалик деб эшиттанман. Лекин ўзини кўрганим йўқ. Улар келганида мен касалхонада эдим, шекилли. Мен айтган қиз ҳозир катта жувон бўлса керак. Ширинсой деган қишлоқдан эди. Биз уникига совчи бўлиб

боравериб оёғимиз оқиб кеттан. Берипмаган. Кейин сизникига борганимиз да.

— Ҳе, Ойниса бўлмай ҳар нарса бўлгурлар. Ҳаммаси мени куйдиради-я. Бир ёқда қизим, бир ёқда у. — деди Ҳанифа аччиқланиб.

- Тақдир энди шунаقا экан-да.
- Вой, унда нимани кутиб ўтирибмиз? Кетдик бўлмаса.
- Қаёққа?
- Қаёққа бўларди, ўша Ширинсойга-да.
- Ҳозир-а?
- Ҳа, айланай. Уни топиб зудлик билан олиб келинглар деб, доктор айтди.
- Вой, рости биланми?
- Нима, ҳозир ҳазилнинг вақтимиди?
- У ҳозир бошқа ёққа эрга тегиб кеттан бўлса-чи? Эри бўлса-чи?
- Эри билан ўзим гаплашаман. Бу ерда одамнинг ҳаёт-мамоти масаласи турибди. Мени ҳеч қанақа рашқ, фисқу фасод энди қизиқтирмайди. Менинг баҳтимга соғ бўлсалар бас... — деди Ҳанифа ва кўзларида дувиллаб ёши тўкила боплади.

Сурайёнинг оғзи ярим очилиб анграйиб қолди.

- Бўлинг тез, деяпман сизга!

Сурайё бир чўчиб тушди ва калишини оёғига апил-тапил илиб «Ҳозир, кийиниб келай» дея чопиб кетди.

— Эй, Яраттан эгам, — деди Ҳанифа илтижо қилиб. — Борингта шукр, ўша қизни топиб берганингта шукр...

Яхшики Акбарали уйда экан. У укаси Рустамдан хабар олгани бормоқчи бўлиб турганди. Сурайё ҳовлиқиб чопиб келди-да, эрига бўлган гапларни апил-тапил гапириб берди.

— Ё тавба, шунаقا касал ҳам бўларканми? — деди эри ажабланиб ва машинасини тайёrlай бошлади.

- Дўхтирикайтибди, уларни учраптиурсак шифо бўлармини.
- Майли, бир йўла Рустамни кўриб келамиз.

Икки соатлардан сўнг улар Ширинсойнинг таниш лойтупроқ, кўчаларига етиб келишди. Акбарали тўғри ўша йигирма

ЧИМНАДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ  
йил мұқаддам мулзам бўлиб қайтиб кеттган хонадон олдида тўхтади.

- Бор, кир-чи. Анави отаси тирик бўлса кўргани кўзим йўқ.
- Унақа деманг, ака. Ўзи ёмон бўлсаям қизи яхши эканки, укангизнинг юрагидан урган экан.

Сурайё «Ҳой, ким бору?!» дей чақириб ичкарига кириб борди. Ойнисанинг отаси раҳматли бўлиб кетиби. Бу уйда Ойнисанинг кичик укаси Нусратжон яшаркан. Ҳозир эса уйда фақат унинг етти ёшлилдаги ўғилласи бор экан.

- Үрлим, Ойниса амманг ҳозир қаерда яшайди?
- Билмадим. Уни Ойбек тоғам биладилар.
- Ойбек тоғантники қаерда?
- Нариги маҳаллада.
- Юр, бизни олиб бор, илтимос.
- Бўпти, — деди болакай ва лип этиб машинага ўтириб олди.

Ойбекнида унинг хотини бор экан. У Ойнисани Бектепа қишлоғига кўчиб кеттанини айтди.

- У кишининг уйини қандай топамиз? — деб сўради Сурайё.
- Вой, у кишининг уйини ҳамма билади. Қишлоқдаги энг баланд европача уй ўшаники-да. Қобилжонларники қайси деб сўрасаларинг ҳамма танийди.

Ҳанифанинг ранги оқарип кетди. Худди ҳаво етишмаёттандай томоги бўғилди. Юраги ўйнаб ҳансирай бошлади.

- Ҳайданг, Акбар ака. Бу ўша қудамиз экан...
- Сурайё тақдирнинг бу ўйинларидан хайрон эди. Хайриятки, Ойниса уйида экан. Ўша куни қизи ўқишига кетадиган бўлиб, унинг кийим-кечакларини тайёрлаб ўтиради. Тўсатдан Олапарнинг ҳуригани ва кўчада машинанинг сигнали эштийди. Ҳойнаҳой Қобилжон келдимикан ё Исройл акамикан, деб кўчага шоша-пиша чиққан аёл қудасини кўриб довдираф қолди.

- Вой, келинглар, хуш келибсизлар, — деди Ойниса.

- Хуллас, Ойнисахон гап бундоқ. Биз бир ташвиш билан келдик.
- Нима, Қобилбекка бирор нима?..
- Йўқ, эримнинг аҳволи чатоқ, бормасангиз бўлмайди. Юринг биз билан, — деди Ҳанифа кескин.
- Нима, жанжаллашиб қолдиларингми?
- Йўқ. У ўлим тўшагида ётибди, сизни сўраяпти.
- Нима? Мени? Нега?!
- Хуллас, бўлар ишлар бўлиб ўтгандир. Уларнинг ҳаммасини эсимиздан чиқарайлик. Ҳозир Рустам акамни кутқариш керак. Сиз бормасангиз у ўлиб қолади, — деб Ҳанифа уввос тортиб йиглаб юборди.

Сурайё қараса, Ойниса тушунмаяпти. Ичкарида эри бўлса керак, деб ўзи уни бир четта бошлади. Акбарали эса Ҳанифани юпатарди.

- Синглим, ўзингизни босинг. Бу ердагилар бошқача тушунмасин. Юринг, машинага ўтиринг. У боради. Биз уни кўндирамиз.

Ҳақиқатдан ҳам йиги овозини эшишиб бир-икки қўшни аёлмар шу томонга қараб кела бошлишган эди. Кўп ўтмай Ойниса кийиниб чиқди ва қўшнисига қараб деди:

- Саломатхон, қизим келса айтинг, бир қариндошимиз касалхонада оғир экан. Мен тез бориб келаман.

Ойниса орқа ўриндиқча ўтиаркан, Ҳанифа ўзини унинг бағрига отди ва силтаниб-силтаниб йиглай бошлади.

- Ишқилиб, уйда эрингиз йўқмиди, Ойнисахон? — деб сўради Сурайё.

- Йўқ, — деди Ойниса ҳам кўз ёшларини артиб.
- Мени кечиринг, Ойнисахон. Сизда мени ҳеч қанаقا гинам йўқ. Рустам акам соғ қолсалар бўлгани. У ҳадеб сизнинг исмингизни айтиб чақирияпти. Юраги секинлаб қопти. Дўхтир тезда сизни топишимишни буюрди. Юрагига малҳам бўлармишсиз. Бошқа дори кор қилмасмиш, — дея зорланарди Ҳанифа пиқиллаб.

У гапирадию Ойниса ҳижжолатдан эзилиб борар, кўз олдида

Рустам билан кечган энг ширин лақзалар лип-лип үтмоқда эди.

Шу тобда унинг қулоқларига Ҳанифанинг зорланишларию Сурайёning тинчлантиришлари кирмас, Рустамнинг унга олма узатаётгандаги нигоҳи, пахта тераётиб бир эгатга тушиб қолганликлари, "Олма жанги"даги оғир яраланиши ва ўшанда ҳам унинг ҳозиргидек реанимацияда ўзини билмай ёттани, йигит унинг қайноқ нафасини ҳис қилиб ўзига келгани кўнглидан кечар эди.

Нима учундир ҳозир ҳам ўша талабалик давридагиdek Рустам "Ойниса, мени ташлаб кетманг! Бу ифлосдан қочинг! Мен сизни севаман!.." дея алаҳсирамоқда эди. Ойниса ҳам ўзи англамаган ҳолда ўша йигирма беш йил аввалги ёшлигига қайтгандек бўлди. Унинг кўз олдида яна ўлим билан олиштаётган ўша ночор севгилиси ётарди. Ойнисанинг кўзларидан ёш дувиллади, атрофдагиларни унуди ва беихтиёр йигитнинг кўлини ушлаб маҳкам сикди.

— Рустам ака, сизни ёмон уришдими? ...Мана мен олдингиздаман, кўзингизни очинг...

Ҳанифанинг ҳам кўзларидан дувиллаб ёш оқа бошлади. Шу пайтда пайдо бўлган Исройл ака эса оташин муҳаббат "саҳна"сидан ҳайратта тушган эди.

— Ойниса... — деди яна охиста Рустам.

— Лаббай, Рустам ака! — деди Ойниса ва йигитнинг устига зингашиб меҳр билан боғлам тепасидан тушиб турган, оқ оралаган тўзиқ соchlарини силади.

— Тура қолинг, Рустам ака. Мен Ойнисаман.

Бир маромда кичик пульс билан уриб турган юрак кардиограммасидаги чизикларда ўзгариш юз бера бошлади. Ҳамшира хурсанд бўлиб кетди ва устози Саид Собировични чақириб келгани чопди. Докторнинг ўзи ҳам шу тарафга келаётган эди. Реанимация ойнаси ортида турган бир гуруҳ томошабиннинг ҳайрат ила туришларини кўриб "Ойнисани топиб келишибди-да" дегандай мамнун кулиб кўйди.

— ... Ойниса... — дер эди Рустам бетўхтов.

— Рустам ака. Мен ёнингиздаман. Ўзимнинг шунқорим!  
Кўлингиздан яна олма егим келяпти, олма...

— Қанака олма?

— Қизил олма... Эсингиздами?

Кардиограмма чизиқдарида яна-да жадалланиш содир бўла бошлиди.

— Эсимда... Мен кетяпман, Ойниса...

— Кетманг, қайтинг, Рустам ака!

— Сизни севаман, Ойниса...

— ... М-мен ҳам, Рустам ака...

— Мени кутинг, албатта келаман...

— Сув ичасизми, Рустам ака?

— Сув...

Ойниса дарров ҳамшира узаттан пиёлани қўлга олди ва Рустамнинг қуруқшоқ лабларига томчилатди.

— Мен Ойнисаман. Қўлимдан сув ичинг.

Кардиограмма аппаратида юрак пульс чизиқлари яна-да жонлана бошлиди. Собир Сайдович "Анави мўъжизани кўрдингизми?" дей Ҳанифага томон боқиб "Ишлар беш" дегандек бош бармогини кўрсатиб қўйди. Йиглаёттан аёлнинг изтиробли кўз ёшлари энди қувонч ёшларига айланаб бормоқда эди. Ойниса Рустамнинг лабларига пиёлани тутди. У ниҳоят ўзига кела бошлаб, сувдан хўплаган бўлди. Сўнгра кўзлари пирпиради-да, хиёл очилди.

— Рустам ака, мен Ойнисаман.

— Ойниса!..

— Мени қўрқитманг!..

Рустам Ойнисанинг қўлини маҳкам қисди.

— Бу сизмисиз, Ойниса?..

— Ҳа-ҳа, бу мен. Тузукмисиз, Рустам ака?

— Мен кетяпман, Ойниса...

— Йўқ-йўқ. Ташлаб кетманг. Энди доим бирга бўламиз.

Ўлсак бирга ўламиз. — Мени ташлаб кетманг, Рустам ака...

Ҳанифа чидаёлмади. Ўзидан кетди. Уни тутиб қолдилар. Собир Сайдович Ойнисанинг елкасига оҳиста уриб қўйди. Бу

билан "Хозирча етарли, беморни қийнаманг" демоқчи бўлди. Аёл шундагина атрофдаги одамларнинг дикқат билан қараб турган нитоҳларини туди. Йигитнинг қўйини сўнгти бор "Рустам ака..." дея сиқиб, қўйиб юборди, у ҳам "Ойниса..." дея ҳолсиз қўли муаллақ қолди. "Мен шу ердаман, ҳеч қаёқда кетмайман! Сиз билан биргаман, Рустам ака" дея аёл ҳўнграб йиглаб, реанимация хонасини тарк этди. Истроил ака унинг силкиниб турган елкасини силаб залдаги ўриндиқлардан бирига олиб борди. Кетидан Собир Сайдович ҳам чиқиб келди. Унинг чехраси очиқ эди.

— Яхши! Ҳаммаси жойида, Рустамжон ўзига келди. Энди ҳавф йўқолди, — деди у беморнинг яқинларига қараб ва Ойнисанинг олдига келди-да, чўккалаб ўтириб "Раҳмат сизга, Ойниса, келганингиз учун, ёрдамингиз учун. Нимаям қила олардик, пешонамизга ўзимиз кутмаган тақдирлар битилар экан-да. Ҳафа бўлманг, қизим" деди ва энди Ҳанифанинг ёнига борди.

— Табриклайман, эрингиз омон қолди! Тажрибамиз яхши натижа берди.

— Бу тажрибани ўтказишни қандай ўйлаб топдингиз, домла?  
— деб сўради Акбарали қизиқиб.

— Бу усулни буюк устозимиз Абу Али ибн Сино топганлар. Буни "Ишқ қасаллиги" дейилади. Шунинг учун юрак шакли муҳаббат тимсоли деб қабул қилинган. Ҳозир Рустамжонга биринчи муҳаббати Ойнисадан бошқа ҳеч қанақа дори-дармон кор қилмасди, — деди у кулиб.

Ҳамманинг кайфияти кўтарилиди. Рустамнинг соғайиб кетишига катта умид пайдо бўлганди. Ҳанифа келиб Ойнисани қучиб олди.

— Раҳмат сизга, опажон... Келинг энди, бизлар опа-сингил тутинайлик, — деди у йиглаб-сиқтаб.

Бироқ тўсатдан Истроил ака секин шивирлади:

— Майли, опа-сингил тутинаверинглар, аммо қуда-андар бўлманглар.

— Нима?! — деб "ярқ" этиб қаради Ҳанифа.

Ойниса эса мўйсафида "Бекор ундай дедингиз" дегандек ғалати қараб қўйди.

— Юринглар, бир четта чиқайлик. Гап бор. Ойнисахон, бу сирни синглингизга ошкор қилмасликнинг энди иложи йўқ.

— Вой, қанақа сир? — деб сўради Ҳанифа.

Истроил ака уларни касалхонанинг сұхбаттоҳига бошлиди.

— Бу гапларни гапириш мен учун жуда оғир. Лекин ўргадаги балогардонман-да... Фақат сизлардан илтимос, буни тўғри қабул қилинглар, ақл билан иш юритинглар. Чунки ҳар иккингиз ҳам ойдек покиза ва фаросатли аёлсизлар.

— Гапираверинг, тушундик, — деди Ҳанифа.

— Бу гапдан Ойнисанинг хабари бор. Шунинг учун сиз, Ҳанифахон, ҳар қандай оғир гапимга тайёр туришингизга тўғри келади.

— Айтаверинг. Мен тайёрман. Агар вазиятни тўғри тушунмаганимда Ойнисахонни ўзим қидириб олиб келмаган бўлардим.

— Ҳа, тўғри айтасиз, синглим. Бу ерда сизнинг ҳам, Ойнисанинг ҳам, Рустамжоннинг ҳам ҳеч қандай айби йўқ. Бу ишлар сизгача, яъни уларнинг талабалик даврида бўлган экан.

— Ҳа, бу ҳақида Сурайёдан эшитдим. Улар бир-бирларини яхши кўришган экан. Лекин бу кишиникилар кўнишмаган эканлар.

— Гап унда эмас.

— Нимада?

— Қобилжон Рустамжоннинг ўғли бўлади, — деди мўйсафид дабдурустдан.

— Нима?! Вой, ўлмасам! — деб юборди Ҳанифа ва кўзлари ола-кула бўлиб ўрнидан туриб кетди. Истроил ака тездан уни жойига ўтқазди.

Ойниса эса йиглаб юборди.

— Ахир, қ-қизим?! — деб жовдиради Ҳанифа ва ўзидан

кетаёзди.

— Биламан, қизингиз Россияда. Лекин ҳозир у Қобилжон билан бирга эмас. Хавотир олманглар, кеча Наташа билан ўзим гаплашдим.

— Н-німа?! Үнда қаерда?

— Билмадим. Излашаётганмиш.

— Вой, шўрим. Бу энди қандай кўргулик-а!...

— Қобил німа қиляпти? — деб сўради Ойниса шоша-пиша.

— У акаси Нурбек билан қизни қидиришияпти.

Мўйсафид чуқур хўрсиниб қўйди.

— Тўй шунинг учун ҳам қолдирилган эди. Рустамжон шунинг учун ҳам тажанг эди, қон босими ошарди ва эҳтимол манави ҳалокат ҳам бежиз эмасdir. Қизингиз албатта топилади. Наташахон уни топилиши билан бу ёқда жўнатиб юборишга сўз берди. Хуллас, ёшларимизни Худонинг ўзи асрари.

Энди аёллар бир-бирларини қаттиқ, қучишиб йиграй бошлиди. Тақдирнинг бу синоатларидан улар ҳайрон эдилар.

\*\*\*

Бегона юртда, бутунлай нотаниш жойларда юпун, деярли пулсиз қолиб кеттан, бу ҳам етмагандек рус тилида яхши гапира олмайдиган Ойниса Жилино станциясида қарши томондан келадиган поездни узоқ кутди. Лекин поезд проводниклари уни дайдилардан деб ўйлаб бир оз тихирлик қилишди. Ниҳоят, бир кўнгилчан аёл унга раҳми келди шекилли, «Бир станциягача бўлса чиқа қол» деди. Қиз ўша Новоалтайск станциясига келиб тушди ва вокзалга кириб борди. Скамейкага эндинигина беҳол ўтирган ҳам эдики, рўшарасида хода ютгандай, ўша уни қувлаган милиционер йигит пайдо бўлди.

— Значит, попалась, — деди йигит честь бериб. — Ану-ка, покажи документы?

Қиз сумкачасидан ўзбек паспортини олиб берди.

— Почему убежала? — деб сўради участковой ҳужжатни зидан текшираркан.

— Не знаю... С поезда опоздала.

— Не ври. Ты же запла в поезд. Может быть ты ворюга-а? Қиз «ворюга» сүзини тушунмади. Елкасини қисиб күя қолди.

— Эх-хе, твои дела плохи, дорогая. Ты ударила безпомощную женщину. Может её обворовала. Уточним. Бродишь по поездам и неподчиняешься органам. Еще и без прописки. Знаешь за это сколько грозит?

Қиз елкасини бейхтиёр қисиб «Не понимаю» дегандай бош чайқади.

— Минимум пять лет. Если конечно потерпевшая не подаст заявление. Попали, разберемся в отделе.

Милиционер Ойнисани олиб кета бошлади. Бу пайтда медпункт олдиғаги ўриндиқда ўша йиқилиб түшгап аёл мудраб ўтиради. Унинг боши ва оёғи бинт билан боғланганди. Милиционер унинг олдига келиб тұхтади-да, «айбланувчи»ни ушлаб келганини маълум қылди.

— Ну что, потерпевшая, напишите заявление? А мы составим протокол и её посадим по соответствующим статьям.

Аёл бир оз ҳайрон бўлиб ўйланиб қолди. Қизнинг кийимига ва кўзларига бокди. Унинг жанубдан ёлланма ишга келган аёллардан бўлса керак, деб ўйлади. Лекин йиқилиб түшганидан кейин уни меҳр билан суюб олиб келгани ва чиройли қилиб чаққонлик билан биринчи ёрдам кўрсатганини эслади. «Ёмон қизга ўхшамайди. Бошига мушкул иш тушибди, шекилли. Мен ҳам саҳарлаб заҳаримга ўша юз граммни ичмаганимда бу ишлар бўлмасмиди» деган ўйга борди кампир афсусланиб ва ҳозир агар жанублик қизни ҳимоя қилмаса, уни қамаб қўйишларини кўз олдига келтириди. «Бечора яхши қиз экан, яхшигина тибиёт ходимаси экан. Қани энди бизнинг қишлоқда шунаقا шифокор бўлсайди. Мен энди қарибдим. Дори-дармонга бунаقا келиб кетиш ҳам малол бўлиб қолди. Ўлиб қолсам қишлоқда дўжтир қолмайди. Ё шу қизни кўндирамсанникан-а?.. Ўзи у иш қидириб келганга ўхшайди».

— Товарищ милиционер, — дея қичқирди кампир Ойнисани олиб кетаёттан маҳсус мундирли йигитта қаратса. — Я заявление

подавать не буду. Она девушка порядочная. Видимо хорошая медработница. И потом, я упала случайно. Отпустите её, пожалуйста, — деди самими.

- Она же убежала от меня. Не подчинялась, понимаете?
- Правда что ли?
- Незнаю... — деди Ойниса тұлық гапира олмай.
- Ты бежала в поезд.
- Это был не мой поезд.
- Тогда где твой билет?
- ...
- Ты бродяга, да?

Киз бир оз тушуниб құрқиб кетди.

- Я не бригада, құйворинглар!
- Не бригада, а бродяга. Поняла, тутика?!

Зум ўтмай Ойниса ўзини панжара оргида күрди. У ерда бир олифта қыз қўлинни бошига тираб асабий турарди. У эгнига шим, киндиги очиқ калта кўйлак кийиб олган. Тақинчоқлари яраклар, ҳатто киндигига тақиб олган зирақ кўзи ҳам чироқ нурида товланарди. Сочи сап-сарик, юзига тоза ишлов берилган ва кўкраги деярли очиқ эди.

— Отпустите меня! Сволочи, ит эмганлар! — дея тўсатдан қичқира бошлади ва ўзбекчалаб ўзбек қизларига хос бўлмаган курақда турмайдиган гаплар билан шундай болажонадор қилиб сўкиндики, Ойниса бир чўчиб тушди.

— Эй, не ругайся-а. Сиди спокойно. Вот тебе землячку привели, — деди навбатчи милиционер йигит.

- Ҳа, сенми? Исминг нима?
- Ойниса.
- Меники Диля, то есть Дилбар.
- Ўзбекмисиз?! — дея ажабланди Ойниса.
- Ҳа. Сочим парик. Бу ерга қандай тushiб қолдинг?

Ойниса юз берган воқеани қисқача таърифлаб берди. У гапиаркан Дилбар уни айлантириб қадди-қоматини кўра бошлади.

- Яхшигина экансан. Бечорагина. Бу ердан тезроқ чиқиб

кетмасанг, расво қилишади.

— Нима? Ким, милиционерларми?

— Йўқ. Уларнинг кругой гумапталари бор. Ҳар куни тўрга илинганд «балиқ»ларни йигиштириб олиб кетишади..

— Қанақа тўр?

— Биз сен билан ўшанақа тўрдаги балиқлармиз, — деди Дилбар кулиб. — Эҳ, шундай чекким келяптики. Сигаретантг йўқми?

— Йўқ. Чекмайман... Кейин, ҳалиги, нима қилишади?

Дилбар беўхшов хо-холаб кулиб юборди.

— Нима қилишарди, олдин яхшилаб тозалашади, кейин пишириб ейишади-да...

Ойниса унинг ўзини тутишидан бузуқи қизлардан эканини фаҳмлади. Шундай бўлса-да, ўзини билмаганга олди. Чунки унинг учун энг муҳими ҳозир ўзининг қаерда тургани ва бу ердан чиққач, қайси томонга бориши мумкинлигини сўраб ахборот олиши мумкин бўлган ягона ҳамюрти эди.

— Диля, сиз ўзингиз бу ерга қандай тушиб қолдингиз? — деб сўрашга ботинди у.

— Тирикчилик қилиб юрувдим. Бир сволочъ шу яғин орага ташлаб кетди. Вокзалда тонг отгунча ўтириб турарман десам, бир милиционер илакипди. Мени бир четта судради. Мен уни боплаб тепиб қочдим. Бошқаси тутиб олди. Нападение қилганмишман.

— Нима иш қиласиз, ўзи?

— Менми, савдо қиласман, — деди Дилбар хиринглаб кулиб.

— Нима сотасиз?

Дилбар кўкракларини бир-бир кўтариб қўйиб, чиройли жилмайди.

— Нима бўларди, эл қатори-да... Менга қара, менга шерик бўл. Зўр пул топамиш. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас экан-да. Бўйтими, розимисан?

— Йўқ, менинг ўз касбим бор. Медикман.

— Ўҳ-хў, медиклар бу ерда жуда дефицит. Унда жуда яхши. Сени бирор медпунктга ишга жойлаб қўямиз. Ўша ерда

ишлайверасан. Керак бүлганингда «тез ёрдам»га деб олиб кетавераман. Двойной ишлайсан. Кейин ўзингният, меният авайлайсан. Ҳозирги замонда нима кўп, СПИД кўп.

— Йўқ. Мен қилолмайман. Қаллиғим бор.

— Подумаешъ, қаллик. Пулинг бўлса қаллик тиқилиб ётибди. Кейин хом терига жин урармиди, ўзинг дўхтир экансан-ку.

— У мени албатта қидириб келади.

— Ҳа-ҳа, агар топа олса. Кейин ўзини қамаб қўйишмаса, албатта.

— Сиз энди бу ердан қандай чиқиб кетмоқчисиз, ўзи?

— Айтдим-ку сенга, ўзлари опкетишади, деб. Эҳ, ҳозир бир дона сигарета бўлсайди...

Дилбар тўсатдан панжарани тарақлатла бошлади.

— Эй, начальник, блин!

— Что орёшь?

— Дай мне одну сигарету-а?

— Не положено, молчи!

Бу пайтда унинг ёнига ярадор кампир оқсоқланиб кириб келди. Ойниса Дилбарга ишора қилиб кампирни кўрсатди.

— Ана шу кампир деб поездимдан қолиб кетдим-да.

— Ой, сволоч, алкаш несчастная! — дея қичқира бошлади тўсатдан Дилбар. — Отпустите её. Она порядочная девушка, медработница. Приехала зарабатывать честно!

— Ой, молчи-а! — дея қичқирди бошлиқ.

— Йўқ, ўртоқ бошлиқ. Бу қиз тўғри гапирияшти. Мени шу қиз боғлаб қўйди. Қаранг, қандай чиройли... Мен ҳам тиббиёт ходимасиман. Қишлоғимизда биттаю битта медпункт бор, холос. Лекин мен қариб, ишга ярамай қолдим. Худо кўрсатмасин, агар мен ўлсам, қишлоқ дўхтирасиз қолади. Сендан илтимос, ўртоқ бошлиқ, ана шу қизни менга кўндириб бер. Бизда яшаб, ишласин, — деди ялинганнамо кампир ўз тилида.

— Ахир, холажон, у сизни атайин туртиб йиқитиб юбориби-ку.

— Йўқ, атайин эмас. Тасодифан бўлди. Мендаям айб бор

ўзи, озгина отиб олғандым-да. Бечора қиз, атайин жанубдан тирикчилик деб келгаңдир-да.

— Бунинг ҳеч иложи йўқ, холажон.

— Кишлогимиз номидан илтимос қиласман, болам. Кишлоқда бари қариялар қолганмиз, дўхтирга жуда мухтожмиз. Ахир аҳволимизни тушун. Мен ўзим учун сўрамаяпман.

— Хўп, опажон. Ҳозир ўзи билан гаплашиб кўрайин-чи.

Бошлиқ панжара олдига келди ва Ойнисага юзланди.

— Ты, медработница что ли?

— Да...

Бошлиқ қулфни очди.

— Тебе повезло. Только ты смотри. Если подведёш, я тебя посажу. У меня все твои данные, поняла?

Дилбар уни яна «Рози бўлавер» дегандек туртиб қўйди. Ойниса «Да» деди.

— Пожалуйста, забирайте её, матушка. Если чуточку делает нарушение, обращайтесь к нам, хорошо?

— Ой, спасибо, — дея журсанд бўлиб кетди кампир. — Ты меня выручил. Дай бог тебе здоровье... — деди у ва ўрнидан қўзғолди.

— Иди, помогай, — деди бошлиқ Ойнисага.

Ойниса аёлнинг қўлтиғидан олди.

— Вы из какой деревни, тётушка? — деб сўради бошлиқ кампирдан.

— Заозерная. Это недалеко от станции Зернаухи.

— Как раз сейчас подъедет поезд в сторону Новосибирск и мои ребята вас проводят.

— Да-да, Новосибирск. — деб юборди Ойнисанинг ҳам кўзлари порлаб. Чунки улар «Тошкент-Новосибирск» поездига ўтиришганини биларди. Бошлиқ унга ҳужжатини қайтиб берди. Улар чиқа бошладилар.

— Хайр, Дилбаржон. Кўришгунча. Сизга раҳмат.

— Хайр, сени ўзим топиб оламан. У ерни биламан! — дея қичқирди Дилбар.

\*\*\*

Қобилбек билан Нурчик «Новосибирск-Олмаота» поездига ўтиришди. Чунки тахмин қилишларыча Қобил Семипалатинск шаҳридан ўтишгандаридан сўнг ухлаб қолган ва Барнаулни ҳам эслай олмади. Шу туфайли улар қизни Новоалтайскдан Семипалатинскгача бўлган оралиқ станцияларда бир-бир тушиб қолиб қидириув ишларини амалга оширишга қарор қилишди.

— Барнаул катта станция, — деди Нурчик. — У ер Алтай ўлкасининг маркази ҳисобланади. Шу туфайли бу ерда поезд узоқ тўхтайди. Мева-чева, юклар ҳам кўп кириб келади. У ерда ҳар хил дўконлар ҳам кўп. Шу туфайли қиз ўша станцияга тушиб дўконларни айланиб поезд юрганини сезмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Новоалтайск станциясидан бўлса темирийўл шимол ва юарбга ажралишади. Агар у кейинти поездга ўтирган бўлса, унда ишимиз хуржун деявер.

— Нега энди? — деб сўради Қобилбек ўта хавотирлик билан.  
— Новосибирск поездлари шимол томонга бурилиб кетади. У ўтирган поезд бўлса...

— Демак, темирийўл картасини топишимиз керак экан-да.  
— Албатта. У қиз борадиган жойни, яъни бизникини билармиди?

— Йўқ.  
— Мабодо кўл телефони йўқмиди?  
— Йўқ.

Нурчик асабийлашиб, ўтирган ўриндиқни мунгти билан бир уриб қўйди. Йўловчилар «ялт» этиб шу томонга қарашибди. Катта муаммога дуч келган икки йигит уларнинг ҳам эътиборини тортган ва миқ этмай ўзаро сұхбатларига қулоқ тутиб келмоқда эдилар.

— Сенгаям тан бермадим, Қобил, — деб қўйди бир пайт Нурчик. — Шунча пулим бор дейсану ўша қизга биргина қўл телефони олиб бермабсан. У сенинг рақамингни биладими, ўзи? Фақат «Йўқ» дема, илтимос...

— Й-йўқ... Мен кечагина сотиб олувдим-да. Қиз билан доим бирга эдик.

— Унда ишларимиз чатоқ экан. Бүлар иш бўлти. Лекин хавотир олма. У қизни албатта топамиз. Ишни Барнаулдан бошлаймиз. Кейинги ҳар бир станцияларга тушиб вокзалларни текшириб чиқамиз, милициядан суриштирамиз.

Шундай қилиб, улар Новоалтайскда тушишмади. Факат Қобилбек вокзал ичига чопиб кириб ўтирганларни юзаки кўриб чиқди холос. Бу пайтда Ойниса ва кампир бир милиционер билан перроннинг нариги томонидаги йўлдан қарши томондан келаётган Новосибирск поездини кутишмоқда эди. Қобилбек пастта тушиб кеттанида Нурчик вагоннинг нариги томонини ҳам кўздан кечирди. Лекин у Ойнисани танимасди. Бир ярадор кампирни қўлтиғидан олиб турган юпун кийинган бир қорача қизга унчалик эътибор бермади. Унинг тасаввурода қиз яхши кийинган ва келишган қоматли эди. Шу маҳал қарши томондаги поезд ҳам келиб тўхтай бошлади. Қобилбек қайтиб келди. У ҳам кела солиб Нурчик қараб турган дераза томон нигоҳ ташлади. Вагонлар бир-бир лип-лип ўтиб кампирни етаклаган қиз унинг юклари билан овора бўлиб тургани кўринди. Лекин Қобилбек бу лаҳзаларни илғаб олишга улгурмади. Чунки ўз поездлари ҳам ўрнидан қўзғолган эди. Бундан ташқари, Ойнисанинг қандайдир ярадор кампир билан юриши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

— Қобилбек, қизинг жуда чиройлими? — деб сўради Нурчик жойларига ўтиаркан.

— Ҳа, жудаям. Нимайди?

— Қанақа кийинган? Шимлими ёки юбкалими?

Қобилбек бир оз ўйланиб қолди ва вагонга чиққач, у оддий уй халатини кийиб олганини эслади.

— У оддий уй халатида эди шекидли.

— Сочлари қанақа, сариқми, қора?

— Қора, албатта.

— Қанақа турмакланган?

— Иккита кокил қилиб ўриб олинган.

— ... Шунақами! Мен ҳозиргина сен айтгандақа қизни кўргандай бўлдим. У бир ярадор кампирни қўлтиқлаб олганди.

— Қаерда?

— Манави томонда. Кейин поезд келиб қолди. Улар ўшанга ўтиришди шекилли. У Новосибирск поезді эди.

Қобил ўша томонға умид билан термулди. Лекин поезд кетіб бўлганди.

...Орадан бир ҳафталар ўттачгина ака-укалар оталарининг уйига шумшайиб кириб келишди. Улар жанубий йўналишдаги Семипалатинскгача бўлган станцияларнинг деярли барчасини кезиб суриштириб чиқишиди. Ойниса изсиз йўқолган эди. Бу орада Нурчик онаси ва ишхонаси билан ҳам телефон орқали гаплашиб турди. Наташа Қобилбекка қизнинг отаси Рустамнинг аҳволи оғирлигини маълум қилди. Шунда йигитларда эҳтимол қиз бу ҳақида эшиттан бўлса, Ўзбекистонга қайтиб кеттандир, деган фикр ҳам пайдо бўлди. Бундан ташқари, яна янги муаммоларга йўлиқишиди. Бу Қобилбекнинг паспорти йўқлиги ва у ҳамон ҳарбий билет билан юрганлигига эди. Агар Нурчик бўлмаганида аллақачон уни милиция шахсини аниқлаш учун қамаб қўйган бўларди. Поездма-поезд юриб билет сотиб олаверип ва ҳар тешикда паспорт сўрайверишлари жонларига тегди. Бир милиционер ҳатто уларни бўлинмага олиб кириб «Бу Россия ҳарбий билети эмас. Демак, сен аскарлиқдан сўнг бирор жиноят қилиб қочиб келган бўлсанг керак» деб Қобилбекни панжара ортига қамаб ҳам қўйди. Нурчик «куруғи»дан каттароқ узатиб уни аранг олиб чиқди.

— Россияга паспортсиз келиш, бу гирт аҳмоқлик, — деди акаси укасига жаҳл қилиб.

Шу боис ҳам Қобилбекни бир-икки кун ўз жойлари ва ишхонаси билан таништиргач, уни Ўзбекистонга қайтариб юборишига қарор қилишди. Биринчи гада Қобилбек Ойниса ҳақида ҳамма нарсани аниқлаб бу ёқда хабар берадиган бўлди. Ойнисанинг фотосурати бўлмагани ишни қийинлаштириди. Қобил уларнинг бирга тушган суратини билмай Чирчиқ дарёсига оқизиб юборганди.

Шундай қилиб, Нурчик Қобилни Топкент поездига бир илож қилиб ўтқазди.

\*\*\*

Ойниса кампирни поездга бир илож қилиб чиқарып, жойлаштириб олгач, вагоннинг икки тарафидан деразалардан кўз узмади. Гүё бепоён ўрмонлару қиялик, жарликлардан, турли ёғоч бинолару туганмас сўқмоқлардан ҳозир Қобилбек чиқиб келиб қоладигандек туюлаверди. Унинг юраги жўшқин ҳаяжон билан лиммо-лим эди. Чунки нима бўлсаем севгилиси билан борадиган манзилари шу депарадага ўхшарди. Афсуски, аҳоли борадиган посёлка ёки унга яқинроқ жой номини ҳам сўраб олмаган эди.

Улар Зерниха станциясига келиб тушишди. У ерда турли қишлоқларга қатнайдиган бир от қўшилган аравалар кутиб тураркан. Аравадаги хашак устига жойлашиб олишди. Улар билан яна икки кекса аёл йўловчи ҳамроҳ бўлишди. Узоқ йўл юришди. Рус аёллари овозларини баралла қўйиб мумтоз қўшиқлардан айтиб кетишли. Ёқимли салқин ҳаво, ўрмон дараҳтларидан уфуриб турадиган күшбўй ҳид элитдими, қўшиқ оҳанглари аллаловчи таъсир қилдими ёки асаблари бўшашдими, қопга суюниб олган Ойниса тез орада уйкуга кетди. Кишлоққа қачон етиб келишли, билмади. Кўзини очганида 15 – 20 хўжалиқдан ошмаган ёғоч уйлардан иборат кичик бир рус қиплогига келиб қолганини кўрди. Улар пештоқига "Медпункт" деб ёзиб қўйилган, деразаларига оқ дарпардалар тортилган ёғоч уй ёнида тушиб қолишиди.

- Как тебя зовут? – деб сўради ярадор кампир.
- Ойниса, – деди қиз.
- Ай... Айнися, Аня, а меня Ирина Петровна. Зови меня просто тётя Ирой, хорошо? – деди кампир ҳансирааб.
- Хорошо.
- Пошли. Я тут живу и работаю. Вот, теперь ты будешь мне помогать.

Улар уй ичкарисига киришли. Икки хона беморларни қабул қилиш ва муолажалар учун экан. Яна икки хонада эса кампир ёлғиз ўзи истиқомат қиларкан. Уй ёнига қўшимча ошхона ва ҳаммом қурилган бўлиб, ҳовлида омборхоналар ва мўъжазгина

кудуқ ҳам бор эди.

Яшаш хоналарида нарсалар тартибсиз сочилиб ётар, ҳовлиниң қаерига боқма, ароқдан бўшаган шишалар мўл эди. Кампирнинг спиртли ичимликка рўжу қўйган аёл экани шундок маълум эди.

Ойниса дарҳол уйларни тозалаш, жиҳоз ва сочилиб ёттан буюмларни тартибга солиш, супуриб-сидиришга тушиб кетди.

— Аня, отдыҳай, потом... — деб қўйди Ира хола.

Лекин қиз унга эътибор бермади. У паришон эди. Гўё ўзини ёт уйга тушиб қолган келинчакдай тута бошлади. Уйдан бир дунё ахлат чиқди. У энди полларни ювишга чоғланган ҳам эдики, кампир бақириб берди:

— Брось все! Потом... Давай обедат!

Қиз уни суяб ошхонага олиб кирди. Ювиқсиз идиштовоқлар бир талай эди. Музхона тузлама газакларга бой экан. Улар аллақандай кесиб ейиладиган ёғ, мураббо ва тузламалар билан тушлик қилишди. Шундан сўнг қизнинг ёрдамида кампир уни муолажа хонасига бошлади.

— Одень мой халат. Теперь я твоя клиентка. Покажи, какая ты способная.

Ойниса тезлик билан узун ва кенг оқ халатни ва каттагина бош кийимни кийиб олди ва шифохона ойнаванд шкафларидағи мавжуд жиҳозлар, дори-дармонлар билан танишиб чиқди.

Бу ерда тиббий муолажа қилиш учун деярли энг зарурый ашё ва дорилар етарли эди. Қиз беморни күшеткага ётқизиб қўйди-да, биринчи навбатда унинг қон босимини ўлчади. Меъёридан бир оз ортиқ чиқди.

— Теперь вы больная, а я врач, да? — деб сўрашга журъат қилди қиз.

— Да, дочка.

— Не дочка, а доктор, что я скажу вы будите слушать, хорошо?

— Хорошо, — деди кампир кулиб. У ўзига хос рус тилини бузиб аранг сўзлай бошлаган шогирдининг дастлабки ҳаракатларидан мамнун эди.

— Теперь водку пить не будите.  
— Хорошо, а петь можно?  
— Петь? Я не поняла.  
— Песню петь. Вот слушай: Ой мороз, мороз... Не морозь меня! — деда куйлади кампир ва кулиб юборди. Унинг кайфияти яхши эди. Чунки унинг хонадонига гүё бутун бир фарипта, ўша суюнчиқ бўла оладиган қиз кириб келгандек бўлди. Шу туфайли у хурсандлигидан ёш болалардай эркалангиси ва қўшиқ айттиси келаверди. Ойниса уни күшеткага ётқизиб қўйиб яраларини ечиб уларга керакли малҳам қўяётганида ҳам қандайдир ҳалқ қўшиқларини хиргойи қилиб ётди.

Шу маҳал хонага бошқа бир аёл кириб келди ва кутимаган воқеани кўриб унинг ҳам дили яйраб кетди. Унинг исми тётя Маша экан.

— Ой, как хорошо! Слава богу! Наконец в нашем деревне появилась настоящая медсестра, — деда Маша хола қувониб ва Ойнисанинг юзини ўшиб-ўшиб олди.

— Ой, какая ты красавица, симпатичная, черноглазая. Я сама тебе зашью новый халатик.

— Спасибо, садитесь.

— У меня постоянно спина болит, дочка. В этом деревне остались только старухи. Все наши дети нас бросили и уехали в город. Вот теперь у одного спина, у другого нога...

— И ещё одного задница... — деда қўшиб қўйди тётя Ира.

Кампирлар шараклаб кулиб юборицди.

— Есть такой Санёк-старик. Он упал с крыши прямь на бревно. Она про него говорит, — деда изоҳлаб қўйди тётя Маша.

Шундай қилиб, Ойниса фақат қариялардан иборат кичик бир рус қишлоғининг севимли шифокорига айланиб борди. Уларнинг кети узилмас, бири қўйиб, бири келаверар, медпункт улар учун гўё дам олиш, кўнгилочар жойидек масканга айланиб борарди. Ёш ва соҳибжамол Аня исмли янги, ишчан, қўли енгил шифокор қизнинг оҳанрабоси уларни ўзига жалб қиласарди. Улар бу ерга ул-бул егуликлар кўтариб келишар, таналарига тегишли муолажаларни олиб, ўзаро ўтган-

кеттәнлардан узок сұхбат қуриб турмуш ташвишларидан бир оз ўзларини ҳоли қилишарди. Оғирроқ – келолмайдиган беморларни эса Ойниса уйларига бориб күриб кела бошлади. Бу ишларга у шундай киришиб кетдикі, танлаган касбидан завқ оларди, шахсий ташвишларини бир оз унуды. Бу ерда ўзини гүё амалиётдаман деб ҳисоблай бошлади. У негадир ё соддалиқданми, ҳар ҳолда Қобилбекнинг бир куни шу ерга қидириб келишіпта ва амалга ошираёттан ишларини күриб қойил қолишига ишончи комил зди: «У келиб албатта вокзалдаги милициядан суриштиради. У ердагилар эса уни шу ерга юборишпади. Эхтимол у ҳам шу ерда ишлайверар, шу ерда оила қуармиз, ўз баҳтимизни топармиз. Ана, эгасиз қолган тайёр уйлар ҳам күп экан» дея фикр қиласы ҳамшира қиз. Тётя Ира ҳам унга тинмай «Қаллиғингта айт. Шу ерга келаверсин, ишларни бошқарадиган, аввалғи қишлоқ мавзеини тиклайдиган одам керак. Экин экиштә истаганча ер, тайёр ферма, ўрмон, трактор парки, омборлар бекор турибди» дер зди. У ҳам энди ичкиликтен бутунлай тапламаган бўлса-да, ҳар ҳолда ўзича ичмай кўйди. Фақат ўша зормандани дугоналари кўтариб келиб қолишиганида Ойнисадан узр сўраб озгина-озгина олар, сўнгра эса биргалашиб қўшиқ куйлапиб завқланишарди.

Ойниса ўз ишидан ташқари кампирни ювиб-тарар, кирларини, уй жиҳозларини тозалар, ҳамма ёқни чиннидай озода, ёғ түшса ялагудек қилиб қўярди. Тётя Ирани ҳам бир ўғил, бир қизи бўлиб, улар «учирма бўлиб» ташлаб кетишиган экан. Шу боис у Яратганга қариганида шу қизни юборганидан шукроналар айтиб, энди бемалол «оёқ, узатиб ўлиши мумкинлиги» ҳақида кўп гапиради. Бироқ у бир нарсадан, яъни Ойнисанинг кетиши ва она қишлоғининг шифокорсиз қолишидан жуда-жуда қўрқарди.

Ойда бир бор бу ерга туман саломатлик марказидан доридармон, ойлик маош олиб келиб ташлаб кетишарди. Бу сафар келган худудий вакил йўлга кўйилган ишларни күриб жуда курсанд бўлди ва Ойнисани контракт асосида ишга олишларини,

## *Набиқон ҲОШИМОВ*

ойлик маош тайинлашларини маълум қилди. Лекин Ойниса ҳозирча бу ерда амалиёт ўтаёттани ва бу ҳақида ўқиш жойига фақат маълумотнома беришларинигина сўради, холос.

— Хорошо, будет сделано, — деди худудий вакил. Унинг исми-шарифи Александр Иванович бўлиб, у ҳам кекса шифокорлардан экан. — Только вы приезжайте, здесь живите и создавайте здесь свое будущее. А то от этой деревне скоро ничего не останется. Так что и привлекай других молодых, я очень прошу, дочка, — деди у ғамхўрлик билан келган машинасида жўнаб кетар экан.

Бироқ Қобилбек ҳадеганда Ойнисани қидириб келавермади. Ҳамма ишлар силлиқ кечавермади. Балки бир кўнгилсиз воқеа юз бердики, Ойниса учун дунё гўё остин-устун бўлиб кетди. Ҳатто у ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлди: вена қон томирини кесиб юборди. Бироқ уни тётя Ира қутқариб қолди ва қиз тақдирига тан бериб, энди эҳтимол, шу ерда бутунлай яшаб қолиб кетишга аҳд қилди. Тақдирининг бу қадар кескин тус олишига ўша вокзал милициясида танишиб қолган Дилбар сабабчи бўлди. Кунлардан бир куни у икки «маняқ» йигитлар қуршовида уни қидириб келиб қолишли.

Дилбарни ҳамюрти сифатида қабул қилган Ойниса уларни самимий кутиб олди ва ўрмонда дам олиш ҳақидаги таклифларига «йўқ» дея олмади. «Йўқ» дегани билан барибир уни мажбур олиб кетишган бўлишарди. Чунки Дилбар унинг танасини «девица» деб аллақачон сотиб бўлганди. Бу юзиз қиз Ойнисанинг бутунлай ҳимоясиз ожиза эканидан фойдаланиб қолмоқчи бўлган эди.

...Зўрланган, хўрланган Ойнисани беҳуш ҳолда эртаси куни ўрмонга ўтин тергани борган бир мўйсафид топиб олди ва уни қишлоқ медпунктига олиб келди. Қизнинг ахволини кўриб кечадан буён мижжа қоқмай чиққан тётя Ира ҳам ўзидан кетаёзди.

— К ней пришла землячка же?! Какая я дура, поверила... — дея ўзини айблай-айблай қизга тиббий ёрдам кўрсата бошлади. У ютуриб-еларкан, худодан одам шаклидаги шайтонларнинг

жазосини беришни сүраб ёлворарди...

Ойниса эртаси ўзига келди ва караватида ёттанини кўрди. Бўлиб ўттан даҳшатли ишларни эслади. Аъзойи бадани қаттиқ оғрирди. Чунки у қаршилик кўрсатиб бир йигитни тепиб ташлаган ва шунга яраша калтак зарблари билан тегишли жавоб олган, ёвуз куч олдида ожиз қолганди...

У охиста ўрнидан турди. Бу пайтда тётя Ира ташқарида «ту-ту-ту» дея товуқларга дон бермоқда эди. Қиз даҳшатли, тузатиб бўлмас воқеа содир бўлганини тушунди. Бундай яшагандан кўра ўлим афзал деб билди. «Мени кечиринг, Қобил ака, — деди у пичирлаб. — Ўзимни асрой олмадим. Мен энди сиз учун нолойиқман, сиз учун энди ўлганман. Алвидо!» деди у ва муолажа хонасига кириб ўткир тиғли лезвияни қўлига олдида, томирини қирқиб юборди...

Тётя Ира кириб келганида у қонга беланганд ҳолда полда беҳуш ётарди...

• • •

Рустам кўп ўтмай ўзига келди. Лекин уни бутунлай сорайиб кетди, деб бўлмасди. Чунки хотираси тўлиқ тикланмай тентакнамо бўлиб қолганди. Ажабланарлиси шундаки, хотирасида фақат умрининг ёশлик палласи сақланган эди, холос. Кейинги ҳаёти, қилаёттан ишлари бутунлай ёдидан фаромуш бўлган, ҳаттоки хотини Ҳанифани ҳам яқин қариндошларидан бири сифатида кўрмоқда эди. Қизи Ойниса ва унинг укаси, яъни ўғли хаёлидан кўтарилиди. Унинг ёнига келган маҳбубаси Ойнисага нисбатан муносабати эса бошқача эди. У билан ўша талабалик, аскарлик даврларида қандай ҳаёт кечиришган бўлишса, шундайлигича қолган ва гўё яна давом эттаётгандай туюларди.

— Ойниса, уйингиздан қочиб келиб тўғри қилибсиз. Биз энди баҳтли турмуш қурамиз. Фарзандларимиз бўлади.

— Фарзандларимиз бор, — деди Ойниса атайин жавоб қайтараркан. — Уларнинг исмлари Қобилбек, Ойниса, — деди Ҳанифа ҳам шивирлаб аста.

- Қобиљон, Ойниса дедингизми?
- Ҳа. Ойниса қизимиз бўлади.
- Нима, унинг ҳам исми Ойнисами?
- Мени севганингиздек, уни ҳам жуда яхши кўрасиз.
- Қани у?
- Ҳозир у ўқишида.
- Ие, ҳали у кап-катта қизми?

Ҳанифа энди бардош бера олмади. Кўз ёшларини тұхтата олмай ташқарига отилди. Рустамнинг ортида турган Собир Саидович «Давом этаверинг, яхши» дея ишора қилди. У ўзининг амалий тажрибалари натижасидан мамнун зди.

— Қобилбек ўғлимиз армия хизматини тамомлаб қайтади,  
— деди Ойниса шифокорнинг топширикига асосан сұхбатни давом этказаркан.

- Хизматлари яхшими?
- Ҳа, албатта.
- Унинг ҳам севган қизи бордир?
- Йўқ. Биз уни уйлантиришмиз керак.
- Кимга?
- Жиянларингиздан бирининг қизига-да. Ҳой, Ҳанифаон!

«Ҳув! Мана, ҳозир» деган ташқаридан овоз келди ва «Нима гап?» дегандай аёл кўз ёшларини артиб чошиб кирди.

- Манави кишини эслайсизми?

Рустам хотинига бир оз тикилиб турди-да, сўради:

— Сиз менинг жияниммисиз?  
— Ҳа, — деди Ҳанифа ҳам шифокорнинг ишорасига итоат қилиб.

— Бу Ойниса. Болаларимнинг онаси. У киши билан яқин дугона бўлинглар, хўпми?

- Хўп.
- Ўғлимизга яхши қаллиқ топинглар. Хизматдан қайтса уни уйлантириб қўйишимиз керак бўлади.
- Бўлти, акажон. Шундай қиласиз. Сиз энди дамингизни олинг. Чарчадингиз.
- Ҳа-ҳа, Рустам aka. Ёта қолинг. Энди кеч бўлди.

## ЧИМИЛДИҚЛИ ҮЙ НОЛАСИ

— Ойниса, — деди Рустам унга құл үйзіб. — Сиз фақат кетіб қолманг. Отанғиздан құрқманг, хұпми?

— Хұп, — деди Ойниса ҳам унинг қүлинин мұлойим силади ва бопшыны ёстиққа қойишиңға ёрдамлапди. — Дамынғизни олинг. Мен шу ердаман.

— ...Кетманг.

— Хұп, — деди Ойниса ва унинг қүлинин ушлаб ёнига ўтириди.

Рустам бир оздан сүңг үхлаб қолди. Ҳанифанинг құзларидан ёш дүвіллади, у зернинг соchlарини меҳр билан силаб туриб деди:

— Дадаси, тинчланинг, энди Ойниса билан доим бирга бўласизлар. Биз у билан опа-сингил тутинашимиз. Яхши-ёмон кунларни бирга баҳам қўрамиз. Фарзандларимиз баҳтига соғ бўлсангиз бас, — деди у ва Ойнисани меҳр билан қучиб олди.

— Бўлди қилинглар. Ҳудди театрдагига ўжшатиб жиiddий тус бериб юбордингиз-ку, келинойи, — деди Собир Сайдович қулиб уларни ташқарига олиб чиқаркан.

Аммо Ойнисанинг бу маҳалда қулоқларига ҳеч нима кирмас, гёё ҳозир гипноз ҳолатидагидек паришон эди.

— Йўқ, доктор. Мен қатъий аҳд қилдим. Ойнисахонни зеримга чиндан ҳам олиб бермоқчиман. Улар ўртасида юз берган муҳаббат олтин каби соғ эканига энди ишондим. Улар ўшанда катта орзу-ниятлар қилишган экан. Ана шу орзуларга эришишга бўлган илинж Рустам акамни ҳаётта қайтарди. Уларнинг қолган умрларини бирга кечиришта тўла ҳақдари бор.

— Раҳмат сизга. Марҳаматингизнинг чеки йўқ, синглим. Бу қарорингиз аёлларимиз учун жасорат намунасиdir. Лекин Ойнисахоннинг боши очик эмас, деб эшиттандайман, шу тўғрими? — деб сўради шифокор паришон аёлдан.

— Н-нима?..

— Хўжайнингиз ҳозир қаердалар?

— Россияда.

— Унинг ўша ерда уйланиб олгани тўғрими?

— ...Ха. Қобиљоннинг акаси ҳам бор.

— У ҳолда сизда Рустамжонни тұла ҳаётта қайтариш учун имконият бор. Ўйлаб күриңг. Мен бу фикрни беморимнинг ҳаётини сақлағ қолиш маъносида билдирияпман. Унинг хотираси аста-секинлик билан тикланиб бориши мумкин.

— Дүхтири, Ойнисахон жуда ақлли аёл. Сизни жуда яхши тушуниб турибдилар. Бу ёғини энди биз — аёллар ўзимиз келишиб оламиз. Тўғрими, опажон? — деди Ҳанифа эрининг собиқ маъшуқаси елкасини меҳр билан силаб қўяркан.

Ойниса индамасди. Чуқур хўрсиниб ерга қараб олди ва зум ўтмай қаддини тик тутиб деди:

— Аввало мен хўжайнимдан жавоб олишим зарур. У киши нима десалар шу бўлади.

— Раҳмат, синглим. Борингизга шукр... — деб қўйди доктор таъсирланиб. — Лекин бу ишни пайсалга солиб бўлмайди. Ҳар хил гап-сўз кўпайиши мумкин.

— Тўғри айтасиз, — деди Ҳанифа. — Опажон. Мен сиздан чин юрагимдан илтимос қиласман. Иккимиз учун ҳам у инсон жуда қадрли. Нима қилайлик, тақдиримизга шу битиглан эканда. Бизлар энди куйиб-пишадиган, оҳ-воҳ қиласдиган ёшдан ўтиб бўлганмиз. Рашқ деган туйгуни умуман миямиздан чиқариб ташпайлик. Келинг, қолган умримизни бирга келишиб кечираильик.

— Лекин ўртада болалар бор-ку. Ахир улар кап-катта, ақли-хуши жойида-ку, — дея эътиroz билдириди Ойниса.

— Бунинг йўлинни ҳам ўйлаб қўйганман. Шаҳардан сизларга кўп қаватли уйлардан олиб берамиз. Кейин мен ва бошқа қариндош-уруглар сизлардан хабар олиб турамиз. Рустам акамга аввало тинчлик, хотиржам ҳаёт керак. Сиз билан доим бирга бўлсалар, доктор акамиз айтмоқчи, ўзига тезроқ қайтар эканлар. Унинг даладаги ишларини мен ўғлим билан бажариб тураверамиз. Қизимиз ҳам келиб қолар... У тушунадиган қиз. Унга бўлган ишларни биргалиқда айтиб берамиз.

Ҳанифа бошқа гапиролмади. Унинг томогини қалбидағи ички түрёнлари бош кўтариб хипса бўғаёттандай туюлди. Кўзларидан дувиллаб ёшлар тўкилди. Шу маҳал Исроил ака келиб

ЧИМНИЛДИҚАЛЫ УЙ НОЛАСИ  
қолмаганида, ким билади, икки аёлнинг бу ажабтовур хасрати  
яна қанча давом этарди.

— Ие-ха, тинчликми? — деб сўради у ҳавотирлик билан.  
— Э, келсинлар, отахон. Келганингиз яхши бўлди.  
Рустамжон яхши, худо ҳоҳласа соппа-соғ. Фақат уни  
уйлантириш масаласини ҳал қилиб олсак бўлгани, — деди  
доктор кулиб.

— Т-тупшуммадим. Ҳазилингиз курсин...  
— Бўшти, сизлар гаплашиб туринглар. Менинг ишларим бор  
эди, — деда кета бошлиди Собир Сайдович.  
— Ўртоқ доктор, нима гап ўзи? — сўради мўйсафид.  
— Манави опа-сингиллардан сўранг. Улар бир нимага аҳд-  
паймон қилишган кўринади.

Шундан сўнг улар ҳовлидаги сухбатгоҳга боришиди.  
— Исроил ака, — деда гап бошилади Ҳанифа. — Рустам акамга  
шу кунларда жавоб беришаркан. Лекин хотиралари тўлиқ  
тикланмаяпти. Фақат болалиқ, ёшлиқ йилларини эслаяптилар,  
холос. Ойнисахонни таниб у киши билан яхши сухбат  
куряптилар, лекин мени танимаяптилар...

— Хафа бўлманг, синглим. Ҳали ҳаммаси жойига келади.  
Буям бир кўргулик-да. Муҳими, жони омон қолди-ку.

— Ҳа. Сиз билан мен тушунган одамлармиз. Рустам акам  
Ойнисахонни жуда қаттиқ севган эканлар. Мана, жонлари омон  
қолиб, худо қолган умрларини Ойнисахон билан бирга  
ўтказипларига мен хайриҳоҳман. Уларга шаҳардан бир уй олиб  
бериб, никоҳлаб қўйсак дегандим.

— Ҳай-ҳай, бу гапни ростдан сизнинг ўзингиз айтъяпсизми?  
— деб сўради Исроил ака Ҳанифанинг кўзларига ажабланиб  
тиклиаркан. — Лекин мен бунақасини ҳечам эшитмаганман.  
Сизга қойил, синглим!

— Нима бўлсаям Рустам акам омон бўлсалар, бас. Шундай  
қилсак тез соҳайиб кетарканлар. Биз Ойниса билан опа-сингил  
тутинишга қарор қилдик.

— Яхши. Фақат кундошлар эмас, шундайми?

## *Набиқон ҲОШИМОВ*

- Ҳа. Шунга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди.
- Бемалол Ҳалиги, нима дейди, яхши кунларингизда хизмат қилиш мен учун шараф.
- Россияга қўнғироқ қилиб берсангиз?
- Қизингизни сўрабми?
- Ҳа, униям билайлик. Кейин Ойнисахоннинг хўжайинларида гаплари бор экан.
- Э, йўқ... — деди Ойниса кўнмаган бўлиб.
- Йўқ эмас. Айтинг, у жавобингизни берсин. Нима, у ўз ўрис хотинчаси билан маза қилиб яшаб юравераркану сиз бир умр тоқ ўтиб кетаверарканмисиз? Энди сизнинг баҳтли умр кечиришга ҳақингиз бор. Бу гапни сиз айтмасангиз, мана, мен айтаман, — деди Ҳанифа жиддий ва қўшиб қўйди. — Истроил ака, бўлинг тез, қўнғироқ қилинг, илтимос...

Мўйсафида уяли телефонни олиб керакли рақамларни тераркан, унинг юз қиёфасида вёлларнинг қарорига нисбатан мамнуният ва қочоқ ёшларнинг тақдиридан хавотирилик ифода этиб турарди.

- Гўшакни Нурбек кўтарди.
- Алло, ассалому алайкум. Мен Қобилбек ўзингизнинг устози Истроилjon бўламан.
  - Э, отахон, эсладим. Бормисиз, соғ-саломатмисиз?
  - Худога шукр, ўзингизнинг соғлиғингиз қалай?
  - Раҳмат, яхши. Ўзбекистон — ватанимиз тинчми?
  - Ҳа, обод. Ўтган сафар қўнғироқ қилганимда уйда фақат Натапажоним бор эканлар.
  - Ҳа, айтди. Бизда ҳамон ўша ташвиш. Анави Рустамжон қуда бўлмишнинг қизи топилмай ўсал қиляпти. Ўчилаrim уни қидиришялти. Рустамжоннинг аҳволи оғир деб эшитувдим, қалай бўляпти?
  - Тузук-ку, фақат хотирасини йўқотган. Бир жихатдан шуям дуруст. Бўлмаса қизи ҳақида қайғуриб баттар бўлармиди?
  - Ҳа, тўғри айтасиз. Агар эслай олса салом деб қўярсиз.
  - Эслай олмайди. У фақат ёшлиқ даврини, севган қизини эслаяпти экан, холос.

## ЧИМИЛДИҚАЛ ҮЙ НОЛАСИ

- Ие, ҳали унинг севганиям бўлган эканми?
- Ҳа, Нурбекжон, бўлган экан. Бўлганидаям улар бир-бирларига ахду паймон қилган, аммо етиша олмаган эканлар. Ўрталарида бир фарзанд ҳам бўлган экан.

- Чиқ-чиқ-чиқ-чиқ... Энди тақдир шунаقا экан-да, отахон.
- У аёлнинг кимлигини билишни истайсизми? Танийсиз.

У Ойниса...

- Нима? Қайси?..
- Сиз бир вақтлар шубҳа қилган аскар йигит ўша Рустамжон экан.
- Нималар деяпсиз?
- Ўзингизни босинг, Нурбек. Биз сиз билан эркаклармиз. Ҳозир Рустамжоннинг ҳаёти хавф остида. Бош мияси қаттиқ чайқалган. Ойнисадан бошқа ҳеч кимни танимаяпти.

Телефонни Ҳанифа сўради.

- Мана, сиз билан ҳозир Рустамжоннинг хотини Ҳанифахон гаплашмоқчилар. Фақат илтимос, гўшакни қўйиб қўйманг.

- Алло, ассалому алайкум... Мен Рустам аканинг аёли, Қобилжон билан сизларникига кеттан ўша қизнинг онаси бўламан, уэр.

- Эшитаман. Бемалол гапираверинг.
- Нурбек ака, билсангиз, гап бу ерда бир инсоннинг ҳаёти устида боряпти. Рустам акам ўлим тўшагида ётиб ҳадеб "Ойниса" деб алаҳсийвердилар. Сўнгра доктор ўша "Ойниса"ни тошиб келмасанглар «ундан айрилиб қоласизлар» деди. Кейин биз у кишини аранг топиб олиб келдик. Узр, лекин у сизнинг аёлингиз бўлиб чиқди. Хўжайним унинг овозини таниб жони омон қолди, юраги ишлаб кетди. Худо умрини қайтиб берди. Худо хайрингизни берсинг, сиздан илтимос, Ойнисахоннинг жавобини берсангиз. Биламан, бу ноқулай. Лекин мен ҳам эримга рухсат беряпман. Ёшликларида бир-бирларига етишиш насиб қилмаган экан. Келинг, энди уларга йўл берайлик. Яна қанча яшашади, номаълум, бу дунёдан ноумид кетишмасин. Бола-чақаларимиз баҳтига омон бўлишсин.

Ҳанифа чидай олмай йиглаб юборди. Бундай тақлифни умуман хаёлига келтирмаган Нурбек бир оз довдирағ қолди. У нима деб жавоб қайтаришга ҳайрон эди. Унинг ҳам кўз олдида ўша ёшлиқ дамлари, чимилдиқдаги машғъум воқеа, келинни хўрлаши, қийнашлари, Наташага бўлган муҳаббати ва ниҳоят тақдир қонуний хотини Ойнисани тақдир ҳукмига ташлаб бутунлай кетиб қолиппи ва бошқа сўнти воқеалар худди кино лентасидай бир-бир ўтиб чиқди, "Ҳақиқатдан ҳам Ойниса – ўз жияним менга тегиб қанақа рўшнолик кўрди, ўзи? Мен учун ўшанда амакимнинг васиятини бажариш, онамга қараб туриш учун эса бир хизматкор зарур эди, холос. Ойниса ҳаммасига чидади. Ҳатто ўша ўз севганидан ҳам воз кечади. Мен эса... Ахир у ҳам одам боласи-ку".

– Алло, уэр, Нурбек ака. Сиздан ўтиниб сўрайман. Тўғри тушунгандан одамсиз-ку. Уй-жой, мулк, ҳеч нарса бизни қизиқтираёттани йўқ. Шу ерда бўлганингизда оёғингиз остига ўзимни ташлаган бўлардим...

- Алло, Ойнисанинг ўзи ҳозир қаерда?
- Мана, ёнимда турибдилар. Биз у киши билан опасингилдек бўлиб қолдик. Эрим учун йўқ демант, илтимос, Нурбек ака.
- Хўп, Ойнисага беринг.
- Ассалому алайкум, дадаси.
- Баалайкум. ...Шу гапларнинг ҳаммаси ростми?
- Ҳа, рост...
- Ростдан ҳам сизларнинг фарзаңдингиз бормиди?
- Ҳа, ўша тўйимиз куни мен ҳомиладор эдим. Ҳайдаб юборасиз деб умид қилувдим. Лекин сиз индамадингиз.
- Ҳа. Мен буни сезгандим. Шунинг учун ҳам ўзимни осмоқчиям бўлдим. Лекин сен менинг кўзимга Наташа бўлиб кўриндинг. Кейин ўз жияним бўлганинг учунми ё онамга раҳмим келдими, гап-сўз қилмай қўя қолдим. Шунинг учун ҳам Россията тез кетвордим. Мени кечир, Ойниса...

— Биламан. Сиз босинқираб тунлари ўрисча гапирадингиз. Наташа деган хотинингиз борлигини ўшандаёқ билгандим. Лекин Рустам акам билан биз бошқа ҳечам учрашмаганмиз. Ўлай агар, менга ишонинг. Сиз бўлса ҳар доим мени рапж қиласардингиз.

— ... Нацотки Қобил?...

— Ҳа, у Рустам акамнинг ўрли эди. Лекин унинг қизи билан улар тасодифан танишиб қолишибди. Бу нарса кейин менга маълум бўлиб қолди. Шунинг учун тўйни тўхтатишга мажбур бўлувдим. Қобилбек бу гаплардан бехабар. Биздан хафа.

— Э-ҳа, гап бу ёқда де. Демак, улар ака-сингил экан-да...

— Ҳа, уларнинг кўшилишлари асло мумкин эмас!

— ...Ё, астагфуруллоҳ. Бизни бир худо сақлабди-да. Бўлмаса мен Қобилбекни тез жўнатиб юбораман.

— Шундай қилинг, дадаси... Энди мениям жавобимни бера қолинг.

— Хўп, Ойниса. Сенга жавоб! Энди бошинг очиқ, ўз билганингдай яшайвер. Рустам билан яшашга тўла ҳақинг бор. Мени кечир, хайр... — деди у овози қалтираб.

Гўшакнинг оҳиста тириқлатиб қўйилгани эшитилди. Ҳозир, албатта, Нурбекнинг аҳволини тушунса бўларди. У ошхонага аранг юриб келди-да, қалтироқ қўлларини графинда қолган самагон ароги томон узатди. Стаканни олиб уни тўлатиб тошириб тўкиб юборди. Сўнгра бир кўтаришда сипкорди-да, газак ҳам қилмади. Кўз ўнгидан Ойниса, Қобил, Наташа, Нурчик, кечирган бетайин умри бир-бир ўтаверди. Ҳозир у жуда-жуда она қишлоғида бўлишни, унинг тупроғидан тўйиб-тўйиб ҳидлашни истади. Негадир кўз олдига онасининг қабри кўриниб кетди. «Келақол, ўрлим. Бағримга кел» дея ўзига чорлагандай бўлди. ...Наташа келганида Нурбек полда чўзилиб ётарди.

— Алькап, несчастный!.. Я кругом его проблемы решаю, а он кайфует! — деда қарғай бошлади у. Сўнгра эрини судраб олиб бориб каравотига ётқизиб қўйди.

...Ойнисанинг бопи очиқлиги маълум бўлганидан сўнг эртасиёқ евроўйга совчилар келишди. Бу Ҳанифа бопчилигидаги аёллар бўлиб, қайнингиллари ва овсинларидан иборат гурӯҳ эди. Бу ерга ташриф буюрганларига қадар бўлғуси «келин-куёв»лар истиқомат қиласидиган жойни ҳам ҳал қилиб олишганди. Бу жой Фарғонанинг Ҳожиобод мавзесида бўлиб, у Ҳанифанинг укаси Исоқжонга қарашли эди. Исоқжон уни талабалик йилларида сотиб олган, ҳозирда бўм-бўш эди.

— Уй уч хонали, ҳамма шароитлари бор. Қизингиз ҳам энди қишлоқда қатнаб юрмайди. Ўқиши бир қадам. Қишлоқдаги жой Қобилжонники. У ерга келин оласиз, ўзлари яшайверишади-да, — деди Ҳанифа «тўйбошилик» ташаббусини қўлдан бермай.

— Биз сизларни ташлаб қўймаймиз. Тез-тез хабар олиб турамиз. Қариндош-уруглар ҳаммаси сиздан хурсанд, айланай,

— деди Сурайёхон.

— Вой, ўғлимдан бир оғиз рухсат сўрашим керак-ку ахир.

— Энди ўғлингиз ёш боламас. Мана, барибир сизни ташлаб кетмоқчи бўлган экан, Худо бир асрабди-ку, — деди қайнингиллардан бири.

— Ҳозир ўша уйни у ёқ-бу ёғини таъмирлашпялти. Бўладиган ишни битказиб қўя қолайлик. Жума куни акамга жавоб беришаркан. Ҳаммамиз ҳашар қилиб кўчларни жойлаймиз, келаётган якшанбада улар никоҳланишади. Нима дединглар?

— сўради кутимаганда Ҳанифа.

— Ҳа, тўғри. Бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Акс ҳолда эл орасида ҳар хил гап-сўз кўпайиб кетади. Розимисиз, энди Ойнисахон?

— Вой, намунча тез? Ҳеч бўлмаса сал ўзимни эпацага соловолай.

— Вой-бў, ўзи отдай, эр кўрмаган қиздайсизу...

— Рустам акамга ёқсангиз бўлди-да. Ҳой, Ҳанифахон, буларни чимилдиқча ўзингиз олиб кирасизми?

Аёллар хохолаб кулиб юборишли. Аския чиндан ҳам жиддий

тус олмоқда эди.

— Хўжайинимга бир хизмат қилсам-қилибман-да. Менга соғ бўлсалар бўлгани.

— Вой, ўзингизни соғиниб қолсалар-чи? БА ГІВЕДЛНМКРДГОҲ

— Соғинсалар келавераман-да. Нима бўшти, у ер ҳам ўз уйим-ўлан тўшагим. Қариганда Ойнисахон билан бир аймоқилапиб яшайлик.

— Ҳай, бас қилинглар. Уят бўлади-я. Эшигтан одам нима дейди? — деди Ҳанифанинг Хайринисо исмли қайни жияни.

Ойнисанинг хаёлида ҳозир минг хил ўйлар ҳукмрон эди. «Нима қилсам экан? Рози бўлайинми ё йўқми? Рози бўлсалам Қобил, қизим нима дейишаркин? Рози бўлмасам, Рустам акамнинг аҳволи не кечади? Ахир унинг ўз хотини куйиб-пишяпти-ку. Ҳатто у эримнинг жавобини ҳам олиб берди. Шу аёлнинг ҳаққи-ҳурмати рози бўлмасам бўлмас... Эҳтимол Рустам акам ҳақиқатдан ҳам соғайиб кетсалар, мен ўз бурчимни бажарган бўламан-да, керак бўлса яна уйимга қайтавераман. Хотираси секин-аста тикланиши мумкин эмисп-ку. Ахир менинг ҳам ҳеч бўлмаса бир-икки йил у киши билан қонуний эр-хотин бўлиб яшашга ҳаққим бордир? Чунки ўртамиизда фарзандимиз бор. Уни уйлаб-жойлаймиз, орзу-ҳавасимизни қўрамиз. Ҳанифакон ҳақиқий мард аёл экан. Агар ўрнида бошқа аёл бўлганида ҳеч қачон бу ишга қўл урмаган бўларди. Қизик, ўзи яна бош бўлиб менинг қўлимни сўраб келибди-я...».

Нидоят, аёллар Ойнисани ўртага олиб унинг ҳоли-жонига қўймай рози қилишди.

— Ойнисахон, энди бир-икки ён қўшнилардан, иннайкейин бирор қариндошлардан айттириб келсангиз.

— Ҳа, ҳаммаси очиқ-оидин бўлгани яхши-да, айланайлар, — деди Сурайёхон.

— Кейин уларниям никоҳ кунига таклиф қиласайлик. Қувадан ҳам қариндошлар келишади.

— Тўй қиласканмиз-да-а, овсин?..

— Нима бўлсаям, Рустамжонимиз соғайиб кетсин.

- Ҳай, анави дўхтирик аканиям айтайлик-а.
- Ҳа, тўғри. Анави Исройл тоғаям эсдан чиқмасинлар. Жаҳши инсон эканлар-да, лекин.

Шундай қилиб, тўрт аёлга яна тўрт жуфт аёл қўшилиб ишни пишитиши. Қўшниларга ва маросимга таклиф этилганларга янги манзил ёзиб берилди. Ўша куниёқ уйини кўрсатиб кўймоқ учун келин поишшониям ўзлари билан ола кетишиди.

Аёллар ортидан эса ҳали чимилидикни кўришдан бенасиб бўлган, орқа девори чиндан ҳам дарз кета бошлаган, ҳали ҳеч кимнинг кўзи тушмаган ертўла қисми сувга яримлаган ҳашаматли евроий хомуш тортиб қолаверди. Ҳовлидан фақат нимадандир қаттиқ безовта бўлаётган Олапарнинг бетўхтов акиллашибигина эшишиларди, холос.

\*\*\*

Ҳанифа эрининг шифохонадан чиқишига яхшигина «совға» тайёрлаб қўйди. Эрининг хотирасини даволаш баҳона у негадир бундан йигирма беш йиллар муқаддам бир-бирига етишиш насиб қилмаган ошиқ-маъшуқларнинг ниҳоят етишишдек баҳтиёр онларини кўришни, ҳаттоқи эртакларда ҳам камдан-кам учрайдиган бундай якуннинг гувоҳи бўлишни жуда-жуда истарди.

«Мен бу онларни видеотасвиргаям туширтириб қўйишм, ўзим эса ёнларида бўлишим керак. Қачондир эримнинг хотираси тўла тиклангач, қилган ишларимни, садоқатимни кўриб хурсанд бўладилар. Қолаверса, бу ёшларга ҳам, катталарга ҳам ибрат. Рустам акам мендан бир умр рози бўладилар» деган ажабтовур фикрлар унинг хаёlinи эгаллаб олганди.

Шу туфайлими «Э, пул кетса кетар» деб шаҳардаги кафелардан бирида мўъжазгина никоҳ дастурхони уюштириди. Видеочини айттириди. Жияни Ҳолиқжоннинг чиройли иномарка машинаси бор эди. Ундан бир хизмат қилиб беришини илтимос қилди. Қува, Бағдоддан «келин-куёв»нинг кўни-қўшни, яқинларини, ўзининг ва эрининг дўстларини таклиф қилди. Шодиёнанинг асл моҳиятидан хабарсиз

## ЧИМИЛДИҚАН ҮЙ НОЛАСИ

қолганлар «Бугун Рустамжоннинг соғайиб кеттани учун бир ўтириш қилиб бериляпти» деб ўйлашар, лекин нега бу ишни ҳовлиларида ўтказиб қўя қолмаганларидан ҳайрон эдилар. Бу ҳайронлик кўп ўтмай чинакам ҳайратта айланди.

...Безатилган иномарка машинасига соchlari oқariib, oзиб-тўзib kettgan, янги күёвлик шим-костюми кийинтириилган, қўлига бир даста гул тутқазилган Рустам, унинг бир ёнида бошига оқ ҳарир рўмол ташлаб олган келинчак Ойниса, бир ёнида эса «куёв жўра» ўрнида хизмат қилаётган Ҳанифалар Рустамжоннинг қўлтиқларидан олган ҳолда янги уйдан оҳиста чиқиб келдилар. Видеочи ўз ишини бажара бошлади. Бироқ шофёрнинг негадир таажжубланиб қошлари чимирилди. Бу ҳолатни пайқаган Ҳанифа жиянига «Ҳайда!» дея буюрди.

— Қаерга?

— Қаерга бўларди? Келин-куёвларни ЗАГС куни қаерга олиб боришади?

— Қанақа ЗАГС?!

Ҳанифа кўзларини бир хунук олайтириб қўйганди, Ҳолиқжон жим қолди.

— Фарғонага, истироҳат боғига бўлаверадими?

— Ҳа-ҳа, яшавор, жиян.

— Қаёқда кетяпмиз, Ойниса? — деб сўраб қолди Рустам.

— Бугун сиз билан тўйимиз бўляпти. Келин-куёвлар шу маҳал қаерга боришса, бизни ҳам ўша ерга олиб боришади.

— У ерда нима қиласми?

— Музқаймоқ еймиз, кейин анави ҳайкал бор-ку, ҳалиги, Ал-Фарғоний, ўша кишининг пои қадамларига яхши ният қилиб манави гулдастани қўясизлар, — деди Ҳанифа “ёшларга” йўл-йўриқ кўрсатиб.

Олдинги ўриндиқда видеотасвирга олиб кетаётган тасвирчи қошлари чимирилиб таажжуб билан кетаёттан шофёр йигиттә жилмайиб қараб қўйди.

Ойниса бу пайтда ўзини жуда ҳам баҳтиёр ҳис қилмоқда эди. “Наҳотки шу ишлар тушимда эмас, ўнгимда содир

бўлаёттан бўлса. Наҳотки оҳларимни Яратган эгам эшитиб, бизларни қандай бўлмасин қовуштираёттан бўлса? Наҳотки мана шу ёнимдаги йигит Рустам акам бўлсалар" дея хаёлан пичирларкан "куёв тўра"нинг кенг елкасига беихтиёр бошини қўйди. Рустам ҳам ўзини баҳтиёр ҳис қила бошлиди ва маҳбубасининг ҳарир рўмоли остидан чиқиб турган оппоқ соchlарини меҳр билан силаб-сийшаб қўйди. Бу ҳолатта нитоҳи тушган Ҳанифанинг кўзларидан ёш дувиллаб тўкилди. Бу ҳолатини видеога олдими йўқми, аёл тезда "Мени олманг" дея юзини тўсади...

Улар Фарғона истироҳат боғига келишди. Аввало ўша айтилган буюк мутафаккирнинг пойи қадамига гулдаста қўйилди. Суратта тушишди. Бу ерда яна янги турмуш кураёттан ёшлар ҳам бор экан. Уларга ҳамроҳлик қилаёттандар оқ сочли келин-куёвлар томон ажабланиб нигоҳ ташлаб қўйишарди. Сўнгра таомилга қўра музқаймоқ ейишди ва келин-куёв иккиси боини сайд қилипди. Нималарни гаплашишди, нималарни орзу қилишди, бу Ҳанифа учун қоронгу эди. Лекин видеотасвирчи югуриб-елиб уларни турли томондан тасвирга тушираверди, чопаверди...

Никоҳ ўқийдиган домла бунақа ҳолатни ҳеч учратмаган экан, лол қолди. У тўпланганлардан куёв бўлмишнинг хотини борлигини ва у билан ажралмаганини эшитиб дастлаб бу никоҳга эътиroz билдириди.

— Унақаси бўлмайди, яхшилар...  
— Нега бўлмас экан?  
— Аввало қонуний жуфти-ҳалолларининг розилигини олмоқ керак.

— Вой, мен минг марта розиман, домла! — дея қичқириб юборди шу маҳал Ҳанифа.

Йигилганлар кулиб юбориши.

— Астагфуруллоҳ... Сиз ростдан ҳам шу кишининг завжалари бўласизми?

— Биринчи хотинлари, — деди аёллардан бири.

— Биринчи эмас, бош хотинлари, — деди қичқирди кимдир. Яна кулгу күтарили.

— Керак бўлса яна ўнта хотин олиб бераман. Фарзандларим баҳтига Рустам акам соғ бўлсалар бас, — деди Ҳанифа "Бас қилинглар!" дегандек жиддий.

Бу пайтда келин билан куёв худди тумшуқларини ишқаб-ишқаб олмоқчи бўлган тўтиқушлардай бир-бирларига маҳлиё тикилиб қолгандилар.

"Наҳотки шу сиз, Рустам ака?" — дер эди хаёлан Ойниса.

"Ҳа, мен", — деди жавоб берарди Рустам.

"Кўзларимга ишонмайман".

"Мен ҳам...".

Ошиқ-матшукларнинг узундан-узоқ "сухбати"ни домланинг саволи бузди:

— Ҳайдарали қизи Ойниса. Сиз ўзингизни Қурбонбой ўели Рустамжонга танмаҳрамликка бағишлишга розимисиз?

Ойниса оҳиста "Ҳа" деб жавоб берди. Рустам шундай қувониб кетдики, келинпошони қучоқлаб, ўлиб олишига бир баҳя қолди. Яхшиямки, эрининг бу ҳаракатини Ҳанифа оддиндан сезиб қолди ва уни жон ҳалпида тортиб қолди. Йўқ, буни у асло рашқ қилганидан эмас, балки домла ва гувоҳлар олдида юз-истиҳолага борганидан қилди.

"Тек ўтиринг, ҳали ҳаммасига улгурасиз!" деди куёв-эрининг қулогига тез шивирлаб қўйди.

— Қурбонбой ўели Рустамжон. Сиз Ҳайдарали қизи Ойнисани жуфти-ҳалолликка олишга розимисиз?

Рустам ҳозиргина қулогига бир нималар деб шивирлаган хотини томон қараб каловланди. Унинг бу ҳаракатидан Ҳанифа "Ҳайрият, эримнинг хотирасига бу гап таъсир қилиб хижолат бўлягти, шекилли" деб ўйлади. Лекин Рустамнинг "Бошқа ғашимга тегманг. Кимсиз ўзи?" дегандай олайиб қараганини кўриб юраги «шувв» этиб кетди. Аёлнинг хўрлиги келди. Бу пайтда домла яна сўради. Ҳанифага алам қилдими "Ҳой, гапиринг, домла сиздан сўрайяпти", дегандек эрининг елкасини

туртиб қўйди.

— ...Ха-а, — деди куёв бўлмиш ниҳоят.

Сўнгра никоҳ ўқила бошланди. Сураларнинг ҳар бир матни Ҳанифанинг юрак бағрига итна каби санчиларди. Вайрон бўлаётган дилининг оғриғиданми, кўз ёшлари дарё каби бетўхтов оқар, лекин унинг шовуллаган шовқини эшитилмас, фақат баъзи-баъзидагина "пик-пик" деган овоз чиқиб қоларди.

Келин ва куёв даврага кириб келишганида тўкин дастурхон атрофи меҳмонлар билан тўла эди. Ўртакаш йигит уларнинг кириб келаётганини тантанали равишда эълон қилди. Машпоқлар "Ёр-ёр" қўшиғини бошлаб юборишид. Ҳанифа тўйнинг файзли ўтказиш учун эл сўйган машқур ҳофизлардан бирини айттирганди. Чунки унинг мумтоз қўшиқларини эри жуда ҳам ёқтиради. "Эҳтимол бу қўшиқлар хўжайинимнинг хотираси тиқланишига кор қилас" деб ўйларди жувон.

Ҳофиз албатта ҳозирги сонияларда ёш келин-куёвларнинг кириб келишини куттанди. Лекин сочлари оқарган, ёшлари ўтиб қолган жуфтликни кўриб қоши беихтиёр чимирилди, ижро қилаётган «ёр-ёр»ида янглишиб кетди ва уни аранг ниҳоясига етказиб олиб рўмолчаси билан пешонасида пайдо бўлган маржон-маржон терларни артаркан, ҳамон қувончдан кўзлари порлаб қарсак чалиб турган Истроил акадан оҳиста сўрашга журъат қилди:

- Отакон, узр...
- И-ҳа, лаббай, Маъмуржон.
- Бу қанақа тўй бўляпти, ўзи?
- Хотини эрига хотин олиб беряпти.
- Тушунмадим.

Бу пайтда ўртакаш олдиндан тайёрлаб келган "икки ёш"га бағипланган чиройли сўзларини айтиб бицирлай бошлиганидан фойдаланиб Истроил ака ҳофизга қисқароқ қилиб бўлган ишларни гапириб берди. Ажабтовур гапларни эшитаркан, ҳофизнинг қора қалин қоплари ўз-ўзидан кўтарилиб, оғзи ярим очилиб қолди.

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

- Қаранг-а.. Шунақасиям бўларканми-а?
- Бўлар экан-да, Маъмуржон. Бу ерда гап уйланишда эмас, балки инсон ҳаётини сақлаб қолишида кетяпти.

Хофиз "бай-бай-бай" дегандай бошини чайқаб қўйди ва жуда таъсирланиб кетганиданми, кўзлари намланди.

— Қаранг-а, майли-да... — деб қўйди у беихтиёр ва тўғри микрофон ёнига бориб аввало бугунги шодиёна сабабчиларини, шунингдек Ҳанифахонни, эзгу ният билан дастурхон атрофига йиғилган барчани қизгин муборакбод қилди-да, қўлига торини олиб Бобур ғазали билан айтиладиган "Буни умр дерлар" қўшигини берилиб ижро эта бошлади. Ўтирганлар чурқ этмай, ул-бул ҳам емай қўшиқни сел бўлиб тинглашарди:

\* \* \*

*Буни умр дерлар, кундузли, тунли,  
Буни умр дерлар, шодли, қайгули...*

Орадан бир ҳафта ўтди.

Ойниса ила Рустам жуда баҳтиёр эдилар. Ойниса ниҳоят зрига ўғли Қобилбек ҳақида эслата бошлади. Чунки янги уйланган куёв тўра албатта фарзанд учун курашта бел боғлаши табиий ҳол эди. Бундан ташқари, Нурбек уни тез кунларда қайтариб юборишга ваъда берган ва Ойниса ўтлининг шу кунларда келиб қолишидан умидвор эди. Шу туфайли аёл Рустамга ҳарбий хизматта кетаёттан кундан аввалги туни нима содир бўлганини очик-ойдин эслатишга мажбур бўлди. Ҳайриятки, йигит ҳаммасини эслади.

— Унинг исми Қобилжон. Ҳозир у катта йигит бўлиб қолган. Ҳарбий хизматни тамомлади. Эртами-индин келиб қолади, — деди Ойниса.

- У кимга ухшайди?
  - Қоши-кўзи худди ўзингиз.
- Ойниса «Сиз уни танийсиз. Қизингиз билан Говиқ-маъшук бўлган» дейишдан ўзини аранг тийиб қолди.
- Демак, ўғлим. Катта йигит бўлиб қолгаңми?

— Ҳа. Худо хоҳласа уни уйлантирамиз, набираларимиз бўлади.

— Қандай бахт. Худди тушга ўхшайди. Айтмоқчи, сиз ўқишни битирдингизми?

— Ҳа, ҳисобчи бўлиб ишляпман-ку.

— Унда нега ишга бормаяпсиз?

— Биз сиз билан, акажон, чиллалимиз-да...

Рустам Ойнисани бағрига босди ва оптоқ соchlарини меҳр билан силади.

— Нима учун соchlарингиз оқ?

— Бу ахир, ҳозир мода-ку.

— Ювиг ташланг. Ўзи қоралиги яхши эди.

— ...Эҳ! Қани энди буларни ювиг бўлсайкан.

Аёлнинг кўзларига ёш келди. Ўтган умри хотирасидан худди кино лентасидай ўта бошлади ва севгилисими яна йўқотиб қўйишдан кўрқиб, уни маҳкам қучоқлади.

Кутилган ҳол юз берди. Қобилбек Бектепага эрта тонгда етиб келди. У севгилиси Ойнисани йўқотиб қўйтани ва дадаси билан Наташа орасидаги охирги келишмовчиликлардан кўнгли жуда ғаш эди. Лекин акасидан кўнгли тўқ бўлди.

— Қобил, сен бемалол кетавер. Мен қизингни ернинг тагидан бўлсаям топаман. Бунинг учун ҳамма «кругой» ўртоқларимни жалб қиласман. Топгач, сенга ўзим хабар бераман, — деди.

Қобилбекнинг аслаблари ҳозир шу қадар таранг эдики, йўлда дуч келган нарсани тепиб, ҳатто пахса деворларни ҳам ағдариб бузуб ташлашга тайёр эди. «Келмоқчи эмасдим. Лекин ойимдан беруҳсат кетган эдим. У қаттиқ норози бўлган бўлсалар керак. Эҳтимол шунинг учун ҳам ишпим орқага кеттандир, Ойниса йўқолгандир? Ҳа, она норози бўлган. Мен энди у киппига нима дейман? Рустам ака-чи? Унинг кўзига қандай қарайман? Ойнисасиз энди қандай яшайман? Агар унга бир гап бўлган бўлса-чи? У ҳолда мен ҳам ўзимни ўлдираман! Мен учун

яшашнинг қизиги қолмайды» деган хаёллар унинг фикру ёдини чулғаб олганди.

Бироқ калладай қулф илингандар унинг нақшиндор дарвозаси оддига келиб қони баттар жўш урди. Жон-жаҳди билан дарвозани тепа бошлади. Ичкаридан Олапарниң тинимсиз ҳургани эшитиларди.

— Ҳай-ҳай,вой, Қобилжон-ку бу! — дея югуриб чиққан қўшни кампир қичқира кетди.

— Ҳой, Қобилжон, ўзингизни босиб олинг, болам. Мана, калит менда. Ахир онангиз эрга теккан бўлса, бу унинг айбимас, болам. Тақдир экан-да бу...

— Нима? Эр?! Қанақа эр?

— Вой-вой, нима, хабарингиз йўқмиди?

— ...?

— Аввал ичкарига кирайлик, ўғлим. Сиз аскарликни ўтаб келяпсизми, ўзи?

— ...Ха.

Кампир дарвозани очиб қулф, калитни унинг қўлига тутқазди.

— Ўйингизга хуш келибсиз, ўғлим. Мен ҳозир чой-пой дамлаб опчиқиб бераман, — уйи томон калишини шипиллатиб шошиб кета бошлади.

— ...Қанақа эр?! — дея ҳайқирди Қобилбек ҳайрон.

Кампир тўхтаб ортига боқди ва йигитнинг аянчли важоҳатини кўриб оғиз жуфтлашга журъат қилди:

— Ўқида ўқиб юрганларида бир севган йигитни бўлган экан. Ўша йигит авария бўлиб «томи кетиб» қопти. Кейин, иннайкейин, ҳадеб «Ойниса» деб ётаверибди. Дўхтиrlар «Ўша Ойнисани тошиб келмасанглар ўлиб қолади» деганимис. Кейин ўша йигитнинг хотини ўзи совчи бўп келиб, келин қилиб олиб кетди. Ўтган ҳафта тўйлари бўлди. Биз ҳам бордик. Бирам яхши тўй бўлдики... Мен ҳозир Ойнисанинг үй манзилини опчиқиб бераман. Сиз кириб bemalol дамингизни олаверинг, хўпми, ўғлим.

Кампир жаврар экан, бирор Қобилбекнинг бошига гўё

тўқмоқ билан урар ва у тобора ўзини ерга кириб бораёттандай ҳис қилаёттанди. Шу маҳал қия очиқ дарвозадан арслондай Олапар чиқиб келди-да, ўзини хўжайининг ташлаб соғинчдан юз-кўзларини ялай бошлади.

— Олапар... Нима бўляпти ўзи, Олапар?! Нега ойим унақа қиласди? Қайси бир эски ошигини деб бизни расво қилибди-ку!!

Унинг ҳайқириги одамсиз евроуи айвонларию чордокларида акс-садо берди. Ит унга жавобан тўхтовсиз ингиллаб ялатоқланарди. Тамоман тушкунликка тушган йигит ҳовли ичкарисига қадам қўйди. Қаровсиз, хас-хазонлар, чанг тўзонларга бурканган ҳовли, зах тортиб уваланиб тушаёттан уйнинг деворлари, кўча бошлаган бўёқлари, ис босган шифту қандилларни кўриб Қобил баттар эзилди. Кўзи чордоқлардан бирига олиб чиқувчи зинага тушди. Негадир ўша ёқса чиққиси келди. Бир-икки порона кўтарили ҳам, лекин зина ўрнатилган орқа девордаги улкан ёрикни кўриб юраги орқага тортиб кетди. Уйнинг асосий девори дарз кеттан ва бошдан-оёқ, катта ёриқ пайдо бўлганди. «Энди бу нимаси? Наҳотки янги уй қулаётган бўлса? Ойим қаёқса қарадилар-а? Эрга теккунча ерга тегса бўлмасмиди. Аблақ! Ҳаммаси ойимни йўлдан оздирган ўша одам айбдор. Мана, маром ишнинг оқибати. Мен уни ўлдираман!..,

Қобилбекнинг муштлари тутилди. Онасининг кўнгли бўшлигидан фойдаланиб атайн уни ўйнап қилиб олган, бизнинг ҳаётимизни барбод қилган, деб ўша шахси номаълум «янги дадаси»нинг шаънига Россияда ўрганиб келган евроболаҳонали сўкишлардан қаторлатиб ташлади. Ҳашаматли уй эса унинг сўкинишларидан гўё силкинар ва ҳозироқ босиб қолишга тайёрдек эди. Фақат содик итигина унга суйкалиб яланиб, ялатоқланарди ва ўз дардларини вангиллаб айтмоқчи бўлар, соғинч тўла кўзлари билан ўйноқи боқарди.

Йигит итини қучоқлаб олди. Ҳозир унинг учун итидан бўлак ҳеч қандай яқин сирдош дўсти йўқ эди.

- Энди нима қиласиз, олапар?
- «Билмасам» дегандек ит ингиллаган овоз чиқарди.
- Ойимни олиб келишимиз керак. Уни топаман. Аnavи муттағамни ўлдирман! Педараз, ифлос!...
- Ҳай, мана, ўғлим. Сизга нон-чой спчиқдим, — дея шипиллаб кириб келди кампир ва бир парча қоғозни узатди.
- Йигит уни олди-да, тез күз югуртириди.
- Шундоқ шаҳарнинг маркази, чиройли жойда экан, ўғлим.
- С-синглим-чи? У қаерда?
- Вой, ўқишида у. Ҳар шанба келиб турарди. Энди келмайдиган бўлди.
- Нимага?
- Овора бўлиб нима қиласади? Ахир ойингиз, дадангиз ўша ёқда бўлса. Ўйингизга мен...
- Нима? Дадам?!...

Қобилбек шундай дедиую ўрнидан шахт туриб кетди ва дарвоза томон важоқат билан қадам ташлади. «Мен уни ўлдирман!» деди у ва дарвозани шундай қарсиллатиб ёпдики, девордаги шувоқлару бўёқлар шувиллаб тўкилди. Шу пайтда ҳеч қандай куч, ҳеч қандай кудрат уни йўлдан қайтара олмасди. Олапар ила кампир унинг ортидан «ҳай-ҳай»лаб қолаверишди. Қобилбек бир «Дамас» таксини тўхтатди-да, унга чиқиб олди. Ўз «Нексия»си ҳақида катта йўлга чиқиб келганларида гина эслади. «Барibir унга аккумулятор қўйишим керак» деди хаёлан.

### ҚОРАҚОШЛИ АНЯ

Нурчик ўзининг девке лбат гавдаси ва яхши уришқоқлиги билан худуд авторитетлари ичида ўзига яраша обрў-эътиборга эга эди. Ишидан икки ҳафтага жавоб олди ва яқин ўртоқлари билан мотоциклда темир йўлга яқин бўлган турли аҳоли пунктлари бўйлаб юриб Ойниса ҳақида суриштира бошладилар. Афсуски, қизнинг фотосурати йўқ эди. Фақаттинг унинг исм, фамилияси, тахминий белгилари ва эгнидаги кийими ҳақида маълумот бор эди, холос.

Йигитлар мотоциклда юриб турли кафелар, тунги клублар, бозорлар, жанубдан келиб ишлаётганлар обьектлари, ишлаб чиқарыш цехлари, вокзаллару милиция бўлинмалари ва ҳатто яширин фоҳишхоналарни ҳам кўздан кечириб чиқа бошладилар. Улар тўғри ўша жойларнинг бошликлари билан учрашишар, суриштиришар, баъзан эса тушунмовчиликлар ҳам юз берив, муштлапишиб ҳам олишарди.

Бир мўйсафи, умуман олганда, яширин цехлар ҳам кўп эканлиги ва у ерларда эмигрантлар қул сифатида олиб келиниб мажбуран иплатилаёттанликларини айтиб қолди.

— Демак, унинг ҳимоясизлигини кўриб сотиб юборишган,  
— деди дўсти Олег.

— Фоҳишхоналарга сотиб юборишган бўлишса, унда худо урди деявер. Қидиришимиз фойдасиз, — деди дўсти Максим ҳам «Бекор овора бўляпмиз» деган маънода.

— Бир-икки кун ана шунаقا жойларни қидириб кўрайлик. Бўлмаса Қобидан унинг суратини юборишни сўраймиз. Кейин уни расман умумий қидирудаги берамиз, — деди Нурчик хуроса қилиб.

Улар энди ноқонуний, норасмий яширин цехлар, қурилиш обьектлари, фоҳишхоналарни суриштира бошладилар. Бироқ уларнинг бу ҳаракати айнан ана шундай фаолият кўрсатаётганлар устидан назорат қилиб, улуш олиб турувчи мафиоз гурухнинг назаридан четда қолмади.

Бир гал улар яширин ароқ қадоқлаш цехига кириб қолишди. Тўғри, ёлланган қўриқлаш ходимлари уларни ўтказишмади. Лекин уч йигит цех бошлиғи ва икки қўриқчининг томогига пичоқ тираб туришди ва «Нурчик, бор текшириб чиқ» дея қичқиришди.

Йигит ертўладаги ҳавоси оғир цехни қезаркан, бу ердаги одамларнинг иш шароитлари ва ифлосликни кўриб ачиниб кетди. Цех жанубдан келган турли ёшдаги ва жинсдаги одамлар билан тирбанд эди.

У бир коробка күттаркан йигитни тұхтатди.

— Сен қаерликсан?

— Тожикистандан.

— Ўзбекистондан бир янги қызы күрмадингми? Исми манави ерда ёзилган.

Йигит қорозни ўқиб күриб йўқ дея бош қимирлатди ва бир аёлга имо қилди.

— Ана, анави аёл ўзбекистонлик.

У ҳам бош қимирлатди. Лекин унинг ўз ватани ҳакида эшигиди сўниқ кўзларида учқун аланталангандай бўлди.

— У сизнинг кимингиз бўлади? — деб сўради аёл.

— Қариндошим.

— Ака, илтимос бизни бу ердан қутқаринг. Бизни сотиб олишган. Паспортизиз, пулларимизни олиб қўйишган. Қутқармасангиз ўлиб кетамиз, — деди аёл ва кўзларидан ёш дувиллаб тўкилди. — Бир муттаҳам бизни алдаб сотиб кетди...

— Ўзбекистондан неча кишилизлар?

— Ўн тўрт кипи.

— Чакиринг, кетдик.

Аёл ҳамюртларининг номини айтиб чақира бошлади. Бир зумда бир гурӯҳ аёл бўлди. Улар қоровулхона томон йўналишди. Нурчик тўғри цех бошлигининг оддига кириб келиб қичқирди:

— Мени сен нима иш билан шугууллаётганинг қизиқтирумайди. Лекин манави ўзбекистонликларнинг паспорти ва иш ҳақдарини ҳозироқ бериб қўйиб юборасан!

— Мен уларни сотиб олганман. Ҳар бирига минг доллардан тўлаб олиб кетавер.

Нурчик унинг ёқасидан одди ва бир силтаган эди, бошлиқ юввоп тортуб "бўлди-бўлди, тушундим" деди-да сейфдан бир пачка паспорт ва бир талай пул одди.

— Ма, жўна ҳамманг! — деди у ва бўралиб сўкиниб қўйди.

Хуллас, шу тахлитда иш кўриб бир неча тунги клуб ва фоҳишахоналардан ҳам ўнлаб аёлларни кутқариб олиб чиқишиди. Бироқ Нурчик ўзининг бундай хатти-ҳаракати билан кундан-кун ўзига кўплаб душман орттириб бораради. Шериклари бу ишларининг охиривой бўлишини эслатиб қайтиб кетишига даъват қила бошлишди.

— Бўпти, сизлар кетаверинглар. Мен ўзим яна бир-икки кун қидирай.

— Лекин бошқа дўқ-пўлиса билан иш битмайди. Ари уясининг тўзитиб қўйдик, эҳтиёт бўл, — деди Олег.

— Яхшиси, тақдирга тан бериш керак. Қизни бу аҳволда топа олмаймиз.

— Бўпти, мен фақат вокзаллардаги милиционерлардан суриштирман. Сизлар кетаверинглар, ўзим поездда бораман,

— деди Нурчик дўстларига қўл ташлаб хайрлашаркан.

Улар кеттач, Нурчик Новоалтайск темир йўл шоҳ бекатига борди ва бўлинма бошлиғига мурожаат қилди. Бошлиқ журнални текшириб кўрди ва тўсатдан унинг мовий кўзларида учқун пайдо бўлгандай туюлди.

— Шунақа бир қиз келувди, — деди у қўлидаги қоғоз ва журналдаги ёзувларни кўриб алланималарни эсларкан.

— Йўғ-е, ростданми? Хайрият! — деди Нурчик хурсанд бўлиб.

— Қиз йўқолган куни қайси кун зди? — деб сўради милиционер.

Нурчик эслаб тахминан ўша кунни айтди.

— Тўғри келяпти, — деди бошлиқ.

— У ҳозир қаерда?

— У бир кампирни зинапоядан йиқитиб юборган экан. Кейин унга тиббий ёрдам кўрсатаман деб поезддан қолиб кетибди. Ишлагани келганлардан экан деб кампир уни ўзи билан бирга олиб кетди.

— Қаёққа?

— Билишимча, Зерниха станциясидан бориладиган Заозерное деган хуторга. У ёғини билмайман.

Нурчик Зерниха станцияси яқинидаги япирин ароқ цехига кирганинини эслади ва бир ижирғаниб қўйди. “У қиз бизга шунақа яқин жойда экану. Ҳай, майли, энг муҳими, изи чиқди-ку...” деб қўйди йигит хурсанд бўлиб.

— Раҳмат сизга, ўртоқ бошлиқ. Укамни хурсанд қиласидиган бўлдим. У қиз унинг қаллиги бўлади.

— Э, шунақами? Унда тезроқ бора қол. Топ уни.

Нурчик Зерниха станциясида тушиб қолди ва маълумотномалар бўлимига келиб Заозерноега қандай борилиши ҳақида маълумот олди. Бир кафега кирди-да, овқатланиб олмоқчи бўлди. Минг афсуски, унинг опхонада ўтиргани яширин ароқ ишлаб чиқариш цехининг “жабрдийда” ходимларидан бирининг назарига тушиб қолди.

“Оббо, абрақ-еј. У бизни соттан бўлиши мумкин” деган ўйга борди у ва тезлик билан бошлиғига қўл телефони билан қўнгироқ қилди.

— Алло, уни асло қўздан қочирма. Мен ҳозир шефнинг одамларини юбораман. Бир ўзими ё шериклари ҳам борми?

— деб сўради бошлиқ.

— Шериклари кўринмаяпти. Ўттан сафар улар мотоциклда келишувди. Бирор ёққа кетишган кўринади.

— Вой, абрақ-еј. Уни боплаб таъзирини бериб қўйинглар. Қаршилик кўрсатса йўқ қилинглар. Бир четда, ҳамма иш силлиқ бўлсин.

— Тушунарли, ўртоқ бошлиқ.

Бу пайтда Нурчик чўнтағидан қолган пулларни олиб ҳисоблаб кўра бошлади.

— Ит эмган, абрақ. Қаерданadir пул ундирган шекилли, — деб қўйди ходим ундан кўзини узмай.

Хуллас, Нурчик таксилардан бирини гаплашиб унга ўтирди. Ортидан эса бир машина ҳам изидан тушди.

Тётя Ира Ойниса, яъни Аняни ўз қизидай кўриб қолди. Ҳар бир қадамини назоратидан четда кўймади. Ароқ ҳам ичмай кўйди. Қизнинг озодалиги, покизалиги, хушмуомалалигини кўриб ҳаваси келар, қариганида мана шундай қизни юборганидан Яратганга шукроналар айттарди. Хутордаги барча қари-қурилар ҳам уни яхши кўриб қолиши. «Оҳ, қизим, яхшиям сен борсан» деб алқашарди бемор кампирлар. «Раҳмат, қизим, илоҳим баҳтиңг очилсин» деб кўярди чоллар ҳам.

Ойниса энди тақдирига тан берди ва бу ернинг ҳаёти, турмуш тарзига тез орада кўнишиб кетди.

Кунлардан бир куни тётя Иранинг бир қариндоли қазо қилгани учун шаҳарга кеттанди. Ўрмончи Василий амаки аравасида оғир аҳволдаги бир ҷалажон йигитни олиб келди. Бу Нурчик эди.

— Ўрмондан тошиб олдим. Ўлик десам жони борга ўхшайди,  
— деди мўйсафи.

Улар йигитни медпунктга замбилга солиб олиб кириши. Ойниса унга биринчи ёрдам кўрсата бошлади.

— Калтаклашиб ташлаб кетишибди. Хуторимизда телефон курғур ишламаяпти. Ўзинг бир илож қил. Ира хола келса бирор йўлини топар, — деди Василий амаки ва аравасини келган томонга қайтариб кета бошлади.

«Э-ҳа, тоза дабдала қилишибди-ку. Ким бўлди экан-а бу бечора?» деди қиз ўзича ва чўнтакларидан ҳужжатини излаб кўрди. Ҳеч нима топа олмади. Безорилар унинг ёнидаги ҳамма нарсани, тузган режасию Ойниса ҳақидаги маълумотларни ҳам олиб йиртиб ташлашган эди. «Шахси номаълум. Демак, милицияга хабар қилиш керак бўлади» деб ўйлади қиз ва йигитта ёрдам кўрсатмоқ учун керакли муолажаларни қила бошлади. Сўнгра беҳуш ўйигит ёнида туну кун навбатчилик қилишга тўғри келди. Аксига олиб тётя Ира ҳам келавермади. Нихоят, учинчи куни маст-аласт кириб келди. «Поминка»

қилишганиши...

Йигит анча ўзига келиб қолди. У баъзан алаҳсирар ва пешонасини маржон-маржон тер босарди. Ҳамшира эса унинг кенг пешонаси ва қошларини артиб қўяркан, Қобилбекникига ўхшаб кетишини пайқади. Баъзан каравотда бир бегона рус йигити эмас, балки Қобил ёттанидай туулаверди. Шундай пайтда йигитнинг кенг пешонаси ваmall соchlарини меҳр билан силаб қўярди. «Қаерларда қолдингиз, Қобил ака? Мендек бир шўр пешонани наҳотки қидириб ҳам келмадингиз? Энди келишингизнинг керагиям йўқ. Энди сиз учун Ойниса йўқ. У ўлган. Энди Аня бор...» дер эди у ўзига ўзи.

— Анночка, дорогая моя, золотая ты моя. Умничка. Откуда нашла такого кавалера, а? — деди тётя Ира эртаси эрталаб «как огурчик» чиқиб келаркан.

— Какой кавалер? Его в лесу дядя Василий нашёл.

— Я шучу, дорогая. Ты же меня знаешь... Ой, бедный, а. Такого симпатичного парня изуродовали, сволочи, — деб қўйди кампир ярадор мижознинг танасини кўздан кечиаркан.

Яхшики, йигитнинг сүяклари лат емабди. Бақувват экан. Бошига қаттиқ зарба олган, мушаклари ҳам таёқ зарбидан зэйланган. Лаби шишиб кеттан ва типлари тўкилган эди.

Шу туфайли сувни аранг ичар, фақат парранда гўшти шўрвасидан беришарди. Ойниса беморга бутун шифокорлик масъулияти ва инсонийлик меҳри билан қаради. Уни ювиб, таради. Натижада Нурчик анчагина ўзига келиб қолди ва ҳеч бўлмаганда мустақил «ташқарига чиқиб келадиган» бўлди.

— Исминг нима, яхши қиз? — деб сўради у ҳамширадан.

— Аня, сизники-чи?

— Нурик. Татар қизмисан?

— Йўқ.

— Ишга келганларданми?

— Ҳа.

— Қаллиғинг борми?

Ойниса Қобилбекни эслади «Ха» дегиси келди. Лекин бунга ўзини нолойиқ сезди ва саволга жавобан «Йўқ» деб қўя қолди.

— Гўзал экансан.

— Сиз ҳам чаккимассиз, — деди қиз кулиб. — Энди ётиб дам олинг.

— Мени бу ерга ким олиб келди?

— Ўрмончи Василий амаки.

— Неча кун бўлди?

— Беш кун.

— Вой-бў. Ота-онам мендан хавотир олишаётган бўлишса керак.

— Қаерликсиз?

— Тельменодан. Ўзинг-чи?

— Жуда узоқдан... Келинг, орқангизни очинг.

Йигит ёнбошини очиб уколь игнасига "Уф-ф" деб қўйди.

— Вой-бўй...

— Оғриди-да. Лекин ёқимли.

— Бўлмаса яна битта қиласман.

— Майли, фақат орқага эмас.

— Унда қаерингизга?

— Юрагимга...

Қиз йигитта "суюлманг" дегандек чиройли табассум билан нигоҳ ташлади.

— Бўлди. Тамом, — деди қиз.

— Сени севиб қолдим.

— Ҳали шунақами? — деди қиз ва юмшоқ жойининг нариги томонини очди-да, иккинчи нишини ҳам санчди. — Бу демидрол. Яхши ухлаб туринг, яхши йигит, — деди қиз ва йигитнинг юрагига чўр ташлаб чиқиб кетди.

— Аня, юр, бир сайд қилиб келамиз, — деди Нурчик эртаси.

Қиз зерикиб ўтирганди, шунинг учун йўқ демади. Йигитнинг лунжидаги шиш анча қайтганди. Яшил майсалар, турфа гуллар таровати ёшларни ўзига чорламоқда зди. Осмон шундай чароғон, ҳаёт шундай гўзал эдики, унда ҳар қандай одамнинг маза қилиб яшагиси келарди...

Қобилбек Ҳожиобод мавзесидаги онасининг янги уйини аранг топиб келди. Эшик тутмасини асабий босиб тураверди. Ҳозир эшикни эркак киши очса, уни шартта гирибонидан олишга шай зди. Нидоят, эшик очилиб остоңада майқачан Рустам пайдо бўлди.

- Ие... Рустам ака! Сиз шу ердамидингиз?
- К-кел, ўғлим. Ичкарига кир.
- ...Мени к-кечиринг. Ойнисани йўқотиб қўйдим.
- Ойниса шу ерда, киравер.

Қобилбекнинг кўзларидан ўт чақнаб, қулоқлари тутаб кеттандай туюлди.

- Нима? У келдими?
  - Ҳа, киравер, — деди Рустам бамайлихотир.
- Рустам ичкари кириб Ойнисани чақира бошлади. Ойниса ваннада кир юваёттанди. Қобилбек эса қизни соғинган ва уни қучоқлаб олмоқда шай зди.

- Чиқа қолинг. Ўғлимиз келди.
- Вой, ростданми?

Ойниса ашил-тапил ўзини эпақага келтирган бўлди-да, ўғлига пешвоз чиқди ва уни бағрига босмоқ учун интилди. Қобилбек эса онасини кўриб бир лаҳза қотиб қолди.

- Сиз бу ерда нима қиляпсиз, ойи?
- Дадант билан яшайпмиз, ўғлим.
- Ахир бу киши..?
- Ҳа, бу киши сенинг ҳақиқий даданг бўлади. Россиядаги ўтгай зди. Юрақол ҳаммасини тушунтириб бераман... Айланиб кетай сендан, — деди Ойниса ўғлинни қучоқлаб. — Бўйларингдан ўзим ўргилай...
- Ойниса қани?
- У келмади. Сизлар бирга кеттандинглар, шекилли? — дея тўсатдан Ойниса ўғлининг елкасига ёпишди.
- Ҳа...

- Ораларингда ҳеч нима бўлмадими, ишқилиб? — дея шошиб-шишиб сўради аёл.
- Тушунмадим. Нималар деяпсиз, ой?
- Сизлар ака-сингилсизлар! Сизларга бирга бўлиш умуман мумкин эмас. Шунинг учун ҳам тўйни қолдирувдик. Ўшанда сенга тўгрисини айтмолмагандик, Нурбек дадангдан яширган эдик.
- Хизматни яхши ўтаб келдингми, ўғлим, — дея кўйлагини кийиб кирди шу маҳал Рустам.

Қобилбекнинг ранглари оқариб каловланиб қолди, у ҳеч нарсани тушунмаёттанди. Ким билади, агар шу маҳал дастурхон кўтарган Ҳанифа келиб қолмаганида бу учрашувнинг қандай якун топиши қоронғу эди. Афсуски, бу қоронғулик туфайли Қобилбекнинг ҳаёти энди зим-зиёликка юз тутди. Чунки у ўз севгилисидан бутунлай айрилди: Ойниса синглиси бўлиб чиқди. Яхшики, тақдир поезди уларни икки ёқقا айирди. Энди хаёли синглисида бўлиб қолди. "У ҳозир қаерда экан? Ҳоли не кечди, акам уни топдимикан?.. Эҳ, нақадар шўрпешона бўлмасам!.. Севгилимни йўқотдим, синглимни топдим деганда, энди акам менга бегона бўлиб чиқса-я... У ёқقا бир қўнгироқ қилиб қўйсам бўларди" ўйларди фикрлари чалкашиб.

Тиниб-тинчимас Ҳанифа яна бир ташаббус билан чиқди. Нима эмиш, унинг ой деса ойдек, кун деса кундай, Ойнисадан ҳам гўзал синглиси бормиш. Унинг исми Ҳаётхон экан. У "Қобилбекка шу қиз жуда муносиб, бир кўрсинлар. Яхши бўларди, оиласаримиз янада жипслашарди. Маъқул бўлса, ҳамма нарса тайёр, ишни юриштириб юборардик. Ойниса қизига ҳам бу ишимиз маъқул бўларди" деб қолди. Келаси куни эса Ҳаётхонни ўзи билан бирга олиб келди.

Қобилбек энди тақдирига тан берди. Ноз-фироқ қилгани билан энди фойдаси йўқ эди. Тезроқ уйланиб бирор бизнес ишларини йўлга қўйиши ва ўзини чалғиттани маъқуллигини англади. Бу

унинг улрайиб, мустақил фикр юрита бошлаганидан далолат берарди. Ҳаётхон ҳам унга ёқди. Қиз ҳақиқатдан ҳам кичик Ойнисага ўшшаб кетар ва ундан кўра латофатлироқ, фаросатлироқ экан. Чўзиб ўтиришмади. Тўй кунини ҳам белгилаб қўя қолишди. Чунки Бектепадаги евроўй ҳувиллаб қолган ва у ерда фақат Олапар иттина туну кун ғингшиб нола қиласди.

Лекин Қобилбек тўйни у ерда қилгиси келмади. Чунки уйнинг дарз кетганидан кўнгли нотинч эди. Келинни ҳозирча Қувага тушириб туришадиган, уйини капитал таъмирдан чиқариб бўлгач, уй тўйи ҳам қилиб кўчиб келишадиган, тўйни эса Фарюна шаҳридаги Кўксарой тўйхонасида бир ойдан сўнг ўтказадиган бўлишди. Чунки Қобилбек ёқтирадиган эстрада кўшиқчиси машхур Маҳмуд Номозовнинг бўпп вақтига қаралди. Бу орада тўйга таклифномалар тарқатишиб, яхши тайёргарлик кўрила бопланди. Россияликлар ҳам тўйга таклиф этилди. Шу баҳона ва Ойнисанинг тақдирни ҳақида билиш учун Қобилбек Олтойга кўнғироқ қилди. Лекин ноҳуш хабар эшитди. "Қизни қидириб келаман" деб кеттан Нурчик ҳамон уйга қайтмаган эмиш. Уни ҳам ҳозир излашаётганмисш.

— Ойниса қалай, яхши юрибдими? — деб сўраб қолди Наташа. У «Ўша севган қизи, демак, уйига қайтиб кеттан ва у билан ниҳоят тўйлари бўлаёттан экан-да» деган холосага келган эди.

— Ҳа, яхши юрибди. Тўйга тайёргарлик кўрятти, — деди Қобилбек онаси ҳақида сўраяпти деб ўйлади ва тўйни шаҳарнинг энг нуфузли тўйхоналаридан бирида қилишадиган бўлгани ҳақида гапирди.

Наташа агар акаси қайтиб келса, албатта, тўйга биргаликда боришлирини маълум қилди.

Ўн кунлар ўттач, ниҳоят, Нурчик ўзига келиб уйига бемалол кетадиган бўлди. У қорақошли гўзал Аняни ёқтириб қолганди ва ўз холоскорларини уйига таклиф қилишни лозим топди. Тётя Ира уни бирга уйига бориб меҳмон бўлиб қайтишга

қаршилик қилмади. Аммо йигит қизни ёқтириб қолганидан хавотирга түшди. Чунки сариштагина, чаққонгина шогирдидан айрилиб қолиши ҳеч гап эмасди. Шунинг учун ёшларни шу ерда яшашга жалб қилиб, бу ҳақида Нурчикнинг ота-онаси билан маслаҳатлашиш керак деган қарорга келди. Яна бир йўли эса йигитни қиздан айнитиш эди. Шунинг учун Аняни зўрлаб кетилгани ҳақидаги маъшум воқеани ҳам айтиб берди.

— Аня барибир рози бўлмайди. Ўша машгъум воқеадан кейин у ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлиб, венасини кесиб юборувди. Даволаб ўзига келтирдим. Шундан кейин у одамови бўлиб қолувди. Умуман, ватанига ҳам қайтиб кетмоқчи эмас, бир умр шу ерда қолмоқчи. У одамлардан зада бўлган, эрга ҳам тегмоқчи эмас, — деди кампир Нурчик билан ошхонада ўтиаркан, ташқарида кир илаёттан Ойнисага қараб чуқур хўрсиниб кўйди.

— Бу қизни бутун хотор яхши кўриб қолди...

— Ким экан ўша аблаҳлар?!. — деди Нурчик мушт билан столни уриб.

— Билмадим, болам. Бир ҳамюрт дугонаси келиб ўз тилида гаплашиб олиб кетувди. Мен уларни тез қайтишар десам, у ёмон қиз экан, бир йигитта кўшиб берибди, — деди кампир кўзларига ёш олиб. — Шўрликнинг кучи етмабди, сендаقا бақувват экан у ярамас.

— Хола, қизингизни мен ёқтириб қолдим. Майли, бўлар иш бўлти. Бу унинг айби эмас. Ожизанинг қўлидан нима ҳам келарди? Уни менга тегишга кўндириб беринг, илтимос.

— Йўқ. Буни ўзи ҳал қиласди.

— Хўл-десангиз, менинг дадам асли ўзбекистонлик. У ёққа бориб ёшларни бу ерга келиб ишлаб — яшашга ундейман. Барибир бу ерга ҳар хил соҳа мутахассислари, фермерлар, курувчилар, шофёр, тракторчилар керак. Нима дедингиз?

— Қанийди шуни ташкиллай олсанг, ўғлим. Менга қолса, ўзинг келиб шу ишларга бош бўлсанг, нур устига аъло нур бўларди-ку.

— Мен, албатта, бунга уриниб кўраман, бу иш кўлимдан келади. Айтинг-чи, қишлоқда ҳеч ким яшамайдиган эгасиз нечта уй бор?

— Ўнтача бор. Эҳ-е, келаман дейишса уй кўп. Ҳар бир хонадонда яшайверишиди. Йигирматача уйда ёлғиз қариялар яшайди. Улар ўтиб кетишиша уйлари эгасиз қолади.

— Демак, ўттизта оила келиши мумкин экан-да.

— Ҳа. Ана боғча, клуб, мактаб, почта, магазинлар, колхоз идораси, ферма ҳувиллаб ётибди. Ерларимиздаги ўт-ўланларни кўргандирсан?

— Ҳа, ҳосилдор ерлар... Ҳўш, хола, нима қиласиз?

— Сенинг уйингга борайлик-чи, яримтани майдалаб ўйлашиб кўрармиз.

Нурчик ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди ва холасидай қадрдон бўлиб қолган тётя Ирани қучоқлаб ўтиб одди.

— Ўзимнинг ўтилгинам. Эҳ, шу қиз сенга жуда муносиб-да...

Бу сұхбатдан бехабар Ойниса жилмайиб кириб келди.

— Ўҳ-хў, ҳудди ҳинд киноларидағи она-боладайсизлару.

— Ҳа. Энди Нурчик ҳам менга ўрил бўлди.

— Қутлук бўлсин, хурсандман, — деди Ойниса.

— Бу ёғиниям эшит. Шу ўслимни уйлантирмоқчиман.

— Яхши, кимга?

— Сенга.

Киз алланечтук бўлиб кетди.

— Вой, мен. Йўғ-е...

— Аня, ҳамма гаплардан хабарим бор, — деди Нурчик жиiddий. — Агар рози бўлсанг, қўлингни сўрайман, — деди йигит ва қизнинг олдига тиз чўқди. — Сен менинг халоскоримсан. Бизни тақдир учраптириди. Мен сени баҳтли қиласман, йўқ дема...

Киз довдираб қолди. Бу унинг учун кутилмаган ҳол эди. Шу туфайли хонадан чиқиб, бел бўйи келадиган яшил ва бепоён майсазорлар сари чопиб кетди.

— Бор, ўслим, баҳтингнинг ортидан бор. Биламан, у

кўнмайди. Шунинг учун ўйлаб кўришга муддат бер, — деди кампир йигитни ташқарига унданб.

Йигит чиқиб кетаркан, «Хой, Аняни чақир, сизларникига жўнаймиз!» дея қичқирди.

\*\*\*

Нурчик ва икки аёлнинг тасодифан кириб келишларидан Наташа еру кўкка сифмади. Ира хола Ойнисага чиройли русча уст-бош кийдириб қўйганди.

— Ойи, булар менинг халоскорларим. Мени ўлимдан асраб қолишиди, — деди Нурбек келибоқ уларни таништиаркан. — Бу киши тётя Ира, бу кипи қизлари Аня... Ойим Наташа. Ҳув авави келаётган ҳассали киши отам Нурбек. У асли ўзбекистонлик.

— Вой! — деб юборди Ойниса қувониб. — Мен ҳам Ўзбекистонданман.

— Э-ҳа, ҳамюртлар тошишибизлар-ку-а, — деди Ира хола кулиб.

Нурбекнинг ҳам қувончдан кўзлари порлади. Чунки бу ҳолат ишнинг осонроқ кўчишига сабаб бўлиши мумкин.

— Саломалайкум. Здравствуйте, уважаемые, — деб келиб қолди Нурбек ака. — Значит, наконец, мой сын объявился. Я его из милиции ищу... А что случилось?...

— Мы подрались, потом в больницу попал. Они меня лечили, поухаживали.

Нурбек аввал Ира билан, сўнгра Ойниса билан самимий сўрашди ва қизнинг кўзларига қараб «Ёпирай, сен ўзбекмисан?!» деб юборди.

— Ҳа, — деди Ойниса чиройли жилмайиб. — Қаердан билдингиз?

— Кўзингиздан. Демак, сени ўглим топибди-да.

— Йўқ. Уни бизга оғир аҳволда олиб келишиди. Беҳуш эди. Уч кундан сўнг ўзига келди. Ёмон уришган экан.

— Что вы болтаете? Давайте, гости, пожалуйста,

присаживайтесь, — деди Natasha сўнгсиз сўроқ-саволга ўзича чек қўймоқчи бўлиб.

Ҳаммалари стол атрофига давра қуришди. Ойниса фотиҳага кафтларини очиб дилига мос одамларни учраттанидан «Илоҳим, ўзингта шукр» деб қўйди. Нурбек aka ҳам унга қўшилиб секин «Омин» деди. Уларнинг мусулмончилик ақидаларини ижро этишганларини кўриб рус аёллари бир-бирларига маъноли кўз қараш қилиб қўйдилар.

— Отец, познакомся, это тётя Ира, а это её приемная дочь Аня. Они меня спасли, — деди тўсатдан кичик Нурбек.

— О, хорошо. Я вам очень благодарен. Раҳмат, қизим, — деди Нурчикнинг отаси қўлини кўксига қўйиб, қуллук қилиб.

— Отец. Она мне нравится. Если она согласиться и вы нам дадите добро, хочу на её жениться.

— Ой, какая хорошая новость, — деди Natasha севиниб.

— Да. Давай, матушка, принеси что есть. Это дело надо обмыывать.

— Хорошо. Всё сейчас организуем. Ты мне поможешь, дочка?

— деб сўради у Ойнисадан.

Улар ошхонага чиқиб кетишди. Егуликлар тайёрлашар экан, Natasha қиздан баъзи тафсилотларни сўраб-суриштирмақчилиги аён эди.

— У нашего отца есть ещё одна жена. Она узбечка. Короче, у нас есть ещё один сын. Скоро он женится и нас на свадьбу пригласили.

— А где состоится свадьба?

— В городе Фергане. Кажется в ресторане «Кук-сарай».

— А мои родители проживают в Кувинском районе. Мать учительница, а отец фермер.

— А как ты сюда попала?

— Приехала на работу. Я медик.

— Ой, как хорошо. Ну что ты, согласно выйти за Нурика?

— Если мои родители согласятся... — деди Ойниса «Кейин майли дердим» сўзини айтольмай.

— Конечно согласятся. Я же на узбека вышла и Нурик наполовину узбек же. Вот скоро у нас свадьба. И мы поедем к вам и заодно будем на тебя свататься, хорошо?!

Ойниса жилмайиб «Хорошо» деб қўйди. Наташа уни қучиб пешонасидан ўпди. Шу маҳал ошхонага гурсиллаб Нурчик кириб келди ва уларнинг самимий кучишиб турганини кўриб қолиб қувониб кетди.

— Ну что, мам, ест готова? А что, все съедим и её тоже, — дея Ойнисани шарт кўтариб олди.

Қиз буни кутмаганди, «Вой ўлай, қўйворинг!» дея чинқираб юборди. Хонага ҳовлиқиб Нурбек ва Ира холалар кириб келишди. Лекин йигит қизни қўйиб юборгиси келмас, худди вальста тушаёттандай уни ҳавода муаллақ айлантиради. Ира холанинг эса қорни очиб кетган шекилли, бир тузламадан олиб еди-да, «Ой, горькая какая» деб юборди. Наташа ҳам унга қўшилиб «Горька!» деб қичқирди. Нурчик бу анъанавий «топшириқ»ни аъло даражада бажарди-да, қизни қўйиб юборди. Ойниса «Ўлинг, одам бўлмай» деганча қочиб чиқиб кетди.

— Что она сказала, отец? — сўради Нурчик.

— Она сказала, что ты никогда не будешь порядочным человеком.

Йигит Ойнисанинг ортидан чопди: «Я тебе обещаю, Аня! Обязательно буду твоим порядочным мужом!» дея қичқирди. Ошхонадагилар кулиб юборишли.

— Отец. Давайте, это дело серёзно обсудим, — деди Наташа ва уларни дастурхонга таклиф қилди.

— Короче, я все узнала, оказываются у неё есть родители. Там где состоится свадьба нашего младшего сына Колю, туда и мы собираемся, за одно будем сватат Аню... Вы тоже с нами поедите, Ирина Петровна?

— Поехала бы с удовольствием, но здоровье не позволяет.

— Как? Вы же лечащий врач. Мы же поедим на поезде. Посмотрим другой мир. Я тоже ещё ни раз не была на юге.

— А как ваш младший сын там очутился?

— Это сын нашего отца, — деди Наташа Нурбекка имо қилиб.

Нурбек ота чукур хўрсиниб қўйди. Унинг алами ичиди эди. Яъни Қобил унинг ўғли эмаслигини айтмаганди. Шунинг учун ароқни қуиди-да, аёлларга ҳам узатиб, ўзи тез ишиб юборди... Кўп ўтмай учовлари қизипиб олишиб, яна баҳсни давом эттира бошлашди. Даврага ёшлар ҳам келиб қўшилишди. Ойниса кўринишдан хурсанд куринса-да, аммо унинг ич-этини Қобилбекга бўлган муҳаббатининг тиялари аёвсиз тирнамоқда зди. «Мени кечириңг, Қобил ака» дерди у хаёлан.

— А знаете, на мою голову какой мысль пришла? — деди икки лўппи юзлари қизарган Наташа.

— Какая мысль? — деб сўради катта Нурбек.

— Что если представить оба свадьбу объединят и сразу там братьев поженит! Как?...

— Хоропная мысль. Давайте выпим за хорошую идею, — деди тётя Ира ва рюмкани кўтариб аччиқ тузламадан еб олди-да, «Ой, какая горькая» деб қўйди.

«Горька! Горька!» деган қичқириқлар бошланди. Бу сафар Ойниса тезда ўзини ўнглаб олди. Нимадир баҳона қилиб бу ароқхўрлар даврасидан қочмоқчи бўлди. Калласига келган фикрдан эса қувониб кетди.

— Отажон, хоҳдайсизми, мен ўзбекча палов дамлаб бераман.

Нурбек aka бир сония тек қотиб қолди ва тилга кирди:

— Қанийди, қизим. Емаганимга анча бўлди. Бир чўқим фарғонача паловимииздан еб ўлсам ҳам рози эдим.

— Undай деманг, мен ҳали сизга кўп палов дамлаб бераман.

— Раҳмат, қизим. Илоҳим, баҳтинг очилсин.

— А что она говорит? — сўради Нурчик.

— Что, я тебе переводчик что ли? Иди, сам изучай узбекский, — деди отаси.

Ойниса бир кулди-да, ошхонага кириб кетди.

— Понял, отец. Она меня будет учит.

— Сначала учись, как готовит плов по фергански, — деб қўйди катта Нурбек кичигининг устидан кулиб..

Йигит ҳам ошхона томон югурди.

...Орадан бир неча кунлар ўттанидан сўнг улар ҳамжиатлик билан «Новосибирск-Тошкент» поездидаги Ўзбекистон сари йўл олишди. Поезд бир маромда чайқалар, Ойниса ойнага қараб бепоён ўрмонлару дашт-биёбонларни томоша қилиб борар, кўз ўнгидан юз берган хуш-нохуш воқеалар бир-бир ўтарди. Бир вақт оёғига боғлаб қўйилган чилвирни кимдир қаттиқ тортиб юборди. Қиз «Вой!» деб чинқирди. Купедагилар «Ҳа, нима гап!» дея чўчиб уйғонишида ва кулиб юборишиди. Ойнисани тагин бирор станцияда тушиб қолишидан чўчиган Нурчик қизга билдиримай унинг оёғини узун чилвир билан ўз оёғига боғлаб олган ва бу ҳол ёдидан кўтарилиб тела полкадан сакраб тушиб ташқарига отланган эди. Унинг оёғини кутилмагандага қизнинг оёғи тортиб қолганини кўриб у ҳам кулиб юборди. Бу чилвир ёшлар ўртасидаги муҳаббат ришталарини янада маҳкамроқ боғланишига ҳам сабабчи бўлди. Биттадан оёқлари кўтарилиган ҳолда улар узоқ туриб қолишиди. Ниҳоят қиз қиқирлаб кулиб чилвирни тортқилай бошлиди ва кўп ўтмай ўзини йигитнинг бақувват қўлларида кўрди. «Наҳотки шу йигит тақдиримдаги шаҳзодам бўлса...» деган ўй кечарди қизнинг хаёлидан. «Наҳотки мана шу қора кўз, қора қош гўзал менинг маҳбубам бўлса...» дерди хаёлан йигит ҳам.

## ИНТИХО

Россияликлар Бектепа қишлоига Қобилбекнинг тўйи куни, оқшом маҳали етиб келишиди. Лекин салобатли евроуйнинг чироқлари ўчиқ, «қовоқлари солик» кўринар, ичкарида Олапар тинимсиз ғингшир ва баъзан фарёд чекиб бўри боладай увиллаб нола чекар. Қўйон шамолидан эса қайси бир очик қолган дераза тинимсиз тарақларди. Уйда ҳеч ким йўқ, ҳашаматли дарвоза ҳалқасига катта қулф

осилган, ҳеч қандай тўйнинг нишонаси кўринмас, кўчалар ифлос ва супурги кўрмаган, эсаёттан елизакдан тўзонлар кўтарилимоқда эди.

Меҳмонларнинг келганини пайқаб югуриб қўшни кампир чиқиб келди.

— Вой, келинглар, меҳмонлар. Ие, вой, бу Нурбекжонку. Эссиэгина-я, Қобилжон машинасини олгани келганида уйнинг калитиниям опкетиб қолибди. Бечора итгаям нонни деворнинг тепасидан ташлаб беряпман.

— Ҳечқиси йўқ, ўзингиз бардам-бақувват юрибсизми, хола. Қишлоқ, маҳалла-кўй тинчмисизлар?

— Худога шукр, болам. Тўйга етиб келибсизлар-да а.

— Биз бўлмаса, тўйхонага бора қоламиз. Бу ерга кейин келармиз, хола.

— Майли-майли, борақолинглар, болам. Қобилжонни бу қурган уйини мен негадир орзу-ҳавас қилгану, лекин ниятига етолмаган қари кампирга ўхшатавераман-да, болам. Қачон қарасам мунғайиб қараб тургани-турган.

— Энди ундей бўлмайди, хола. Бу ерга яна бир келин оламиз. Аnavи йигит ҳам менинг ўғлим бўлади, — деди Нурбек aka евроўйни кўчадан туриб томоша қилишаётган меҳмонлар ичидаги басавлат йигитни кўрсатиб.

— Оҳ-оҳ, қанийди шу уйнинг ҳовлиси болачаларнинг қий-чувига тўлсайди. Қани омин, шу хонадондаям тўйларни кўриш насиб қилсин.

— А ну-ка, поехали дальше! — дея қичқирди катта Нурбек.

— Куда? Ты же говоришь, что это наш дом? — сўради Наташа.

— Да, конечно. Ключа нет. Говорят Қобил забрал.

— Кабел? Так зовут вашего сына? — дея ҳазил қилиб сўради Ира хола.

- Нет, Қобил, который женится.
- Ой, слава богу...

Ойнисадан бопқа ҳаммалари кулди. «Қобил дейдими? Қобил акам билан исмдош экан-да. Қизиқ, ҳозир қаерда экан? Мени изладимикан? Бечора. Мени деб тоза қийналди.

Ҳозир у қайтиб келгандир? Эҳтимол, учрашиб ҳам қолармиз...».

Ойнисанинг бошида турли нохуш ўйлар ҳукмрон зди. Бугун-ку түйда бўлишади. Эртага эса уларникига боришади. Онаси, отасига қай кўэ билан қарайди? "Ишқилиб отам меҳмонларнинг олдида дўппослаб қолмасайди. Нурчикнинг олдида шарманда бўламан-ку... Ўзим уйга дабдурустдан кириб бормайман. Меҳмонларга уйни кўрсатиб қўйиб, ўзим Акбар амакимникига кириб тураман. Сурайё келинойимни ўртага воситачи қиласман. Ҳаммаси жойида бўлгач, сўнгра келинчақдек кириб бораман, кечиришар...".

Улар тўйхонага етиб келишганларида тўй эндиғина бошланган, ҳали келин ва куёв келишмаган экан. Ичкарида мумтоз қўшиқлардан бири эштиларди. Тўйхона олдида Рустам, акаси Акбарали, Ойбек ва Ҳанифанинг акалари қўл қовуштириб туришарди. Ойниса уларга тўсатдан кўзи тушиб довдираб, нима қилишини билмай қолди ва Нурчикнинг қора кўзойнагини шарт олиб тақиб олди. Унинг қўлтиғидан маҳкам ушлади. Йигит уни қўлларини меҳр билан силаб пешонасидан ўпид қўйди.

Ойбек Нурбекларни кўриб қувониб кетди ва уларга пешваз чиқди.

— Хуш келибсизлар, ассалому алайкум, здравствуйте, Наташа келин.

- Ой, Айбек что ли? Поздравляем! А где молодожены?
- Сейчас придут. Пожалуйста, проходите.

Олиб келинган совға-саломлар туширила бошланди.

— Уйга ўтсак, қулф экан, — деди Нурбек акасига норози қиёфада. — Кейин тўғри келавердик.

- Ие, калит доим қүшнида турарди-ку.
- Э... Қобилинг олиб кетиб қопти-да...
- Ҳай, майли. Түйни ўтказиб кейин бораверасизлар.
- Ҳов, анави турган Рустамми?
- Ҳа, қудангиз. Иннайкейин...
- Соппа-соңға ўхшайды-ку, менга оғир дейишганди.
- Ҳа, шунақа бўлувди. Сал хотира чатоқ. Одамни танимайди.

Шундан кейин кичик Нурбек билан ҳам кучоқлашиб кўришди. Наташа билан ўлишган бўлишди. Ира хола ва русча кийинган Ойниса билан қўл бериб кўришди-да, иззат-икром билан ичкарига йўналишди. Бироқ Рустам уларга пешвоз чиқмади. Танимагани учун кўли кўксидаги тек қотиб тураверди.

— Рустам! — деб юборди Наташа. — Ты жив-здоров?

Рустам рус аёлни эслай олмай ҳайрон бўлди. Ойниса довдираб қолди ва Ира холани пинжига кириб ортига япириниб ўтиб кета бошлиди.

- Что случилось, дочка?
- ...Меня закройте, пожалуйста.
- Вот, говорят "земля круглая-а". Мы и встретились, — деди Наташа ҳайрон қараб.

Рустам бўлса барибир анграйиб тураверди. Катта Нурбек билан ўзи келиб кучоқлашиб кўришди.

- Соғайиб кетдингизми, оғайнини? Тўйга келибсиз-да а?,
- Раҳмат. Исмингиз нима эди, ака?
- Нурбекман, Олтойдан келдим. Мен ҳам Қобилинг отасиман-да, ахир.

Рустам индамади. Демак, эслай олмади.

- Ҳа, майли, тўйни ўтказайлик, яхши бўп кетасиз,
- деди Нурбек ва Наташага етиб олиб унинг қулогига Рустам хотирасини йўқотгани ҳақида шипшиди.

- Ладно. Ты же хозяин свадьбы, с ним побудь.
- Хорошо.
- А где моя подруга?
- Сейчас найдем и вас познакомлю.

Меҳмонарлар жойлапиб олишпач, Нурбек аланглаб катта Ойнисани қидира бошлади. Ниҳоят, аёллар орасида югуриб-елиб юрган бир хил кийиниб олган икки аёлга кўзи тушди. Улардан бири Ҳанифа, бири эса Ойниса эди.

Россиядан меҳмонарлар келганини эшиштган Ойниса бу ҳақида Ҳанифага шипшиди. Улар шу томонга қисиниб-қимтиниб кела бошлашди.

- Ассалому алайкум. Келинглар, хуш келибсизлар! —  
дэйишли улар бараварига ва қўл бериб кўришиша бошлашди.
- Который из них твоя жена? — деб сўради Наташа.
- Оба, — деди Нурбек ҳазил қилиб.
- Чего?! — деб қўйди аёлнинг мовий кўзлари ола-кула бўлиб.

— За то, ты самая главная и самая красивая.

Наташа «суюлма» дегандек эрининг биқинига бир туртиб қўйди. У эрининг ҳазилига чиндан ишонди. «Он когда успел, а? Кобел, несчастный» деган нохуш хаёлга борди. Шу туфайли кайфияти тушиб, тумтайиб олди.

- Вы Наташа опа, да? — деб сўради Ойниса жилмайиб.
- Вы значит вторая, а она третья, да? — дея саволга савол билан жавоб берди у шу пайтда Аня билан қучоқлашиб кўришаётган Ҳанифани кўрсатиб. Ойниса эса қандай жавоб берипни билолмай елкасини қисди. Унинг назарида ҳозир ҳаммаси аралап-қуралаш бўлиб кеттанди. Нурбек аламини ичига ютиб бир оз ерга қараб турди-да, титроқ кўлларини ароққа узатиб, очиб пиёлани тўлдириди.

— Вот такой у нас отец, — деди Наташа ва бошини чангallаб олди.

Кичик Нурбек эса парвойи-палак, ўридан туриб у ёқ, бу ёқ бориб тинмай укасини изларди. Унинг ўрнига ўтириб олан Ҳанифа тинмай қизини сўроқ-саволга тутар, она боланинг кўзларидан тирқираб ёш оқарди.

- Яхши, тўйга етиб келибсан, қизим.
- Манавилар билан келдим. Танишинг, бу Наташа опа, униси Ира хола... Познакомтесь, это моя мама, Ҳанифаҳон,
- деди Ойниса рус аёлларга онасини таништиаркан.
- Как? Получается ты и моя дочь? — деб юборди Наташа беихтиёр.
- Какая дочь? — деди катта Нурбек.
- Ты же сказал, что она третая.
- Я пощуптил, — деди Нурбек ва пиёладагини ичиб юборди.
- Да... Ой, слава богу. Я так волновалась, так испугалась...
- Почему?
- Если получится что она наша дочь, как её потом сватали бы? — деди Наташа куюниб.
- Да, ты права, извини пожалуйста, — деб кўйди эри.

Бу пайтда официант йигит уларнинг ёнига келиб қадаҳларни тўлатиб чиқаётган эди. «Опа-сингиллар» ўрниларидан туриб «Кейин гаплашамиз» деб бошқа меҳмонларга пепвуз чиқиш учун кетишиди.

Шу пайт таниқли эстрада қўшиқчилардан бири кириб келди ва «Қишлоғим» қўшигини ижро эта бошлади. Ойнисанинг кўз ўнгига берубор кечган она қишлоғи, талабалик даври, Қобилбек билан ишқий муносабатлари ва сўнгти воқеалар бир-бир ўтар эди. Кўзларидан дувиллаб ёш оқди, ўзини меҳмонлар олдида ноқулай сезиб орқа томонга чопиб чиқиб кетди-да, бир четдаги хонага кириб юм-юм йиглай бошлади.

Кўп ўтмай уни Нурчик қидириб келди.

- Сенга нима бўлди? Ким хафа қилди?
- Ҳеч ким. Отамнинг кўзига энди қандай қарайман?..

Йигит уни тушуниб рўмолчаси билан қизнинг кўз ёшларини артди.

— Қўй, хафа бўлма. Бизлар ҳам тез орада мана шунаقا тўй қиласиз. Бўлган ишларни эсдан чиқар.

— Ахир мен берухсат уйдан қочиб кетганман. Шунинг учун худо мени жазолади.

— Кел, бўлмаса бундай қиласиз. Мен ўша сени олиб қочиб кетган бўламан ва қўлингни сўраб келганимни айтаман.

Ойниса йигитининг ақллилиги ва меҳрибонлиги учун миннатдорчилик белгиси сифатида унинг кенг кўксига бошни оҳиста қўйди.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Мана кўрасан, — деди Нурчик қизнинг қора соchlарини силаб.

Шу маҳал «Ёр-ёр» қўшири бошлианди.

— Юр, кетдик. Келин-куёв келишди, шекилли. Укам бизни кўриб хурсанд бўлади. Уларни биринчи бўлиб биз табриклайлик!..

Улар чопиб кетишди. Ҳақиқатдан ҳам тўйхонага улкан миллий сўзана остида замонавий кийинган келин ва куёв

— Қобил илиа Ҳаётхон кириб келишмоқда эдилар.

Ойнисанинг қўлини маҳкам ушлаб олган Нурчик уларга пешвоз чиқди. Қобилнинг кўзларидан нур чақнагандай бўлди.

— Ака!

— Братик мой!

Ойниса эса анграйиб жойида қотиб қолди. У бу ўша Қобилбек акасининг тўйи эканини у хаёлига ҳам келтирмаганди. Келин Ҳаётхон эса улар ўртасида бўлиб ўттан ишқий драмадан хабардорлиги ва Ойнисанинг холаси бўлгани учун хижолат тортиди-да, «Ана, керак бўлса

## ЧИМИЛДИҚЛЫ ҮЙ НОЛАСИ

олаверинг, холажон» дегандек күёвни қўйиб юбориб оқ фатасини кўтарди. Ойнисанинг ҳайрати янада ошди. Нурчик унинг қўлини маҳқам қисиб олди-да, Қобилбекка қарата деди:

— Қобил, познакомся, это моя невестка. Мы оба вас поздравляем с днём свадьбы и примите наши лучшие пожелание!

Энди оғзининг очилиш навбати Қобилбекка келган эди. У нима қиласини билмай довдираб қолди.

— Хола?.. — деб сўради Ойниса ниҳоят тилга кириб.

— О-Ойниса... — дея олди келин хижолатдан бўзариб.

Шу маҳал Ҳанифа келиб қолди ва «Хой, нима қилиб турибсизлар, жойларингга ўтиринглар!» деди у келин-күёвга ва бир бегона мalla соч йигит қизининг қўлини маҳқам тутиб турганини кўриб жаҳди чиқди.

— Хой, Ойниса, бу нима қилганинг? Ким бу йигит?

— И-ҳа, ойи. Бу йигит менинг қаллигим бўлади. М-мен шу йигитни деб Россияга кетиб қолувдим.

Ҳанифанинг ҳам, Қобилбекнинг ҳам кўзлари косаларидан хиёл «ташқари» чиқиб жойига қайтгандай туюлди. Фурсатдан фойдаланиб Ҳаётхон тез куёвнинг қўлтиғидан ушлади ва кўнгли хотиржам торттани учунми энди дадил қадам босди. Ойниса бир оз каловланиб, сўнгра ўзини қўлга олди ва аранг деди:

— Сизларни табриклайман, Қобил ака, Ҳаётхон, баҳтли бўлинглар.

— Сизлар ҳам, — деди Ҳаётхон қуруқ қилиб.

Ранги қувв ўчган Қобилбек эса ҳеч нима демай келинга итоат қилди.

— Что, ты моего брата знаешь что ли?

— Да. Он учился рядом с нашим колледжом.

Ҳанифа Ойнисанинг енгини тортқилади «Сен, қани, юр-

чи бу ёқда, жа ўзбошимча бўп кеттанга ўхшайсан-а?» деди у жаҳд билан шивирлаб.

Улар четдаги буш хоналардан бирига киришди.

— Бу нима қилиқ?! Жувонмарг бўп кеттур! Сен ахир Қобил билан кетмаганимдинг?! Анави сариқ болани қаердан топдинг, шарманда!

— Бу Қобил акамнинг акаси бўларкан-ку ахир.

Ҳанифанинг боши айланиб кетди. «Тап» этиб ташлаб юборгиси келдию ўзини аяди.

— Сиз, дадам билан бу ерда нима қилиб юрибсизлар? Ахир қуда эмассизлар-ку, тушунмаяпман, — деди Ойниса ҳам ҳужумга ўтиб.

Ҳанифа нима деярини билмай бетоқат икки мартадан ўтириб яна турди. Ўқ нишонга теккан ва яна навбатдаги «отишмалар» кутилмоқда эди.

— Отанг хотирасини йўқотган, шундан хабаринг борми?

— Йўқ. Қандай қилиб?

— Ахир у сени деб аварияга учради-ку, ер юткур!

— Туппа-тузук юрибдилар-ку!

— У билан кўришдингми?

— Йўқ.

— Юр тез!

— Йўқ!

— Аҳмоқ! Юр деяпман, сени эслармикан, ҳали.

Қиз қўрқиб кетди ва онасининг ортидан шошилди. «Наҳотки отам мени танимаса?» деган ўй ўтди хаёлидан.

Улар Рустамнинг олдига келишганида катта Ойниса унинг қўлларини ушлаб туради.

— Ҳой, дадаси, юринг. Ўғлингиз билан келинингизга оқ фотиҳа берар экансиз.

— Майли, юринг, жонгинам. Бирга борамиз, — деди Рустам ва оқ сочли Ойнисанинг бурнини эркалаб қисиб қўйди. Катта Ойниса эрига маҳлиё бўлиб кичик Ойнисага қиё ҳам боқмади. Қиз анграйиб туриб қолди.

Тўй давракашининг жарангдор ва тантанавор овози янгради:

— Мана, ниҳоят, даврага куёвимизнинг дадалари Рустамбек ва оналари Ойнисахон ташриф буюрдилар. Қарсакларингиз, ўртоқлар!.. Улар ўз фарзандларига оқ фотиха бериб, даврани очиб берадилар. Марҳамат, Рустам ака, Ойнисахон опа! — дея қичқирди ўртакаш ва уларга микрофонни тутқазиб қўйди.

— Н-німа?! Тушунмадим. нималар бўляпти ўзи, ойи?! — дея қичқирди Ойниса.

— Шунача ишлар бўп кетди, қизим, — деди Ҳанифа. Унинг кўзларидан шошқатор ёшлар дувиллаб тўкилди.

Биринчи сўзни Рустам олди:

— Хуш келибсизлар. Келин-куёв худди бизлардек баҳтли бўлишсин. Ували-жували бўлишсин. Бир-бирларига садоқатли бўлишсин...

Навбатни Ойниса олди:

— Ўрлам Қобилжон, қизим Ҳаётхон. Баҳтли бўлинглар. Дард кўрманглар. Оғир-аччиқ кунларингда доимо бирга бўлинглар. Ҳижрон, айрилиқ сизлар учун ёт бўлсин. Бизнинг кўрганларимизни сизлар кўрманглар... — деди Ойниса ва кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди. — Илоҳим қўша қаринглар!

— Раҳмат опажон, акажон. Энди бу самимий тилакларингиз тасдиғи учун даврани бошлаб берасизлар. Қани, Маҳмуджон, созингизни чалинг!

Кичик Ойниса катта Ойниса билан дадасини даврада кўриб эси оғиб қолай деди. «Нималар бўляпти, ўзи? Ахир ойим... Бунга қандай чидаяптилар?» дея ўзига савол берди у. Ёнини қаради. Онаси кўринмади.

— Ойижон! Ойи, қаердасиз?! — дея тўйхона ичи ва хоналарини бир-бир қараб чиқа бошлади. Ниҳоят, уйнинг бир бурчакдаги хонадан тоғди. Ҳанифа бир ўзи юм-юм йиглаб ўтиради.

Ойниса келиб уни қучоқлаб олди.

— Нималар бўляпти, ойи? Тушунтириб беринг.  
— Гап кўп, қизим... Хуллас, Қобилжон сенинг аканг бўлиб чиқди.

— Нима?!  
— Шунинг учун ҳам тўйларингта қаршилик қилиб оёқ

тираб туриб олуудик. Ойниса дадангнинг биринчи мұхаббати экан. Шунинг учун сениям яхши кўраркан... Исмингни бекорга Ойниса қўймаган экан, қизим, — дея аёл энди ҳўнграб юборди.

— Йўр-e! — хитоб қилди қиз.

— Сизларни худо ўз паноҳида асрари. Сен шўрликнинг йўқолиб қолганингни эшитиб бир жиҳатдан хурсанд бўлдим, қизим.

— Нега?  
— Акаси билан қўшилиб қолмасин деб худонинг зорини

қилдим. Сен ўзбошимча бўлса у билан қочиб кетдинг. Даданг ортингдан машинасида кеттан эди, аварияга учради. Мен сени ўшанда қарғадим, болам, қарғадим...

— Н-нима дедингиз?

— «Ит тегса тегсин, Қобил тегмасин» дедим.

— Нима?! Нималар қип қўйдингиз, ойи?!!

— Нима қилибман? Гунохи азимга қолиб кетмайлик, деб худога илтижо қилиб ялиниб-ёлвордим-да.

— Нима қип қўйдингиз!!!

— Вой, намунча бақирасан, болам. Эшитганлар нима дейди?

— Ахир ўшанда менга ит тегди-ку!! — деди Ойниса ва чўккалаб олиб тиззаларини муштлаб, соchlарини юмдалаб ҳўнграб йиглай бошлади. Ҳанифа эса ўзидан кетиб ийқилди...

Бу синоатлардан бежабар бўлган Рустам ила Ойниса мұхаббат ҳақидаги қўшиқ осмонида сокин парвоз қилишарди. У ёқдан бу ёққа пул бериб кетишар, лекин

улар пул қоғозларига парво ҳам қилишмас, қоғозлар ҳавода муаллақ қолиб сүнгра хазонлар мисоли оёқ остига түкілар, даврада фақаттана иккаласидан бошқа ҳеч ким йүқдек эди. Нихоят, құшиқ тугагачтана түсатдан чүчиб уйғониб кеттандай бўлишди.

Давра энди ёшлар билан тўлди...

...Ойниса (кичиги) онасининг хушидан кетиб қолганини кўриб зудлик билан унга сув ичирди.

— Болам, бўлар иш бўпти энди... — деди аёл ва лаблари енгил титрай бошлади. — Нимаям қиласадик, пепонанг шўр экан-да.

— Бўлди, ўзингизни босинг, кўп гапирманг.

— Эҳтимол отангнинг хотираси йўқолиб, сени танимагани дурустдир. Бўлмаса, бу гапларни эшитса, билмадим, нима бўларди? — деди аёл ва аста ўрнидан турди ва қизини бағрига босди. — Шўрлик қизим. Энди нима қиласиз, шарманда бўламиз-ку.

— Мени энди анави йигиттга берворақолинг.

— Нима? Сенга ҳали шу текканмиди, Қобиљоннинг акаси-я?...

— Йўқ, асло, бутунлай бошқа. Унга кучим етмади, ожизалик қилдим.

— Бу йигитнинг хабари борми?

— Ҳа. Ира хола унга айтибди. Лекин у рози: «Бу иш сенинг айбингмас» деяпти.

Ҳанифа қизининг пепонасини меҳр билан силаб қўйди.

Унинг қисқа вақт ичида не синоатларни кўргани учун ичи ачиди. Кўзи қизининг билагидаги борлаб қўйилган дастрўмолга тушди.

— Нега билагингни борлаб олдинг, қизим?

Қиз бир оз жим қолди ва бўлган ишни айтиб қўя қолди.

— Ўша иш содир бўлганидан кейин мен ўз жонимга қасд қиласоқчи бўлдим. Ира хола кутқариб қолдилар. У киши мени ўз қизларида кўрадилар.

— ...Вой, нималар деяпсан, болам. Унда сени худо қайтиб берибди-ку...

Она-бала шу куйи қучоқлашиб, сирлашиб, йиглашиб ўтиришди. Агар уларни қидириб Ойниса (каттаси) кириб қолмаганида, ким билади, тунни тонгта улашган бўлармиди.

— Ҳа, икковларинг, бу ерга бекинволиб-а, нима қиляпсизлар? Ахир келди-кетдилар бўляпти. Ҳамма қариндошларни мен танимайман-ку. Рустам ака умуман...

— Бўпти, юрақол, қизим. Бўлар иш бўпти. Энди тўйхонага чиқайлик.

— Ие, бу ўша менинг исмдоп қизимми?

— Ҳа, сизниям қизингиз.

Ойнисалар илк бор қучоқлашиб кўришишди.

— Дадамни асраб қолибсиз, сизга раҳмат.

— Йўқ. Дадангизни асли мен эмас, онангиз асраб қолди.

Бундай ишни ҳар ким ҳам қилолмайди. Қобил билан ака-сингил эканингиздан хабарингиз бўлдими?

— Ҳа. Худо бир асрабди...

— Ҳафа бўлманг, қизим. Ҳаётингиз ҳали олдинда. Ҳали баҳтингиз очилиб кетади. Сизни энди билингки, икки онангиз бор. Сизга қайнона бўлолмадим, ҳақиқий она бўлдим.

— Раҳмат, ойижон.

— Юринглар энди.

— Вой, қизим тушмагур у ёқдаям ўзига яна битта оий топиб олганмиш.

— Шунақами? Нариги сариқ аёлми?

— Ҳа. Ира хола.

— Наташахоннинг ўли бунингизни севиб қолганмиш. Эртага бизникига совчи бўлиб боришармиш.

— Йўр-е, рости биланми? Нима, ўртоқ, сиз розимисиз?

— Албатта розиман.

Учовлари бирданига бир-бирларини қучоқладилар ва нурли чехра, чиройли табассум билан россиялик меҳмонлар

үтирган стол томон йўналдилар. Аёллар даврага қўшилиб бир-бирларига ўзаро ҳақиқий илтифот кўрсата бошладилар. Ҳатто меҳмонларнинг сазаси ўлмасин деб эллик-эллик ҳам олиб юбориб, кайфиятлари кўтарилиди.

Ўртакашнинг яна овози янгради.

— Эндиғи табрик учун сўз навбатини... — деди у ва ёзуvdаги сўзларни қайта-қайта ўқиб кўриб ҳайрон бўлиб,  
— Кечирасизлар, агар нотўғри айтсан тўғрилаб қўясизлар.  
...Сўз навбатини Қобилжоннинг катта ойлари Наташа опага ва кичик ойлари Ҳанифа опаларга ҳамда дадалари катта Нурбекка ва акалари кичик Нурбекка берамиз! Тўғри айтдимми?

Орқадан Ойбекнинг овози келди: «Тўғри!...».

— Марҳамат, азиз меҳмонлар. Улар Россиянинг Олтой ўлкасидан ташриф буюришган. Пожалуйста,уважаемые гости! Вам слово.

Таклиф этилганларнинг ҳаммалари келин ва куёвни қизғин муборакбод этишди. Сўнгра улар учун шўх қўшиқлардан бири ижро этилди. Улар ўйнай бошлишди. Нурчик Ҳанифанинг одига келди-да, деди:

— Мама, можно вашу дочку на танец пригласит?

Ҳанифа хурсанд бўлиб кетди ва йигитнинг елкасига қоқиб алқаб қўйди:

— Вой, мамочка деган тилларингдан ойинг айлансин. Конечно можна, — деди рақса давом этиб.

Нурбек (кичиги) чопиб бориб Ойнисани (кичигини) даврага тортди, катта Нурбек эса Ирина Петровнани маҳкам ушлади. Қаердандир Ойниса (каттаси) ва Рустамни ҳам топиб келишди. Уларнинг бир даврада эканини кўрган Қобил келинни ҳам рақсга тушишга чорлади.

Илк бор бутун бошли катта интернационал оила рақса тушишадилар. Уларнинг даврасига Қобилнинг синглиси, ва Ойнисанинг (кичиги) укалари ҳам қўшилишди.

Тўй шундай ажойиб ўтдики, тунги соат иккода ҳам ҳеч

кимнинг кеттиси келмади. Ниҳоят ҳаммалари чарчашиди.

Шундай қилиб, тўйдан сўнг иккита дада, учта ойи, икки Нурбек ва икки Ойниса билан турна қатор бўлган машиналар колоннаси одамларга зор бўлган, заҳдан нураб хор бўлган Бектепадаги евроуй томон йўл олди. Бугунча у ерда тунашадиган, эртаси эса ҳаммалари тўғри Кувага кетиб совчи бўладиганлар совчи бўлишга, қўшиладиганлар чимилдиқда киришга келишипди.

Ойниса (каттаси) шундай баҳтиёр эдики, ниҳоят бутун оиласи жамулжам бўлганидан, ўз севганига етишганидан, орзусидаги ўша фараҳбажш онлар етиб келганидан, ҳаммаси ўз изига тушиб кетаётганидан қалби қувонч ила лиммолим эди.

**Фарғона,  
2007 – 2009 йиллар**

## МУНДАРИЖА

### I ҚИСМ. АЛАМЛИ МУҲАББАТ

Муқаддима.....	3
Лаънати васият.....	6
Куёвтўра қиссаси.....	14
Рустам ўзи ким? .....	19
«Олма жанти».....	27
Қасам.....	32
Хизматдан қочиш.....	38
Қаердасан, Ойниса?!	45
Чиллалиқдан сўнг.....	54
Рустамдек кўркам йигит.....	65
Она қарғипши.....	85

### II ҚИСМ. ҚОБИЛБЕК ПУЛ ТОПАДИ

Йигитчанинг сафари.....	96
Дўзахи кор.....	101
Дўзхни тарк этиб.....	110
Ўзбекчани тушунмаган ит.....	120
Из қолдирмайдиган жиноятчилар.....	124
Ит етаклаган бола.....	133
Қобилбек пул топади.....	149
Бектепа янгиликлари.....	157
Муҳаббатнинг устуни.....	170
Келинчакка зор уй .....	180

### Ш ҚИСМ. ИЗТИРОБ ВА ИНТИХО

Тавқи лаънат таҳдиidi.....	200
Олтойга йўл.....	214
Айро тақдирлар.....	236
Қора қопли Аня.....	287
Интиҳо.....	304

**Набижон ҲОШИМОВ**

**ЧИМИЛДИКЛИ  
УЙ НОЛАСИ**

**Саргузашт роман**

Муҳаррир: С. Бадалбоева

Тех.муҳар.: Ш. Ҳошимов

Бадиий муҳар.: О. Фармонов

Мусаҳдих: И. Қўзиев

Дизайнер: Р. Тошматов

Оператор: Н. Содиқова

Теришга берилди 03.01.2012. Босишга рухсат этилди

1.06.2012. Қоғоз бичими 60x84 1/16. BaltikaUZ

гарнитурасида чоп этилди. Шартли босма табоби 20,0.

Нашр босма табоби 20,0. Адади 5000 нусха. Буюргма №35.

Нашиёт лицензияси: А1 №183. 08.12.10.

«Dizayn-Press» МЧЖ нашиёти босмахонасида чоп этилди.  
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.